

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

А.РАДЖАБОВ

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИ”

Ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазмрлиги олий ўқув юртлараро илмий
услубий бирлашмаси фаолиятини Мувафиқлаштирувчи кенгаш томонидан ўқув
қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2010й.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мақулланган Илмий тадқиқот асослари фанининг намунавий дастурига асосан ёзилган ва 5630200 – “Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш”, 5520200 – “Электроэнергетика” (сув хўжалиги), 5140900 касб таълими (Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш) бакалавр йўналишлари талабалари ҳамда 5A630202 – “Электротехник ускуналар эксплуатацияси ва техник сервиси” 5A520205 – “Электр таъми-ноти” (сув хўжалигида) магистратура мутахасисликларги бўйича тахсил олаётган магистрантларга мўлжалланган.

Ўқув қўлланмада фан ҳақида тушунча, унинг жамият ривожланишидаги ўрни, илмий тадқиқот турлари, структураси ва усуллари, илмий тадқиқотларда моделлаштириш, экспериментал тадқиқотларни режалаштириш ва таҳлили, тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш усуллари, ўлчаш техникалари ва усуллари, илмий техник ва патент маълумотларини ўрганиш тадқиқот натижаларини расмийлаштириш масалаларининг умумий томонлари ёритилган.

Ўқув қўлланмадан техника йўналишлари бўйича аспирантурада таълим олаётган ёшлар ва илмий тадқиқотлар олиб бораётган изланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи: А.Раджабов, профессор, т.ф.д.

Тақризчилар: А.Мухаммадиев -Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни муво фиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи, т.ф.д, профессор
М.Ибрагимов-Тошкент давлат аграр университети доценти, т.ф.н

УДК 63: 621.311 (07)
ББК

ISBN
А.Раджабов

Тошкент Давлат Аграр Университети – 2010

СЎЗ БОШИ

Ўқув қўлланма “Илмий тадқиқотлар асослари” фанининг Ўзбекистон Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий дастури бўйича ёзилган.

Илм-фан –жамиятни, иқтисодиётни, жумладан аграр соҳа иқтисодиётини, ривожланишини таъминловчи асосий куч хисобланади.

Қишлоқ хўжалиги энергетикаси бўйича тайёрланаётган бакалаврлар энергетик обьектлар ва электротехник ускуналарни лойихалаш, созлаш, монтаж қилиш, таъмирлаш ва эксплуатациялаш каби малакавий фаолиятлари билан бир каторда электрлаштирилган жараёнлар ва электротехнологик қурилмаларни такомиллаштириш, электр энергиясидан фойдаланишда энергия тежамкорликка эришишга оид тажрибалар, синовлар ўтказиш, унинг натижаларига статистик ишлов бериш ва илмий тахлил этиш ҳамда янгилик ва ихтиrolар яратиш бўйича таянч билимларга эга бўлишлари керак.

Магистрлар ва аспирантлар диссертация мавзулари бўйича тадқиқотлар олиб боришлири ва диссертация ишларини тайёрлашларида илмий тадқиқотлар олиб бориш усуллари, методологияси, назарий ва эксприментал тадқиқотларни режалаштириш, олиб бориш, натижаларига ишлов бериш, тахлили қилиш, тавсия ва илмий хulosалар қабул қилиш бўйича амалий кўниммаларга эга бўлишлари керак.

Давлат тилида илк бор чоп этилаётган ушбу ўқув адабиётда, юқорида қайд этилган материаллар қишлоқ хўжалиги электротехник усуналари, электротехнологик қурилмалари ва жараёнлари мисолида ёриталган. Ўқув қўлланмада шунингдек назарий тадқиқотлар методологиясини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиладиган эҳтимоллик, ишончлилик, оммавий хизмат кўрсатиш, оптималь бошқариш назариялари хакида қисқача маълумотлар келтирилган.

Ўқув қўлланма иловасида келтирилган математик статистикага оид маълумотлар ҳамда фан ва техникада кўп қўлланиладиган терминлар қисқача луғати тадқиқот олиб борувчиларга амалий ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда ушбу фанни ўқитиши жараёнида Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти доценти т.ф.н. А.Рахматов ва катта ўқитувчи Р.Ф.Юнусовларнинг ва муаллифнинг, узоқ йиллар давомида тўплаган тажрибалари ва материалларидан фойдаланилди.

Муаллиф ўқув қўлланмани ўқиб чиқиб унга тақриз бергани ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уни такомиллаштириш бўйича қимматли маслаҳатлари учун тақризчилар профессор А.Мухаммадиев ва доцент М.Ибрагимовларга, ўқув қўлланмани нашрга тайёрлашдаги техник ёрдамлари учун “Умумий техника фанлари” кафедраси аспирантлари А.Зокиров ва Н.Эшпулатовларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ўқув адабиёт бўйича камчиликларини ва истакларини мамнуният билан қабул қилишимизни маълум қиласиз ва қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент 140. Университет кўча 1 уй

Тошкент Давлат Аграр Университети

“Умумий техника фанлари” кафедраси.

КИРИШ

Тараққий этаётган жамият ва унинг хар бир аъзоси илмий техник ривожланишнинг ўсиб боришини бевосита таъсири қамровида бўлади.

Замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, саноат ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини илм-фан тараққиётининг ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигини электрилаштириш ва автоматлаштириш ҳамда соҳа энергетикаси учун тайёрланилаётган олий маълумотли бакалавр ва магистрлар электрлаштириш лойихаларини ишлаб чиқиш, технологик жараёнларни электрлаштириш ва электр ускуналарини экплуатациялаш бўйича малакавий фаолиятлари бўйича иш юритиш билан бир қаторда электрлаштирилган жараёнлар ва электротехнологик курилмаларни такомиллаштириш билан боғлиқ у ёки бу шаклдаги тадқиқотлар олиб бориш, электр энергиясидан фойдаланишда энергия тежамкорликка эришишга оид тажрибалар, синовлар ўтказиш, унинг натижаларига статистик ишлов бериш ва илмий тахлил этиш ҳамда янгилик ва ихтиrolар яратиш бўйича таянч билимларга эга бўлишлари керак. Бошқача айтганда аграр соҳа энергетикаси бўйича тайёрланаётган мутахасис ўз фаолияти давомида у ёки бу даражада энергетик қурилма ва электротехнологик ускуналарда синов тажрибалар, амалий тадқиқотлар ўтказиш усууларини билишлари ва натижалаига статистик ишлов бериш бўйича билимларни эгаллашлари ва шунингдек илм-фан ютуқларидан ижодий фойдалана олишлари зарурдир. Юқорида қайд этилган билимларни эгаллашларида, ушбу фанни ўрганишларида мазкур қўлланма ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу ўкув кулланма қуйидагиларга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

- талабалар, магистрантлар ва аспиранларни фаннинг моҳияти ва уни жамият тараққиётидаги ўрни билан таништириш;
- бўлажак бакалаврлар, магистрлар ва илм билан шуғулланувчи кадрларни илмий тадқиқотлар структураси ва асосий усуулари, шунингдек, эҳтимоллик назарияси асослари, математик моделлаштириш усуулари, ўлчаш амалиёти ҳақидаги билимларни эгаллашларига кўмаклашиш;
- экспериментал тадқиқотларни тахлил қилишга ўргатиш;
- патент изланишлари олиб бориш тартибини ўргатиш;
- илмий тадқиқотлар натижаларини расмийлаштиришга ўргатиш ва ҳоказолар;

1. Фан хақида тушунча ва уни жамият тараққиётида тутган ўрни

Фан янги билимларни яратиш, ўзлаштириш ва янги усуллар ҳамда масалаларни ечишга мақсадли йўналтирилган инсон фаолиятини қамраб олувчи мураккаб ижтимоий жамоавий воқейликдир.

Фан билимларнинг оддий алгебраик йиғиндиси (тўплами) эмас, балки тартибга солинган, тизимлаштирилган мажмуудир. Бошқача айтганда фан – билимлар тизимишар.

Фанни инсоннинг моддий дунё ва жамият хақидаги билимларимизни кенгайтиришга (бойитишга) йўналтирилган интелектуал фаолияти деб ҳам қараш мумкин.

Борлиқни (воқейликни) – чукур англаб етиш ва амалда қўллаш иккита асосий функциялардир. Бошқача айтганда, фанни, олдинги тўпланган билимлар тизими, яъни объектив борлиқни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ахборот тизими ва англаб етилган қонуниятларни амалда қўллаш системаси (тизими) деб қараш мумкин.

Фаннинг ушбу функциялари фанни объектив борлиқни англашимизга хизмат қилувчи, аввалги тўпланган билимлар ва ахборотлар ва англаб етилган қонуниятларни хаётга тадбиқи тизими сифатида қарашимизга имкон беради. Фанни ривожланиши – борлиқни англашни давом эттириш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда фойдаланиладиган илмий асосланган ечимларни (билимларни) яратишга, ўзлаштиришга тизимлаштиришга йўналтирилган инсон фаолиятидир.

Фанни ривожланиши маҳсус илмий, ўқув муассасаларда, уларнинг бўлинмаларида (кафедра, лабаратория ва хаказо.) илмий – ижодий гурухларда конструкторлик ва лойиҳа ташкилотларида амалга оширилади.

Фан бу ўзининг таркибида табиатнинг объектив қонунлари хақида доимий ривожланишдаги илмий билимлар тизими, ушбу тизимни яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган одамларнинг илмий фаолияти, жамият ва инсоният онги ва илмий фаолият юритишни таъминловчи ташкилотларни мужассамлаштирилган яхлит ижтимоий тизимни ифодалайди.

Фаннинг таркибий қисми, таърифи ва тавсифи ҳамда мухим белгилари унинг тизими характеристикасини ташкил этади (ифодалайди).

Фаннинг таркибий қисми қўйидаги учта асосий йўналишда акс эттирилади: илмий билимлар тизими, илмий фаолият ва илмий муассаса.

Илмий билимлар тизими қўйидаги белгиларга эга бўлиши керак: ҳаммабоплиги, илмий далилларни ҳақиқийлиги (текширилганлиги), воқейликларни амалга ошира олинишлиги, билимлар тизимини турғунлиги (барҳаётлилиги).

Илмий билимлар тизими қўйидагича классификацияланади:

а) билим тармоқлари бўйича: табиий фанлар, техник фанлар, жамият фанлари;

б) илмий фанлар бўйича: математика, физика, кимё, астрономия, энергетика ва хаказо;

в) илмий фаолият натижаси: нашр этиш (китоб, мақола) муаллифлик гувохномаси, патент, конструкторлик ишлама ва хаказо;

Илмий фаолият натижаси қуйидаги асосий белгилари билан ифодаланувчи янги илмий билимларни олишга, ўзлаштиришга қайта ишлашга ва системага туширишга йўналтирилган ижодий фаолият (илмий иш ёки илмий меҳнат):

- янгилиги ва ҳақиқийлиги, эҳтимоллик характеристири ва таваккаллиги (риск), илмий натижаларни ишончлилиги ва исботланишленилиги.

Илмий фаолият қуйидагича классификацияланади:

а) мақсади бўйича: назарияни ривожлантириш, янги техника ва технология яратиш, мавжуд техника ва технологияларни такомиллаштириш;

б) илмий иш турлари бўйича: фундаментал, амалий тадқиқотлар, илмий изланишлар;

в) илмий тадқиқот иши кўлами бўйича: фандаги бирор йўналиш, илмий муаммо, илмий мавзу;

г) тадқиқот услуги бўйича: назорат, экспериментал ва аралаш тадқиқотлар;

Илмий муассаса илмий ходимлар, илмий фаолият юритиш воситалари (илмий ускуна, қурилма, прибор ва хаказо), маълумот материаллари, илмий фаолият обьекти ва илмий фаолият юритиш учун керакли шарт шароитларга эга бўлиши керак.

Фан хар бир мамлакат иқтисодиётини ва жамият тараққиётини негизи ҳисобланувчи илмий техник тараққиёт ривожланишини таъминловчи интеллектуал бойлик (куч) ҳисобланади. Узоқ ўтмишда яшаб ижод қилган аждодларимиз жаҳон цивилизациясига, фанни ривожланишига катта хиссаларини қўшганликларини ёдимиизда доимо сақлашимиз керак. Қадим Туркистон эли ўзининг буюк сиймолари ва кўп қиррали ижоди билан фанни ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимиз билан хақли равишда фахрлансак арзиди.

Дунёда илк бор учта академияни Туркистонда Марказий Осиё тупроғида ташкил этилиши бунинг ёрқин исботидир. Хоразмда маъмун академиясини фаолият кўрсатгани, Камолиддин Беҳзод раҳномолик қилган тасвирий санъат академияси, коинот сирларини илк бор юқори аниқликда тасвирлай олган Мирзо Улуғбек обсерваторияси ва бошқа илм-фан сирларини очиб берган кўплаб буюк сиймоларни санаб ўтиш мумкин.

Бизга Ньютон номи билан аталиб ўргатилган математикадаги сонлар биноми, аслида бобомиз Ал-Хоразмий қаламига мансуб экан.

Ал Беруний бобомиз техника соҳасида ўз даврининг йирик олимни ҳисобланган.

Ал Фарғоний кашф этган сувни юқорига кўтариб бериш ва уни сатхини ўлчаш прибори бугунги кунда ҳам Ҳиндистон ҳалқига Ниль дарёсида сув сатхини кузатиб боришда юқори аниқликдаги ўлчов асбоблардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг шогирдлари билан биргаликда яратган коинотни ўрганиш қурилмаси ва уни ёрдамида ҳисобланган қуёш системасидаги сайдералар харакати жадвали бугунги кунда ҳам юқори аниқликдаги астрономик маълумот ҳисобланади. XIX – XX асрларда фанни техника

соҳасида кўплаб Ўзбекистон олимлари илмий изланишлар олиб борган ва уни ривожланишига улкан хиссаларини қўшган. Геология соҳасида жаҳондаги кўплаб мамлакатлар академиялари фахрий академиги Хабиб Абдуллаев ерни олтин белбоғини яни ер шарини олтин захиралари харитасини тузган олимдир.

Хамид Рахматулин - узоқ йиллар М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида фаолият юритган. Парашют назариясини яратган олимдир.

Гофур Рахимов - энергетика соҳасида ночизиқли электр занжирларни хисоблаш методикасини яратган энергетик олимдир.

Хосил Фозилов – академик, электр энергиясини узатиш тармоқларини хисоблаш методикасини яратган энергетик олимдир.

Музаффар Хомудхонов – академик, асинхрон маторларни бошқаришни частотавий ростлаш усулини яратган энергетик олимдир.


Мамлакатимизда фан ва унинг ривожланишини давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини муҳимлиги давлат томонидан уни қўллаб кувватланишига катта эътибор бериб келинмоқда.

Фан тизими характеристикасида қайд этилган учта таркибий қисмдан бири, илмий муассасаларда ва жамоаларда олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштириш, 2006 йил 7 августдаги ПП-436 сонли „Фан ва технологияларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни такоммилаштириш чора тадбирлари тўғрисида,,ги Президент Фармонига асосан ташкил этилган Республика Вазирлар Мажхамаси қошидаги **Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси** томонидан амалга оширилади (1.1-расм).

Ушбу қўмита вазифаларига қўйидагилар киради:

- Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва бошқа вазирлик хамда идоралар билан биргаликда жаҳон илми ютуқларини, мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий, жамоатчилик – сиёсий ривожланиши вазифаларини хисобга олган холда фан ва технологияларни ривожлантиришни устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Фан ва технологияларни ривожлантиришни устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси, вазирликлар ва идоралар илмий – тадқиқот институтлар, корхоналар, лойиха конструкторлик ташкилотлар, олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- Илмий – техник дастурлар ва лойихаларни амалга оширилиши шунингдек илмий – тадқиқот ишлар натижаларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида, ишлаб чиқаришда, таълимда фойдаланишни самарали мониторингини ташкил қилиш;
- Ўзаро манфаатли халқаро илмий техник хамкорликни ривожлантириш, мамлакатда илмий соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш, республика илмий ташкилотлари, олимлари ва мутахассисларини халқаро дастурлар ва илмий хойихалар танловларда фаол қатнашишларига имкон яратиш;

Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш ва бошқариш объектлари



1.1-расм. Ўзбекистонда фан ва технологияларни ривожланишини мувофиқлаштиришни намунавий тизими.

Фундаментал тадқиқотлар дастурлари рўйхати:

- 1Ф.**Математика, механика ва информатика;
- 2Ф.**Физика ва астрономия;
- 3Ф.**Химия, биология ва медицина;
- 4Ф.**Қишлоқ хўжалиги;
- 5Ф.**Машинасозлик ва энергетика;
- 6Ф.**Ер тўғрисидаги фанлар;
- 7Ф.**Бозор иқтисодиёти, давлат ва хукуқ назарияси;
- 8Ф.**Ижтимоий – гуманитар фанлар.

Бозор иқтисодиёти қонун қоидалари талабларига асосан, бугунги кунда илмий тадқиқот ишлари юридик субъектлар ва жисмоний шахслар, давлат ва нодавлат ташкилотлар (муассасалар) илмий ижодий гурӯҳлар, лойихалаш ва конструкторлик корхоналарда олиб борилмоқда.

Бугунги кундаги жаҳон цивилизацияси, техника ва технологиялар соҳасидаги эришилган улкан янгиликлар илм-фан тараққиёти маҳсулидир.

Мамлакатимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланишида илмий-техник тараққиёт муҳим аҳамиятга эга. Фан ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиши ва ўсиши натижасида юзага келган илмий-техник тараққиёт фан ва техника ва ишлаб чиқаришдан таркиб топган мураккаб динамик система хисобланади. Ушбу системада фан ғоялар генератори вазифасини бажарса, техника уларни моддий тадбифи, ишлаб чиқариш эса техникани фаолият юритиш соҳаси вазифасини бажаради. Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланганлиги, кенг қамровлилиги ва оммавийлиги, турли фанларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигига ва бир-бирига таъсирчанлиги, илмий тадқиқотга ва унинг объектга системали ёндашув услублар қўлланилиши кабилар фаннинг бугунги кундаги характерли томонлари хисобланади.

2. Илмий тадқиқот турлари ва уни олиб боришни асосий усуллари.

2.1. Илмий тадқиқотларни (классификацияланиши) турлари, структураси ва босқичлари.

Илмий тадқиқот (изланиш) учта таркибий қисм: инсоннинг мақсадли фаолияти, илмий меҳнат предмети ва илмий меҳнат воситаларидан иборатdir.

Инсонни мақсадли илмий фаолияти тадқиқот обьекти ҳақида (бўйича) янги билимларга ёки обьект ҳақидаги (бўйича) мавжуд билимларни тўлдиришга эришишда англаб етишни билишни аниқ усулларидан ва илмий ускуналардан (ўлчов, хисоблаш техникалари) меҳнат воситаларидан фойдаланишга таянади.

Илмий меҳнат предмети тадқиқотининг фаолияти йўналтирилган тадқиқот обьекти ва у ҳақидаги (олдинги) бугунгача бўлган билимлар. Тадқиқот обьектига моддий дунёning хар қандай материали (электротехник ускуналар, электриллаштирилган қурилмалар, машина ва механизмлар), жараёнлар (технологик, энергетик, агротехник, электромагнит, моддий материаллар элементлари ва ҳаказолар) киради.

Илмий тадқиқотлар, кўзланган мақсади, табиат ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқлик даражаси, илмий ишнинг характеристи ва чукурлигига (қамровига) қараб фундаментал, амалий ва ишланмаларга бўлинади.


Фундаментал тадқиқотлар принципиал янги билимларни (яратиш) барпо этиш ва олдинда мавжуд билимлар системасини ривожлантиришга қаратилади ва ундан мақсад табиатни янги қонунларини яратиш (кашф этиш) воқейликлар орасидаги боғлиқликларни очиб бериш ва янги назоратлар яратишдир. (Масалан: электромагнит майдон назарияси агроинженерияда ресурслар тежамкорлиги илмий – методологиясини яратиш, энергияни муҳитда харакатланиши қонунини ва ҳакозолар).

Амалий тадқиқотлар техника соҳасида янги ишлаб чиқариш воситаларини, истеъмол маҳсулотларини ва ҳакозоларни яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, уни мақсади фундаментал тадқиқотларда тўпланган илмий омилларни амалий тадқиқотлар орқали ўз ўрнига қўйишдир. (Масалан: уруғлик маҳсулотларни саралаш электротехнологияси ва техникасини яратиш, энергия тежамкор мева қуритиш техникасини яратиш, асинхрон моторларни қувват коэффициентини ($\cos \phi$) ошириш тезник воситасини ишлаб чиқиш ва ҳакозолар).

Ишланмалар ёки лойиха- конструкторлик ишлари (лки) амалий тадқиқотлар натижаларини (масалан техника соҳасида) техник ечимларни (машина, қурилма, материал, маҳсулот) ишлаб чиқариш технологияларини тажриба нусхаларини яратиш ва синааб кўриш, янгиликларни такомиллаштиришда фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотнинг якуний қисмидир. (Масалан: электр майдони ёрдамида уруғлик донларни саралаш технологиясини амалга ошириувчи техник қурилмани яратиш, диэлектрик дон қуритиш усулни амалга ошириш техник қурилмасини ишлаб чиқиш,

ичимлик сувга импульсли ишлов бериш электр қурилмани тажриба нусхасини ишлаб чиқиш ва хакозолар).

Юқоридаги илмий – тадқиқотлар классификацияси ва уларни чегараланиши кўпчилик холларда шартли бўлсада, уларни фаннинг муайян бир соҳасига тегишилиги бирлаштириб туради. (2.1-расм).




2.1-расм. Илмий тадқиқотларнинг асосий турлари фан ва ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқлик схемаси. /2-бўйича/

2.1-расмда келтирилган схемада лойихалаш ва ўзлаштириш босқичлари бир вақтнинг ўзида фан ва техника соҳаларига тегишили ҳисобланади. Шунингдек фундаментал тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш оралиғида ўзаро боғланган босқичлар: амалий тадқиқотлар - ишланма - лойиха жойлашган.

Илмий тадқиқотлар структураси. Илмий изланишлар (тадқиқотлар) – объектив борлиқни, қонуниятлари ва реал дунё воқейликлари орасида боғлиқликни англаб етиш – билиш жараёнидир.

Билиш – илмий изланишлар (тадқиқотлар) ёрдамида амалга ошириладиган билмасликдан билимга, чала ёки ноаниқ билимлардан тўлароқ ва аник билимларга инсон онгги ва таффаккури йўналтирилган мураккаб жараёндир. Илмий тидқиқотлар босқичма – босқич амалга оширилади ва техника йўналишида кўпгина холатларда 2.2 – расмда келтирилган структурага монан кетма - кетликда ташкил этилади. Илмий тадқиқотлар олиб боришни хар бир босқичида илмий муаммони (масалани) умумий ечими билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилади. Илмий тадқиқотни биринчи босқичи нафақат тадқиқот олиб бориладиган муаммо ёки масалани

шакллантирилади, балки ишни муваффақиятли якуни кўп томонлама боғлиқ бўлган илмий тадқиқот вазифалари ҳам аниқ шакллантирилади.



2.2 – расм. Илмий тадқиқот структураси. /2 - бўйича/

Илмий муаммони (масалани) шакллантиришга тадқиқот олиб борилаётган муаммо ёки масалага ўхшаш масалаларнинг ечимларини техник ва назарий усуллари ва воситалари, ҳамда турдош соҳалардаги тадқиқот натижалари хақида маълумотлар йиғиш ва тахлил этиш каби мухим илмлар киради. Шуни таъкидлаш лозимки маълумотлар йиғиш ва улардан масалани ечишда фойдаланиш тадқиқот ишлари тугагунгача ҳам давом этиши мумкин.

Илмий муаммони (масалани) ечишнинг бирламчи гипотезасини илгари суриш ва асослаш аксарият холларда илмий тадқиқотнинг биринчи босқичида белгиланган илмий масалалар ва тадқиқот мавзусига оид тўпланган ахборотларни тахлили асосида шакллантирилади. Муаммони ёки илмий масалани ечишга эришиш бўйича шакллантирилган бир неча бирламчи гипотезалар орасида энг мақбули танлаб олинади. Бирламчи илмий гипотезани ишончлилигини аниқлаш мақсадида айрим холларда бирламчи экспертиза яни тажрибалар ўtkазиш зарурияти ҳам туғилади. Илмий тадқиқотларнинг назарий изланишлар босқичида фундаментал фанларда

олинган қонуниятларнинг тадқиқот обьектига боғлаб анализ ва синтез қилиш ва шунингдек математик аппаратлардан, назарий электротехника ва бошқа назарий билимлардан фойдаланиб хозиргача маълум бўлмаган янги қонуниятларни очишга эришиш кўзда тутилади.

Назарий тадқиқот қабул қилинган илмий гипотезани аналитик ривожлантиради ва тадқиқот олиб борилаётган илмий муаммонинг назариясини яратилишига олиб келиши керак. Бошқача айтганда билимлар тизимини тадқиқот олиб борилаётган муаммо доирасида илмий умумлаштиришдир. Яратилган ушбу назария изланишлар олиб борилаётган муаммога оид воқейлик ва фактларни олдиндан белгилаб (продоказать) ва тушинтириб бера олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Экспериментал тадқиқотлар - илмий асосида қўйилган тажрибадир. Экспериментал тадқиқотлардан кўзланган мақсад илмий муаммони (масалани) ечимини тўғрилигини текшириб кўриш бўлиб унинг натижасини тасдиқлаши ёки инкор этиши мумкин. Тадқиқот олиб борилаётган обьект (муаммо ёки масала) бўйича фундаментал изланишлар олиб борилмаган ёки назарий асослари етарли бўлмаган холларда экспериментал тадқиқотлар натижалари муаммони назарий ечимларини шакллантиришга (топишга) асос яратади.

Илмий тадқиқотнинг навбатдаги босқичи экспериментал на назарий тадқиқотлар натижаларини солиштириб (такқослаб) кўриб уларни бир бирига мос келиши (тўғри келиши) ҳақида, ҳамда илгари сурилган илмий гипотезани тасдиқлаши ҳақида узул кесил хulosса қилинади. Айрим холларда натижалар бир биридан анча фарқ қилса ёки умуман тўғри келмаса илмий гипотезага ўзгартириш киритиш ёки гипотезани инкор этишга тўғри келади.

Тадқиқот натижаларига якун ясаш, олинган натижалар тадқиқот мақсад ва вазифаларига тўла жавоб бериши ҳамда умумий хulosса ва тавсияларни шакллантириш илмий изланишнинг якуний босқич вазифаларига киради.

Техника соҳасида, жумладан, энергетика соҳасида тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш (амалда тадбиқ этиш) босқичи ҳам кўзда тутилади. Бунда тадқиқот натижаларини ёки технологик ва конструкторлик ишланмаларни истеъмолчига етказиш ишлари амалга оширилади.

Илмий тадқиқот турлари муайян бир кетма-кетликда босқичма-босқич амалга оширилади. **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:**

1-босқич. *Танланган мавзунинг долзарблигини асослаш ва ифода этиши:* - бўлажак тадқиқотларга тааллуқли муаммолар билан мамлакат ва хорижий адабий манбалар бўйича танишиш, унинг долзарблигини асослаш;

- муаммолар бўйича тадқиқотларнинг муҳим йўналишларини белгилаш ва таснифлаш;
- мавзуни ифодалаш ва тадқиқот аннотациясини тузиш;
- техникавий топшириқни ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) умумий календар режасини тузиш;
- кутилаётган иқтисодий ёки бошқа фойдали самарани олдиндан белгилаш.

2-босқич. *Тадқиқотнинг мақсади ва вазифасини ифодалай:*

- мамлакат ва хорижий нашрлар библиографик рўйхатини танлаш ва тузиш (монография, дарслеклар, мақолалар, патентлар, кашфиётлар ва б.), шунингдек, танланган мавзу бўйича илмий-техникавий ҳисобот тузиш;
- мавзу бўйича манбалар ва рефератлар аннотациясини тузиш;
- мавзу бўйича масалаларнинг аҳволини таҳлил қилиш;
- тадқиқот мақсад ва вазифаларининг баёнини тузиш.

3-босқич. *Назарий тадқиқотлар:* - объект ва тадқиқот предметини танлаш, физик моҳиятини ўрганиш ва тадқиқот топшириғи асосида ишчи фаразни шакллантириш;

- ишчи фаразга мувофиқ моделни аниқлаш ва уни тадқиқ этиш;
- тадқиқ этилаётган муаммо назариясини ишлаб чиқиш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.

4-босқич. *Экспериментал тадқиқотлар* (тасдиқлаш, тўғрилаш ёки назарий тадқиқотларни инкор этиш учун):

- экспериментал тадқиқотлар мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- экспериментни режалаштириш ва уни ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш;
- экспериментал қурилмаларни ва экспериментнинг бошқа воситаларини яратиш;
- ўлчов усулларини асослаш ва танлаш;
- экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқиш.

5-босқич. *Илмий тадқиқотларни таҳлил қилиши ва расмийлаштириши:*

- назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини таққослаш, улар фарқларини таҳлил қилиш;
- тадқиқот обьекти назарий моделини аниқлаштириш ва хulosалар;
- ишчи фаразни назарияга ёки унинг раддига айлантириш;
- илмий ва ишлаб чиқариш хulosаларини шакллантириш, тадқиқот натижаларини баҳолаш;
- илмий-техникавий ҳисобот тузиш ва уни рецензия қилдириш.

6-босқич. *Жорий этиши ва иқтисодий самарадорлик:*

- тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- иқтисодий самарани белгилаш.

Ишланмаларни, лойиҳа конструкторлик ишларини (ЛКИ) бажариш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади.

1-босқич. Долзарбликни асослаш ва мавзуни шакллантириш, ТКИнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш (ИТИ 1-, 2-босқичларида ишлар бажарилади).

2-босқич. *Техникавий топшириқ ва таклиф:*

- экспериментал намунани лойиҳалашда техникавий топшириқни ишлаб чиқиш;
- техниквий-иктисодий асос;
- патентга лойиқликни текшириш.

3-босқич. *Техникавий лойиҳалаш:*

- техникавий лойиҳалар талқинларини ишлаб чиқиш ва самаралироғини танлаш;

- айрим қисм ва блокларни ишончлилик кўрсаткичларини текшириш учун яратиш;
- техникавий даража ва сифатни белгилаш, техникавий-иктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- техникавий лойиҳани келишиб олиш.

4-босқич. Ишчи лойиҳалаш:

- ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш;
- зарур конструкторлик ҳужжатларини тайёрлаш.

5-босқич. Тажрибавий намуна тайёрлаш:

- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш: технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, қурилмаларни, кесувчи ва қўшимча асбоб-ускуналарни лойиҳалаш ва тайёрлаш;
- тажрибавий намуна деталлари, қисмлари ва блокларини тайёрлаш, уларни йиғиш;
- тажрибавий намунани апробация қилиш, меъёрига етказиш ва созлаш;
- стенда ва ишлаб чиқаришда синаш.

6-босқич. Тажрибавий намунани меъёрига етказиши:

- тажрибавий намунанинг қисмлари, блоклари ва уни тўла равища синовдан кейин ишлашини таҳлил қилиш;
- ишончлилик талабларига жавоб бермайдиган айрим қисмлар, блоклар ва деталларни алмаштириш.

7-босқич. Давлат синови: - тажрибавий намунани давлат синовига топшириш; - давлат синовини ўтказиш ва сертификациялаш.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотлар қандай мақсадга қаратилганлиги ва илмий чуқурлиги бўйича уч асосий турга таснифланади: фундаментал (назарий), амалий ва тажриба, конструкторлик ишланмалари. Фундаментал ва амалий ИТИ ларнинг бажарилиш жараёни олти асосий босқични ўз ичига олади, тажриба конструкгфорлик ишланмалари эса – етти босқични. Илмий тадқиқотнинг барча турлари жорий этиш билан якунланади.

2.2 Илмий техник муаммо (масала), уни аниқлаш, ўрганиш ва ечими бўйича илмий гипотезани шакллантириш.

Илмий муаммо - хал қилиниши талаб этилаётган назарий ва амалий масала бўлиб усиз илмий тадқиқот ишларини бажариб бўлмайди.

Техника йўналишида илмий муаммолар, ишлаб чиқариш техник воситалари ва жараёнларини у ёки бу жихатдан маълум талабларга жавоб бермаётганидан энергия ва бошқа ресурсларни сарфларининг юқорилиги туфайли юзага келадиган ва ечими жамият тараққиётида зарур бўлган масалалардан иборатdir. Илмий муаммолар фанда олдинги эришилган натижалар орасидан ўсиб чиқади. Масалан. Электр моторларни яратилиши кўплаб фундаментал, амалий ва ишланмалар натижалари билан боғлиқ бўлиб ундан фойдаланиш жараёнида турли хил факторлар таъсирида уларни бузилмасдан ишлаш муддати балгиланган муддатдан анча паст бўлиб келаётгани уларни эксплуатацион ишончлилигини ошириш муаммосини келтириб чиқаради. Юзага келган илмий муаммоларни ечимини топишида

янги билимлар керак бўлади ва бунга эса илмий изланишлар натижасида эришилади. Хар қандай илмий муаммо иккита узвий боғланган элементни ўзида мужассам қиласди: биринчиси, биз ниманидир билишимиз (воқейлик, жараён, энергетик курилма ва хаказолар) улар ҳақида объектив билимга эга бўлишимиз, иккинчиси, янги қонуниятлар ёки олдинги олинган билимларни амалда қўллашни принципиал янги усулини яратиш имконияти ҳақида фаразга эга бўлишимиз керак.

Илмий муаммони қўйиш - муаммони излаш, муаммони қўйиш ва ривожлантириш (кенгайтириш) босқичларини ўз ичига олади.

Муаммони излаш - илмий муаммони юзага келиши ижтимоий, иқтисодий ва техник асослар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ижтимоий асосга эга бўлган энергетик муаммо сифатида экологик тоза энергия ишлаб чиқариш, мұхитни ифлослантирмайдиган ички ёнув двигателини яратиш билан боғлиқ муаммони мисол қилиб олишимиз мумкин. Айрим муаммолар унчалик равshan бўлмасада, шубҳасиз бўлиб, йирик илмий техник муаммолар сирасига киради. Масалан ўта юқори ўтказувчанликка эга электр энергиясини узатиш тармоғини яратиш ёки бўлмаса қуёш энергиясидан электр энергияси олиш самарасини ошириш ва хаказолар. Ушбу йирик илмий техник муаммолар таркибига кўплаб майда муаммолар кириб кетади. Амалдаги натижалар кутилган кўрсаткичлардан кескин фарқ қилиши натижасида муаммолар юзага келиши кўп учрайдиган холдир. Масалан: назарий ва амалий билимлар асосида аниқ ва мукаммал бажарилган ҳисоблар бўйича яратилган электротехник қурилма ёки ускуна, улардан муайян бир шароитда фойдаланиш давомида тез – тез ишдан чиқиб туриши, қурилма ёки ускунани паспортида белгиланган энергетик кўрсаткичларни амалдагидан фарқ қилиши ва хакозолар. Электротехник ускуналарни техник ишончлилигини, эксплуатацион самарадорлигини ўрганиш билан боғлиқ, зарурият электротехник ускуналар ва электротехник қурилмаларни эксплуатацион ишончлилигини ошириш муаммосини юзага келтиради.

Илмий муаммоларни излаш ва шакллантиришда уларни ечиш учун ўйлаб қўйилган тадқиқотлардан кутилаётган натижаларни амалиёт эҳтиёжлари (талаблари) билан ўзаро муносабати қўйидаги учта принципга мос келиши мухимdir:

- белгилаб олинган йўналишда, ушбу муаммони ечимисиз техникани келажакда ривожланиш имкони борми?
- кўзда тутилган тадқиқотлар натижаси техника соҳасига аниқ нима беради?
- белгиланган илмий муаммо бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар натижасида олиниши кўзда тутилаётган билимлар янги қонуниятлар, янги усул, технология ва техник қурилмалар бугунги кундаги фан ва техникадаги мавжудларига қараганда (нисбатан) катта амалий ахамиятга эгами?

Муаммони қўйиш (шакллантириш). Илмий муаммони излаш ва танлаш инсоннинг илмий тафаккури ва амалий фаолиятидаги энг мураккаб ва хали ўрганилмаган ва маълум бўлмаган билимларни излаб топишдек бири иккинчисини инкор қиласди жараёндир.

Муаммони тўғри шакллантирилиши ва уни қўйилиши, тадқиқотдан кўзланган мақсад, тадқиқот обьекти ва тадқиқотлар олиб бориш

чегараларини белгилаб олиниши қанчалик мукаммал амалга оширилганлиги, илмий тадқиқот натижаларига эришишда мухим ўрин тутади. Ушбу масала яъни муаммони қўйиш аксарият холларда хар бир тадқиқот мавзуси учун индивидуал ёндашув асосида хал этилади.

Шу билан бирга маълум умумийликка эга қуйидаги қоидалар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш лозим:

- илмий муаммога оид фан ва техниканинг энг охирги ютуқларини яхши билиши ва илгаридан ечими маълум муаммони қўймаслик, бошқача айтганда муаммога оид маълум билимларни номаълумларидан аниқ чегаралаш;

- олиб бориладиган талқиқотлар чегараси ва тадқиқот объектини аниқ белгилаб олиш;

- илмий муаммони ечиш усулларини аниқлаш яъни муаммони турини (илмий назорат, амалий, маҳсус, комплекс) тадқиқот олиб бориш методикасини аниқлаш;

Муаммони кенгайтириш, қўшимча ечимлар билан тўлдириш. Муаммони ечилиши давомида, қўшимча яъни бош муаммони ечимни тўлдирувчи тадқиқотлар олиб бориш зарурияти туғилиши мумкин. Масалан электр энергиясидан самарали фойдаланиш муаммосини ечиш ушбу бош муаммо бошқа кўплаб муаммоларни ечиш заруриятини вужудга келтиради. Электр ускуналарни эксплуатацион ишончлилиги ошириш, ноананавий энергия манбаъларидан фойдаланиш, энергия тежамкор электротехнологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва хоказолар бош муаммо – электр энергиясидан фойдаланиш муаммосини кенгайиши ва тўлдирилишини, бойитилишини таъминлайди.

Электр ускуналарнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш масаласи ечимида эришиш эса ўз навбатида ушбу масала ичидан бир қанча йўналишдаги ечимларга эришиш бўйича тадқиқотлар ўтказишни тақазо этади. Масалан, электр ускуналарни анормал режимдан химоялаш воситаларини ишлаб чиқиш (яратиш), техник сервис кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, электротехник ускуналарни конструктив такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Материалларни ўрганиш. Хар қандай илмий тадқиқот ишлари олдинги тадқиқот тажрибалари, тадқиқот материалларини ва илмий изланиш олиб борилаётган соҳага яқин соҳалардаги тадқиқотлар материалларини ўраниш ва тахлилидан бошланади. Тадқиқот мавзуси доирасида ўзидан олдинги олиб борилган тадқиқотлар натижасидан хабардор бўлмаган изланувчи кўп холларда аллақачон ечимга эга муаммо ёки масалага беҳуда куч ва вақтини сарфлайди. ***Тадқиқот мавзусига оид материалларни ўрганишини иккита босқичга бўлиши мумкин:***

Биринчи босқич. Маълумотлар манбаъларини аниқлаш. Бу босқичда тадқиқот мавзусига оид йўналишда чоп этилган илмий асарлар (монографиялар), брашюралар, журналларда чоп этилган мақолалар диссертация ишлари ва уларнинг авторефератлари, рефератив журналлар, илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар интернет сайтларида келтирилган маълумотлар билан танишиб чиқилади.

Танишиб чиқилган маълумотлар манбаълари ва уларда тадқиқот мавзусига оид масалалар бўйича эришилган ечимлар бирламчи маълумотлар карточкаси туширилиб маълумотлар картотекаси шакллантирилади. (2.3 - расм).

Прищеп Л.Г. Кишлок хужалиги ишлаб чиқаришида электр двигателларнинг эксплуатацион ишончлилиги Журнал. Механизация и электрофикация с/х. 1985г. №3. с.36-37	Электр маторларнинг бузилмасдан ишлаш давомийлигига таъсир этувчи омиллар ва статор чулгамларини носоз холга келиб колиш сабаблари келтирилган Электр двигателларни ортиқча юкламадан химоялаш воситаси ва кишлок хужалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган электр ускуналарга техник сервис курсатишни ташкил этиш буйича тавсиялар берилган
a)	б)

2.3-расм. Бирламчи маълумотлар карточкаси.

а) юза қисми.

б) орқа қисми.

Иккинчи босқич. Бу босқичда тўпланган маълумотлар манбаълари ўрганиб чиқилади ва улар тахлил қилинади.


Хар бир маълумот манбаида келтирилган маълумотлар ва ечилган масалалар билан олдин танишиб қараб чиқилади ва улар сиз олиб бораётган тадқиқот мавзусига яқин бўлса уни ўқиб чиқиб чуқур тахлил қилинади.

Ахборот манбаълари билан танишиб чиқиб (қараб чиқиб) жараёнида ундаги келтирилган аннотация, мундарижадаги бандларни номланишидан уни сиз олиб бораётган тадқиқотлар билан қай даражада яқинлиги ҳақида маълум бир холосага келинади. Танишиб чиқилган маълумотлар манбаида ечилган муаммо ёки масала сиз олиб бораётган тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ бўлмаса бундай ҳолда ушбу манба ундаги ёритилган масалалар ҳақида қисқача холоса шакллантирилиб ундан зарур бўлганда фойдаланиш учун конспектъ тузиб қўйилади.

Ўрганиб чиқиши жараёнида келтирилган материаллар тадқиқот мавзусига оид бўлса уни чуқур ўрганиб чиқилади ва натижалари қўйидаги тартибда қисқача ёзиб олинади. (2.4 - расм).

Тадқиқот мавзусига оид сиздан олдин олиб борилган илмий изланишлар қайд этилган маълумотлар (ахборотлар) манбаъларини ўқиб ўрганиб чиқиши натижалари схема бўйича (2.4 - расм) қайд этилиши ва қўйидаги тартибда танқидий тахлили амалга оширилиши лозим:

- тадқиқот олиб борилаётган йўналишда фанни эришган ютуқларини қайд этиш;
- тадқиқот олиб борилаётган соҳадаги илфор усуллар, оригинал ғояларни аниқлаш;



2.4 - расм. Маълумотлар манбанин ўқиб ўрганиб чиқиши натижаларини қайд этиш схемаси.

- илмий тадқиқот мавзусига оид муаммони (масалани) ечими бўйича олдин олиб борилган тадқиқотлар камчиликларини кўрсатиш;
- тадқиқот мавзусига оид изланишлар олиб боришни кейинги босқичларини белгилаш;

Тадқиқот мавзусига оид изланишларни танқидий тахлили, айниқса аниқланган камчиликлар асослар ва аниқ далилларга суюнган холда амалга оширилиши ва ундаги камчиликлар (тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаганлиги, услублари эскирганлиги, ўлчов приборларини етарли аниқлик кўрсаткичига эга эмаслиги ва хоказолар) аниқ кўрсатилиши керак.

Тадқиқот мавзусига оид ва унга турдош соҳаларда олиб борилган олдинги илмий изланишлар натижалари ўрганилган манбаъларда кўзланган мақсадга эришишни таъминловчи факторларнинг мухимлиги ва салмоғини баҳолашда муаллифлар фикр ва хуносалари бир хил бўлмаган холларда фикрларни ўзаро тўғри келиши (ранговий) даражавий корреляция усулида математик тахлили ўтказилади. Тахлил натижаси асосида белгиларни (аломатларни) мухимлиги хақидаги фикрлар (мувофиқлик) даражаси қиймати (катталиги) аниқланади ва бу катталик **конкордация коэффициенти** деб аталади.

Барча ўрганилган манбаъларда муаллифлар томонидан факторларни мухимлиги ва салмоғини баҳоланиши тўла ўзаро тўғри келса конкордация коэффициенти 1 га teng бўлади.

Маълумотлар манбаъларида келтирилган белгилар ранги (даражаси) йиғиндиси қанча кичик бўлса ушбу белги қўпроқ мухим эканлигини кўрсатади. Илмий тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ишчи гипотезани шакллантириш, ишлаб чиқишидир.

Ишчи гипотеза. Фан ва техникадаги мавжуд билимлар танланган йўналишда янги муаммони қўйиш (белгилаш) ёки хали ечилмаган масалаларни кўрсатиб бериш учун етарли бўлсада уларни ечиш учун етарли эмас. Юзага келган янги илмий муаммони ечиш учун янги илмий билимлар, янги далиллар керак бўлади. Тадқиқот ўтказилаётган муаммога (мавзуга) оид тўпланган далиллар илмий изланиш олиб боришда мухим аҳамиятга эга бўлсада улар ўз ўзидан илмий тараққиётни ташкил қилмайди ва улар муаммони ечимида эришиш бўйича маълум бир таклифларни яъни гипотезаларни илгари суришга керак бўлади.

Ишчи гипотеза - кузатилаётган далилларни келиб чиқиши сабаблари эҳтимоли ҳақида ёки бўлмаса воқейлик ва жараёнларни назарда тутилаётган

(кўзда тутилаётган) ривожланиш ҳақида тадқиқотчи томонидан илгари сурилган асосланган тахмин (башорат).

Ишчи гипотезада тадқиқот обьекти (воқейлик, жараён ва хаказо) бўйича мавжуд билимлар доирасидан кенгроқ мазмунда шакллантирилади, янги илмий натижаларни излашга асос бўлиб хизмат қилувчи эхтимоллик характерига эга янги ғоялар илгари сурилади. Фаннинг ривожланиши шакли сифатида гипотезанинг мохияти ва баҳоси ҳам ана шундадир. Гипотеза бу шундай фараз ёки тахминки (башоратки) биринчидан у фаннинг ушбу соҳасидаги (масалан энергетика, техника, термодинамика ва бошқа соҳалар) илмий асосда белгиланган фаразлар ва қонуниятларга зид бўлмаслиги керак, иккинчидан қилинган фараз ёки тахминни ҳаққонийлиги (чинлиги) эхтимоллигига асосланган ёки асослаш мумкин бўлиши керак.

Агарда илгари сурилган гипотеза (фараз ёки тахмин) амалда тўла ўз ўрнини эгаллаган илмий (положенияларга) зид бўлиб чиқса уни илмий гипотезалар қаторига киритиб бўлмайди. Бунга мисол қилиб доимий двигатель яратиш эхтимоллиги энергияни сақланиш қонунига зидлиги ва бу фаразни – илмий гипотеза деб қабул қилиб бўлмайди.

Ишчи гипотезадан талаб қилинадиган минимал талаб тадқиқот олиб борилаётган обьектдаги жараённи ёки вақтни кечишига таъсир этувчи шартлар, таъсир этувчи қўрсаткичларни белгилаб беради.

Максимал талаб эса, тадқиқот олиб борилаётган обьектда жараён ёки вақейликни кечишини тўла ёки унга яқин даражадаги эхтимоллиқда очиб беради, унга назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида ишчи гипотезани исботлаш йўли билан эришилади. Асосланган, исботланган ва ривожлантирилган ишчи гипотеза илмий, назарий даража ўсади. Аниқ ва кенг қамровда яратилган ишчи гипотеза назарий ва экспериментал тадқиқотлар методикаларига ўрганилаётган вақтлик ёки обьектни ифодаловчи ўлчанадиган аниқ параметрларни киритилишига имкон беради ва бу эса ўз навбатида тадқиқотларнинг кейинги босқичларида олиб бориладиган ишларни енгилаштиради.

2.3 Илмий тадқиқотлар олиб боришни асосий усуллари.

Илмий тадқиқотларни амалга ошириш маълум бир системага ва олдиндан ишлаб чиқилган режага асосан олиб борилади. Илмий тадқиқотдан қўзланган мақсадга эришиш аниқ бир тадқиқот олиб бориш услугига таянган холда ва унга асосан амалга оширилади.

Умуман тадқиқотлар олиб боришда жуда кўплаб усуллардан фойдаланилади. Улардан айримлари турли хил фан соҳаларида фойдаланилиши мумкин. Масалан математик усуллар, фаннинг турли соҳаларида қўлланилса, тензоретрик ўлчаш – механикада, системали ёндашув, термодинамик усул – энергетикада ва хоказо. Аниқ усуллар аниқ бир обьектнинг мохиятини ўрганиш, қўзланган илмий ва амалий муаммони ечиш билан боғлик тадқиқот обьектининг хусусиятлари ва ўзига хос томонларини ўрганишда қўлланилади. Масалан энерготехнологик жараёнларда энергия тежамкорлик муаммоларни ечишда энергетик баланс тенгламасига ва энергияни сақланиш қонунига асосланилади.

Электромагнит жараёнларини ўрганишда Максвел тенгламалар системаси ва электродинамика қонунларидан фойдаланилади.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш борлик ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий томондан системалаштиришдан иборат инсон фаолияти соҳаси бўлиб у қўйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий тушунчалар, тамойиллар ва аксиомалар, илмий қонунлар, назариялар ва фаразлар, эмпирик илмий фактлар, услублар, усуллар ва тадқиқот йўллари тарзидаги узлуксиз ривожланиб борувчи билимлар тизимини;

- билимларнинг мазкур тизимини яратиш ва ривожлантиришга йўналтирилган инсонларнинг илмий ижодини;

- инсонлар ижодини илмий меҳнат объектлари, воситалари ва илмий фаолият шароитлари билан таъминловчи муассасани.

Тадқиқот олиб бориш фактлар тўплашдан бошланади, улар ўрганилади ва системалаштирилади, умумлаштирилади, маълум бўлганларни тушунтириш ва янгиларини олдиндан айтиб беришга имкон берувчи илмий билимлар мантиқий тузилган системаларини яратиш учун айrim қонуниятларни очишдан иборат бўлади.

Тамойил (постулат)лар ва аксиомалар илмий билишнинг бошланғич ҳолати ҳисобланади, булар системалаштиришнинг бошланғич шакли бўлиб, таълимот, назария ва ҳ.к. (масалан, квант механикасидаги Бор постулати, Евклид ҳодисаси аксиомалари ва б.)лар асосида ётади.

Илмий билимни умумлаштириш ва тизимлаштиришнинг олий шакли бўлиб таъриф ҳисобланади. У мавжуд объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларни умумлаштириб идроклашга, шунингдек янгиларини олдиндан айтиб беришга имкон берувчи тадқиқотларнинг илмий тамойиллари, қонунлари ва усулларини ифодалайди.

Илмий билим тизимида илмий қонунлар муҳим таркибий қисм бўлиб ҳисобланади, булар табиат, жамият ва тафаккурдаги энг аҳамиятли, барқарор ва такрорланувчи объектив ички боғлиқликни акс эттиради. Одатда илмий қонунлар умумий тушунчалар, категориялар жумласига киради. Олимлар илмий натижа (ижобий ёки салбий)га эришиш воситаси сифатидаги далилий материалларга етарлича эга бўлмаган ҳолларда фараз (гипотеза)дан фойдаланадилар. Фараз илмий тахмин бўлиб, тажрибада текширишни талаб этади ва назарий жиҳатдан ишончли илмий назария бўлиш учун асосланиши лозим.

Фан масалаларни ҳал қилиш омили бўлиб, назариялар ишлаб чиқиш, борлик объектив қонунларини очиш, илмий фактларни аниқлаш ва ҳоказолар ҳисобланади. Булар илмий билишнинг умумий ва маҳсус усулларидир.

Умумий усуллар уч гурӯхга бўлинади:

- эмпирик тадқиқот усуллари (кузатиш, қиёслаш, ўлчаш, эксперимент);
- назарий тадқиқот усуллари (мавҳумдан аниқликка томон бориш ва б.);
- эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари (таҳлил ва синтезлаш, индукция ва дедукция, моделлаштириш, абстрактлаш ва б.).

Кузатиш – билиш усули. Бунда объектни ўрганиш унга аралашувсиз амалга оширилади. Мазкур ҳолда фақат объектнинг хоссаси, унинг ўзгариш тавсифи қайд этилади ва ўлчанади (масалан, электр таъминоти линияни йил мобайнида тақсимлаш трансформаторидан ажратиб қўйилиш сонини кузатиш, электр моторнинг бир йил мобайнида ишдан чиқиш сонини кузатиш ва бошқалар). Тадқиқот натижалари реал мавжуд объектларнинг табиий хусусиятлари ва муносабатлари (боғлиқликлари) хусусида бизга маълумот беради.

Бу натижалар субъектнинг иродаси, сезгилари ва истакларига боғлиқ эмас.

Қиёслаш – билишнинг кенг тарқалган усули, «барча нарсалар қиёсланганда билинади» тамойилига асосланади. Масалан, тули серияли электр моторларни ишга тушиш токи бўйича таққослаш. Қиёслаш натижасида бир қанча объектлар учун умумий ва хос бўлган жиҳатлар аниқланади. Бу маълумки, қонуниятлар ва қонунларни билиш йўлидаги биринчи қадамдир.

Қиёслаш самарали бўлиши учун икки асосий талабга амал қилиниши зарур:

- биринчидан, бунда ўртасида муайян объектив умумийлик бўлиши мумкин бўлган объектларгина таққосланиши керак;
- иккинчидан, объектларни таққослаш аҳамиятли (билиш вазифаси сифатида) хоссалар, белгилар бўйича амалга оширилиши лозим.

Қиёслашдан фарқли ўлароқ, **ўлчаш** билишнинг анча аниқ воситаси ҳисобланади. Бу усулнинг қиммати шундан иборатки, атроф борлиқдаги объектлар ҳақида юқори аниқликка эришилади. Илмий билишнинг эмпирик жараёнида ўлчаш, кузатиш ва қиёслашдагига ўхшашибди.

Эксперимент, эмпирик тадқиқотнинг юқорида кўриб ўтилган усулларидан фарқли ўлароқ анча умумий илмий қўйилган тажриба ҳисобланади. Бунда фақат кузатиб ва ўлчабгина қолинмай, балки объект ёки тадқиқот объектининг ўзи мавжуд бўлган шароит муайян тарзда ўзгартирилади. Масалан: Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш жараёни экспериментал ўрганилганда қуритиш вақти давомийлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қуритиш агентини харорати, намлиги ва тезлиги ўзгартирилиб жараён ўрганилади.

Эксперимент натижасида бир ёки бир неча омилларни бошқа ёки бошқаларга таъсирини аниқлаш мумкин. Кузатишдан фарқли ўлароқ эксперимент тажриба такрорланишини таъминлайди, объект хусусиятини турли шароитларда тадқиқ этиш ва объектни «соф ҳолда» ўрганишга имкон беради.

Эмпирик тадқиқот усуллари илмий билишда муҳим аҳамиятга эга. Улар фақат фаразни далиллаш учун асос бўлибгина қолмай, балки кўпинча янги илмий кашфиётлар, қонунлар ва бошқаларнинг манбай ҳамдир.

Эмпирик ва назарий тадқиқотларда тахлил ва синтез, дедукция ва индукция, абстрактлаш каби универсал усуллар кенг кўлланади.

Тахлил усулининг моҳияти тадқиқот объектини фикран ёки хаёлан таркибий қисмларга ажратиб унинг хоссалари ва хусусиятларини алоҳида

ажратиб ўрганишдан иборатдир. Масалан: электр ускуналарнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш муаммосига оид тадқиқотларда уларни пухталиги, бузилмасдан ишлашлиги, таъмирлашга яроқлилиги масалалари алоҳида ўрганилади ва натижалари асосида умумий хуласаларга (ечимларга) келинади. Мазкур ҳолда объектнинг айрим унсурларининг моҳияти, уларнинг боғлиқлиги ва ўзаро таъсири ўрганилади.

Таҳлилдан фарқли ўлароқ **синтез** тадқиқот объектини яхлит бир бутун сифатида қисмларининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигига билишдан иборатдир. Масалан: маҳсулотларни қуритиш жараёни давомийлигини ўрганишда унга таъсир кўрсатувчи факторлар иссиқлик агенти температураси, намлиги, тезлиги таъсиrlарини алоҳида ўрганиб уларни умумий таъсири ҳақида хуласа қилиш. Анализдан кейин синтез ўtkазилади ва маълум бир гипотезалар яратилади.

Таҳлил ва синтез усуллари бир-бири билан боғлиқ ва илмий-тадқиқот вақтида бири иккинчисини тўлдиради. Улар ўрганилаётган объектнинг хоссаси ва тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда турли шаклларда кўлланилиши мумкин. Эмпирик, унсурий-назарий, тузилмавий-генетик таҳлил ва синтез мавжуддир.

Эмпирик таҳлил ва синтез объект билан юзаки танишишда кўлланилади. Бу ҳолда объектнинг айрим қисмлари ажратилади, унинг хусусиятлари аниқланади, оддий ўлчашлар ва умумий юзасидаги нарсаларни қайд этиш амалга оширилади. Таҳлил ва синтезнинг бундай шакли тадқиқот объектини ўрганишга имкон беради, лекин буларнинг моҳиятини очиш учун камлик қиласи.

Тадқиқ этилаётган объект моҳиятини ўрганиш учун гуманитар-назарий таҳлил ва синтездан фойдаланилади.

Тадқиқ этилаётган объект моҳиятига чукурроқ кириб бориш учун тузилмавий генетик таҳлил ва синтез имкон беради. Таҳлил ва синтезнинг бундай шаклида тадқиқот объекти моҳиятининг барча томонларига асосий таъсир кўрсатувчи энг муҳим унсурлар ажратилади.

Дедукция ва индукция тадқиқот объектини ўрганишда мантиқий хуласалашда ўзига хос «таҳлил ва синтез» ҳисобланади. Дедукция умумидан хусусийга бўлган мантиқий хуласаларга асосланади. Масалан: темир, қалай, мисларни иссиқдан кенгайиши тажрибада аниқланиб унга асосланиб барча металлар иссиқдан кенгаяди деган хуласага келишдир. Бу усул математика ва механикада умумий қонунлар ёки аксиомаларда хусусий боғлиқликлар чиқарилаётганда кенг кўлланилади. Дедукцияга қарама-қарши бўлиб индукция ҳисобланади. Бу икки усул ҳам таҳлил ва синтез усуллари сингари илмий-тадқиқотда бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Эмпирик ва назарий тадқиқотларда юқорида кўриб ўтилган усуллардан ташқари абстрактлаштириш усули ҳам кенг кўлланилади. Илмий абстракциялаш – объектни мавхумлаштириш, унинг ички жараёнларини ҳисобга олмай моддий нуқта ёки содда шаклда ўрганишдир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, тадқиқ этилаётган объект аҳамиятсиз томонлари,

қисмларидан ажратиб олишдан иборатдир, бу унинг моҳиятини очиб берувчи хоссаларини ажратиш мақсадида қилинади.

Абстракциялаш ёрдамида бошқа ҳодиса контекстидан фикран ажратилган фикрлашнинг умумлаштирилган натижалари шакланади, бу улар ўзаро боғлиқлигини кузатишга имкон беради. Абстракт фикрлаш ижодий ёндашишнинг зарурый шартларидандир.

Математик абстрактлаш илмий-тадқиқот – формаллаштириш усулининг асоси ҳисобланади. **Формализациялаш** – тадқиқот олиб борилаётган (ўрганилаётган) объектни, жараённи, воқеийликни математик ифодалар билан тасвирлаш ёки математик абстракциялашдир. Мазкур ҳолда объектнинг эътиборли томонлари (хоссаси, белгиси, боғлиқлиги) математик термин ва тенгламаларда ифодаланади, булар билан кейинчалик маълум қоида бўйича амаллар бажарилади.

Моделлаштириш – тадқиқот объективнинг айрим хусусиятлари ва белгиларини ўрганиш учун унга ўхшаш аналогик қулай объектда (моделда) ўрганиш усули бўлиб техника, энергетика соҳасида физик ва аналитик усуслар кўпроқ қўлланилади. Моделлаштириш физик ва математик бўлади. Модел кўрсаткичларини таҳлил қилиб объект ҳақида холосага келинади. Бунинг моҳияти тадқиқот обьекти (асли)ни унинг асосий хоссаларини ифодаловчи сунъий система (модел) билан алмаштиришдан иборатдир. Илмий тадқиқотдаги моделлаштириш ҳақида китобнинг З бобида тўлиқ тўхталиб ўтилади.

Назарий тадқиқот кўпинча мавҳумдан конкретга бориш усулига асосланади. Мазкур ҳолда билиш жараёни икки нисбатан мустақил босқичга ажралади.

Биринчи босқичда конкретдан унинг абстракт ифодаланган ҳақиқийсига ўтилади. Тадқиқот обьекти қисмларга ажратилади ва кўплаб тушунча ва мулоҳазалар ёрдамида тавсифланади, яъни у фикрий қайд этилган мавҳумлар мажмуига айланади. Бу – абстракция даражасида тадқиқот объективнинг таҳлилидир.

Кейинчалик, билишнинг иккинчи босқичида абстрактдан конкретга бориш амалга оширилади. Бунда тадқиқот объективнинг яхлитлиги тикланади (синтез), лекин тафаккурда.

Шуни таъкидлаш ўринлики, юқорида кўриб ўтилган илмий билиш усуслари қоидага кўра биргаликда, бир-бирларини тўлдирган ҳолда қўлланилади.

Билиш мантиқи аҳамиятли бўлган, барқарор такрорланувчи ва айримликни аниқлаш жараёни сифатида тасаввур этилади, бу ўрганилаётган обьектни бошқалардан фарқлади.

Билиш жараёнида тирик мушоҳададан абстракт фикрлашга ва ундан амалиётга ўтиш умумий технологиясига риоя этиш мухимдир.

Шундай қилиб, фан соҳаси тўхтовсиз ривожланаётган билимлар инсонлар ва муассасаларнинг ана шу ижодиётни таъминловчи илмий ижодларини ўз ичига олади. Илмий билимларни умумлаштириш ва системалаштиришнинг олий шакли бўлиб назария ҳисобланади. У илмий тамойиллар ва қонунлар, тадқиқот усусларини ифода этади. Тадқиқот методларига қўйидагилар киради:

- эмпирик тадқиқотлар (кузатиш, қиёслаш, ўлчаш, эксперимент усуллари);
- назарий тадқиқот (мавхумдан аниқликка томон бориш ва б.) усуллари;
- эмпирик ва назарий тадқиқотлар (таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, моделлаштириш, мавхумлаштириш ва б.) усуллари.

Олимлар илмий натижа (ижобий ёки салбий)га эришиш воситаси сифатида етарлича фактик материалларга эга бўлмаган ҳолларда фараз (гипотеза)дан фойдаланадилар, бу ўз навбатида тажрибада синааб кўриш ва назарий асослашни талаб этади.

2.4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни электрлаштиришга оид илмий тадқиқотларга мисоллар

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ агротехника ва технологик жараёнларини амалга оширишда электр энергиясидан самарали фойдаланиш, электр ускуналарнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш ва юқори сифатли экологик тоза маҳсулот олиш муаммоларни (масалаларни) ечишга бағишлиланган.

Шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бино ва иншоотларида меъёрий микроиқлим шароитларини таъминлашда электротехнологик омиллардан фойдаланишга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республика олимлари томонидан бугунги кунда қуйидаги йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий – методологик асосларини яратиш;
- уруғни ўсиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиш мақсадида уруғлик материалларга, тупроққа, қишлоқ хўжалик экинларига электрофизик ишлов бериш электротехнологиясини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари, ўсимликлари уруғларини тозалаш ва саралаш электротехнологиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- ипак қурти уруғини тозалаш, саралаш ва қурт баргига электр активлаштирилган сувда ишлов бериш электротехнологиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, мева ва узум шарбати олишни энергия тежамкор электротехнологияларини яратиш ва тадбиқ этиш;
- қишлоқ хўжалик оқава ва ичимлик сувларига магнит ишлов бериш электротехнологиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашни самарадорлигини оширишни электротехнологияси ва техник воситаларини яратишни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- агросаноат мажмууда электротехник ускуналарни энергетик сервиси, текширувдан ўтказиш ва аудити усуллари ва тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бино ва иншоотларида микроиклим ва экологик мухит хосил қилиш электротехнологияси методологиясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш ва сақлашни унификациялашган технологияси ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари доривор ўсимликлар ва бошқа биологик материалларни ионлаштирилган иссиқ хаво ёрдамида қуритиш электротехнологияси ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалиги электромеханик қурилмалари учун энергия ва ресурстежамкор электр юритмаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- мелиоратив насос станцияларида электр моторларни эксплуатацион ишончлилигини ошириш техник воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш ва бошқа йўналишларида.

Республикада илмий кадрлар тайёрлаш 2009 йилгача 05.20.02. – “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш”, 2009 йилдан **05.20.02. – “Қишлоқ хўжалигига электротехнологиялар ва электр ускуналар” мутахассислиги бўйича оширилмоқда.**

Ушбу мутахассислик бўйича илмий тадқиқотлар қуйидаги соҳаларда олиб борилмоқда:

- ўсимликшунослик маҳсулотлари ва материаллари, тупроқ, уруғлик материаллар ва қишлоқ хўжалиги оқава ва ичимлик сувларини электротехнологик объектлар сифатида электрофизик хусусиятларини тадқиқ этиш.

- электр ва магнит ишлов беришни қишлоқ хўжалиги экинлари ва хайвонларини ўсиши ва ривожланишига, уруғлик материалларга, тупроқка, оқава ва ичимлик сувларга ва бошқа биологик объектларга таъсирини тадқиқ этиш.

- ўсимликшунослик ва чорвачиликда, қишлоқ хўжалиги корхоналарида, ширкат фермер ва дехқон хўжаликларда, майший хўжалик жараёнлари электротехнологияларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- ўсимликшунослик ва чорвачиликда уларни маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш электротехник ускуналари ва электротехнологик қурилмаларига техник талаб меъёрий асосларини ишлаб чиқиш.

- ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва сақлашда энергиядан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг илмий методологик асосларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- чорвачиликда ва дехқончиликда мобил қурилмаларни электрлаштириш тизими ва элементларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши ва қишлоқ ахоли яшаш худудлари учун ананавий ва ноананавий энергия манбаълари билан энергия таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши ва сув хұжалиги объектлари учун назорат үлчов тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- қишлоқ ахолиси уй-рўзғор энергия сифимдор жараёнлари учун ресурс тежамкор ва хавфсиз электрлаштирилган тизими ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- қишлоқ хұжалиги истеъмолчиларини ишончли ва тежамкор энергия ва электр таъминотини яратишни методологик асосларини ишлаб чиқиш.

- кам чиқиндили, чиқиндисиз ва экологик тоза қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарыш жараёнлари учун электротехнологик усулларни ва воситаларини асослаш ва тадқиқот ўтказиш.

- қишлоқ ва сув хұжалиги электр ускуналарини энергетик сервиси – текширувдан ўтказиш ва аудити усуллари ва тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- ўсимликшунослик ва чорвачиликда қишлоқ хұжалиги махсулотларини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва сақлаш технологик машина ва поток линиялари электр юритмалари тизими ва элементларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш.

- ананавий ва қайта тикланувчан энергия манбалари ва биомасса энергияларидан фойдаланиб қишлоқ хұжалиги махсулотларини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва сақлаш, уруғлик ва кўчат махсулотлар, тупроқ, қишлоқ хұжалиги экинлари, қишлоқ хұжалиги оқава ва ичимлик сувларига ишлов бериш энергия тежамкор технологиялари ва техникаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш.

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарыш ва сув хұжалиги объектларida электр ускуналарини таъмирлаш ва эксплуатациялаш усуллари ва техник воситаларини ва электр хавфсизлиги тизимини асослаш ва ишлаб чиқиш.

- қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида энергетик тизимлари ва қурилмаларини эксплуатацияси усуллари, услублари ва техник воситаларини асослаш ва тадқиқ этиш.

- майший ва ишлаб чиқарыш шароитида одамларни электр жарохатланишини камайтиришни, чорва молларини махсулдорлигини камайтирувчи электр токидан жарохатланишдан уларни химоялаш ва электропатологияни бартараф этишни янги усуллари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш.

- қишлоқ хұжалигыда электр ускуналари ва элементлари техник холатини, ушбу объектларни таъмирга лойиқлиги, бузилмасдан ишлашлиги, узок ишлашини диагностикалаш усуллари ва воситаларини тадқиқ этиш ва асослаш.

- электротехнология воситалари ва электр ёритиш, нурлатиш, қизитиш ва кондиционер қурилмаларни ишлаб чиқиш, иш режимларини тадқиқ этиш ва уларни қўллаш усулларини ишлаб чиқиш.

3. Илмий тадқиқот ишларида моделлаштириш

Моделлаштириш - илмий тадқиқот ишларида кўп қўлланиладиган муҳим услубларидан ҳисобланади. Модел дегани франсузчадан олинган бўлиб намуна деган маънони англатади ва илмий тадқиқот ишларида воқейлик, жараён ёки қурилмани ўрганиш учун уни асл нусхаси ўрнига қабул қилинган шакли - нусхаси олиниши ва ўрганилиши бўлади.

Илмий тадқиқот ишларида тадқиқотчи томонидан ўрганилаётган обьектга ўхшаш, унинг кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган тизими модел деб қабул қилинади. Моделлаштириш услуги буюм, жихоз ёки жараённи табиий, реал холда эмас, балки унинг моделида ўрганишдир. Одатда агар обьектни ўз шаклида ўрганиш қийин (жуда қиммат, хавфли, жараён кўп вақт талаб қиласа) бўлса у холда модел вариантида ўрганилади. Масалан. Йирик насос станциядаги қуввати 1000 кВт қувватли электр моторни энергетик характеристикасини яхшилашга оид тадқиқотни ушбу электр моторнинг айнан ўзида ўрганиш унинг бажариб турган ишини тўхташига олиб келади ва бу моддий жихатдан қимматга тушади.

Воқейлик (жараён) назарий ўрганилганда ҳам одатда унинг моделларидан фойдаланилади. Моделлаштириш икки турга бўлинади: физик (ашёвий ёки механик) ёки математик (мантикий ва идеал) бошқача бўлиши мумкин. Физик модел обьектдан ўлчамлари билан фарқ қилиб, жараён ва унинг параметрларини бевосита ўрганиш имконини беради. Механик моделлар кўпроқ механикада фойдаланилади.

Агар обьект жараёнлари, уларнинг катталиклари, боғлиқликлари математик ифодалар билан ифодаланган бўлса, модел - математик бўлади. Моделлаштириш ўхашлилар бўйича бўлади. Умуман, жараёнлар моделлаштирилиши даражасига кўра турлича бўлиши мумкин.

Физик модел обьект ҳақида тўларок маълумотлар олишга имконият беради. Бу ерда фақат обьект кўрсаткичларининг боғлиқликлари эмас, балки унда кетаётган жараёнлар, ҳодисалар ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, математик моделга аниқликлар киритиш мумкин. Физик модел кўпинча обьектни конструктив ўзгаришларнинг жараёнларга таъсирини ўрганишда қўлланилади. Оригиналда бу кузатишлар қийин, қиммат ёки умуман мумкин бўлмайди. Физик моделлар аэродинамика, газогидроэлектродинамика, космик технологияларда кенг қўлланилади.

Техникада кўпроқ математик моделлаштириш қўлланилади ва у назарий хулосаларни тўлақонли олинишини таъминлайди, турли кўрсаткичларнинг боғлиқлик функцияларини ифодалаш имконини беради.

3.1 Математик моделлаштириш

3.1.1 Математик моделлаштириш вазифалари ва унга қўйилган талаблар

Математик модел – ўрганилаётган обьект асосий хоссаларини ифодаловчи ва у ҳақдаги кўплаб инфомацияни кулагай шаклда тасвирловчи сунъий система.


Математик модел инсон фаолиятининг турли-туман соҳаларига тобора кенгроқ ва чуқурроқ кириб бормоқда, тадқиқотнинг самарали воситаларидан фойдаланишга имкон бермоқда. Шунинг учун фан ва техниканинг турли соҳаларидаги мутахассисларнинг математик маданияти ўсуви қўзга ташланмокда. Улар жиддий қийинчиликлариз хисоблашнинг умумий назарий қоидалари ва усулларини ўрганмоқдалар. Бироқ факат математик билимларни эгаллаш амалиётда у ёки бу амалий вазифани бажариш учун ҳали етарли бўлмайди, вазифани бошланғич ифодасини математика тилига ўтказиш бўйича малака ҳам ҳосил қилиш зарур, яъни аниқ амалий вазиятларда юзага келувчи математик вазифаларни қўйиш усулларини билиш зарур.

Математик моделлаштириш вазифаси «мавжуд олам»ни математика тилида баён этишдан иборатdir. Бу унинг энг аҳамиятли хусусиятлари ҳақида анча аниқ тасаввурга эга бўлиш учун имкон беради ва айтиш мумкин, бўлажак ҳодисаларни башоратлаш мумкин бўлади. Бу ҳолат айни «математик моделлаштириш» терминини ифодалайди.

Амалиётда бошланғич нуқга бўлиб, қоидага кўра, баъзи реал вазиятлар хисобланади, булар тадқиқотчи олдига жавоб топиш талаб этиладиган вазифаларни қўяди.

Математик таҳлил этиш мумкин бўлган вазифаларни ажратиш (қўйиш) жараёни кўп ҳолларда давомли хисобланади ва факат математик билимларнигина эмас, балки ўша соҳадаги кўплаб малакаларни ҳам эгаллашни талаб этади. Бундаги реал вазият математик моделда тасвирланади. 3.1-расмда математик моделни ишлаб чиқиш тархи келтирилган.

Реал вазиятни таҳлил қилиш натижасида математик тавсифлашга имкон берувчи вазифани қўйиш амалга оширилади. Кўпинча вазифани қўйиш билан баробар ҳодисанинг асосий ёки эътиборли жиҳатларини аниқлаш жараёни ҳам кечади. Кейинчалик аниқланган аҳамиятли омиллар математик тушунча ва қийматлар тилига ўтказилади, шунингдек мазкур қийматлар ўртасидаги нисбат қоидалаштирилади. Қоидага кўра, бу моделлаштириш жараёнининг энг қийин босқичидир, буни бажариш учун ҳеч қандай умумий тавсиялар бериш мумкин эмас.



3.1-расм. Математик модел ишлаб чиқиш тархи.

Математик модел ишлаб чиқилгандан сўнг у текширувдан ўтказилиши керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, модел айнийлигини текшириш қайсиdir даражада вазифани қўйиш давомида амалга оширилади, чунки тенглама ёки бошқа математик нисбат, моделда ифодаланган, мунтазам равишда бошланғич реал вазиятда қиёсланади.

Модел айнийлигини текширишнинг бир неча жиҳатлар мавжуд. Биринчидан, моделнинг математик асоси зиддиятсиз ва математик мантиқнинг барча қоидаларига бўйсуниши керак. Иккинчидан модел бошланғич реал вазиятни айнан тасвиралиши керак. Бироқ, таклиф этилаётган моделнинг айнанлиги ҳақидаги хулоса бундай текширишда сезиларли даражада субъективдир. Моделни мавжуд нарсани тасвирашга мажбур этиш мумкин, бироқ у ҳали ўша мавжудлик эмас.

Реал вазиятлар турли мақсадларда моделлаштирилади. Улардан асосийси – янги натижаларни ёки ҳодисанинг янги хоссаларини олдиндан айтиб беришдир.

Кўпинча бундай олдиндан айтишлар барча эҳтимолларга кўра келажакда ўз ўрнига эга бўлади. Башорат ҳодисаларга ҳам тааллукли бўлиши мумкин. Буларни бевосита эксперимент йўли билан тадқиқ этиш мумкин эмас (космик тадқиқотлар программаларида башоратлар). Бошқа моделлар ўлчов кўламини анча қулай қилиш мақсадида қурилади. Масалан, ҳарорат учун чизиклик шкала термометрда фойдаланиладиган математик модел ҳисобланади. Техникавий обьектлардаги математик моделлар автоматлаштирилган лойихалаш системалари да (АЛС) кенг қўлланилади. Бу моделларни микро-, макро- ва метомикёсларда бажариш мумкин, булар обьектдаги жараёнларни кўриб чиқиши деталлаштирилган даражасига кўра фарқланади.

Микромикёсдаги техникавий обьектнинг математик модели бўлиб хусусий ҳосилалардаги деференциал тенгламалар системаси ҳисобланади, булар белгиланган чегара шартлари билан яхлит муҳитдаги жараёнларни ифода этади.

Макромикёсдаги техникавий обьект математик модели бўлиб, белгиланган бошланғич шартли оддий деференциал тенгламалар системаси ҳисобланади.

Метомикёсда автоматлаштирилган бошқарув назарияси ва оммавий хизмат назариясини тадқиқ этиш предмети бўлган обьектлар учун математик модел тузилади.

Моделлаштиришнинг бошланғич жараёнида қабул қилинадиган муҳим ечим бўлиб, кўриб чиқилаётган математик ўзгарувчанлик табиатини белгилаш ҳисобланади. Амалда улар икки синфга бўлинади:

- аниқ ўлчаш ва бошқарии мумкин бўлган детерминалланган ўзгарувчилар;
- аниқ ўлчаш мумкин бўлмаган ва тасодифий тавсифга эга бўлган стохастик ўзгарувчилар.

Моделлаштириш жараёни у ёки бу математик моделни олиш билан якунланмайди. Математик тилдан бошланғич вазифани ифодаловчи тилга ўтказишни амалга ошириш зарур. Факат олинган ечимни математик

моҳиятинигина англаб қолмай, балки булар мавжуд дунёда нимани ифодалашлигини ҳам англамоқ зарур.

Техникавий объектларнинг кўплари мураккаб системалар синфига тааллуқли, улар ўзаро боғлиқ ўзгарувчилар кўп миқдордалиги билан тавсифланади. Бундай системаларни тадқиқ этиш қўйидагилардан иборат:

- *кириши параметрлари;*
- *факторлар ва чиқиши параметрлари;*
- *техникавий обьект функцияси сифат кўрсатишчлари ўртасидаги боғлиқликни белгилашдан;*
- *техникавий обьект чиқиши параметрларини оптималлаштирувчи факторлар даражаси (аҳамияти)ни белгилашдан.*

Мураккаб системалар математик моделларини ишлашда икки хил ёндашув мавжуд: детерминик ва стохастик. Детерминик ёндашишда модел ҳодиса механизмини атрофлича тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқлади ва одатда дифференциал тенгламалар системаси қўринишида тасаввур этилади. Бу ҳолда оптималлаштириш вазифасини бажариш учун замонавий бошқарув назарияси математик аппарати фойдаланилиши мумкин. Детерминик ёндашиш яхши ташкил этилган системаларни ўрганиш (тавсифлаш) учун фойдаланилади, буларда бир физик табиатга эга, унча кўп бўлмаган кириш параметрларига боғлиқ ҳодиса ёки жараённи ажратиш мумкин. Мазкур вазият детерминик ёндашиш қўлланишини чеклайди.

Яхши ўрганилмаган (диффузияли) системаларни ўрганиш ва математик тавсифлаш учун стохастик ёндашишдан фойдаланилади. Бундай системаларда айрим ҳодисаларни фарқлаш ва «ўтиб бўлмас тўсиқларни» аниқ белгилаш мумкин эмас. Шундай яхши ташкил этилмаган системага исталган техникавий жараённи мисол қилиб келтириш мумкин.

Яхши ташкил этилмаган системалар учун ҳодисалар механизми тўлиқ маълум эмаслик хосдир, математик моделларни ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш экспериментал статистик усуллар ёрдамида ҳал этилади. Бундай ҳолларда техникавий обьект модели кибернетик система («қора яшик» сифатида) тасаввур этилади, бунинг учун тадқиқотчи чиқиши параметрлари билан кўплаб кириш параметрлари (мустакил ўзгарувчилар) ўртасидаги боғлиқликни излайди, бу вазифани у системада кечётган ҳодисалар механизмидан мутлако бехабар амалга оширади.

Математик моделларга универсаллик (тўлақонлилик), айнийлик, аниқлик ва тежамлилик талаблари қўйилади.

Математик модел универсаллиги дейилганда унинг реал обьект хоссасини тўлиқ ифодалаши тушунилади. Кўпгина математик моделлар обьекти кечадиган физик ёки информацион жараёнларни акс эттириш учун мўлжаллангандир. Бунда обьект унсурларини ташкил этувчи геометрик шакллар каби хусусиятлар тасвирланмайди.

Моделнинг юқори тежамлилигига бўлган талаб, бир томонда ва юқори аниқлик ҳамда универсаллик даражасига бўлган талаб, иккинчи томондан, шунингдек айнийлик кенг соҳаси бошқа томондан зиддиятлидир. Бу талабларни барчасини уйғунликда қаноатлантириш

ечилаётган вазифа ўзига хослиги лойиҳалашнинг иерархиклик даражаси ва жиҳатларига боғлиқ.

3.1.2. Математик моделлар таснифи, турлари ва шакллари

Кўйидагилар математик моделларнинг таснифий белгилари ҳисобланади:

- техникавий объектнинг тасвирланаётган хоссасининг тавсифи;
- иерархик даражасига тааллуқлилик;
- бир даража ичida тавсифнинг деталлаштирилиш даражаси;
- техникавий объект хоссасини тасаввур этиш усули;
- моделни олиш усули.

Объект хоссасининг ифодаланиш тавсифи бўйича математик моделлар функционал ва тузилмавийларга бўлинади.

Функционал моделлар техникавий объектда у ишлаётганда ёки тайёрланаётганда кечадиган физик ёки информацион жараёнларни акс эттиради. Бу моделлар фаза ўзгарувчилари, ички, ташқи ва чиқиш параметрларини боғловчи тенгламалар системалари сифатида намоён бўлади.

Функционал моделларнинг одатдаги мисоли бўлиб ёки электрик, иссиқлик, механик жараёнлар, ёки информациянинг қайта ўзгариш жараёнини тавсифловчи тенгламалар системаси ҳисобланади.

Тузилмавий моделлар техникавий объект тузилиш хоссасини унинг геометрик шакли, унсурларнинг фазода ўзаро жойлашуви ва ҳ.к.ларни акс эттиради. Бу моделлар типологик ва геометрик моделларга бўлинади.

Типологик математик моделларда объект унсурларининг таркиби ва ўзаро алоқаси акс этади. Шундай моделлар ёрдамида жиҳозларни мутаносиблаш, деталларни жойлаштириш, қўшилмаларни трассировкалаш, технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к. масалалар ечилади. Типологик математик моделлар графалар, турли матрицалар, рўйхатлар ва ҳ.к.лар тарзида берилади.

Геометрик математик моделлар бевосита техникавий объектнинг геометрик хоссасини акс эттиради ва конструкциялаш, конструкторлик хужжатларини расмийлаштириш учун, технологик жараёнларни ишлаб чиқища бошланғич маълумотлар киритишида қўлланади. Геометрик математик моделлар линиялар ва сиртлар тенгламалари, алгебраик нисбатлар, соҳани тавсифловчи, объект жисмини ташкил этувчи, графалар, рўйхатлар ва ҳ.к.лар мажмуи сифатида акс эттирилиши мумкин.

Иерархик даражага тааллуқлилиги бўйича математик моделлар микродарожа, макродарожа ва методарожага хос бўлиши мумкин, уларда мураккаб техникавий объектларнинг турли хоссалари ифодаланади.

Микродарожада математик моделлар объект унсурларидаги физик ҳолат ва жараёнларни акс эттиради. Бу моделлар (хусусий ҳосилалардаги дифференциал тенгламалар системалари)да мустақил ўзгарувчилар бўлиб фазовий координата ва вақт ҳисобланади.

Макродарожада фазо айrim деталлар унсурларининг сифатини фарқлаган ҳолда дискретлаш амалга оширилади. Шу билан бирга мустақил

ўзгарувчилар ичидан фазовий координаталар чиқарилади. Тегишли математик моделлар (алгебраик ёки оддий дифференциал тенгламалар системалари)да эркин бўлмаган ўзгарувчилар векторлари дискретланган фазонинг йириклиштирилган унсурлари ҳолатини тавсифловчи фазовий ўзгарувчиларини ҳосил қиласи. Фазовий ўзгарувчиларга электр ва ток кучланиши, кучланишлар, тезликлар, ҳароратлар, сарфлар ва ҳ.к.лар киради.

Бу ўзгарувчилар элементларни ўзаро таъсири ва ташқи муҳитга таъсирида ташқи хусусият юзага чиқаришини тавсифлайди.

Методаражада математик моделлар анча мураккаб деталлар мажмуини ифода этувчи унсурлар ўзаро алоқасигагина тааллуқли фазовий ўзгарувчиларни тавсифлайди. Бунда абстрактлаш ёрдамида физик жараёнлар тавсифида лойиҳаланаётган обьектда кечувчи информацийий жараёнларни ифодалашга эга бўлинади. Методаражада турли-туман математик моделлардан фойдаланилади: оддий, дифференциал тенгламалар системалари, мантиқий моделлар системалари, оммавий хизмат кўрсатиш системаси имитация модели, топологик моделлар.

Ҳар бир даража ички тавсифини деталлаштириш даражаси бўйича математик моделлар тўлиқ ва макромоделларга бўлинади. Биринчиси лойиҳаланаётган обьект барча элементлараро алоқасининг аҳволини тавсифласа, иккинчиси унсурларни йириклиштириб ажратишдаги алоқани тавсифлайди.

Техникавий обьект хоссасини ифодалаш усули бўйича математик моделлар қўйидаги асосий шаклларга эга бўлиши мумкин.

Аналитик шакл – моделларни кириш ва ички параметрлар функцияси сифатида чиқиши параметри ифодаси кўринишида моделнинг ёзилиши. Бу моделлар юқори тежамкорлиги билан ажралиб туради, лекин сезиларли йўл қўйишлар қабул қилинганда ва чекланишлар белгиланганида уларнинг аниқлиги пасаяди ва айнийлик соҳаси тораяди.

Алгоритмик шакл – чиқиши параметрларини кириш ва ички параметрлар билан алоқаларини ёзиш, шунингдек методнигина танланган рақамли усули алгоритм шаклида бажарилади. Алгоритмик моделлар ичидан кириш таъсири вақт бўйича берилганда обьектдаги физик ёки информацион жараён имитацияси учун мўлжалланган имитацион моделлар муҳим табақани ташкил этади. Динамик обьектнинг оддий дифференциал тенгламаларнинг системалари сифатидаги динамик обьект модели шундай моделга мисол бўла олади.

Тархли ёки график шакл – моделни баъзи бир графика тилида, масалан, диаграммалар, графалар, муқобил тархлар ва ҳ.к.лар тилида ёзиш. Математик моделларнинг бундай шакли содда ва инсон идроклаши учун қулай. Бунда модел элементларини баён этишнинг ягона қоидаси бўлиши керак.

Юқорида қайд этилган шаклдаги математик моделларни олиш учун формал ва ноформал усуллардан фойдаланилади. Формал усуллар унсурларининг моделлари маълум бўлган системанинг математик моделини олишда қўлланилади. Ноформал методларга келсак, булардан унсурлар математик моделларни олиш учун турли иерархик даражаларда фойдаланилади. Бу моделлар асосида моделлаштирилаётган техникавий

объектда юз берадиган қонуний жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш, турли омилларни фарқлаш, турли қабул қилинган ва асосланган йўл қўйишлар ва ҳ.к.лар ётади. Бу операцияларни бажарилиш натижасига универсаллик, аниқлик ва математик моделларнинг тежамлилик даражаси боғлиқдир.

Ноформал усуллар назарий ва эмпирик (эксперимент) математик моделлар олишда қўлланилади. Биринчилари кўрилаётган объектга хос жараёнлар ва улар қонуниятларини тадқиқ этиш натижасида, иккинчилари ташқи кириш ва чиқишиларда фазовий ўзгарувчанларни ўлчаш йўли билан ва ўлчов натижаларини ишлаб чиқиши асосида объект хоссасининг ташқи кўринишини ўрганиш натижасида яратилади.

3.1.3 Математик моделларни ишлаб чиқиши усуллари

Математик моделлар, қоидага кўра, муайян техникавий соҳа мутахассислари томонидан турли экспериментал тадқиқотлар ва автоматик лойихалаш системаси (АЛС) воситалари ёрдамида тузилади.

Моделлаштиришнинг кўпгина операциялари эвристик тавсифга эга. Бироқ бир қатор қоидалар ва йўллар борки, булар математик моделлар олиш методикасини ташкил этади.

1. Техникавий объект хоссасини белгилаш, мазкур объект моделда акс эттирилиши ва бўлажак модел универсаллик даражасини белгилаб берувчи ҳисобланади.

2. Илмий-техникавий, патент ва маълумотномалар, прототипларни баён этиш, экспериментал тадқиқотлар натижалари ва ҳ.к.лар сингари турли манбалар бўйича моделлаштирилаётган техникавий объектнинг танланган хоссалари ҳақида априор информациялар тўплаш.

3. Математик модел тузилишини синтезлаш, кириш ва чиқиши параметрларининг конкрет рақамли қийматларисиз модел тенгламалари умумий кўринишини ҳосил қилиш. Моделлаштиришнинг бу операцияси энг масъул ва қийинчилик билан формаллаштирилади.

4. Математик моделларнинг параметрлари рақамли қийматларини белгилаш қўйидагича амалга оширилади:

- иккинчи босқичда тўпланган априор информацияларни ҳисобга олиб, ўзига хос ҳисоб муносабатларидан фойдаланиш;

- экспериментал топшириқни ечиш, бунда мақсадли функция бўлиб объектнинг чиқиши параметрлари маълум қийматларини моделдан фойдаланиш натижалари билан мос келиш даражаси ҳисобланади;

- экпрементлар ўтказиш ва улар натижаларини ишлаб чиқиши.

5. Моделда олинган аниқликни баҳолаш ва унинг айниийлик соҳасини белгилаш.

6. Математик моделни фойдаланилаётган кутубхонада қабул қилинган модел шаклида тасаввур этиш.

Шуни таъкидлаш зарурки, келтирилган усулларнинг 2...5 босқичлари исталган натижага тадрижий равишда яқинлашишга кўра бир неча марта бажарилиши мумкин.

Шундай қилиб, илмий тадқиқотларда математик моделлар кенг күлланади ва тадқиқот обьекти қўплаб инфомацияни қулай шаклда ифодаловчи сунъий системалар ҳисобланади. Моделлаштиришдан мақсад «мавжуд олам»ни математика тилида тавсифлашдан иборатdir. Моделлаштириш жараёни муайян тарзда бажарилади. Бунда математик моделлар универсаллик (тўлақонлилик), айнийлик, аниқлик ва тежамкорлик талабларига жавоб бериши лозим. Математик моделлар техникавий обьект хоссасини акс эттирувчи, даражавий босқичга тааллуклилик тавсифи, битта тенглама ичидаги тавсифлашни қисмларга ажратиш даражаси, техникавий обьект хоссасини намоён қилиш усули, модел олиш усули бўйича таснифланади.

3.2 Физик моделлар ва асосий қўрсаткичлари

Физик модел қуришда моделни обьектга ўхшашлиги сақланиши зарур, яъни геометрик ва физик ўхшашлиги мавжуд бўлиши керак. Геометрик ва физик ўхшашлик модел ва соф обьектнинг бир маънолиги шарти деб юритилади. Моделни соддалаштириш учун баъзи бир физик қўрсаткичлар хисобга олинмаслиги мумкин. Масалан: жараённи ўрганилаётганда обьектни асл нусхаси материалидаги ички қучланишни тадқиқот олиб борилаётган жараёнга таъсири бўлмаса унда моделни хохлаган материалдан тайёрлаш мумкин. Яратилаётган модел ва обьектнинг асл нусхаси бир хилдаги параметрлар билан характерланиши (ифодаланиши) керак. Масалан: электр мотор модели ва асл нусхаси электр қуввати, айланиш частотаси, наминал қучланиши каби умумий катталиклар билан ифодаланиши керак. Асл обьект ва моделнинг ўхшашлиги уларни ифодаловчи катталикларни ўхшашлик коэффициенти ёки айлантириш кўпайтиргичи деб номланувчи масштаб билан боғланиши орқали ифодаланади. Асл обьект қўрсаткичидан моделга ва уни тескарисига эришиш ушбу айлантириш кўпайтиргичига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Масалан: асл обьект массаси m_a , узунлиги l_a ва тезлиги v_a билан ифодаланган бўлса унинг динамик ўхшашлик модели қуйидагича ифодаланади: Асосий қўрсаткичлар учун ўхшашлик коэффициентлари қуйидагича бўлади:

$$m_m = \frac{m_a}{k_m}; \quad l_m = \frac{l_a}{k_l}; \quad v_m = \frac{v_a}{k_v} \quad (3.4)$$

бу ерда: $k_m k_l k_v$ - массаси, узунлиги ва тезликларини ўхшашлик коэффициентлари;

Халқаро ўлчовлар системасида СИ бирламчи катталиклар деб юритилувчи асосий учта ўлчов бирлиги мавжуд: узунлик - L [м], масса - m [кг], вақт – T [сек].

Иккиласми катталикларнинг ўлчов бирликларини бирламчи катталиклар билан боғлиқлиги ўлчашлари аниқловчи тенгламадан келиб чиқадиган формула орқали ифодаланади. Масалан: кучлар учун аниқловчи тенглама бўлиб Ньютоннинг иккинчи қонуни формуласи қабул қилинади, яъни

$F = ma$; (м - масса, а - тезланиш) $a = \frac{d^2l}{dt^2}$ бўлганини ҳисобга олиб ҳамда уни ўлчамларга таъсири йўқлиги учун дифференцияллаш белгисини ташлаб юбориб куч учун ўлчамлар формуласини қуидагича ифодалаймиз:

$$\text{Куч: } F = M \cdot L \cdot T^{-2};$$

$$\text{Тезлик: } F = M \cdot L \cdot T^{-3};$$

$$\text{Иш: } A = M \cdot L^2 \cdot T^{-2};$$

$$\text{Кувват: } N = M \cdot L^2 \cdot T^{-3}$$

Ўхашлик (мослик) коэфициентига шунингдек (вақтнинг ўхашлик коэффициенти) k_t ҳам киради ($k_t = t_a/t_m$).

Мисол: 1:10 масштабда яратилган автомобил моделида, яъни $k_{ml}=10$, вақт (даврий) ўхашлик коэффициенти $k_t=3,16$, массасининг ўхашлик коэффициенти $k_m=100$ бўлганда автомобил тезлиги 20 м/с бўлган. $v=20$ м/с тезланиши $a=2,5$ м/с² бўлган. натурал объект учун ушбу кўрсаткични асл қиймати қуидагича топилади.

$$\text{Тезлик учун: } v_a = k_v \cdot v_m = \frac{k_l}{k_t} \cdot g_m = \frac{10}{3,16} \cdot 20 = 63,2 \text{ м/с}$$

$$\text{Тезланиш учун: } a = k_a \cdot a_m = \frac{k_l}{k_t^2} \cdot a_m = \frac{10}{3,16^2} \cdot 2,5 = 2,5 \text{ м/с}^2$$

Физик моделлаширишни амалга оширишда ўхашлик шароитларини бажарилиши билан бир қаторда яъни ўхашлик коэффициентларини танлашдан ташқари ўрганилаётган объект ёки жараённи асл нусҳаси ва моделини ифодаловчи структуралари бўйича бир хил бўлган аммо ечимлари бир биридан моделининг масштабига фарқ қилувчи тенгламалар билан ифодаланишига эришиш керак.

4. Илмий тадқиқотларда статистик усуллар

Илмий изланишларда албатта тажрибалар ўтказилади, актив ёки пассив кузатувлар натижалари олинади, илмий хуросаларга келинади. Жиддий хуросаларга келиш ва олинган натижалар ишончли бўлиши учун кузатув ва ўлчовлар қўп маротаба қайтарилиши керак. Инженер техник ходимларнинг қишлоқ хўжалиги электротехник қурилмаларини лойихалаш ва эксплуатациялаш билан боғлиқ фаолиятда кенг миқёсда статистик материалларга ишлов бериш ишларига дуч келади. Математик статистика асосланган хуросаларга эришиш мақсадида статистик маълумотларга ишлов бериш услублари ва классификациясини ўрганадиган математиканинг бир йўналиши бўлиб у эҳтимоллик назариясига асосланган. Бошқача айтганда математик статистика кам заруриятли катта хажмдаги кузатилаётган тасодифий катталикларни унча катта бўлмаган катталикларга имкон қадар қўп маълумотга сон жиҳатидан кам сонли маълумотларни алмаштириш усуллари ҳақидаги таълимдир.

Кўп маротаба олинган ўлчовлар, кузатувларга асосланиб натижалар олиш, илмий-амалий хуросаларга келиш статистик усул ҳисобланади. Объект, жараён ёки механизм ҳақида унинг кўрсаткичларини ўлчашда хатоликлар чегараланади. Масалан, техник изланишларда 5% гача хатолик бўлса нормал хол ҳисобланади.

Математик статистика тасодифий ходисаларни ва воқеиликларни ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганади. Бунда тасодифий натижалар қўп марта бир хил шароитда олиниб борилиб, жамланади, уларга математик ишлов берилиб ҳуросаларга келинади.

Масалан, электр моторнинг ишдан чиқиш сабабларини, муддатини ўрганиш учун хўжаликдаги барча электр моторларнинг рўйхатини олиб уларни бир, икки ёки беш йил давомидаги ишдан чиқиш холатлари ўрганилади, ишлаб турган моторлар холати диагностика қилинади. Изоляция қаршилиги, юкланиш даражаси, атроф муҳит шароити, кунлик, йиллик иш графиги кузатилади, Бу ўлчовлар, кузатувлардан олинган натижалар тахлил қилиниб, ўртача қиймат, хар бир ўлчов натижасидаги ўртача қийматдаги оғишлар тахлил қилинади, қўпол хатоликлар (ўлчов хатоликлари, тасоддифий юзага келган ташқари таъсир натижасидаги хатоликлар) якунлари ташлаб юборилади.

Тасоддифий эҳтимоллик характеристига эга оммавий ходиса ва воқеаларни тахлил килиш ва уларни умумлашган характеристикаларини олиш мақсадида маҳсус математик статистик ишлоб бериш йули билан керакли маълумот олиш методикасини ишлаб чиқища математик статистика кенг қўлланилади.

Кўп маротаба қайтариладиган ходиса ва воқеалар оммавий деб ҳисобланади ва улар шартларни ўзгармаслигига қарамасдан катта ёки кичик даражада бир биридан фарқ қиласди, бошқача айтганда тасоддифий катталикларга эгадир.

4.1 Эҳтимоллар назарияси ҳақида умумий тушунчалар

4.1.1 Умумий маълумотлар

Ташқи дунёning хар қандай воқейлиги (ҳодисаси) маълум тарзда кўплаб бошқа воқейликлар билан боғлиқ. Ушбу воқейликларни ўрганиш натижасида ўрганилаётган воқейликларга хос асосий ички боғланишларни ифодаловчи маълум бир қонуниятлар аниқланади (топилади). Турли воқейликларни ўрганишда кўп ҳолларда ҳисобга олинмаган боғланишлар юзага келтирган асосий қонуниятлардан айрим чекланишлар кузатилади.

Битта тажрибани бир неча бор такрорий ўтказилганда натижаларни бир биридан қандайдир фарқ қилишига олиб келувчи воқейликларни тасодифий воқейликлар дейилади. Масалан: бирон бир жисм массаси бир неча маротаба ўлчангандан айрим омиллар таъсирида ўлчов асбобини хар сафарги кўрсатиши бир - биридан фарқ қилиши мумкин. Диэлектрик қўлқопни диэлектрик мустахкамлиги текширилганда, иккинчи даражали омиллар (электродларни холати, резина сифати ва хакозолар) таъсирида уни тешиб ўтиш кучланиши хар гал бир - биридан фарқ қилиши мумкин. Битта тажрибани кўп маротаба такрорлаб кўриш натижасида тасоддифий оғишларни ўзига хос ўзгариш қонунияти юзага келади ва ундан тасоддифий воқейликларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Бир хил шароитда чекланмаган марта қайтариладиган тасоддифий воқейликларни оммавий тасоддифий воқейликлар дейилади. Оммавий тасоддифий воқейликларни кузатганимизда айнан уларга хос маълум қонунийт ёки барқарорликни кўрамиз. Куб шаклидаги томонларига 1 дан 6 гача бўлган рақамлар ёзилган ўйин тошини (зарикни) 5 марта ташлаганимизда 6 рақами 4 марта тушиши ёки 50 марта ташлаганимизда 3 ёки 13 марта тушиши мумкин. Тажриба кўп марта қайтарилганда 6 рақами тажрибалар сонининг 1/6 маротабасида тушиши мутлоқо эҳтимоли, чунки унинг 6 та бир-хил (симметрик) томонлари бор. Ушбу зарикдаги 6 рақамининг тушиши стабиллашиб боради ва маълум бир $\frac{X}{6}$ (бу ерда X - тажрибалар сони) сонига яқинлашади.

Тасоддифий воқейликларда кузатилаётган ўзига хос маҳсус қонуниятлари эҳтимолликлар назарияси предмети ҳисобланади.

Эҳтимоллик назарияси инженерлик амалиётида, биринчи навбатда турли техник энергетик (турли технологик жараёнлардаги) ускуналар ва қурилмаларнинг ишлаш ишончлилиги аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш каби масалаларни хал қилишда кенг ўрин тутмоқда.

4.1.2 Тасоддифий воқейликлар(ҳодисалар) ва эҳтимоллиги.

Техника соҳасини энергетика йўналишида фаолият юритаётган мутахассислар (энергетиклар) энергетик обьектларни лойихалашда, қуришда ва эксплуатация қилишда қўйган масалани муваффақиятли бажарилишига олиб келадиган ечимлар қабул қилишига тўғри келади. Масалан: лойихалаш

ишлари олиб борилаётгандың бундай ечим, ташқи электр таъминоти ва ички электр тармоқларини энг мақбул схемаларини танлаш ёки электр таъминоти линялари симлари кесими юзасини, трансформаторнинг қувватини қабул қилиш ва ҳакозолар. Курилиш монтаж ишларини бажаришда алохидада ва комплекс ишлари режасини ва такомиллашган технологиясини яратиши.

Электр ускуналарини эксплуатациялашда, самарали химоя воситаларини қўллаш, технологик машиналар учун электр матор қувватини тўғри танлаш ва ҳакозолар. Юқорида келтирилган мисоллардаги электр қувватни тўғри воқейлик (ходиса, жараён) курилма ҳақида маълумотлар қанчалик батафсил ва аниқ бўлса қабул қилинган ечимлар мавжуд объектив оптималь ечимга шунчалик яқин бўлади.

Бизни ўраб олган борлиқдаги хар қандай ходисаларни “юзага келди”, “юзага келмади” воқейлик ҳисобланади. Воқейлик одатда лотин алфавитининг катта харфлари (A,B,C,D ва ҳакозо) билан ифодаланади (белгиланади). Агарда маълум комплекс шартлар бажарилганда “A” воқейлик юзага келса бундай воқейлик ишончли воқейлик дейилади. Масалан: электр занжири узилганда унга уланган электр лампа ўчади. Маълум комплекс шартлар бузилмаганды (бажарилганда) “A” воқейлик хеч қачон юзага келмайди (рўй бермайди), юзага кела олмаса бундай воқейлик амалга ошмайдиган (юзага келмайдиган) воқейлик дейилади. Масалан: ҳаво электр энергияси узатиш тамоқлари атроф муҳит ҳарорати $+20^{\circ}\text{C}$ бўлганда музлаши юзага келмайдиган воқейлик. Айрим холларда масалан ечимини изланганда у ёки бу воқейликни юзага келиши ёки юзага келмаслигини олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Воқейлик ёки ходисани юзага келиши ёки келмаслиги ҳақида етарли маълумотлар бўлмайдиган ҳолда уни тасоддифий деб қаралади (қабул қилинади). **n** маротаба ўтказилган тажриба натижасида “A” воқейликни пайдо (садир) бўлиши **m** маротаба юзага келганда “A” воқейликни содир бўлиш частотасини “m” ни “n” га нисбати орқали ифодаланади. Тажрибалар сони катта бўлмаган ҳолларда воқейликни қайтарилиши – частотаси тасоддифий характерга эга бўлади ва бир тур тажрибалардан иккинчи турга ўтганда ўзгариши мумкин.

Тажрибалар сони кўпайганда воқейликлар частотаси тасоддифийлик характерини йўқотади ва воқейликни эҳтимоллиги деб аталувчи маълум бир ўртacha доимий катталикка яқинлашиб бориб стабилашув тенденцияси намоёе бўлади. Ушбу эҳтимоллик тажрибаларни қўп маротаба қайтарилиши билан боғлиқ бўлганлиги учун уни статистик эҳтимоллик деб юритилади.

Эҳтимолликлар назарияси – воқейлик, ходиса ва жараёнларни уларни эҳтимоллиги имкониятлари нуқтаи назаридан тақослаш (солишириш) ҳақидаги фан соҳасидир. Воқейликларни уларни имкониятлари нуқтаи назарда тақослаш даражаси (ўлчови) мавҳум сон бўлиб воқейлик эҳтимоллиги деб юритилади ва $P(A)$, $P(B)$ $P(M)$ белгилари билан белгиланади. Эҳтимоллик куйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Воқейликни эҳтимоллиги “0” ёки “1” сонлари оралиғидаги сонлар билан ифодаланади ($0 \leq p(A) \leq 1$).

2. Ишончли воқейлик эҳтимоллиги “1” га teng.

3. Юзага келмайдиган (амалга ошмайдиган) воқейликнинг эхтимоллиги “0” га тенг бўлади.

Амалда катта миқдорда тажрибалар ўтказишни талаб қилиниши эхтимолликларни статистик ҳисоблашда қийинчиликлар тугдиради. Бундай холларда тажрибалар ўтказмасдан воқейлик эхтимоллигини бевосита ҳисоб йўли билан аниқлаш ҳам мукин. Масалан: олтига тенг томонли тошни жуфт рақамлари билан белгиланган томонларини (2,4,6 сонлар ёзилган) тушиши эхтимоллиги қизиқтиурса, тошни ташлаб тажриба ўтказмасдан ҳам “A” воқейликни эхтимоллиги $\frac{3}{6}$ ёки $\frac{1}{2}$ деб ҳисобланса бўлади. бундай хulosага келишимизда тажриба ўтказилгандағи (тошни бир неча маротаба ташлаб кўриб) турли хил натижаларни тенг (томонларни тушиши) имконлилиги (тенг эхтимоллилиги) назарда тутилади.

A,B.....M воқейликлардан биронтасини бошқаларга қараганда кам эхтимоллиги (имкониятлилиги) тўғрисида бирон бир асос бўлмаса улар тенг эхтимолли ҳисобланади.

A,B.....M воқейликларни биротасини юзага келиши бошқаларини вужудга келишига йўл қўймаса уларни бирга юзага келмайдиган воқейликлар дейилади.

A,B.....M воқейликлардан биронтасини юзага келишлиги муқаррар бўлса ушбу воқейликлар ягона эхтимол воқейлик ҳисобланади.

Бирга юзага келмайдиган ва ягона эхтимол воқейликлар қарама – қарши воқейликлар ҳисобланади.

“A” воқейликка қарама – қарши воқейлик \bar{A} белги билан белгиланади. Қарама – қарши воқейлик \bar{A} га бирламчи воқейлик A бўлади.

Бирга юзага келмайдиган ва ягона эхтимол воқейликлар мажмуаси A,B.....M воқейликлар тўла гурухи ҳисобланади.

Олти томонли ўйин тошини ташлаганимизда A_1, A_2, \dots, A_6 томонларини тушиши мос равища 1,2....6 га тўғри келиши воқейлиги тенг эхтимоликга эга бўлади. Бир марта ташланганда тошни A_1 ва A_2 томонини тушиши бир йўла мумкин бўлмагани учун бу хил бирга юзага келмайдиган воқейлик бўлади. Тажриба ўтказгандан хар бир тажрибада (тошни ташлагандан) томонлардан биттаси албатта тушиши муқаррар бўлиши воқейликни ягона юзага келиши ҳисобланади. Тошни ташлагандан тоқ ва жуфт сонли томонларинига тушиши яъни “A” ва “B” воқейликларни бирга юзага келмайдиган ва ягона юзага келадиган воқейлик ҳисобланади. Бинобарин улар биргаликда воқейликларни тўла гурухини ташкил этади.

Ушбу икки воқейлик бир вақтда содир бўлмайди ва қарама қарши воқейликлар ҳисобланади. $A = \bar{B}$, $B = \bar{A}$ трасформатор подстанцияси шинасида кучланиш 9,5 кВ бўлиши (A воқейлик) 9,5 – 10,5 кВ оралиғида бўлиши (С воқейлик) бўлиши эхтимол (мумкин).

Ушбу воқейликлар бир – бири билан бирга юзага келмайди, тенг эхтимолликга эга эмас ва воқейликларни тўла гурухини ташкил этади. Воқейликлар эхтимоллигини $P(A)$ ҳисоблашда воқейликларнинг ижобий (мақбул) натижалари сони (m) ва тенг эхтимоллик (ягона эхтимоллик) ва бирга юзага келмайдиган воқейликларни умумий сони (n) га нисбати орқали топилади:

$$P(A) = \frac{m}{n}; \quad (4.1)$$

Эхтимолликни аниқлашни ушбу усул классик усули бўлиб эхтимолликларни бевосита ҳисоблаш усули деб аталади ва унда тенг эхтимоллик ва ижобий якунлари ҳисобланади.

4.1.3 Эхтимолликларни қўшиш ва кўпайтириш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларида (масалан: чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашда) технологик жараёнларни амалга оширувчи электр двигателлардан биттаси ёки бир нечтаси ишдан чиқиши мумкин. Демак А ёки В воқейлик алоҳида ва бир вақтда содир бўлиши мумкин.

А ва В воқейликлар йигиндисини учунчи воқейлик С деб қабул қиласиз. Учинчи воқейлик с фақат А воқейлик ёки фақат В воқейлик ёки иккаласини бир вақтдаги содир бўлишини ифодалайди (4.1-расм).



4.1-расм. А ва В воқейликларни содир бўлиш эхтимоллиги график тасвири.

Бир вақтда содир бўлмайдиган воқейликларни қўйиш. Бир вақтда содир бўлмайдиган А ва В воқейликлар бир вақтда юзага келмайди.

Иккита бир вақтда содир бўлмайдиган воқейликлардан биронтасини А ёки В воқейлик юзага келиш эхтимоллиги $P(A+B)$ ушбу воқейликларни юзага келиш эхтимолликларини йигиндисига тенгdir $P(A)$, $P(B)$, $P(A+B)=P(A)+P(B)$.

Бир вақтда содир бўлмайдиган бир нечта воқейликларни қўшишнинг умумлашган теоремаси бир вақтда содир бўлмайдиган бир нечта воқейликлардан (A_1 ёки A_2 ёки A_3 ёки A_n) биронтасини содир бўлиш эхтимолликлари йигиндисига тенгdir:

$$P(A_1+A_2+A_3+\dots+A_n)=P(A_1)+P(A_2)+P(A_3)+\dots+P(A_n) \text{ ёки}$$

$$P\sum_{i=1}^n A_i = \sum_{i=1}^n P(A_i) \quad (4.2)$$

Воқейликларни тўла гурӯҳи эхтимолликлари йигиндиси 1 га тенг:

$$\sum_{i=1}^n P(A_i) = 1 \quad (4.3)$$

1.Мисол. Подстанция шиналаридағи кучланиш кузатилганда содир бўладиган воқейликлар эхтимолини аниқлаймиз.

Подстанция шинасида кучланиш: белгиланган нормада (9,5кВ дан 10,5кВ гача) бўлиш эҳтимоли А воқейлик деб оламиз ва уни эҳтимоллиги $P(B)=0,87$.

9,5 кВ дан паст бўлиш эҳтимоллиги (А воқейлик) $P(A)=0,05$;
10,5 кВ дан юқори бўлиш эҳтимоллиги (С воқейлик) $P(C)=0,085$;

Подстанция шинасида белгиланган нормадан бошқа кучланиш содир бўлиши (воқейлик) эҳтимоли A(D) ни аниқланг.

A, B ва C воқейлик бир вактда содир бўлмайдиган ва фақат алоҳида содир бўладиган воқейликлар бўлиб воқейликларни тўла гуруҳини ташкил этади.

Подстанция шинасидаги кучланиш белгиланган нормаси (воқейлик B) – (9,5 - 10,5кВ) бўлиб ундан бошқа қиймати 9,5 дан кам (воқейлик A) ва 10,5 дан катта (воқейлик C) бўлганлигидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги 2 та усулни қўллаб D воқейликни содир бўлиш эҳтимолини ҳисоблаймиз.

I усул: $D=A+C=(\text{ёки } A, \text{ ёки } C)$ қўшиш теоремасини қўллаб топамиз $P(D)=P(A)+P(C)=0,05+0,08=0,13$

II усул: D воқейлик B воқейликка зид (қарама - қарши) воқейликлар эканлигини ($P(D)=P(B)$) инобатга олиб топамиз $P(D)+P(B)=1$

$$P(D)=1-P(B)=1-0,87=0,13$$

Шартли эҳтимолликлар

Бир нечта A,B.....N воқейликларнинг хар бирини амалга оширилиши эҳтимоллиги қолганларини хар қандайини содир бўлиш ёки содир бўлмаслигига боғлиқ бўлмаган воқейликлар дейилади. Бунинг тескариси эса бир – бирига боғлиқ бўлган воқейлик дейилади.

Масалан: ўзаро электр боғланмаган манбаъларда уланган бир – биридан анча узокда жойлашган подстанциялар шиналаридағи кучланишни ўзгаришини ўрганамиз.

Биринчи подстанция шиналарида кучланиш номиналдан катта бўлишини A воқейлик, иккинчи подстанция шиналарида кучланишни номиналдан катта бўлишини B воқейлик содир бўлиши деб қабул қиласак шу билан бирга A воқейликни, яъни биринчи подстанция шинасида кучланишни кўтарилиши, эҳтимоллиги иккинчи подстанцияни шиналаридағи кучланишни ошиши яъни B воқейлик содир бўлиши ёки бўлмаслигига боғлиқ эмаслиги. Ушбу воқейликларни бир – бирига боғлиқ бўлмаган воқейликлар дейилади. Айрим холларда A ва B воқейлик ўзаро боғлиқ ҳолда содир бўлади. Масалан: Иssiқхонага ўрнатилган ростланмайдиган қизитиш қурилмага берилаётган кучланишни номиналдан ошиб кетиши (воқейлик A) иккинчи воқейлик яъни қурилма истеъмол қилаётган токни ошишига олиб келувчи B воқейликни содир бўлишига олиб келса бундай воқейликлар бир – бирига боғлиқ воқейликларга киради.

Кўп холларда қишлоқ хўжалик электр ускуналарни эксплуатациялашда у ёки бу воқейликни юзага келишини бошқа бир воқейлик содир бўлганда эҳтимоллигини аниқлаш зарурияти туғилади. Масалан: тармоқдаги кучланишни ошиши юзага келганда трансформаторни юклама токини маълум миқдордан ошишини содир бўлишини аниқлаш; айрим муҳит температураси ошиши юзага келганда ярим ўтказгичли асбоблар ўрнатилган

автоматик ростлаш схемасини ишламай қолиш эхтимоллигини аниқлаш; ташқи мухит ҳарорати кескин пасайиши юзага келганда иситиладиган иссиқхоналар хароратини ўрнатилган даражадан пасайиб кетиш эхтимоллигини аниқлаш ва ҳакозолар.

Ушбу гурух масалаларни қуйидагича таърифлаш мумкин: Бирон бир А воқейлик В воқейлик билан боғлиқ ва В воқейлик содир бўлганда А воқейликни юзага келишини аниқлаш. Агар В воқейлик А воқейликга боғлиқ бўлмаса унда А воқейлик ҳам В воқейликга боғлиқ эмас. А воқейлик эхтимоллиги, бирон – бир В воқейлик ёки B_1, B_2, \dots, B_k воқейликларни содир бўлиш шарти орқали ҳисобланса бундай воқейлик шартли воқейлик дейилади ва у $P(A|B)$ ёки $P(A/B_1, B_2, \dots, B_k)$ кўринишида белгиланади. Шартли эхтимоллик $P(A|B)$ ни эхтимолликларни бевосита ҳисоблаш усули билан аниқлаш талаб қилинмоқда дейлик. Тенг имконли натижалардан тасини В воқейликга қулайлик туғдиради. Баъзи бир ушбу «т» натижалардан А воқейлик юзага келади. Фараз қилайлик ушбу т натижадан тасида юзага келди. Баъзи В воқейлик содир бўлганда А воқейликни юзага келиш эхтимоллиги қизиқтираётган экан А воқейлик учун тенг имконли натижа этиб натижани ҳаммаси эмас балки В воқейлик юзага келишига олиб келувчи т натижани олиш мумкин.

Бинобарин: $P(A|B)=r|m$

Бошқача айтганда В воқейлик содир бўлиш шарти бажарилганда А воқейликни нисбий эхтимоллиги A ва B воқейликларни биргалиқда содир бўлгандаги r натижалар сонини В воқейлик содир бўлиш натижалар сони та га нисбати билан белгиланади.

A ва B воқейликлар бир –бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда $P(A|B)=P(A)$
 $P(A|B)=P(B)$

A ва B воқейликлар бирга содир бўлмайдиган ҳолда $P(A|B)=P(A|B)=0$.

Воқейликларни кўпайтириш

Технологик линиянинг электр ускуналаридан иккитасини бир вақтда иш ҳолатда (соз) бўлиш воқейлиги яъни (A ва B воқейлик содир бўлиши) учунчи воқейликни юзага келтириши яъни технологик линияни нормал иш ҳолати «C» воқейлик содир бўлишига олиб келиши мумкин. 4.2-расм. $A*B=(A \text{ ва } B \text{ биргалиқда})=C$



4.2-расм. Эхтимолликларни кўпайтириш теоремасига оид A ва B воқейликларнинг бир вақтда содир бўлишини график тасвири.

Иккита воқейлик A ва B ни биргалиқда содир бўлишидан юзага келадиган C воқейлик A ва B воқейликлар кўпайтмаси (биргалиқда содир бўлиши) деб аталади.

Эхтимолликларни кўпайтириш

Икки воқейликлар күпайтмаси эхтимоллиги биринчиси содир бўлган ҳолатда, воқейликлардан бирини эхтимоллигини иккинчисини шартли эхтимоллигига кўпайтмасига тенг:

$$P(AB)=P(A)P(B)=P(B)P(A|B)$$

$$C=AB=(A \text{ ва } B)$$

В воқейлик содир бўлишига n тенг имкониятли, биргаликда содир бўлмайдиган ва ягона натижалардан m та натижа қулай имкон яратади десак В воқейлик албатда содир бўлиш эхтимоллиги $P(B)=m|n$.

Бир нечта ўзаро боғланган воқейликларни биргаликда амалга оширилиш эхтимоллиги (ва A_1 ва A_2 ва A_3 ва A_n) улардан биринчиси эхтимоллигини биринчи воқейлик содир бўлиш шарти бажарилган ҳолда иккинчиси, шартли эхтимоллигига, биринчи иккитаси содир бўлиш шарти бажарилган ҳолда учунчисини шартли эхтимоллигига кўпайтмасига тенг:

$$P(A_1A_2A_3....A_n)=P(A_1)P(A_2|A_1)P(A_3|A_1A_2)....P(A_n|A_1A_2....A_{n-1});$$

Бир нечта ўзаро боғлиқ бўлмаган воқейликларни биргаликда содир бўлиши (A_1A_2 A_n) ушбу воқейликлар эхтимоллилиги кўпайтмаларига тенг:

$$P(A_1A_2A_3....A_n)=P(A_1)P(A_2)P(A_3)....P(A_n);$$

Эхтимоликларни қўшиш ва кўпайтиришга мисоллар.

Мисол - 2. Донни тозалаш технологик линияни автоматик бошқариш схемасини ишламай қолиш сабаби технологик линияда фойдаланилаётган N та релелардан 1 тасини ишдан чиқишидир. Схемани ишлаши учун N та релени навбатма – навбат хар бирини текшириб кўрилади. N та релени ҳаммасини ишдан чиқиш эхтимоллилиги бир хил деб қараб N та реледан n тасини текшириб кўриш эхтимоллигини аниқлаймиз. ($1 \leq n \leq N$)

Ечиш. І сонли релени иш ҳолатида (соз) бўлиш воқейлигини A_i деб қараб чиқамиз.

Автоматик бошқариш схемани N та релесидан (элементидан) 1 таси носоз қолган $N-1$ та соз ҳолатида:

$$P(A_1)=\frac{N-1}{N}, \quad P(\bar{A}_1)=1-P(A_1)=\frac{1}{N};$$

Битта реле текширишга тўғри келишини эхтимоллигини қўйидагича ифодалаймиз:

$$p_1=P(\bar{A})=\frac{1}{N};$$

Иккита релени текширишга тўғри келиш эхтимоллиги p_2 ни топиш учун авволо биринчи реле соз (иш ҳолатида) бўлганда биринчи реле соз бўлса қолган ($N-1$) релелар орасида битта носоз реле бор бинобарин:

$$P(\bar{A}_2| A_1)=\frac{1}{1-N};$$

Эхтимоликларни қўпайтириш теоремасига асосан:

$$p_2=P(\bar{A}_1 A_2)=P(A_1)P(\bar{A}_2| A_1)=\frac{N-1}{N} \cdot \frac{1}{N-1}=\frac{1}{N};$$

Юқоридаги тартибда $p_3.....p_n$ ларни топамиз:

$$p_3=P(A_1 A_2 \bar{A}_3)=P(A_1)P(\bar{A}_2| A_1)P(\bar{A}_3| \bar{A}_1 \bar{A}_2)=\frac{N-1}{N} \cdot \frac{N-2}{N-1} \cdot \frac{1}{N-2}=\frac{1}{N};$$

$$p_n=P(A_1 A_2..... A_{n-1} \bar{A}_n)=\frac{1}{N};$$

Қўшишни умумлашган теоремаси

А ва В воқейликларни биргаликда содир бўлиш мумкин деб қараб уларни йифиндиси $C=A+B$ эҳтимоллигини топиш керак. Содир бўлиши (юзага келиши) мумкин бўлган n натижалардан А воқейликга m_1 таси В воқейликга m_2 таси шароит яратиб беради. А ва В воқейликлар қўшма бўлганлиги учун уларни содир бўлишига шароит яратиб берувчи m_1 ва m_2 натижалар орасида А ва В воқейликларни бир йўла содир бўлишига олиб келувчи (шароит яратиб берувчи) m_3 натижалар мавжуд яъни, С воқейликни юзага келтирувчи натижалар $m=m_1+m_2-m_3$ тенглама орқали ифодаланади.

$$\text{Бинобарин: } P(C) = \frac{m_1 + m_2 - m_3}{n} = \frac{m_1}{n} + \frac{m_2}{n} - \frac{m_3}{n}$$


$$\text{ёки } P(A+B) = P(A) + P(B) - P(AB)$$

Иккита қўшма воқейликларни иккитасидан биттасини, А ёки В ни, юзага келиш эҳтимоллиги уларни биргаликда содир бўлиши (юзага келиши) эҳтимоллигисиз А ва В воқейликларни содир бўлиш эҳтимолликлари йифиндисига тенг (4.3 - расм).



4.3 – расм. Эҳтимолликларни қўшиш умумий теоремасига оид

Мисол - 3. 380 В электр тармоқга электр двигател ва ёритиш лампалари уланган (4.4 - расм).



4.4. - расм. Электр тармоқга электр двигател ва ёритиш лампаларининг уланиш схемаси

Электр мотор (куч юклами) барча симларда бир хил юклами ҳосил қиласди ва уларни юзага келиш эҳтимоллиги 4.1 - жадвалда келтирилган.

4.1 - жадвал

P, кВт	10	8	6	4	2	0
Эҳтимоллиги	0,6	0,2	0,1	0,05	0,03	0,02

Ёритиш юклами электр лампалар томонидан А, В, С фазаларда юзага келадиган юкламалар интервал қатори 4.2 - жадвалда келтирилган.

4.2 - жадвал

Фаза	Юклама интерваллари, кВт				
	10 - 8	8 - 6	6 - 4	4 - 2	2 - 0
A	0,7	0,1	0,1	0,06	0,04
B	0,5	0,25	0,25	0,03	0,02
C	0,6	0,2	0,15	0,04	0,01

1 та фазага түғри келадиган юкламалар эхтимоллиги ўртаса қийматини аниқланг.

Ечиш: фазалар бүйича умумий юклама тақсимланишини топамиз. Бунинг учун 4.1 ва 4.2 жадвалларда көлтирилген электр ёритгичлар ва двигателлар қувватлари ва эхтимоллик күрсаткышлари күпайтмаси йиғиндиларини фазалар бүйича тақсимлаб чиқамиз (4.3 - жадвал).

4.3 - жадвал

Фаза	Юклама интерваллари, кВт									
	20-18	18-16	16-14	14-12	12-10	10-8	8-6	6-4	4-2	2-0
A	0,42	0,2	0,15	0,101	0,072	0,036	0,012	0,006	0,002	0,001
B	0,3	0,25	0,22	0,112	0,058	0,036	0,016	0,006	0,002	0,0
C	0,36	0,24	0,19	0,103	0,057	0,032	0,012	0,005	0,001	0,0
Үртаса эхтимол лик	0,36	0,23	0,187	0,105	0,0623	0,0347	0,0133	0,0057	0,0017	0,003

4.3 - жадвалдан күриниб турибдики фазаларга түғри келадиган юкламалар бир биридан жуда ҳам кам фарқ қиласы. Демак фазалар ассимметрияси йўқ деган ҳолосага келамиз.

Ушбу амални бир - бирига боғлиқ бўлмаган воқейликларни (электр ёритгич юкламалар содир бўлиш, А воқейлик ва куч юкламаларни содир бўлиши, В воқейлик) содир бўлиш эхтимолликларини кўпайтириш теоремасини ва бир бирига мос келмайдиган воқейликларни содир бўлишини қўшиш теоремасини қўллаб бажарамиз. Масалан: А фаза юкламасини 18 -16 кВт оралиғида содир бўлиш эхтимоллиги ёритиш ва куч юкламаларини икки хил қийматида юзага келади (4.4 - жадвални 2 ва 3 устунлари). А фазага түғри келадиган юкламалар эхтимоллиги 0,20 га teng экан.

4.4 - жадвал

Интервал	Куч юклама	Электр ёритгич кВт	Эхтимоллиги		$P_{куч}, P_{ёрит}$
			$P_{куч}$	$P_{ёрит}$	
18 - 16	10 8	8 - 6 10 - 8	0,6	0,1	0,06
			0,2	0,7	0,14
Умумий эхтимоллик					0,20

Тўла эхтимоллик, гипотеза теоремаси.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш технологик линияларда у ёки бу технологик қурилмани ишдан чиқиши технологик линияни тўхтаб қолиш эхтимоллигини ортишига олиб келади. Бундай ҳолда айрим технологик ускуналарни ишдан чиқиш эхтимоллигини хисобга олган ҳолда линияни тўхтамасдан ишлаш эхтимоллигини ва уни

технологик жараённи амалга оширишга таъсирини аниқлаш зарурияти юзага келади. Шунга ўхшаш масалага технологик жараённи ростлашнинг мураккаб тизимларини тахлил қилишда ҳам дуч келамиз. Тизимдаги ишдан чиқиши эҳтимоллиги турлича бўлган айрим ростлагичларни бузилишини тизимга ва жараёнга таъсирини тахлил қилиш зарурияти туғилади. Бундай ҳолда тизимда бевосита юзага келадиган воқейликларни (A) эҳтимоллигини топиш мураккаб бўлиб, A воқейликни воқейликларни тўла гурухини ташкил этувчи биргаликда содир бўлмайдиган воқейликларга нисбатан нисбий эҳтимоллиги топилади.

Ушбу масалани ечишда қўшиш ва кўпайтириш теоремаларини бирлаштирувчи тўла эҳтимоллик формуласидан фойдаланилади. Бирон бир A воқейлик, бир нечта биргаликда содир бўлмайдиган ва ягона содир бўладиган воқейликлардан ташкил топган H_1, H_2, \dots, H_n воқейликлар тўла гурухини ташкил этади ва $\sum_{i=1}^n P(H_i) = 1$. Бу воқейликларни A воқейлик учун гипотеза деб юритамиз. A воқейлик эҳтимоллигини тўла эҳтимоллик формуласи бўйича қуйидаги аниқлаймиз:

$$P(A) = \sum_{i=1}^n P(H_i)P(A/H_i)$$

Мисол - 4. Автоматик бошқарув қурилма 2 та ростлагич ёрдамида ишлайди. Қурилмани бузилиш эҳтимоли:

- иккала ростлагич соз бўлганда $q_{1,2}=0,01$;
- биринчиси соз бўлганда $q_1=0,10$;
- иккинчиси соз бўлганда $q_2=0,20$;
- иккаласи бузилганда $q_0=0,60$;

Ростлагичларнинг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги:

- биринчисини $p_1=0,95$;
- иккинчисини $p_2=0,90$;

Қурилмани автоматик элементларини ишлаши бир бири билан боғлиқ эмас қурилмани бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини аниқланг (A воқейлик эҳтимоллиги).

Ечиш: қуйидаги гипотезаларни кўриб чиқамиз:

$H_{1,2}$ - иккала ростлагич ҳам соз ҳолатда;

H_1 - биринчи ростлагич соз ҳолатда (иккинчиси носоз ҳолатда);

H_2 - иккинчи ростлагич соз ҳолатда (биринчиси носоз ҳолатда);

H_0 - иккала ростлагич ҳам носоз ҳолатда;

Гипотезалар эҳтимоллиги:

$$P(H_{1,2})=p_1p_2;$$

$$P(H_1)=p_1(1-p_2);$$

$$P(H_2)=p_2(1-p_1);$$

$$P(H_0)=(1-p_1)(1-p_2);$$

Қабул қилинган гипотезалар учун A воқейликни шартли эҳтимолликлари:

$$P(A|H_{1,2})=1-q_{1,2};$$

$$P(A|H_1)=1-q_1;$$

$$P(A|H_2)=1-q_2;$$

$$P(A|H_0)=1-q_0;$$

А воқейликни тұла әхтимоллиги топамиз:

$$P(A)=p_1p_2(1-q_{1,2})+p_1(1-p_2)(1-q_1)+p_2(1-p_1)(1-q_2)+(1+p_1)(1-q_0);$$

Хисоб натижалари 4.5 - жадвалда келтирилған;

4.5 - жадвал

Әхтимоллик			Шартлы әхтимоллик $P(A/H)$	Тұла әхтимоллик
Қурилмани ишдан чиқиши	Ростлагични ишлаши	Гипотеза		
$q_{1,2}=0,01$	$p_1=0,95$	$H_{1,2}=0,855$	0,99	0,846
$q_1=0,1$	$p_2=0,90$	$H_1=0,095$	0,90	0,085
$q_2=0,2$		$H_2=0,045$	0,80	0,036
$q_0=0,6$		$H_0=0,005$	0,40	0,002
А воқейлик әхтимоллиги				0,969

Мисол – 5. Заводда ишлаб чиқарылаётган электр двигателлар Р әхтимоллиқда нұқсонға эга бўлиши мумкин. Сифат назорати цехига топширилған хар битта двигатель учта назоратчининг фақат биттаси томонидан баҳоланади. Агар электр двигателларда нұқсонлар бор бўлса контроллер (назоартчи) томонидан уни аниқлаш әхтимоллиги $P_i(i=1,2,3)$. Электр двигатель нұқсони цехда аниқланиб уни яроқсиз деб кўрсатилмаса у кейинги босқич сифат назорати ОТК дан ўтказилади ва бу ерда ундаги нұқсонни p_0 әхтимоллиқда аниқланади.

Электр двигателлардаги нұқсонларни аниқланиши әхтимоллиги қўйидаги воқейликларда содир бўлиши мумкин.

А - электр двигатель яроқсиз деб топилған;

В - электр двигатель нұқсони цехда аниқланган;

С - электр двигатель нұқсони ОТКда аниқланган;

Ечиш: В ва С воқейликлар бир вақтда содир бўлмайдиган воқейликлар эканлигини инобатта олиб $A=B+C$ тенглама орқали ифодалаймиз. А воқейликни содир бўлиш әхтимоллиги:

$$P(A)=P(B+C)=P(B)+P(C);$$

Электр двигатель цехда яроқсиз деб топиш воқейлиги $P(B)$ содир бўлиши учун электр двигател нұқсонға эга бўлиши (М воқейлик) ва уни аниқланиши (N воқейлик) содир бўлиши керак.

$$P(B)=P(MN)=P(M)P(N|M);$$

Мавжуд нұқсонни цехда аниқланиши әхтимоллигини тұла әхтимоллик формуласи билан аниқлаймиз:

$$P(N|M)=\frac{1}{3} (p_1+p_2+p_3);$$

Электр двигателни нұқсонини цехда топилиш әхтимолини қўйидаги формула орқали топамиз:

$$P(B)=\frac{p_1 + p_2 + p_3}{3};$$

Юқоридаги тартибда $P(C)$ ни ҳисоблаймиз:

$$P(C)=p(1-\frac{p_1 + p_2 + p_3}{3});$$

$P(B)$ ва $P(C)$ бўйича А воқейликни эҳтимоллигини (электр моторни яроқсиз деб топилиши) аниқлаймиз:

$$P(A) = p \frac{p_1 + p_2 + p_3}{3} + pp_0 \left(1 - \frac{p_1 + p_2 + p_3}{3}\right)$$

Гипотезалар теоремаси (Бейса формуласи)

Айрим холларда бизни қизиқтираётган А воқейликни бевосита кузатиб бўлмайди ва уни содир бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисидаги хulosага бошқа бир воқейликни кузатиш орқали келинади. Масалан: туман подстанциясидаги навбатчи диспетчери подстанциядан чиқаётган линиядаги юкламани ўлчов асбоби орқали кузатиш имконига эга бўлсада уни келтириб чиқараётган сабабини (истемолчиларни тармоқдан ажратилиши ёки қўшимча уланиши, ўлчов трансформатордаги ёки иккиламчи ёки ўлчов асбобларда электр занжири узилганлиги ва бошқалар) лекин кузатиш асбобларидағи юкламани ўзгариш характеристига қараб кўпроқ эҳтимолликга эга сабаби хақида хulosага келиш ва у бўйича бирон ечим қабул қилиш мумкин. Бу турдаги масалаларни ечимини топишда Бейса формуласидан фойдаланилади.

Априор эҳтимоллиги $P(H_i)$, $i=1,2,3\dots n$ ва $\sum_{i=1}^n P(H_i) = 1$ бўлган,

$H_1, H_2, H_3, \dots, H_n$ бир бири билан бир вақтда содир бўлмайдиган гипотезалар тўла гуруҳи мисолида Бейса формуласини ифодалаймиз.

Моторнинг изоляциясини синаш натижасида А воқейлик содир бўлади. H_i - гипотеза эҳтимоллигини ўзгаришини кўриб чиқамиз. Бунинг учун $P(H_i/A)$ ни топамиз:

$$\begin{aligned} P(A)P(H_i|A) &= P(H_i)P(A|H_i); \\ P(H_i|A) &= P(H_i)P(A|H_i) / P(A); \end{aligned}$$

Ушбу тенгламани тўла эҳтимоллик қийматини - $P(A)$ қўйиб Бейса формуласини қуидаги ифодасини оламиз:

$$P(H_i / A) = \frac{P(H_i)P(A / H_i)}{\sum_{i=1}^n P(H_i)P(A / H_i)}, \quad i=1,2,3\dots n;$$

Тажрибаларни такрорлашни асолаш

Электр ускуналарни эксплуатациялашда уларни бирон бир кўрсаткичини ўрганиш билан боғлиқ тажрибалар ўтказиш ёки кузатувни бир хил шароитда бир неча маротаба такроран ўтказишга тўғри келади. Ушбу холатда бир биридан боғлиқ бўлмаган тажрибалар ёки кузатувлар натижасида бирон воқейликни бир, икки, уч ёки ундан ҳам қўп маротаба юзага келиш имкониятини баҳолаш зарурияти туғилади. Бир бири билан боғлиқ бўлмаган (мустақил) тажрибалар деб уларнинг хар бирида бирон бир (айрим) воқейликни содир бўлиши бошқа тажрибалар натижаларига боғлиқ бўлмаган тажрибаларни атаймиз.

Бир бирига боғлиқ бўлмаган п та тажрибанинг хар бирида А воқейликни содир бўлиш эҳтимоллиги p , содир бўлмаслик эҳтимоллиги эса $q=1-p$ п та тажрибада А воқейликни m маротаба содир бўлишида (юзага келиши) эҳтимоллигини P_{mn} билан белгилаймиз. Масалан учта тажрибада ($n=3$) А

учун натижани (воқейликни) содир бўлиши 3, 2, 1 ва 0 сонларда қайта этилиши мумкин. З та тажрибада А воқейлик содир бўлиши натижалари ва эхтимоллиги 4.6 - жадвалда келтирилган.

4.6 - жадвал

Натижалар	$\bar{A}\bar{A}\bar{A}$	$\bar{A}\bar{A}A$	$A\bar{A}\bar{A}$	$\bar{A}A\bar{A}$	$\bar{A}AA$	$A\bar{A}A$	$AA\bar{A}$	AAA
Эхтимоллиги	q^3	q^2p	q^2p	q^2p	p^2q	p^2q	p^2q	p^3
m	0	1	1	1	2	2	2	3

Учта тажрибадан биронтасида ҳам А воқейлик содир бўлмаса эхтимоллиги $P_{03}=3P_{03}-P(\bar{A}\bar{A}\bar{A})$ 3 та тажрибани биттасида А воқейлик содир бўлса $P_{13}=3q^2p$; $P_{13}=P(\bar{A}\bar{A}A)$ ёки $A\bar{A}\bar{A}$ ёки $\bar{A}A\bar{A}$ ва учта тажрибани иккитасида А воқейлик содир бўлса:

$$P_{23}=3q^2p;$$

$$P_{23}=(\text{ёки } A\bar{A}A \text{ ёки } \bar{A}AA \text{ ёки } AA\bar{A}); P_{33}=P^3; \quad (4.4)$$

P_{m3} эхтимоллигини $(q+p)^3$ биномни ёйиш орқали аниқласа бўлади.

n тажрибада А воқейликни содир бўлиши m маротаба, содир бўлмаслик эхтимоли n-m бўлганда бир бири билан боғлиқ бўлмаган эхтимолликларни кўпайтириш теоремасига асосан $p^m \cdot q^{n-m}$ кўпайтма билан ифодаланади.

Бундай натижалар сони n элементдан m бўйича қанча (сочитаний) тузиш мумкин бўлса шунча бўлиши мумкин.

$$C_n^m = \frac{n(n-1)\dots(n-m-1)}{m!} = \frac{n!}{m!(n-m)!}; \quad (4.5)$$

Ушбу натижаларни барчасини содир бўлиш эхтимоллиги бир хил бўлгани учун А воқейликни n тажрибада m маротаба содир бўлиш эхтимоллиги P_{mn} битта натижани эхтимоллигини натижалар сонига кўпайтмаси билан ифодаланади ва Бернулли формуласи деб юритилади.

$$P_{mn} = C_n^m p^m q^{n-m} = \frac{n!}{m!(n-m)!} \cdot p^m q^{n-m}; \quad (4.6)$$

P_{mn} - Ньютон биноми $(q+p)^n$ ни ёйилган аъзоларини акс эттиради ва уни шунинг учун ҳам эхтимолликларни биномал тақсимланиши деб хисоблаймиз.

Амалда n тажрибалар А воқейликни камида (энг камида) k маротаба содир бўлиш эхтимоллигини $P_{n(k)}$ аниқлаш зарур бўлади ва уни эхтимолликларни қўшиш теоремаси бўйича аниқланади.

$$P_{n(k)} = P_{kn} + P_{k+1,n} + P_{k+2,n} + \dots + P_{mn} = \sum_{m=k}^n C_n^m p^m q^{n-m} \quad (4.7)$$

Камида 1 та воқейлик содир бўлиш эхтимоллиги:

$$P_{n(1)} = 1 - q^n; \quad (4.8)$$

Бирон бир воқейликни P дан кам бўлмаган эхтимолликда камида бир маротаба содир бўлишини тасдиқлаш учун ўтказилиши керак бўлган тажрибалар сонини қўйидагича топилади.

$$n \geq \frac{\ln(1-P)}{\ln(1-p)} \quad (4.9)$$

Мисол – 6. Кун мобайнида бир бирлик махсулот олишга сарфланаётган солиширма энергия сарфи белгиланган меъёрдан ошиши эхтимоли 0,8 бўлган хол учун яқин 7 кун ичида 4 кун давомида солиширма энергия сарфини меъёрдан ортиқ бўлиш эхтимоли аниқлансин.

Ечиш. Мисол шартига кўра энергия сарфини $n=7$ кун давомида кузатиш мобайнида $m=4$ кун давомида уни миқдорини меъёрдан ошиш эхтимолини ($P_{4,7}$) топамиз; $P=0,8$ бўлгани учун $q=1-p=1-0,8=0,2$ бўлишини инобатга олган ҳолда эхтимоллик $P_{4,7}$ ни Бернулли формуласи ёрдамида аниқлаймиз.

$$P_{4,7} = C_7^4 p^4 q^3 = \frac{7(7-1)(7-2)(7-3)(7-4)}{1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4} (0,8)^4 \cdot (0,2)^3 = 0,115;$$

Тажрибалар, кузатувлар сони (n) катта бўлганда n тажриба натижасида А воқейликни m маротаба содир бўлиш эхтимоллигини (P_{mn}) Лапласнинг асимптотик формуласи ёрдамида қўйидагича ҳисобланади:

$$P_{mn} = \frac{1}{\sqrt{npq}} \cdot \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \cdot e^{-\frac{t^2}{2}}; \quad t = \frac{m-np}{\sqrt{npq}};$$

Хисоб ишларини осонлаштириш учун $\varphi(t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \cdot e^{-\frac{t^2}{2}}$ функция қийматлари адабиётлар ёки справочникларда келтирилади.

Амалда n тажриба давомида А воқейликни k_1 дан кам бўлмаган k_2 дан кўп бўлмаган маротаба содир бўлиш эхтимоллигини аниқлаш кўпроқ учрайди. Ушбу ҳолда Лаплас функциясини қўйидаги шаклда ифодалаймиз:

$$P_{n(K_1K_2)} = \Phi(t_2) - \Phi(t_1);$$

$$\Phi(t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \cdot \int e^{-\frac{t^2}{2}} \cdot dt \text{ - махсус функция.}$$

Тажрибалар сони n - катта бўлган ва $npq < 9$ ҳолларда Пуассон формуласидан фойдаланилади.

$$P_{mn} \approx \frac{\lambda^m e^{-\lambda}}{m!}; \text{ бу ерда } \lambda = np.$$

Мисол - 7. Заводда тайёрланаётган чўғланма лампалардан N – фоизи ($N\%$) стандарт талабларига жавоб беради. Ишлаб чиқарилган умумий лампалар сонидан (бош мажмуудан) ажратиб олинган 100 дона ($n=100$) чўғланма лампалардан:

- а) l тасини ностандартлиги эхтимоллигини?
 - б) k тадан кам бўлмаган ностандартлари борлиги эхтимолини аниқланг?;
- Ушбу масалани 2 вариант учун ечимини топинг:
- 1) $N=80\%$; $l=18$ та; $K=16$ та;
 - 2) $N=95\%$; $l=7$ та;

Ечиш. 1 вариант учун. Ностандарт лампани аниқлаш эхтимоли

$$P=1-\frac{N}{100}=0,2; q=1-p=0,8; npq=100 \cdot 0,2 \cdot 0,8=16>9;$$

Лаплас асимптотик формуласи билан 100 та лампадан 18 тасини ностандартлик эхтимолини топамиз.

$$P_{18,100} = \frac{1}{\sqrt{npq}} \cdot \varphi(t); \quad t = \frac{18-np}{\sqrt{npq}} = \frac{18-20}{4} = -\frac{1}{2};$$

2 илова 2.1-жадвалдан $\varphi(-1/2)=\varphi(1/2)$ учун түгри келадиган $\varphi(t)$ ни қабул қиласыз 0,3521 [1].

$$P_{18,100} = \frac{1}{4} \cdot 0,3521 = 0,088;$$

$K=16$ учун 100 та лампадан камида 16 та ностандарт лампалар аниқланиш эхтимолини топамиз.

$$\begin{aligned} P_{100(m \geq 16)} &= P_{100(16,100)} = \frac{1}{\sqrt{25}} \int_1^2 e^{-\frac{t^2}{2}} dt; \\ t_1 &= \frac{k-np}{\sqrt{npq}} = \frac{16-100 \cdot 0,2}{4} = -1; \\ t_2 &= \frac{n-np}{\sqrt{npq}} = 20; \end{aligned}$$

Лаплас функцияси орқали ($P_{100(16,100)}$) ни ҳисоблаймиз:

$$P_{100(16,100)} = \Phi(20) - \Phi(-1) = 0,5 + 0,34134 \approx 0,84; \\ (\Phi(20) = 0,5 \text{ ва } \Phi(-1) = 0,34134 \text{ 2 – иловадан олинган. [1]})$$

2 вариант учун. $P=1-\frac{N}{100}=0,05$; $npq=100 \cdot 0,05 \cdot 0,95 < 9$ аниқланадиган эхтимолликни Пуассон теоремаси ёрдамида ифодалаймиз:

$$\lambda = np = 100 \cdot 0,05 = 5;$$

$$P_{100(7)} = \frac{5^7 \cdot e^{-5}}{7!} = 0,104 \quad (2\text{-илова 2.3-жадвал}).$$

4.2. Илмий тадқиқотларда статистик ёндашув

Үрганилаётган тасоддифий эхтимоллик характеристига эга вөкейликлар ёки оммавий ходисалар қайд этилган кузатув ёки эксперимент натижаларини тахлил қилиш ва уларни умумлашган характеристикаларини олиш мақсадида кузатув ёки тажрибалар натижаларига махсус математик ишлов бериш йўли билан керакли маълумотлар олиш усулларини ишлаб чиқиш математик статистикани асосий вазифаси ҳисобланади. Бошқача айтганда математик статистикани вазифаси илмий ва назарий хуносалар хосил қилиш мақсадида статистик маълумотларни тўплаш ва ишлаб чиқиш методларини яратишидир.

1.Мисол. Паррандачилик фабрикасидаги 4А серияли қуввати 5кВт 150 та асинхрон моторларни бир хил шароитда (юкламалари ва атроф муҳит шароитлари бир хил) бузилмасдан ишлаши ўртача вақтини аниқлаш керак. Қўйилган масалани ечиш учун 150 та мотордан ($N=150$ та бош мажмуадан) 25 тасини ($n=25$ та танлама мажмуани) ажратиб олиб уларни бузилмасдан ишлаш вақтини кузатиб натижаларини 4.7 – жадвалда кайд этамиз.


Кузатиши натижалари:

№1-5,0й;	№6-5,2й	№11-4,5й	№16-4,4й	№21-3,8й
№2-4,3й	№7-5,3й	№12-4,6й	№17-4,0й	№22-3,9й
№3-6,0й	№8-5,5й	№13-4,7й	№18-4,9й	№23-6,1й
№4-4,3й	№9-5,6й	№14-4,8й	№19-5,8й	№24-6,2й
№5-4,6й	№10-5,7й	№15-5,1й	№20-5,9й	№25-6,3й

Қайд этилган натижалардан фақатгина битта хulosага келиш мүмкінки яғни, ўрганилаётган 25та электр моторларни ишлаш муддатлари 3,8 йилдан 6,3 йилгача оралиқда ўзгаради. (4.5 - расм). Башқа айтганда ушбу оралиқдаги тасоддифий сочилған натижалар қайд қилинганды.

3,8 йил ва 6,3 йил оралиғида қайд этилган тасоддифий катталиклар (воқейликлар) бир неча омилларга боғлиқ: двигателлар уланған электр таъминот тизимидағи кучланишни, частотани, моторларни юкламаларини ўзгаришига ва хаказоларга боғлик бўлиб ушбу омиллар башқарилмайдиган омиллар ҳисобланади.

Двигателларни бузилмасдан ишлаш вақти



Двигателлар тартиб рақами


4.5- расм. Электр моторларни бузилмасдан ишлаш вақтини кузатиши натижаларини сочилған ҳолда жойлашиши.

Бошқа бир мисол: Мустақил қўзғатишли ўзгармас ток электр двигателнинг истеъмол қуввати ($P_{ист}$), кучланиш ($U_d = U_c + U_a$) ўзгармас бўлгандан, электр мотор истеъмол қилаётган ток кучига (I_d) пропорционал тарзда ўзгарад ($I_d = I_a + I_c$ электр двигател якор ва статос токлари йиғиндиси)..

Ушбу боғлиқликни аналитик яғни формула ёрдамида қўйидагича ифодалаш мүмкун:

$$P_{ист} = I_d \cdot U_d \quad (4.10)$$

Ушбу аналитик боғлиқлик тўғри чизик бўлиб уни 4.6 – расмдаги график орқали ифодалаш мүмкун.



4.6 – расм. Ўзгармас ток маторни истеъмол қуввати ($P_{ист}$) ни статор токи (I_d)га боғлиқлик графиги. $P=f(I_d)$

Кучланиш “U” ўзгармас бўлганданда статор токининг турли қиймати I учун двигатель истеъмол қувватини аниқ ҳисоблаш мумкин.

Математик формула яъни $P_{ист} = I_d \cdot U_d$ ёрдамида қурилган графикнинг $P=f(I_c)$ аниқлиги энг юқори даражада бўлади, яъни токнинг $I_{d1}, I_{d2}, I_{d3}, I_{d4}, I_{d5}, I_{d6}$ қийматлари учун формула ёрдамида ҳисоблаб топилган қувватлар $P_{ист1}, P_{ист2}, P_{ист3}, P_{ист4}, P_{ист5}, P_{ист6}$ тасоддифийлик эхтимоллигидан ҳоли.

Ушбу графикни эксперимент (тажриба) натижалари бўйича қурилганда яъни ўрганилаётган электр маторни тармоқга уланиш занжирига ўрнатилган ваттметр орқали истеъмол қилаётган қувватини ($P_{ист}^1$) ва амперметр бўйича токини (I) ўлчаш натижалари 4.6 – расмда белгилаб чиқилганда учта такрорланган тажрибада токнинг бир хил қийматига турли хил қувват тўғри келишини кўрамиз.

Биринчи мисолда олинган натижалар (воқейликлар) тасоддифийлик эхтимоллиги электр тармоқда кучланишини (U) ток частотасини (f), моторни юкланишини ўзгариб туриши ва бошқа бошқарилмайдиган омиллар билан боғлиқдир.

Иккинчи мисолда эса формула бўйича қурилган графикдан $P=f(I_c)$ ваттметр ва амперметр кўрсаткичлари бўйича қурилган график - $P=f(I_c)$ орасидаги фарқ яъни ўлчов натижаларини тасоддифийлик эхтимоллиги ўлчов аниқлигига боғлиқ.

Шундай қилиб юқоридаги мисоллар тахлили тасоддифий воқейлик ёки тасоддифий катталикларни юзага келишини иккита манба мавжуд бўлиши мумкин деган хулоса олиб келади.

Биринчи манба – тадқиқот олиб борилаётган объектга катта микдордаги бошқарилмайдиган, кўп ҳолларда ҳисобга олинмайдиган омиллар таъсири;

Иккинчи манба – детерминал катталикларни ўлчов ноаниқлиги таъсири;

Тасоддифий катталикларни юзага келиш манбаи сабабидан қатъий назар улар асосида маълумот бир қонуният ётади ва бу катталиклар (воқейликлар)

қанча күп ўрганилса уларни ифодаловчи қонуниятлар шунча аниклашади (ойдинлашади).

4.3. Тасоддифий катталиклар, уларни тақсимланиши ва миқдорий характеристикалари

Статистик маълумотлар (тажриба ёки кузатув натижалари маълумотлари) тасоддифий катталиклар деб қаралади ва математик статистик усуллардан фойдаланиб уларни эхтимоллиги аниқланади.

Ўрганилаётган объектни, жараёнлар ёки воқейликларни тўла қамровли кузатиш жуда кам холларда учрайди ва буни амалга ошириш баъзан жисмоний имкониятлар билан чекланса, баъзан катта моддий харажатлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, барча Тошкент ва Фарғона иссиқлик электр станциялари оралиғидаги юқори кучланишли электр узатиш тармоқларни носоз холатга келишини тармоқни тўла узунлиги мисолида ўрганиш катта маблағ ва жуда кўп вақт талаб қиласди. Худди шунингдек заводда ишлаб чиқарилаётган 100 мингта ёритиш лампаларни барчасини хизмат муддатини уларни тўла сонида ўрганиб чиқиш умуман заводда ишлаб чиқилган лампаларни йўққа чиқаришга олиб келган бўлар эди.

Юқоридаги ва шунга ўхшаш холларда ўрганилиши керак бўлган объектлар мажмуудан чегараланган сони тасоддифий ажратиб олинади. Масалан: 300 км узунлиқдаги 220 кВ линияни бир қисмида гина ташки мухит шароити мураккаб бўлган, яъни 10-15км танлаб олинниб ушбу оралиқдаги линия мисолида ўрганилади. Заводда ишлаб чиқилаётган қуввати 100 Ваттли 10 минг дона чўғланма лампадан 100 донаси ихтиёрий танлаб ажратиб олинниб уларни ишлаш муддати ўрганилади.

Ўрганилиши керак бўлган умумий объектлар бош тўплам (юқоридаги мисолдаги заводда тайёрланган 10 минг дона лампа N=10000) ва улардан ўрганиш учун ажратиб олинган қисми танлама тўплам (юқоридаги мисолда 100та n=100) деб юритилади.

Бош тўпламдаги ўрганилаётган катталиклар ва танлама тўпламдаги катталиклар сонини уларни хажми деб аталади. Бош тўплам сони N ни чексиз деб танлама тўплам сони n ни чегараланган деб ҳисобланади. Танлама тўплам катталиклар характеристикалари бўйича бош тўплам хақида тўла хulosага келиш учун бош тўплам объектлардан (N) танлама тўплам катталиклар (n) бош тўплам тўғри ифодалавши керак, бошқача айтганда танлама тўплам орасида репрезитивлик (ваколотлилик) шарти бажарилиши керак.

Инженерлик амалиётида математик статистиканинг асосий вазифаси:

- статистик маълумотлар асосида тасоддифий катталикларни тақсимланиш қонунини аниклаш;

- экспериментал тадқиқотлар ва кузатув натижалари асосида олинган, тасоддифий катталиклар тақсимланиш частотани у ёки бу назарий тақсимланиш қонунига тўғри келишини текшириб кўриш керак;

- тақсимланишнинг номаълум параметрларини топиш.

Тасоддифий катталикларни тақсимланиши деганда эхтимолликлар назариясида тасоддифий катталикларни юз бериши мумкин бўлган

қийматларини уларни эхтимоллигига мослигини тушунилса (үрганилса) математик статистикада танлама түплемдаги тасоддифий катталиклар қийматларини уларни частотасига мослиги тушунилади. Үрганилаётган узлуксиз тасоддифий катталиклардан (воқейликлардан) яъни бош түплем хажми қайд этилган N та натижадан n тасини танлаб-ажратиб олинади. Ажратиб олинган катталик қийматлари тўла диапазони бир хил узунликдаги (h) интервалларга “ I ” бўлинади. Хар бир интервал учун (x_i, x_{i+1}) унга тўғри келувчи натижалар сони m_i ва тасоддифий катталиклар частотаси ω_i ни топамиз:

$$\omega_i = \frac{m_i}{n}; \quad (4.11)$$

Интерваллар частотаси суммаси 1 га тенг бўлади: $\sum_{i=1}^l \omega_i = 1$.

Натижалар бўйича статистик интервалли қатори ва тақсимланишини статистик функцияси (графиги) қурилади.

Тақсимланишининг статистик функцияси қуидагида аналитик ифодаланади:

$$f^*(x) = \frac{n_x}{n}; \quad (4.12)$$

бу ерда: “ n_x ”— ажратиб (танлаб) олинган катталикларни “ X ” дан кам бўлган сони.

“ n ”— ажратиб (танлаб) олинган катталиклар сони.


Хулоса қилиб айтганда тасоддифий катталикларни тақсимланиши статистик функцияси бош мажмуини тақсимланиши назарий функциясига яқинлашишига хизмат қиласди.

Амалда, тасоддифий катталикларни тахлил қилиш ва керакли хулосалар қилишда тўлароқ маълумотга эга бўлиш учун уларни тақсимланиш функцияларидан кўра тақсимланиш зичлиги функциясидан кўпроқ фойдаланилади.

Тақсимланиш зичлиги вариацион қаторни гистограммаси ва частоталар полигони орқали ифодаланади.

Вариацион қатор полигони гистограммаси асоси интерваллардан (x_i, x_{i+1}) баландлиги частоталар зичлигидан $(\frac{p^*}{n})$ иборат поғонали жойлашган тўртбурчаклардан ташкил топган график тасвир билан ифодаланади.

4.7 – расмда 10 кВт қувватли истеъмолчини таъминловчи электр тармоқда носозлик юзага келиши натижасида истеъмолчига энергия етказиб беришдаги узилиш вақти давомийлиги частотаси гистограммаси келтирилган.



4.7 – расм. Частоталар гистограммаси.

Ушбу гистограммада узлуксиз тасоддифий тақсимланиш частотасига статистик үхашашигина (аналогини) ифодалайды.

Тасоддифий катталиклар интервали тақсимланиш характерига эга бўлган холда модал ва медионал интерваллар бўйича иш олиб бориш тўғри бўлади. Масалан: 4.8 – жадвалда бирон бир тасоддифий катталикни кузатиш натижаси унинг x_i қийматини n_i маротаба қайд этилганлиги келтирилган.

4.8 – жадвал

x_i	2	6	10	14
n_i	12	18	24	6
p_i^*	0,2	0,3	0,4	0,1


бу ерда: p_i^* - тасоддифий катталикни частотаси.

4.8 – жадвалда келтирилган x_i ва n_i лар бўйича танлаб олинган катталиклар сонини ва тасоддифий катталикларни ушбу қийматларини юзага келишини аниқлаймиз, частотаси (p_i^*) ни ҳисоблаймиз ва 4.8 – жадвалга киритамиз. Интервалларда келтирилган танлаб олинган катталиклар сони бўйича танлаб олинган катталиклар умумий сонини (n) ҳисоблаймиз:


$$p_i^* = \frac{n_i}{n};$$

Жадвалда келтирилган мисол учун 3 чи интервал n_3 модал интервал ҳисобланади. Медиана эса 2 чи ва 3 чи интерваллар чегараларида жойлашган.

4.8 - жадвалда x_i ва n_i ларни дискрет катталиклари бўлган хол учун частоталар полигони қурилади 4.8 - расм ва ундан фойдаланиб статистик қатор учун тақсимланиш функцияси чизилади 4.9 – расм.



4.8 – расм. Частота полигони.



4.9 - расм. 4.8 – жадвалдагы статистик қатор учун тақсимланиш функцияси графиги.

Қишлоқ хўжалиги электротехник ускуналари ва электротехнологик курилмаларини эксплуатациялаш давомида уларни иш жараёнини характерловчи энергетик, технологик ва бошқа кўрсаткичларини ифодаловчи тасоддифий воқейликлар содир бўлиши мумкин.

Масалан: маълум бир вақт оралиғида электр ёриткич лампаларни, электр моторларни ишдан чиқиши, автоматик узгичларни истеъмолчиларни электр манбаъсидан узиб кўйиши, ўлчов приборларни бузилмасдан ишлаш вақти давомийлиги ва шунга ўхшаш воқейликлар содир бўлиши тасоддиф характерга эга бўлиши мумкин. Ушбу тасоддифий воқейликларни бирон бир вақт оралиғида содир бўлишини тақорланишини миқдори (частотасини) ифодаловчи кўрсаткич тасоддифий катталик деб юритилади. Бошқача айтганда тажрибалар ўтказилганига қадар айнан қандайлиги маълум бўлмаган ва тажрибалар давомида қайд этилиши мумкин бўлган қўп сонли катталиклардан бири тасоддифий катталик бўлиши мумкин.

Бир биридан тарқоқ жойлашган ва сонли кўрсаткичлар билан ифодаланган воқейликлар **дискрет тасоддифий воқейликлар** деб аталади.

Масалан: бир йил давомида N – сонли лампалардан ишдан чиқиши эхтимоллиги ёки подстанциядаги линияларни ҳимоялаш воситасини ишлаб кетиш (үчириб қўйиш) сони ва бошқалар.

Маълум бир вақт оралиғида бир бирига чексиз яқин исталганча катталиклар билан ифодаланган катталиклар **узлуксиз тасоддифий катталиклар** деб аталади.

Масалан: электр тармоғига уланган кўп сонли истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинаётган энергия миқдорини бир сутка давомида ўзгариши.

Қишлоқ хўжалиги электр ускуналарини эксплуатациялаш жараёнида уларни холатини, энергетик кўрсаткичларини ўрганиш билан боғлиқ қатор тажрибалар ўтказишга тўғри келади.

Мисол: Электр моторларни капитал таъминлангандан кейин изоляциясини синаш ёки электр истеъмолчилари томонидан 1 соат давомида истеъмол қилинаётган энергия миқдорини ўлчаш ва хаказолар.

Экспериментлар ёки ўлчаш натижалари одатда ўлчанаётган катталиклар сон қийматларидан иборат қаторни ташкил қиласди ва уни кўпинча **вариацион қатор** деб аталади.

Вариацион қатор тажриба ёки ўлчаш натижалари бўйича олинган тасоддифий кетма-кетликда жойлашган тасоддифий катталиклардан иборат қатордир.

Ўрганилаётган воқейликни (жараённи) кечиши ва тасоддифий омилларнинг унга таъсири тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш учун вариацион қатордаги тартибсиз жойлашган тасоддифий катталикларни тартиблаштирилади. Тасоддифий катталиклар жойлашган пастки ва юқори чегаралари оралиғи бир хил ўлчамда (ораликда) бўлакларга (интервалларга) бўлиниб чиқлади.

4.2 бобда келтирилган товуқхонадаги 4А серияли электр моторларни бузилмасдан ишлаш вақтини аниқлаш бўйича қайд этилган натижалар (4.7 - жадвал) ушбу воқейликларни (тасоддифий катталикларни) 3,8-6,3 йил оралиғида ўзгаришини кўрсатади.

Ўлчанган катталикларни энг катта ва энг кичик қиймати фарқи 2,5 йилни ташкил этади. Вариацион қатордаги тасоддифий катталиклар сони “ n ” катта бўлса натижаларни тахлил қилишга қулай холатга келтириш учун энг катта ва энг кичик қийматларни тенг ораликда қисмларга (интервалларга) ажратиб чиқамиз. Бизнинг мисолимиз учун 3,8 – 6,3 ораликда қайд этилган кузатиш натижаларини 5 та қисмга 0,5 йил оралиқдаги қисмларга бўламиз.

Интерваллар оралиғи: (3,8-4,3); (4,3-4,8); (4,8-5,3); (5,3-5,8); (5,8-6,3);


4.9 – жадвалда келтирилган материаллар ёки 4.10 – расмда келтирилган частоталар полигони тасоддифий катталиктини (X) эмпирик (статистик) тақсимланиши ёки частоталар тақсимланишини ифодалайди ва эксперимент ёки кузатиш натижаларини ($x_1, x_2, x_3 \dots x_n$) бутун оралиқ (интервал) бўйича тақсимланишини кўрсатади.

4.9 – жадвал. Тажриба натижаларини тартибли холатда ифодалаш ва ишлов бериш жадвали.

4.9 – жадвал

i - интервалдаги тасоддифий катталиклар	3,8 3,9 4,0 4,1 4,2 4,8	4,4 4,5 4,6 4,6 4,7 5,3	4,9 5,0 5,1 5,2 5,3	5,5 5,6 5,7 5,8	6,9 6,0 6,1 6,2 6,3	
i - интервалдаги қайд этилган катталиклар сони, частотаси, m_i	5	6	5	4	5	n=25
Интервал (оралиқ)	3,8-4,3	4,3-4,8	4,8-5,3	5,3-5,8	5,8-6,3	
Тасоддифий катталикларни i - интервалдаги қайтарилишни нисбий частотаси $\omega_i = \frac{m_i}{n}$	$\frac{5}{25} = 0,2$	$\frac{6}{25} = 0,24$	$\frac{5}{25} = 0,2$	$\frac{4}{25} = 0,16$	$\frac{5}{25} = 0,2$	1,0
$\sum x$	20,3	28,4	25,5	22,6	30,5	
$\sum x^2$	412,09	816,5	650,2	510,7	930,2	

бу ерда: n – вариацион қатордаги тасоддифий катталиклар сони (n=25);
 m_i – берилған i - интервалдаги тасоддифий катталиклар сони;



4.10 – расм. Частоталар полигони (тақсимланишини эмпирик графиги)

Интерваллар сони к ни қүйидеги формула бүйіча қабул қилиш хам мүмкін:

$$k = 4 \log n \quad (4.13)$$

Кузатув ёки эксперимент натижалари асосида қурилған тасоддифий катталикларни эмпирик тақсимланишини бирон бир маълум назарий тақсимлашга келтирілади ёки аппроксимацияланади (яқынлаштирилади). Бошқача айтганда ўрганилаётган күрсаткичларни ўзгариш қонуниятини

ифодалаш учун тасоддифий катталиклар асосида тузилган эмпирик тақсимланишни унга яқин бўлган назарий тақсимланишга алмаштирилади.

Тасоддифий катталикларни эмпирик тақсимланиш жадвал ёки график кўринишида тасвирланади ва бу орқали ўрганилаётган воқейликларни ўзгариши (жараён параметрлари, катталиклари) ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўламиз.

Шу билан бирга тасоддифий катталикларни тақсимланишини миқдорий сон характеристикасини (кўрсаткичларини) билиш зарур бўлади.

Математик статистикада тасоддифий катталикларни сочилиш ва сочилиш марказини холат характеристикалари орқали миқдори (сони) ифодаланади.

Сочилиш маркази тасоддифий катталикларни энг кўп содир бўлиши қайд этилган интервалга тўғри келади. 4.9 - жадвалда келтирилган мисолда сочилиш маркази 4,4-4,8 оралиғидаги интервалга тўғри келади. Бошқача айтганда атрофида тасоддифий катталиклар тифиз жойлашган интервалдаги тасоддифий катталикларни ўртacha қиймати.

Тасоддифий катталикларни сочилиш марказидан у ёки бу даражада оғишини миқдорий кўрсаткичи сочилиш характеристикаси ҳисобланади.

Тасоддифий катталикларни сочилиш ва сочилиш маркази холат характеристикалари тасоддифий катталикларни статистикаси ёки статистик ўлчамлари дейилади.

Сочилиш маркази холат характеристикаси қуйидаги миқдорий (сон) кўрсаткичлар билан баҳоланади:

Ўртacha арифметик қиймат – (\bar{x});

Медиана ёки ўртacha қиймат – (x);

Мода – M_o .

Тасоддифий катталикларнинг миқдорий характеристикаларидан яна биттаси бу математик кутилган натижа бўлиб уни кўп холларда тақсимланиш маркази деб аталади. Тасоддифий катталик (воқейлик) $X, p_1, p_2, p_3 \dots p_n$ эхтимолликлар билан фақат $x_1, x_2, x_3 \dots x_n$ қийматлардаги қийматларга эга бўлганда дискрет тасоддифий катталиктин математик кутилган натижаси $M \leftarrow x_1 \cdot p_1 + x_2 \cdot p_2 + x_3 \cdot p_3 + \dots + x_n \cdot p_n$ эхтимолликларга эга $x_1, x_2, x_3 \dots x_n$ қийматли катталикларни кўпайтмалари йиғиндиси билан аниқланади.

$$M \leftarrow x_1 \cdot p_1 + x_2 \cdot p_2 + x_3 \cdot p_3 + \dots + x_n \cdot p_n = \sum_{i=1}^n x_i \cdot p_i \quad (4.14)$$

Тажриба ёки қузатувни n маротаба такрорлаш натижасида тасоддифий катталик X m_1 маротаба x_1 қийматни, m_2 маротаба x_2 қийматни, m_k маротаба x_k қийматни қабул қиласи деб оламиз. Бу ерда $m_1 + m_2 + m_3 + \dots + m_k = n$. Барча катталикларни ўртacha арифметик қиймати \bar{x} қуйидагича топилади.

$$\bar{x} = \frac{x_1 \cdot m_1 + x_2 \cdot m_2 + \dots + x_k \cdot m_k}{n} = x_1 \cdot \frac{m_1}{n} + x_2 \cdot \frac{m_2}{n} + \dots + x_k \cdot \frac{m_k}{n} \quad (4.15)$$

Формуладаги $\frac{m_i}{n} = \omega_i - x_i$ тасодифий катталиктининг частотаси.

Тажриба ёки кузатувлар сони чексиз катта бўлганда частота ω_i тақрибан унинг эхтимоллиги P_i га тенг деб олинади.

Бундай холда, **математик кутилиш** – $M \bar{x}$ тақрибан, тасодифий катталиктин кузатилаётган миқдорини ўртача арифметик қийматига тенг деб қабул қилинади.

Узлуксиз тасодифий катталиктин X ни қабул қилиши мумкин бўлган қийматлари бўйича маълумотларга эга чексиз кичик интервал (оралиқ) dx га тушиш эхтимоллиги эхтимолликнинг элементига тенг $f(x)dx$. Бундан келиб чиқсан ҳолда тақсимлашиш зичлиги $f(x)$ бўлган узлуксиз тасодифий катталиктин математик кутилиши қуйидаги формула билан хисобланади:

$$M \bar{x} = \int_{-\infty}^{\infty} xf(x)dx \quad (4.16)$$

Математик кутилиш кўп ҳолларда тасодифий катталикларни **тақсимланиш маркази** деб юритилади.

4.7 - жадвалда келтирилган вариацион қатор учун вариацион қаторнинг ўртача арифметик қиймати қуйидаги ифодаланади:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i \quad (5.17)$$

$$x = \frac{1}{25} (5,0 + 4,3 + 6,0 + 4,3 + 4,6 + 5,2 + 5,3 + 5,5 + 5,6 + 5,7 + 4,5 + 4,6 +$$

$$4,7 + 4,8 + 5,1 + 4,4 + 4,0 + 4,9 + 5,8 + 5,9 + 3,8 + 3,9 + 6,1 + 6,2 + 6,3) = 5,06 \text{ йил}$$

Вариацион қаторни ташкил этувчи тасодифий катталиклар сони катта миқдорда бўлса, хисоблаш аниқлигини маълум даражада пасайишини олдиндан билган ҳолда арифметик ўртача қийматни (\bar{x}) вариацион қаторни интервалларга бир неча бўлакларга бўлиниб хисобланади:

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^K u_i m_i \quad (4.18)$$

u_i - i интервалдаги тасодифий катталикларнинг ўртача қиймати;

m_i - i интервалдаги тасодифий катталиклар сони (ўлчовлар частотаси); K - интерваллар сони.


Вариацион қаторининг мухим миқдорий кўрсаткичлардан бири унинг **модаси (М)** бўлиб у вариацион қаторда энг кўп учрайдиган тасодифий катталиклар қайд этилган интервалдаги катталикларни ўртача қийматидир.

4.9 - жадвалда келтирилган вариацион қаторда тасодифий катталиклар энг кўп қайд этилган интервал 4,3-4,8 йил оралиғида бўлиб, интервалнинг ўртаси 4,5 га тўғри келади $M=4,5$ йил. Частоталар полиганида эса (4.9 - расм) эмпирик графикдаги “ ω ” нинг энг катта қиймати жойлашган нуқта билан белгиланади, яъни графикда ҳам $M=4,5$ й.

Тасодифий катталикларни сочилиш марказига нисбатан тақсимланиши симметрик жойлашган бўлса вариацион қатор ўртача

арифметик қиймати \bar{x} ва модаси M га тенг бўлади.

Тасоддифий катталикларни миқдорий характеристикаларидан бири **медиана** бўлиб тақсимланиш графиги ҳосил қилган майдон юзасини тенг иккига бўлувчи тасоддифий катталикни қиймати.



4.11 - расм. Тасоддифий катталикларни тақсимланиш зичлиги графиги.

Тасоддифий катталикларни эмпирик тақсимланиши характеристикиси учун ўртача квадратик ва модасини топишни ўзи етарли эмас, чунки иккита ўртача квадратик ва модалари бир бирига тенг ёки қарийб тенг бўлган тақсимланиш полигонлари икки хил шаклни ифодалashi мумкин. Шунинг учун улардаги тасоддифий катталикларни сочилишидаги фарқларни ҳисобга олишда сочилиш характеристикасидан фойдаланилади.

Тасоддифий катталикларни сочилишини ёки сочилиш марказидан хар хил масофада жойлашишини қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаймиз: Тасоддифий катталикларни **сочилиш кенглиги** (оралиги) R ; **ўртача квадратик оғиши** ёки **стандарт** $-\sigma$; **дисперсия** $-\sigma^2$; **вариация коэффициенти** $-v$;

Қийматнинг **сочилиш кенглиги** (R) бу тасоддифий катталикларни энг катта ва энг кичик қийматлари фарқи бўлиб қўйидагича аниқланади:

$$R = x_{\max} - x_{\min} \quad (4.19)$$

4.7 – жадвалда келтирилган вариацион қатор учун $R=6,3-3,8=2,5$ йил; **Ўртача квадрат оғиши** (σ) (дисперсия) тасоддифий катталикларни сочилиши кўрсаткичлари:

$$\sigma = \sqrt{\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}; \quad (4.20)$$

4.7 - жадвалда келтирилган вариацион қаторни ўртача квадратик оғиши:

$$\sigma = \sqrt{\frac{(3,8-5,06)^2 + (3,9-5,06)^2 + \dots + (6,2-5,06)^2 + (6,3-5,06)^2}{25}}$$

$$\text{Дисперсия } \sigma^2 \text{ (соилиш): } \sigma^2 = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2 ;$$

$$4.7 - \text{жадвал бўйича: } \sigma^2 = \frac{1}{25} (3,8 - 5,06)^2 + \dots + (6,3 - 5,06)^2 = 0,546$$

Вариация коэффициенти солиштирма дисперсия коэффициенти деб ҳам юритилади ва қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\vartheta = \frac{\sigma}{x} \cdot 100\% ;$$

$$4.7 - \text{жадвалда келтирилган вариацион қатор учун } \vartheta = \frac{0,7389}{5,06} = 0,122$$

Тасоддифий катталикларни тақсимланиш қонунлари

Тажрибалар ёки кузатувлар натижаларига статистик ёндашувда тасоддифий катталикларни реализация қилиш яъни тўплаш вақтидаги қийматлари белгилаш (олиш) чекланган. Одатда бир неча ўн маротаба ўлчовлар ёки кузатувлар билан чегараланади. Масалан юқоридаги паррандачилик фабрикасидаги A4 серияли асинхрон моторнинг бузилмасдан ишлаш вақтини ўрганишда тасоддифий катталикларни реализация сони 25 та яъни 25 та электр моторни кузатиш бўйича олинган яъни уларни сонини 50 ёки 100 тага етказиш реал шароитда амалга ошириб бўлмайди.

Тасоддифий катталикларни электрик тақсимланиш частотаси уларни характеристикалари каби маълум даражада ва уларни қийматлари вариацион қатор хажмини ошишига боғлиқ холда барқарор кўрсаткичига яқинлашиб боради. 4.7-жадвалдаги вариацион қатор учун кузатувлар сони n=25 дан кам бўлган хол учун ўртача арифметик кўрсаткич \bar{x} қуидаги қийматларга эга бўлади.

4.10 – жадвал

Вариацион қатор хажми n	4	5	5	5	6
Ўртача арифметик кўрсаткич \bar{x}	5,650	4,060	5,100	6,180	4,600

Худди шундай набарқарорлик кузатувлар сони 5, 15, 25тага teng бўлганда тасоддифий катталиклар частотаси қуидаги қийматларга эга бўлади.

4.11 – жадвал

Интервал, йил		3,8-4,3	4,3-4,8	5,3-5,8	5,8-6,3	4,8-5,3
Такрорланиш (частотаси) ω	n=5	0,400	0,200	0,000	0,200	0,200
	n=15	0,134	0,334	0,267	0,067	0,200
	n=25	0,200	0,240	0,200	0,200	0,160

Тажриба натижалари ва кузатувлар сонини ошиб бориши вариацион қаторнинг характеристикалари кўрсаткичларини (ўртача, дисперсия ва

хаказолар) ҳамда нисбий частотаси эмпирик тақсимланишини бирдан бир доимий катталика яқинлашишига олиб келади ва $n \rightarrow \infty$ ҳолда тасоддифий катталикларни тақсимланиш қонунини ифодалайди.

Тасоддифий катталикларни назарий тақсимлашиш қонунига катта ёки кам даражада эксперимент тақсимланиш қонунининг яқинлашуви тасоддифий катталикларни мумкин бўлган қийматларини ва уларга тўгри келувчи эҳтимолликлари орасидаги боғлиқликни ифодаловчи математик модели ҳисобланади.

Тасоддифий воқейлик ёки катталикларни эҳтимоллиги деганда вариацион қаторнинг хажми n чексиз ошиб борганида эмпирик тақсимланишни нисбий частотаси яқинлашган (интилган) доимий катталик тушинилади.

Амалда эса кузатишлар сони катта бўлганда тасоддифий воқейлик ёки ходисанинг эҳтимоллиги сон қиймати этиб тасоддифий воқейлик ёки ходисанинг нисбий частотаси қабул қилинади:

$$p(A) = \frac{m}{n} \quad (4.21)$$

n - вариацион қатордаги тасоддифий катталиклар сони (вариацион қаторнинг хажми)

m - вариацион қатордаги тасоддифий катталикларни қийматли натижалари.

Назарий тақсимланиш учун гурухлашув маркази бу кутилаётган математик натижа, бошқача айтганда вариацион қатор хажми n чексиз ошганда ($n \rightarrow \infty$) ўртача арифметик кўрсаткичи (\bar{x}) яқинлашган тасоддифий катталикни қиймати $\mu \rightarrow M$. Илмий тадқиқотларда статистик усуллар одатда ўрганилаётган кўрсаткичларни кузатув натижаларини эмпирик тақсимлашишини ифодалашга олиб келади. Тажриба ва кузатувлардан олинган тақсимланишни назарий тақсимланиш қонуни билан аппракцимациялаш (яқинлаштириш) керак.

Бундай аппракцимациялаш тадқиқот натижаларини ифодалаш ва тахлил этиш имконини беради. Бошқача айтганда олинган эмпирик тақсимланиш учун йигилган статистик материалларни муҳим хусусиятларинигина акс эттирувчи назарий тақсимланиш графигини қабул қилиш керак.

Кўпгина эмпирик тақсимланишлар Гаусс-Лаплас қонуни номи билан номланиб келинаётган кўп тарқалган нормал тақсимланиш ҳисобланувчи назарий тақсимланишларга бўйсунади.

Кўплаб бир – бирига боғлиқ бўлмаган ёки қисман боғлиқ бўлган сабабларни умумий таъсири натижасида содир бўлган тасоддифий катталиклар нормал тақсимланишга бўйсунади.

Тасоддифий катталикларни нормал тақсимланиш қонунияти шаклланишининг асосий шарти олинаётган натижаларга барча тасоддифий сабаблар бир хилда таъсир кўрсатиши ва улар орасида алоҳида устунликка эга сабаблар бўлмаслигидир.

Нормал тақсимланиш қонуни қуйидаги функция билан ифодаланади:


$$f(\xi) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} \cdot e^{-\frac{(\xi-\mu)^2}{2\sigma^2}} \quad (4.22)$$

бу ерда: σ - ўртача квадратик оғиш;

μ - күтилган математик натижа.

Тұғри бурчакли координаталар системаси обцисса ўқи бўйлаб тассодифий катталик қийматини (X), ордината ўқи бўйлаб эса унга тұғри келадиган қийматни қўйсак қўнғироқ шаклини тасвириловчи графикни беради ва бундай эгри чизик Гаусс эгри чизиги деб юритилади.

Нормал тақсимланиш графигининг максимал ординатаси $f(\mu)$ ўртача арифметик катталик μ кутилаётган математик натижа σ га teng бўлган ҳолатга тұғри келади $\mu = \sigma$ ва графикни симметрик жойлашган иккита қисмга бўлувчи ўқи ҳисобланади. (4.12 - расм)



4.12 – расм. Ўртача квадратик оғиши нормал тақсимланиш графиги шаклига таъсири.

$x = \mu$ тенглик шарти бажарилганда $f(\mu)$ қуйидаги математик ифода бўйича ҳисбланиб топилади:

$$f(\mu) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}}; \quad (4.23)$$

Нормал тақсимланиш эгри чизиги шакли уни характерловчи параметрлари ўртача квадратик оғиши (σ) ва $\frac{1}{\sqrt{2\pi}} \cdot e^{-\frac{(\mu-\mu)^2}{2\sigma^2}}$ ифодани иккисидан бирига боғлиқ. Формуладаги $\frac{x-\mu}{\sigma}$ ни тасоддифий катталикларни нормалланган оғиши “t” га алмаштиrsак уни қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$f(\mu) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{t^2}{2}} \quad (4.24)$$

$\frac{1}{\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{t^2}{2}}$ - нинг сон қиймати 2-иловани 2.1-жадвалида келтирилган.

График тасвири шакли ўртача квадратик оғишнинг (σ) қийматига боғлиқ бўлиб у қанча катта қийматга эга бўлса нормал тақсимланиш графиги

максимал нүктаси \bar{x} ўқига шунча яқин жойлашган бўлади, яъни ясси кўринишга эга бўлади.

Тажрибалар натижаси бўйича олинган эмпирик тақсимланишни назарий тақсимланиш қонуни билан аппраксимациялаш, яъни тасоддифий катталикларни нормал тақсимланиш графигини қуриш учун эхтимоллик кўрсаткичларни μ, σ эмпирик тақсимланишдан аниқланган статистик кўрсаткичлар билан алмаштириш керак.

$$\bar{x} = 5,06 \text{ йил}; \quad \sigma = 0,7389 \text{ йил};$$

Бинобарин ушбу хол учун назарий такрорланишлар даражасини (частотасини) ҳисоблашни қўйидаги формула ёрдамида амалга оширилади.

$$f(x) = \frac{1}{0,7389\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-5,06)^2}{2 \cdot 0,7389^2}} \quad (4.25)$$

Кутилган математик натижа μ ўртача квадратик оғишни нормал тақсимланиш графигини максимал ординатаси қийматига μ тўғри келади.

Тасоддифий катталикларни тақсимланишини юқоридаги формула бўйича ҳисобланган назарий ва 4.9 - жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қабул қилинган эмпирик частоталари 4.12 - жадвалда келтирилган.

4.12 – жадвал

	интерваллари				
	3,8-4,3	4,3-4,8	4,8-5,3	5,3-5,8	5,8-6,3
Эмпирик, ω	0,2	0,24	0,2	0,16	0,2
Назарий, ω					

Танлаш усуллари ҳақида тушунча

Кўплаб тадқиқот ишларида масалан электр ускуналарни эксплуатацион ишончлилигини аниқлашда умумий ҳусусиятларга эга катта сонли умумий (бош тўпламдан) ускуналардан бир қисмигина (танлама тўплам) ажратиб олиниб улар мисолида объект ҳусусиятлари ўрганилади. Масалан корхонадаги 100та бир хил серияли электр двигателлардан 25 таси ажратиб олиниб уларни ишончлилиги ўрганилади. 25та электр моторларнинг танлама тўпламининг ишончлилигини ўрганиш натижалари асосида 100 та электр мотор (бош тўплам) бўйича хulosा қилинади.

Амалиётда бош тўпламдан тўпламни танлаб олишни икки тури қўлланилади:

- бош тўпламни ажратиш талаб қилинадиган танлаш (оддий қайтарилмайдиган ва оддий қайтариладиган тасоддифий танлаш).

- бош тўпламни қисмларга ажратгандан кейин танлаш (типик танлаш – бош тўпламнинг типик қисмларидан олинадиган танлаш, механик танлаш – бош тўплам танламага нечта объект киритилиши лозим бўлса шунча гурухларга механик тарзда бўлинади ва хар бир гурухдан биттадан объект танланади, серияли налаш – бош тўпламдан биттадан эмас сериялаб олинади).

Танлама усулининг асосий белгиси – бош тўпламдан (масалан 100та бир хил серияли электр моторлардан) бир қисмини тадқиқот ўтказиш учун

тасоддифий ажратиб олиш (масалан хохлаган 25тасини таваккалига ажратиб олиш). Бу дегани 100та электр мотордан хар қайсиси ажратиб олинаётган 25та мотор гурухы ичига тушиш эхтимоллигига эга. Шунинг учун бош тўпламдан (100та электр двигателдан) ажратиб олинган 25та электр двигателлар бош тўпламга хос хусусиятларни тўғри ифодалашда ваколатликка эга (танлама тўплам) ҳисобланади ва тасоддифий танлаб ажратиш ҳисобланади. Одатда, бош тўпламдан тақсимланиш қонуни номаълум бўлиб бу ҳақидага маълумот манбаи, мажмуудаги x та тасоддифий катталиклардан ажратиб олинган n та катталиклардан олинган натижалар ҳисобланади. Танлама тўплам катталиклари (25та электр моторларни бузилмасдан ишлаш муддати бўйича) вариацион қатори бўйича уларни эмпирик тақсимланиши ва миқдорий кўрсаткичлари (ўртача арифметик- \bar{x} , дисперция σ^2 ва бошқалар) ҳисоблаб топилади.

Танлаш усули эмпирик тақсимланиш ва унинг характеристикалари баҳолар деб қаралади, яъни бош тўпламни номаълум параметрларини (математик натижа, ўртача квадратик оғиши ва бошқалар) тақрибий қийматидир.

Баҳолашни нуқтавий ва интервалли усуллари мавжуд: статистик характеристикани нуқтавий баҳолаш биргина сон, қиймат билан амалга оширилади. Бош тўпламни дисперцияси ва математик натижани баҳолашда танлаб (ажратиб) олинган катталикларни ўртача арифметик кўрсаткичи \bar{x} ва танлаб олинган (тузатиш киритилган) дисперция σ^2 лардан фойдаланилади. (Бу ерда “ σ^2 ” $\sigma^2 = \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n (\xi_i - \bar{x})^2$ формула ёрдамида ҳисобланади).

Статистик баҳолар баҳоланаётган параметрларнинг “яхширок” яқинлашишларини бериш учун қуйидаги талабларни қаноатлантириши лозим:

- силжимаган баҳо деб математик кутилиш, исталган хажмли танлама бўлганда ҳам баҳоланаётган ξ_0 параметрга teng бўлган ξ_ϵ статистик баҳога айтилади. Яъни $M(\xi_\epsilon) = \xi_0$;
- силжиган баҳо бу математик киритилиши $M(\xi_\epsilon)$ баҳоланаётган параметрга ξ_0 teng бўлган баҳога айтилади.
- эффектив баҳо деб (танламанинг хажми n берилганда) мумкин бўлган энг кичик дисперцияга эга бўлган статистик баҳога айтилади.

Катта хажмли (n -катта) танламалар қаралганда баҳоларга асослилик талаби кўйилади. Асослилик баҳо деб баҳоланаётган параметрга $n \rightarrow \infty$ да эхтимол бўйича яқинлашадиган статистик баҳога айтилади.

Масалан: силжимаган баҳонинг дисперцияси $n \rightarrow \infty$ да нолга интилса у ҳолда бундай баҳо асосли бўлади.

Нуқтали баҳолаш муайян бир баҳони аниқлиги тўғрисида маълумот бермайди. Нуқтали баҳолашни ушбу камчиликлари статистик характеристикани ишончли интервал баҳолаш усулларидан фойдаланиш йўли билан бартараф этилади. Интервалли баҳо деб иккита сон – интервалининг учлари билан аниқланадиган баҳога айтилади.

Статистик характеристикани ишончли баҳолаш, танлама тўплам маълумотлари бўйича, ичида (оралиғида) олдиндан белгиланган эхтимоллиқда

(ишончли эхтимолликда) бош мажмуани тақсимланиш параметрларини ҳақиқий, лекин катталиклар интервали маълум бўлмаган қийматлари жойлашган ўша ишончли интервални аниқлаш имконини беради.

Ўртача учун ишончли (доверительные) чегаралари ишончли интервал чегаралари бош тўпламни дисперсияси ва ўртача катталиклари номаълум бўлганда қуйидаги формула ёрдамида топилади.

Юқори чегараси: $I_{\text{ю}} = \bar{x} + \varepsilon_{\beta}$

Пастки чегараси: $I_n = \bar{x} - \varepsilon_{\beta}$


Ишончли интервал эса қуйидагича ифодаланади:

$$I_{\beta} = [\bar{x} - \varepsilon_{\beta}; \bar{x} + \varepsilon_{\beta}] \quad (4.26)$$

Натижалар қатори таҳлил қилиниб ишончли интервал аниқланади. Ҳақиқий ечим (натижা) бор интервал:

$$I_{\beta} = [\bar{x} - \varepsilon_{\beta}; \bar{x} + \varepsilon_{\beta}]; \quad (4.27)$$

Ишончлилик интервали I_{β} ни 4.11-расмдаги акс эттирилишидан қуйидагилар келиб чиқади.



4.13-расм. Ишончлилик интервали I_{β} ни чегараланиши.

Ишончлилик эхтимолининг белгилаб берилган қиймати β учун, ξ_{β} бош тўпламни ўртача танлама тўпламга алмаштиришда юзага келган хатолик миқдорий катталигини ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\xi_{\beta} = \pm t_{\beta} \frac{\sigma}{\sqrt{n}}; \quad (4.28)$$

бу ерда: σ - танлаб олинган ўртача квадратик оғиши;

n – танлама тўпламнинг хажми;

t_{β} - “ β ” ва “ n ”ларни берилган қийматлари бўйича 4.13 жадвалдан олинадиган катталик.

Техника соҳасидаги илмий изланишлардаги амалий ҳисобларда ишончли эхтимоллик β ни 95% этиб қилинади.

4.7 ва 4.9 - жадвалларда келтирилган материаллар бўйича 4А серияли электр маторни бузилмасдан ишлаш вақтини топишдаги хатолик катталигини аниқлаймиз.

Вариацион қаторни миқдорий (сон) кўрсаткичларидан ҳисобланувчи σ ўртача квадратик оғиши (дисперсияси) $\sigma=0,738$ йил.

t_β нинг сон қийматлари.

4.13-жадвал.

Танлама тўплам хажми, n Ишончли эҳтимоллик, β	20	25	30	40	60	120	>120
$\beta=0,90$	1,73	1,71	1,70	1,68	1,67	1,66	1,64
$\beta=0,95$	2,09	2,06	2,04	2,02	2,00	1,98	1,96
$\beta=0,99$	2,85	2,79	2,75	2,70	2,66	2,62	2,58

Тасодифий катталикларнинг бош тўламидан танлаб ажратиб олинган танлама тўпламдаги катталиклар сони $n=25$ та, ишончлилик эҳтимоллиги $\beta=0,95\%$ деб қабул қилиб 4.13 - жадвалдан $n=25$, $\beta=0,95\%$ га тўғри келган t_β ни қабул қиласиз. $t_\beta=2,06$:

t_β ни ҳисоблаймиз:

$$t_\beta = \pm 2.06 \frac{0.738}{25} = \pm 0.06 \text{ йил.}$$

Демак юқоридаги мисол учун ишончли интервал кенглиги $2E_\beta = 2 \cdot 0.06 = 0.12$ йил.

Унинг юқори чегараси: $I_o = \bar{X} + E_\beta = 5.06 + 0.06 = 5.12$ йил.

Унинг қуий чегараси: $I_k = \bar{X} - E_\beta = 5.06 - 0.06 = 5.00$ йил.

Юқоридаги натижалар таҳлили ишончлилик интервал кенглиги 0,12 йил эканлигини (яъни анча тор эканлигини) ва танлаб ажратиб олинган танлама тўпламдаги катталикларни ўртача қиймати (5,06 йил), бош тўпламни математик натижага тўғри эканлигини кўрсатди. Тажриба ва ўлчовлар амалга оширилганда уларни аниқлилик даражаси ёки чегаравий хатолик кўрсаткичи белгиланган бўлади.

Ушбу қўйилган таълабни (аниқлик даражаси ёки хатолик қийматидан чиқиб кетмаслик) қаноатлантириши ўрганилаётган бош тўпламдан танлаб ажратиб олиб ўрганилаётган танлама тўпламдаги катталикларни сонига боғлиқ. Бошқача айтганда танлама сони n қанчага teng бўлганда 3 формуладаги тенгликни қаноатлантиради, яъни ушбу формула бўйича ҳисобланган хатоликнинг миқдорий қиймати (E_β) белгиланган (чегараланган, нормаланган) қийматига teng бўлишлигини таъминлайди.

Бош тўпламни ўртача танлама тўпламга ўтказилганда юзага келадиган ҳатони (E_β) миқдорий кўрсаткичидан нисбий кўрсаткич орқали ифодалаб 3 формуладан n ни қийматини қўйидагicha ифодалаймиз:

$$n = \frac{t_\beta^2 \cdot \tau_i^2}{E_\beta^2}; \quad (4.29)$$

$\Delta = \frac{E_\beta}{\delta}$ - нисбий ҳатолик ёки ҳатолик Δ ни сон қиймати одатда ҳар бир тадқиқот изланиш учун белгиланган бўлади ва $\Delta \leq 0.5$ бўлишлиги мақсадга мувофиқ.

Берилган ишончлилик эҳтимоллиги (β) доирасида руҳсат этилган ҳато чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун тажрибалар сонини аниқлаш учун 4.14 - жадвалда маълумотлар келтирилган.

Танлама ҳажмини (тажрибалар сонини) аниқлаш жадвали.

4.14 - жадвал

Берилган ишончлилик ёки эҳтимоллик, β .	Нисбий ҳато, Δ .					
	1.0	0.5	0.4	0.3	0.2	0.1
$\beta = 0.80$	3	7	11	19	42	182
$\beta = 0.90$	4	11	18	31	71	282
$\beta = 0.95$	6	16	26	45	102	408
$\beta = 0.99$	10	29	46	81	173	729

Мисол: 35/10 кВ пасайтирувчи трансформатор подстанциясининг 10 кВ ли шинасидан кучланиш катталигини қузатиш жараёнида 24 марта ўлчанган ушбу ўлчов натижалари 4.15 - жадвалда келтирилган. Ушбу олинган кузатиш натижалари асосида кучланиш микдорларини (U) математик кутилиши t учун вариацион қаторни ўртача математик қўрсаткичини ва ишончли эҳтимоллик $\beta = 0.9$ бўлганда ишончли интервални топинг.

4.15 - жадвал

Ўл. тар. рақа ми	10 кВ шинадаги кучланиши U, kV	Ўл. тар. рақа ми	10 кВ шинадаги кучланиши, U, kV	Ўл. тар. рақа ми	10 кВ шинадаги кучланиши, U, kV	Ўл. тар. рақа ми	10 кВ шинадаги кучланиши, U, kV
1	10.9	7	10.7	13	10.3	19	10.0
2	10.8	8	10.6	14	10.2	20	9.9
3	10.9	9	10.5	15	10.2	21	9.8
4	10.9	10	10.5	16	10.1	22	9.9
5	10.8	11	10.5	17	10.1	23	10.2
6	10.8	12	10.4	18	10.0	24	10.6

Ечиш: 1. 10 кВ ли шинада $n=24$ марта такроран ўлчанган кучланишлардан ташкил топган вариацион қаторни ўртача арифметик қўрсаткичини (\bar{U}) топамиз:

$$\bar{U} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n U_i = \frac{1}{24} \sum_{i=1}^{24} U_i = 10.4 \text{ kV}$$

1. Бош тўплам дисперсиясини аралашмаган (несмешененный) баҳосини топамиз:

$$\tilde{D} = \frac{\sum_{i=1}^n (U_i - \bar{U})^2}{n-1} = \frac{(U_1 - \bar{U})^2 + (U_2 - \bar{U})^2 + \dots + (U_{n-1} - \bar{U})^2}{24-1} = 0.122 \text{ kV}^2$$

Ўртача квадратик четланишни топамиз:

$$\sigma^* = \sqrt{\tilde{D}} = \sqrt{0.122} = 0.349 \text{ kV}^2$$


2-иловани 2.2-жадвалида келтирилган Лаплас функцияси жадвалидан ишончли эҳтимоллик $\beta = 0.9$, яъни $2\Phi(\zeta) = 0.9$ учун аргументни қабул қиласиз $t_\beta = 1.645$.

Классик баҳолашнинг аниқлигини топамиз:

$$\xi_\beta = t_\beta \frac{\sigma^*}{\sqrt{n}} = 1.645 \frac{0.349}{\sqrt{24}} = 0.117 \text{ кВ}$$

Ишончли интервал чегараларини аниқлаймиз (чизамиз 4.14 - расм) :

$$\bar{U} \pm \xi_\beta = 10.4 \pm 0.117$$



4.14 – расм. Ишончли интервали.

Гипотезаларни статистик текшириш

Тасодифий катталикларни (миқдорларни) бирон бир кўринишга эга деб таҳлил қилиниши бу – гипотеза. Бошқача айтганда маълум тақсимот параметрининг таҳмин қилинаётган катталиги илгари сурилган гипотеза демакдир. Гипотеза статистик ноль ва конкурент, оддий ва мураккаб турларга бўлинади.

Статистик гипотеза деб- номаълум тақсимотнинг кўриниши ҳақида ёки маълум тақсимотларнинг параметрлари ҳақида гипотезага интилади.

Масалан: Бош тўплам Пуассан қонунига бўйсунади (бўйича тақсимланган). Иккита нормал тўпламнинг дисперциялари ўзаро тенг.

Биринчи гипотезада номаълум тақсимотнинг кўриниши ҳақида бўлса, иккинчисида иккита маълум тақсимотнинг параметрлари ҳақида таҳмин қилинган.

Электр моторнинг изоляцияси 5 йилда яроқсиз ҳолга келади гипотезаси статистик гипотеза бўла олмайди, чунки унда тақсимотнинг на кўриниши ҳақида на параметрлари ҳақида боради. 5А серияли электр матор муайян бир иш режими ва атроф муҳит кўрсаткичлари шароитида бузилмасдан ишлаш муддати (тасодифий миқдорларни тақсимоти нормал функция бўйича бўлганда) математик кутилиш $\mu = 4,2$ иш деган нолинчи гипотезани олға сурасиз. Бунда гипотезани қуидагича ёзма ифодалаймиз: $H_0: m=4,8$

Олға сурилган гипотеза рад қилинса, у ҳолда зид гипотеза ўринли бўлади.

Нолинчи (асосий) гипотеза деб - олға сурилган H_0 гипотезага айтилади.

Конкурент (олтернатив) гипотеза деб - нолинчи гипотезага зид бўлган H_1 гипотезага айтилади.

Масалан: Электр занжирига уланган лампа занжир бутун бўлганда ёниқ ҳолда бўлади деб олға сурилган H_0 гипотезага занжир бутун бўлганда лампа ёнмаган ҳолда бўлади деб сурилган гипотеза конкурент H_1 гипотеза бўлади ёки бўлмаса, нолинчи гипотеза нормал тақсимотлари математик кутилиши ани 10 га ($a=10$) тенг деган таҳминдан иборат бўлса, у ҳолда конкурент

гипотеза а ни 10 га тенг эмас ($a \neq 10$) деган таҳминдан иборат бўлиши мумкин ва қуидагича ёзилади: $H_0: a = 10$; $H_1: a \neq 10$

Оддий гипотеза деб – фақат битта таҳминни ўз ичига олган гипотезага айтилади.

Масалан: Кўрсаткичли тақсимот параметри λ ни 5 га тенг деб қабул қилинганда H_0 - нолинчи гипотеза $H_0: \lambda = 5$ оддий гипотеза ҳисобланади. Нормал тақсимотнинг математик кутилиши μ ни 3 га тенг деб олға сурилган таҳмин (σ - дисперцияси маълум бўлганда) оддий гипотеза ҳисобланади.

Чекли ёки чексиз оддий гипотезалардан иборат гипотеза мураккаб гипотеза деб аталади.

Масалан: юқоридаги мисолдаги кўрсаткичли тақсимот параметри $\lambda > 5$ деб олға сурилган таҳмин мураккаб гипотеза ҳисобланади яъни: $H_i: \lambda = \epsilon_i$, ($\epsilon_i = 5, 6, 7, 8, \dots$).

Олға сурилган гипотезани тўғри ёки нотўғрилигини статистик усулларни қўллаб текшириш гипотезани статистик текшириш деб аталади.


Гипотезани статистик текширувда икки ҳолатда нотўғри хulosага келиш ва икки хил ҳатога йўл қўйилиши мумкин:

биринчи тур ҳато – тўғри гипотеза рад қилиниши;

иккинчи тур ҳато – нотўғри гипотеза қабул қилиниши;

Биринчи тур ҳатога йўл қўйиш эҳтимоллиги қийматдорлик даражаси деган кўрсаткич орқали аниқланади ва “ α ” символи билан белгиланади. Қийматдорлик даражси кўпинча 0,01 ёки 0,05 қийматларда берилади. ($\alpha=0,01$, $\alpha=0,05$). $\alpha=0,05$ бўлганда гипотезани текшириш мобайнида 100 та ҳолатдан 5 тасида биринчи тур ҳатога йўл қўйилди демакдир.

Қийматдорлик даражаси қиймати бўйича нолинчи гипотезани рад этилиши бир ёки икки томонлама критик оғиш “ Z_α ” билан чегараланган критик соҳаси дейилади. (4.15-расм).



4.15-расм. Гипотезани статистик текширишга оид (БТО-бир томонлама оғиш, ИТО-икки томонлама оғиш).

Тасоддифий миқдорлар нормал тақсимоти холда ўртача миқдор ҳақидаги гипотезаларни текширишда критерия сифатида танлама (танлаб олинган) ўртачани нормалланган четланишини бош тўпламни математик кутилишидан Φ қабул қилинади.

$$Z = \frac{\bar{x} - M}{\sigma} \sqrt{n};$$

Критик четланиш қийматлари.

4.16-жадвал.

Қийматдорлик даражаси, α	Икки томонлама критик соҳа, Δ					
	0,1	0,05	0,02	0,01	0,002	0,001
Критик четланиш, Z_α	1,64	1,96	2,33	2,58	3,09	3,29
Қийматдорлик даражаси, α	0,05	0,025	0,010	0,005	0,001	0,0005
Бир томонлама критик соҳа, Δ						

5А серияли 20 та электр маторларни бузилмасдан ишлаш вақти давомийлиги ўртача арифметиги ўрганилганда вариацион қаторни танлама қиймати дейлик. $\bar{X} = 4.2$ йил бир томонлама критик соҳа учун қийматдорлик даражаси $\alpha = 0.05$ деб қабул қилиб 4.16 - жадвалдан критик четланиш Z_α ни қийматини қабул қиласиз $Z_\alpha = 1.64$;

Бузилмасдан ишлаш вақти давомийлиги 4.0 йил деган таҳминни олға суралып, яъни нулинчи гипотезани $H_0 : \mu = 4.0$ йил кўринишда ифодалаймиз.

Критик четланишни ҳисоблаймиз:

$$Z = \frac{\bar{X} - \mu}{\sigma / \sqrt{n}} = \frac{4.2 - 4.0}{0.739} \cdot \sqrt{20} = \frac{0.2}{0.739} \cdot 4.45 = \frac{0.89}{0.739} = 1.2$$

Гипотезани текшириш $Z < Z_\alpha$ тенгсизлик орқали аниқланади, яъни ҳисоблаш орқали танлама тўпламни ўртача арифметик миқдори \bar{X} бўйича ҳисобланган четлаш Z миқдордан олинган критик четлаш Z_α дан кичик бўлса, гипотеза инкор қилинмаган бўлади. Гипотезани инкор этилиши ёки инкор этилмаслигини текширишни иккинчи йўли 5 формулада \bar{X} ни \bar{X}_k деб қабул қилиб тенгламани \bar{X}_k га нисбатан ечилади.

$$\bar{X}_k = \mu + \frac{\sigma}{\sqrt{n}} Z_\alpha ;$$

$$\bar{X}_k = 4.0 + \frac{0.739}{\sqrt{20}} \cdot 1.64 = 4.0 + \frac{0.739}{4.4} \cdot 1.64 = 4.0 + 0.303 = 4.3 ;$$

$$\bar{X}_k = 4.3 \text{ йил.}$$

Демак ; $\bar{X}_k = 4.3 > \bar{X} = 4.2$ бўлгани учун гипотеза $H_0 : \mu = 4.0$ йил инкор этилмайди.

5. Илмий тадқиқотларда ўлчов техникаси

5.1. Ўлчаш, ўзгарувчанлар ва ўлчанадиган катталиклар

Қишлоқ хўжалиги электр ускуналарини эксплуатациялаш жараёнида, капитал ва жорий таъмирланган электротехник ускуналарни синовдан ўтказиш электротехнологик жараёнларни энергетик кўрсаткичларини ўрганиш ва амалий тадқиқотлар ўтказишида ўрганилаётган катталиклар ва энергетик ҳамда технологик кўрсаткичларни миқдорий қийматларини ўлчаш зарурияти туғилади.

Ўлчаш давомида миқдорий катталиклар ўрганилаётган жараён воқейлик ёки ходисани нафақат ўзгариш қонуниятлари, балки миқдорий ва сифат боғлиқликларини ҳам очиб беради.

Ўлчаш тажриба асосида аниқланган бирор физик катталикини унинг бир бирлик деб қабул қилинган катталиги (эталон) билан солишириш (таққослаш) жараёнидир. Масалан: электр занжирдан оқаётган ток кучини (I) занжирга уланган амперметр шкаласида қайд этилган сон кўрсаткич ток кучини бир бирлик деб қабул қилинган катталиги (эталон) Ампер (A) билан таққосланади. Худди шундай электр таъминот тизимида кучланишни ўлчашда кучланишни бир бирлик деб қабул қилинган катталиги Вольт (V) билан таққосланади.

Агар ўлчанаётган катталик миқдори A бўлса ва ўлчов бирлиги "а" бўлса, ўлчанилаётган катталикни сон миқдори $n = A/a$ бўлади.

Ўзгарувчан деб ҳам аталувчи ўлчанадиган катталиклар боғлиқ бўлмаган, мустақил боғланган ва ташқи бўлиши мумкин.

Боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи (катталик) фақат тадқиқотчи изми билан ўзгартирилади. Масалан: ўзгармас ток моторни сунъий механик характеристикасини қуриш учун уни занжирдаги қаршиликни ўзгартиришини тадқиқотчи амалга оширади ёки электр моторни бузилмасдан ишлаш муддатини ташқи мухит параметрларига боғлиқлигини ўрганишида электр мотор қўйилган, сунъий иқлим ҳосил қилиш камерада ҳароратни, намлигини ёки ҳавони кимёвий таркибини тадқиқотчи ўзгартиради.

Боғланган ўзгарувчи (катталик) – боғлиқ бўлмаган ўзгарувчини ўзгариши натижасида ўзгарувчи физик катталик. Масалан: ўзгармас ток моторининг якор занжирдаги қаршиликни ўзгартиргандага якорни айланиш частотаси ёки сунъий иқлим ҳосил қилиш камераси ҳароратини, намлигини ёки ҳавони кимёвий таркибини ўзгартирилиши электр моторининг бузилмасдан ишлаш муддатини ўзгаришига олиб келади.

Ташқи ўзгарувчи – тадқиқотчи хохишидан ташқари эксперимент натижаларига таъсир кўрсатувчи содир бўладиган физик катталиклар. Масалан: механик характеристикаси ўрганилаётган электр мотор уланган электр тармоқда кучланиш ва частотанинг ўзгариши ташқи ўзгарувчи ҳисобланади. Боғлиқ бўлмаган катталикларни илмий изланишларда ўзгартирилиб ўлчаб назорат қилишимиз мумкин. Бошқа катталикларга боғлиқ бўлган катталиклар бошқа катталиклар билан бирга ўзгаради, шунинг учун улар фақат назорат қилинади.

Ташқи катталиклар фақат ҳисобга олиниши мумкин: ташқи мухит ҳарорати, шамол тезлиги ва шунга ўхшашлар.

Ўлчов асбоблари стационар ва қўчма бўлади. Масалан: электр тармоқ симлари ўрганилаётган изоляторларни грляндларни синаш учун қўчма синаш стендидан фойдаланилади. Электр машиналар, тарансформаторларни капитал таъмирлангандан кейинги синаш стационар стендларда ўтказилади.

Физик асосига кўра ўлчов приборлари ва воситалари механик, оптик, пневматик, гидравлик, акустик, электр ва маҳсус турларига бўлинади (классификацияланади).

Ноэлектрик ўлчов приборлар ва воситалар асосан статик ва секин ўзгарувчан жараёнларда қўлланилади. Мурраккаб ва тез ўзгарувчан жараёнларда уларнинг кўрсаткичларини электр ўлчов приборлари ва воситалари ёрдамида ўлчанади. Электр ўлчов приборлари ва воситалари ишлаш принципи бўйича электромагнит, электродинамик, магнитоэлектрик, электростатик, индукцион ва электрон турларига бўлинади.

Электр ўлчов приборлари ва асбобларидан фойдаланиб, электр таъминот тизимидан узатилаётган энергия (W), қувват (S,P,Q) ток кучи катталиги (I), қишлоқ хўжалиги электр ускуналарининг энергетик кўрсаткичлари ($S,P,Q,\cos\phi$) энерготехнологик жараёнлар параметрлари (T,ϕ,v) ва ҳоказо катталикларни ўлчаш мумкин.

Илмий изланишларда ўлчанадиган катталиклар турлича бўлиши мумкин:

Геометрик: Чизиқли, хажмий ўлчамлар, бурчак, силжиш, амплитуда;

Кинематик: Тезлик, тезланиш, айланиш частотаси сони;

Динамик: масса, сарф микдори, куч, кучланиш, босим, куч моменти, иш, қувват.


Бошқалар: вакт, ҳарорат, ранг, ёритилганлик ёруғлик кучи, акустик, каттиклиқ, зичлик, газ таркиби, нурланиш;

Электр: ток, кучланиш, энергия, қувват, $\cos\varphi, \tg\phi, \tg\delta, \eta, K$.

Экспериментал изланишларда ўлчов мухим ўрин тутади.

Хар қандай экспериментал тадқиқотларда ўлчов приборлари ва воситаларидан фойдаланилади ва уларни тўғри танланилиши тадқиқот натижаларига бевосита дахлдор омил ҳисобланади.

Одатда эксперимент натижалари тадқиқотдан кўзда тутилган масалани ечиш бўйича қўйилган саволга жавоб беришга хизмат қиласи ва бу жараён моддий (техник) қурилмалар (тажриба стенди, ўлчов приборлари ва ҳоказолар) ҳамда интелектуал - ташкилий элементларни ўзаро боғлиқлигини мужассамлаштирувчи тизимда амалга оширилади. (5.1- расм).



5.1- расм. Экспериментал тадқиқотларни ифодаловчи мураккаб тизим схемаси


5.2. Ноэлектрик катталикларни ўлчаш приборлари ва қурилмалари

5.2.1. Ўлчаш аппаратларининг умумий характеристикалари

Қишлоқ хўжалиги электр истеъмолчилари электр энергияни истемол килиб уни бошқа тур энергияга айлантириб (механик, иссқлик, ёруғлик) ёки бевосита технологик жараёнларни амалга оширишга яъни иш бажаришга хизмат қиласди. Шундай экан энерготехнологик ускуналарни ўрганилаётганда нафақат энергетик балки технологик параметрларини ишлаб чиқилаётган маҳсулот сифат кўрсаткичларини ўлчаш зарурияти туғилади. Тадқиқот обьектининг ўрганилаётган параметрлари ўлчанаётган катталиктни электр сигналга айлантириш принципи асосида қурилган ўлчаш аппаратида ҳисобга олинади. Аксарият ноэлектрик катталикларни ўлчаш электрик приборлари кучланиш манбаига уланган датчикдан (ўзгартиргич) рўйхатга олувчи ёки ўлчаш қурилмадан ва кучайтиргичлардан (сигнални кучайтириш зарур бўлган холларда) ташкил топган бўлади.

Ўлчанилаётган катталикларни ўзгартириш (бошқа ўлчашга ўнфай катталиктага айлантириш) схемаси 5.2 - расмда келтирилган минорали насос қурилманинг бокидаги сувнинг сатҳини (h) истеъмолчиларга етказиб берилаётган сувнинг хажмини ўлчаш (назорат қилиш) мисолида кўриб чиқамиз. Ўлчанаётган катталикт қиймат бокдаги сувнинг сатҳи (h) бокдаги ричакли узаткичга (2) ўрнатилган папловок (1) томонидан қаъбул қилинади. h нинг ўзгариши реостатни (3) харакатланувчи мосламасини сурилиши ва

реостатнинг электр занжирига уланган қисми I ни ўзгаришига (узатишга ёки қисқартиришга) олиб келади.



5.2 - расм. Ўлчанилаётган катталикни бир турдан бошқа турга айлантириш (ўзгартириш) схемаси

Реостатнинг электр қаршилиги (R) унга бир текисда жойлаштириб ўралган сим ўрамнинг кенглиги (l) га боғлиқ холда ўзгаради. Бинобарин сув сатхининг ўзгариши реосттанинг электр манбаъига кетма - кет уланган ўлчаш прибори электр занжирига уланган қисмини ўзгаришига бу эса занжирдаги ток кучини ўзгаришига олиб келади. ўлчаш прибори шкаласини сув сатхи кўрсаткичи орқали градуровка қилинса ушбу прибор орқали сув сатҳигни (h) ўлчаб, бокдан истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув миқдорини ҳисоб йўли билан аниқлаш мумкин.

Ўзгартиргич - ўлчанилаётган катталикларни (харорат, чизиқли силжиш, намлик, босим, ёруғлик оқими ва ҳоказолар) қабул қилувчи ва уни ўлчаш ёки электр приборларда ёзиб олиш (сақлаб қолиш) кучайтириш, линия бўйлаб узатишга қулагай катталиктага айлантириб берувчи қурилма. Масалан: резистив ўзгартиргичларда реостатнинг харакатланувчи контактига маҳкамланган ўлчанаётган катталикни ўзгаришига олиб келувчи қурилмага чизиқли ёки бурчакли оғиши (силжиши) қабул қилиб, реостатнинг электр занжирига уланган қисмини мос равища қаршилигини ўзгаришига олиб келади.

Тензометрик ўзгартиргич деталлардаги зўриқишини қабул қилиб ўзининг симдан ёки плёнкадан тайёрланган сезгир элементини қаршилигини ўзгариши ҳисобига чиқиш сиганл ҳосил қиласди, яъни ўзи уланган кучланиш манбаъида занжир қаршилиги ўзгаришига олиб келади.


Ўзгартиргичлар актив ва пассив турларга бўлинади. Актив ўзгартиргичлар пассив ўзгартиргичлардан фарқли ўлароқ энергия манбаъисиз ўлчанаётган катталикни тўғридан тўғри электр сигналига айлантириб беради. Пассив ўзгартиргичларга пъезоэлектрик ва индукцион ўзгартиргичлар ва техогенераторлар киради. Актив ўзгартиргичларга

резистив ўзгартиргичлар (контактли, тензорезисторли сигимли) ва электромагнит ўзгартиргичлар киради.

Датчиклар ўзгартариш принципидан қатий назар бирон бир аниқ каталикни (миқдорни) ўлчашни таъминлай оладиган муаян бир конструктив ижро этилган ўзгартиргичдир. Масалан: деталларда зўриқиши ўлчайдиган тензометрик датчик, сувни сатхини ўлчайдирган қолқовучли датчик ва ҳакозалар. Ўрганилаётган катталик (миқдор) датчикни ўзгартаришдан чиққанда (чиқиш сигнал) кучсиз бўлган ҳолда уникучайтириш зарурияти туғилади. Кучайтиргич ўлчаш қурилманинг оралиқ элементи хисобланади.

Ўлчов тизимининг асосий элемент хисобланувчи датчиклар қатор талабларга жавоб бериши керак:

- Ўлчанаётган катталикни ўзгаришига нисбатан юқори сезгириликка эга бўлиши, яъни чиқиш катталиги (чиқиш сигнали) $-\Delta Y$ ни ўзгаришини ўлчанилаётган кириш катталикни ўзгаришига ΔX нисбати имкон қадар катта сонга тўғри келиши (5.3-расм $S = \frac{\Delta Y}{\Delta X}$)
- Характеристикасини вакт ва ташқи мухит параметрларига нисбатан стабиллиги;
- Ташқи таъсирларга турғунлиги (механик, кимёвий) чидамли бўлиши ва хоказолар.



5.3 - расм. Ўзгартиргични (датикни) сезгирилигини тушунтиришга оид.


5.2 - расмдаги сув сатхини ўзгариши ($h_1 - h = \Delta h$) натижасида реостатнинг қаршилигини ўзгариши ($R_1 - R_2 = \Delta R$) қанча катта бўлса реостат, электр манбаи ва қайд этиш приборлари кетма-кет уланган занжирдаги ток кучи хам шунча катта бўлади. Бу деганимиз датикнинг сезгирилик даражаси юқори демакдир.

5.2.2. Датчиклар ва ўзгартиргичлар

Ноэлектрик катталикларни ўлчашда резистив (резисторли, реостат ёки реохордли, тензорезисторли), фотоэлектрик, пъезоэлектрик, индуктив ва термоэлектрик ўзгартиргичлар ва ўлчаш қурилмалардан фойдаланилади.

Резистив ўзгартиргичлар ноэлектрик катталикларнинг ўзаришини ўлчаш аппаратининг электр занжири қаршилигининг ўзаришига айлантиради. Бундайларнинг оддий резистив ўзгартиргичларга реостатли ёки реохордли ўзгартиргичлар киради.

Реостатли (реохордли) ўзгартиргичида юргичи ўлчанадиган ноэлектрик катталиктининг ўзаришга мос холда занжир қаршилигини чизиқли ёки баъзи бир бошқа конуниятига мос холда ўзгартириб силжийди. Реостатли (5.4.а-расм) ўзгартиргич юргичи 1 каркасга 3 зичлаб ўралган 2 чулғам сим тармоқлари бўйлаб силжийди. Реохордда (5.4.б-расм) юргич 1 тортилган сим 4 бўйлаб силжийди. Реостат ўзгартиргич мост схемасига қўшилади (5.4.в-расм), бу юргичнинг силжиши билан токнинг чизиқли боғликлигини таъминлайди.



5.4-расм. Реостатли ўзгартиргичлар схемалари.


а) реостатли; б) реохордли; в) кўприк схемасига уланган реостатли; г) реостатли ўзгартиргичли тезланиш датчиги.

Реостатли ўзгартиргичлар кўпинча бурилиш бурчагини суюқлик сатхини ўлчашда хамда тезланиш датчикларида фойдаланилади. Реостатли датчик (Д) юргичи (мили) яssi (С) пружиналарга осилган (m) массага бириктирилади ва реостат (R) бўйлаб силжийди. (5.4-расм)

Тензорезисторлар. Кенг диапозонли резистив ўзгартиргичлар сифатида

шунингдек тензорезисторлар, тензоқаршиликлар олади. Булар деформацияланганда (чўзилиш ва сиқилиш) ўз қаршиликларини ўзгартиради. Ўлчами кичик, енгиллиги ва монтажи қулайлиги учун тензорезисторлар ноэлектрик катталикларни ўлчашда кенг тарқалган.

Тензорезисторлар симли ва фалгали бўлади. Симли тензорезисторлар ясси симли спирал (тўр) бўлиб, бир неча чўлғамдан иборат, у юпка когоз ёки лакли плёнкали асосга елимланган бўлади. Спирал устидан қофоз ёки плёнка билан химоя қилинган.



5.5-расм. Симли (г) ва фольгали (а,б,в) терморезисторлар.

а - сиқилиш ва чўзилиш кучланишини ўлчаш учун; б- мембрана ва диафрагмаларда босимни ўлчаш учун; в- буралиш кучланишини ўлчаш учун.

Симли тензорезисторлар турли серияларда ишлаб чиқарилади, уларнинг номинал қаршилиги 50 дан 500 Ом гача ва тўрларининг узунлиги 5дан 30 мм гача ўлчамда бўлади. Эгилувчанлик деформация чегарасида максимал нисбий деформацияси 0.3% дан ошмаслиги керак. Улар кўпинча 002...0,03 мм диаметрли константан симидан тайёрланади.


Фалгали тензорезисторлар тўри (решеткаси) юпка (0,004...0,012 мм) тўғри бурчакли кесимли фалга полосадан тайёрланади, лакли асосга елимланади. Фалгали тензорезисторларни симлидан қуидаги афзалликлари бор: 1) ишчи ток кучи – 30 мА ўрнига 0,2 А гача оширилган, бу уларнинг сезгирилигини кескин оширади; 2) хар кандай шакл ва расмли тензотўрни тайёрлаш имкони, бу уларнинг ўрнатилишини осонлаштиради ва ўлчашнинг хар хил шароитига яхши мослашишни таъминлайди.

Тензорезисторлар ишлатиш жараёнида деформацияланувчи деталга елимланади, масалан, электр мотор ёки ишчи машинанинг валида хосил бўлган айлантириш моменти ўлчашда уларнинг валига елимланлигига

боғлиқ. Ўлчаш аниқлиги тензорезисторлари зўриқиши ёки деформацияланиш ўлчанилаётган деталга елимланиш сифатига боғлиқ бўлади.

Тензоқаршиликлар бир маротаба фойдаланишга мўлжалланган.

Улар тўғридан тўғри хар хил узелларда зўриқиши ва деформацияни ўлчаш имконини беради. Улар қалин тубли кувур кўринишидаги босим датчикларда (бергичларида) хам қўлланилади (5.6-расм).




5.6-расм. Симли тензорезисторларни қувурда босимни ўлчаш (а) ва валнинг буралиш кучланишини ўлчашда (б) фойдаланиш схемалари.

Металл қувурга (стакан) тензорезистор елимланади: бу ерда R_1 -ишли и ва R_2 – қаршиликлар харорат ўзгаришини коррекциялаш учун ўрнатилган. Иккала тензорезистор ўралган тензосезгир сим – стаканда босим ошишини қабул қиласи. Чунки унинг симларида чўзувчи эластик деформация юзага келади.

Айлантириш моментини ўлчаш учун вални буровчи деформация ва унинг зўриқишидан фойдаланилади. Валга розетка кўринишида (5.6.а – расм) тензорезистор елимланган ёки фалгали ўзгартиргичдан фойдаланилади. (5.5. – расм)

Резистив ўзгартирувчилар контактли бўлиши мумкин. Улар ўлчайдиган катталик – (кўпинча механик силжиш) контактларнинг ёпиленган ёки очилган холатига олиб келади, у эса курилманинг электр занжирини бошқаради. Одатда контактнинг ёпилиши занжирда қаршиликни дискрет (пофонали) ўзгартиради, яъни ўлчаш дескрет бўлади. (5.7 – расм)



5.7-расм. Контактли ўзгартиргичлар. а)-бир контактли (вални айланниш частотасини ўлчаш учун); б)-икки контактли; в)-кўп контактли.

Контактли ўзгартиргич ғилдирак, вал ва бошқаларнинг айланышлар сонини аниқлаш учун хам қўлланилади. Бунинг учун 5.7.а – расмдаги датчиклардан фойдаланилади.


Сифимли ўзгартиргичлар. Бу конденсаторлар, уларнинг сифимлари ўлчанадиган ноэлектрик катталик таъсирида ўзгаради. Бу билан силжиш, босим, қалинлик, буралиш, бурчақ, суюқлик сатхи кабиларни ўлчаш мумкин, аммо у ўта катта аниқликни талаб қиласи.

Фотоэлектрик ўзгартиргичлар. Буларда фотоэффект ходисасидан фойдаланилади, бунда чиқиш хабар катталиги ўзартувчига тушадиган ёруғлик оқими катталиги билан боғлик.

Фотоэлектрик ўзгартиручили датчиклар (фотоэлементлар) одатда ярим ўтказгичлардан тайёрланилади. Ярим ўтказгичлар, (кадмий, селенъ) ички фотоэффектига эга ва ёруглик оқими таъсирида ўзининг қаршилигини ўзгартиради; шунинг учун уларни кўпинча фотоқаршилик (фоторезисторлар) деб юритилади.

Хозирги даврда ФСК (серо-кадмийли) типидаги фотоқаршиликлар кенг тарқалган, улар юқори сезгир, кўп холларда кучайтириш талаб қилмайди. Чекланмаган хизмат муддатга эга ва турғун (стабил) характеристикага эга.


Фоторезисторлар қўлланиш сахоси жуда кенг. Масалан, 5.8 – расмда фотоэлектрик ўзгартиргич ёрдамида сарфни ўлчайдиган асбобнинг схемаси келтирилган. Датчик ички ёниш двигателини ёқилғи берувчи аппаратлардан олдин ёқилғи йўлига сарфни ўлчаш асбоби корпуси уланади. Ичиди икки енгил канотчали (2) паррак жойлашган, улар ёқилги оқими таъсирида ўз таянчларида (5) айланади. Ёритгич (4) линза (3) орқали ёритгичнинг оптик ўқида жойлашган фоторезисторни (7) ёритади. Улар оралиғида байроқча (6) айланади, у қанотчали парракнинг бир айланышда икки марта нурнинг йўлини тўсади. Шундай қилиб электрик фоторезистор уланган занжирда ток импулси уйғотилади, унинг сони қанотли парракнинг айланыш частотасига пропорционал. Охиргиси эса сарфни ўлчагич корпуси орқали вақт бирлигига ўтадиган ёқилғи массаси билан боғлик. Фотоэлектрик ўзгартиргичлар кўчаларни ёритиш тизими автоматик бошқариш схемаларида кенг кулланилади.



5.8-расм. Фотоэлектрик ўзгартиргич ёрдамида суюқ махсулотларни сарфини ўлчаш схемаси.

Пьезоэлектрик ўзгартиргичлар. Улар пьезоматериалларда юзага келадиган пьезоэлектрик эффектга асосланган.


Бундай эффект механик куч таъсирида (материалда зўриқиши пайдо бўлганда) пьезоэлементнинг кристалл қирраларида электр зарядлар хосил бўлишига асосланган. Пьезоэлектрик материал сифатида кварц кристаллари қўлланилади. Уларнинг қирраларида кристалл бош ўқига параллел бўлган параллелепипед кесилади: оптик – Z (5.9.а – расм), x – электрик ва у – механик. Агар пьезоэлемент чўзилса ёки сиқилса x ўқи бўйлаб бўйлама пьезоэффект, Y ўқи бўйлаб – кўндаланг пьезоэффект юзага келади, Z ўқи бўйлаб юзага келган эластик деформация эффект чақирмайди.



5.9-расм. Пьезоэлектрик ўзгартиргичлар. а)-пьезокристалл (кварц кристали); б)-пробка типидаги босим датчиги.

Пьезоэлектрик ўзгартиргич динамик жараёнларнинг ўта юқори частотали датчикларида қўлланилади статик кучни ўлчашда улардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Бундай принципда ишлайдиган пьезо кварц ўзгартиргичли датчик схемаси 5.9.б – расмда келтирилган. Мемранага (4) босим иккита параллел қўшилган кварц пластинкалар (6) орқали берилади. Уларга заряд латун фалга (5) орқали 1 корпусда жойлашган кабельга (3) берилади. Тикин (2) фалгани кабельга кавшарлашни қулайлаштиради.

Индуктив ўзгартиргичлар. Бу типдаги актив ўзгартиргичлар электр занжирни (контурини) магнит майдони билан кесишишида ундаги хосил бўлган электр юритувчи кучнинг хосил бўлиш ходисасига асосланган. Бундай ўзгартиргичлар айланиш частотасини ўлчашда фойдаланилади ва уларни тахогенераторлар дейилади (5.10 –расм).




5.10-расм. Индукцион ўзгартиргич схемаси (тахогенератор).

Ўзгармас магнит майдонида (1) вал билан боғлик (2) рамка айланади, унинг айланиш частотасини аниқлаш зарур. Рамкадаги э.д.с. коллектор (3) орқали ўлчаш занжирига берилади. Рамка айланиш сони билан э.д.с. ўртасида чизиқли алоқа мавжуд.

Индукцион ўзгартувчилар кичик силжишнинг чизиқли тезлик датчикларида хам фойдаланишлари мумкин. Масалан, двигатель клапанлари ёки тебранишлари билан боғлик тадқиқотларда.

Термоэлектрик ўзгартиргичлар. Ишлаш принципи термоэлектрик эффектга асосланган иссиқлик ўзгартиргичларга киради. Бу эффектнинг маъноси шундаки, учлари кавшарланиб уланган икки хил электр ўтказувчан материалдан иборат берк занжирни кавшарланган тугунларидан бирида ва электр занжир орқали электр токи оқади, қиздириб иккинчисидаги хароратни бир хилда ушлаб турилса кавшарланган тугунлар орасида термоэлектр юритувчи куч пайдо булади. Занжирдан оқаётган ток кучи қиздирилаётган тугун хароратига пропорционал ўзгаради. Бундай ўзгартиргичлар хароратни ўлчашда фойдаланилади. (5.11.а – расм)



5.11-расм. Термоэлектрик ўзгартиргич.

а)-термоэлектрик эффект олиш схемаси; б)- термопара. 1-химоялаш корпуси; 2-қопқоқ; 3-контактлар; 4-улаш сими; 5-ўтказгич; 6-кавшарланган контакт; 7-химояловчи қопқоқча.

Бундай ўзгартиргичларнинг электр ўтказувчи симлари қуидаги

материалдан тайерланган: 500°C гача харорат учун мис-копелия, 1250°C гача харорат учун хромель-алюмел(кенгрок таркалган жуфт), платино-радий-платина 1600°C гача харорат учун, платина асосидаги соф металлардан. Харорат 1600°C дан юқори бўлган холларда ўтказгич симлар қийин эрийдиган металлардан қилинади, одатда волфрам-молибдендан. Термоэлектрик ўзгартиргичларнинг харорат датчиги термопара дейилади (5.11.6-расм) ва катталиги ута секин ўзгарадиган t^0 ни ўлчаш учун қўлланилади. масалан, двигател картеридаги мойникини.

Сиртнинг t^0 сини ўлчаш учун хам ўша термометрлар қўлланилади, аммо унда химоя 1 корпуси ишлатилмайди.

Ўзгартирувчининг хар хил турлари илмий тадқиқотда, техникада ва хаётда янада кенг қўлланилади. Тадқиқотчининг яратувчилиги билан уларнинг амалда ва илмий максадда кейинги такомилланиши қўпгина жихатдан боғлик.

Бергичлар (датчиклар) ишлаб чиқазган электрик хабарлар ўлчаш қурилмаларига берилади. Улар эса тадқикот қилинаётган катталиктининг сон қийматини баҳолаш учун хизмат қиласди.

Ўлчаш қурилмасини танлаш ўлчанадиган катталик характеристи ва унинг вақт бирлигига ўзгариш тезлиги билан боғлик. Бу тез ўлчов қурилмасининг тез таъсирилигини аниқлайди. Тадқиқот қилинаётган катталиктининг ўртача микдорини ўлчашда ёки вақт бирлигига секин ўзгарадиган жараёнлар учун кам тез таъсирилик қурилмалар қўлланилади. Тез ўзгарадиган жараённинг оний қийматини ўлчаш учун эса бунинг тескариси. Улар икки группага бўлинади.

-кўзга кўринарли кўрсатгичлар, яъни милли, оптик, сонли қурилмаси бор асбоблар. Булар статик ёки секин ўзгарадиган катталикларни ўлчаш учун хизмат қиласди. Натижалари одатда сон кўринишида олиниши керак. Бунда қўпгина хатога йўл қўйилади ва кўп вақт кетади. Булар ичида сонли таблоси бори бироз яхши, чунки уларда автоматик холда сон қиймати олинади.

Қайд қилувчилар (регистраторлар), тез ўтадиган жараёнларни қайд қилиш асбоблари, узлуксиз жараённинг оний қийматларининг ҳаммаси фото, кино плёнка, қоғозларга ёзиб олинади.

Одатда илмий тадқиқотда бир вақтда бир неча катталик ўлчанади, баъзан хар хил физик табиатлиси хам. Бир неча ўлчанадиган катталиктининг бундай синхрон қайд қилиниши кўп каналли қайд қилувчилар ёрдамида бажарилади.

Ўлчанадиган қурилманинг тури кўпинча датчик ишлаб чиқадиган хабарнинг қуввати билан боғлиқ. Шундай нуқтаи назардан ўзгартиргичларни уч гурухга бўлиш мумкин:

-кудратли ўзгартиргичлар (ўнлаб милливолт) контактли, реостатли ва реохордли, тахогенераторлар, термопаралар, индукцион ва индуктив. Булар ўлчаш занжирида кучайтиргичларсиз ишлайди. (ўта кичигидан ташқари).

-кам қувватли ўзгартиргичлар (ўнлаб микроватт)-симли тензорезисторлар, сифимли, фотокаршиликлар. Буларни қўлланганда электр занжирига кучайтиргич қўшилади.


-катта кириш қаршилиги талаб қиласиган ўзгартиргичлар. Буларга пьезоэлектрик ўзгартиргичлар киради.

5.2.3. Қайд қилувчи аппаратуралар.

Кўзга кўринарли қўрсатгичлар. Улар қаторига милли турдаги магнитоэлектрик ўлчаш механизмлар (амперметр, вольтметр,...), хамда хозирги даврда кенг қўлланилаётган сонли қўрсатгичлар киради.

Сонли қўрсатгичларга йиғинди хосил қиласидан кўринадиган хисобни таъминлайдиган электромагнит хисоблагичлар хам киради. Буларга мисол электроконтактли ўзгартиргичлар бўлади. Буларга электромагнит хисоблагичлар комплекти хам киради. Охиргиси у е бу узатманинг қўшилишлар сонини қўрсатади ва шу кабилар.


Ўзиорар к/х машиналари рул ғилдирагининг бурилиш бурчаги бўлинишини хисоблагич комплексидаги контактли ўзгартиргич ёрдамида олиш схемаси 5.12 – расмда келтирилган. Рул ғилдирагига харакатчан 1 контакт беркитилган, у қимиirlамас 2 контакт бўйлаб сирпанади.



5.12-расм. Электримпульси счетчили контактли ўзгартиргич ёрдамида бурилиш бурчагини ўлчаш схемаси.

Уларнинг сони ўлчаш аниқлиги нуқтаи назаридан аниқланади, аммо одатда нейтралдан хар икки томонга 7-9 та контакт қилинади. Қимиirlамас контакт билан электро импульс 3 хисоблагичи уланган. У 4 қўшгич билан занжирга қўшилади. Энергия аккумуляторлар 5 батареясидан тамилланади.

Тез кечадиган даврий жараёнларни электрон-нурли осциллограф ёрдамида қайд этиш қулайрок. Унинг соддалаштирилган схемаси 5.13 – расмда келтирилган.



5.13-расм. Электрон нурли осциллографнинг блок схемаси.


Асциллографнинг асосий элементи электронлар урилганда ёруғлик (нур)

чиқарувчи экран Э ўрнатилган люминофор билан копланган электрон-нурли трубкаси (энт) хисобланади. ЭНТ ичидаги мусбат анодлар А₁ ва А₂ ларга томон харакатланувчи электронлар чиқазувчи катод (К) ўрнатилган хавоси сўриб олинган балон. Анодлар экранда ёруғ доғлар хосил қилувчи электронлар оқимини йиғиб беради. Бошкарувчи электрод (БЭ) бу доғларни (оқимнинг) ёрқинлигини ростлайди.

Оғдирувчи пластинкалар П₁, П₂, ва П₃, П₄ жуфт ва узаро перпендикуляр жойлашган бўлиб, нурнинг горизонтал ва вертикал оғишини таъминлайди. Ўрганилаётган катталикка мос кучланиш датчикдан электрик занжир орқали осциллографнинг Y кириш каналига берилади, кейин вертикал ёйилишни кучайтиргичи ВЁК орқали вертикал оғдирувчи П₁ ва П₂ пластинкаларга (Y уқи буйича оғиш), ўлчанадиган параметрига мос кучланиш эса – X киришга ва горизонтал ёйилишни кучайтирувчи (ГЁК) орқали – П₃ ва П₄ горизонтал оғдирувчи пластинкаларга горизонтал ёйилишни генераторидан (ГЁГ) берилади, у нурни вактда текис силжитади. Шундай килиб ўрганилаётган катталик осциллограф экранидаги вакт билан боғлик холда тасвиранади.

Ўзи ёзар кўрсаткичлар. Кўрсаткичларнинг бу гурухига ўзи ёзар электр ёзув асбоблар магнитоэлектрик осциллографлар ва магнитографлар киради. Секин ўзгарувчи жараённи қайд қилиш учун ўзи ёзар амперметр ва вольтметрлар, тез ва юқори частотали жараёнларни магнитоэлектрик осциллографлар билан қайд қилинади.

Улар шлейфли ва тебраткичли осциллографлар деб номланади (Н-700, Н-105, Кд-11,...). Бундай осциллографларнинг асосий қисми – шлейф (тебраткич) бўлиб ингичка металл толасидан тайёрланган илгак 6 ёки сим галтакли енгил рамка 1дан иборат бўлади. (5.14.а,б, расм)



5.14-расм. Магнитоэлектрик (тебранувчан) асциллографнинг принципиал схемаси. а)-рамкали вибратор; б)-вибраторнинг оптик схемаси.


Рамка (илгак) пружинали тортки 3 билан тортилиб туради, унга датчикдан тўғридан – тўғри ёки кучайтиргич орқали сигнал берилади. Илгак (ёки рамка) ўзгармас магнит (зазорига) тирқишига жойлаштирилади ва ундан импульсли ток ўтганда электро магнит индукция таъсирида бурилади. Рамка (1) кузги (2) – беркитилганлиги учун оптик система 8 орқали, 6 тебраткичга ёриткичдан жўнатилган ёруғлик нури (5.14.б – расм) нейтрал холатдан бурилади ва фотокамерадаги 5 ёруғлик сезувчи фото қофозга тебраткич кучланиши ўзгариш эгри чизигини чизади. У эса ўлчанадиган

катталика пропорционалдир. Ёзиш тугагач (бир вақтда 20 тадан ортиқ катталиқ ёзилиши мүмкін) қоғоз қоронгиликта проявлять қилинади ва куритилганидан кейин осцилограф лентаси расшифровка қилишга тайер.

Тормозни харакатта келтирүвчи юритмада босимни пасайиши:

1-автомобилда
2-прицепда
Тормоз камераларда бисимни
ошиши:

3-автомобилда
4-прицепда



5.15-расм. Автомобиль тормозини харакатта келтирүвчи юритмада босимнинг ўзгаришини асциллографик ёзуви.

Күп каналлы магнито электрик осциллографда олинган автомобиль тормозлаш камерасида босим ўзгариши 5.15-расмда келтирилган. Тормозлаш суюқлиги магистралидан юборилаётган суюқлик босими пасаяди (1 ва 2 эгри чизиклар), трактор ва прецеп (3 ва 4 эгри чизиклар) тормоз камерасидаги босим эса ошиши кузатилади.

Осциллографдан олинган маълумотни ўзида сақловчи ферромагнит лентали хам қўлланилади. Уларнинг афзаллиги фотолентадаги ёзувнинг кимёвий ишлов бериш жараёнисиз тўғридан – тўғри ЭХМ га ёки маҳсус анализаторга киритилиш орқали натижани ёзма олиш мумкинлигидир.

Саноатда ишлаб чиқилаётган НО 36 маркали магнитографлар ёзиш учун етти йуллака, тўрт тезликка эга, 750 м рулондаги лента билан таъминланган бўлади.


Сигнал кучсиз бўлганида фойдаланиладиган кучайтиргичларда кириш «бўсағаси» яъни ўлчашга ташқи таъсиrlар иложи борича кичик бўлиши керак. Ундан ташқари хисобга олишни бошлашдаги бошлангич даражани ва кучайтириш коэффициентининг (стабиллиги) доимийлиги таъминланиши керак. Одатда амплитудали модуляцияланган ўзгарувчан ток кучайтиргичлар қўлланилганда ўлчашда юқори аниқликка эришилади.

Сигнални модуляциялашга датчик уланган ўзгарувчан ток кўприкли ўлчагични юқори частотали манбага улаш йўли билан эришилади.


Бунда кўприкли ўлчагичнинг чиқишида ўрганилаётган ўзгарувчининг амплитудаси бўйича модуляцияланган кучланиш хосил бўлади. Ўлчов кўпригини ўзгарувчан ток манбаига уланиши параметрик ўзгартиргичли хамма датчикларда қўллаш мумкин.

Модуляцияланган сигнал керагича кучайтирилади ва фазо сезувчи демодулятурга берилади, (5.16-расм). Демодулятор нафақат эгилган (букилган) сигнални ажратиб олади, балким уларни ишоралари ёки фазаларини хам аниқлайди. Тутуб турувчи частотаси кўприкдан чиқиш

сигналиницидан 5...8 марта катта. Юқорида күриб чиқилған схема тензорезисторлы, сиғимли ва индуктивли ўзгартыргичлар билан ишлайдиган барча кучайтиргичлар учун асосий хисобланади. Жумладан 8АНЧ-7М, ТАЧ, ТУП-101 ва бошқа маркали 4...10 каналли тензостанциялар юқоридаги схемага асосланган.



Осциллограф ёрдамида ўлчашда электр занжири қайд қилиш аппаратураси датчиклари турига тўла мос бўлиши керак. Электр занжири эксприментнинг вазифаси ва шароитлари билан бевосита боғлик холда танланилади масалан 5.17-расмда тахогенератордан (актив ўзгартыргичдан) чиқсан сигнални ёзиб олиш учун осциллографнинг шлейфига юборишни 2 симли электр занжири схемаси келтирилган. Бу ерда занжирга уланган LC (индуктивлик-сиғим) фильтр вазифасини бажаради.



5.17-расм. LC-фильтрли осциллографнинг шлейфига тахогенераторни (Т) уланиш электр занжири.

5.3 Ўлчашлар аниқлиги

Хар қандай тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўлчашнинг аниқлигига боғлик. Хатолардан холи ўлчаш бўлмайди. Хато эса унинг масштаби (катталиги) ва характеристига қараб жиддий оқибатларга (олинган натижаларни ноаниқлиги ва нотўғри хулоса чиқаришга) олиб келиши мумкин.

Аниқлик ўлчаш натижасини ўлчанаётган катталикни ҳақиқий қийматига тўғри келиши (мослик) даражаси қанча кичик бўлса хато шунча катта ва аксинча. Хатонинг учта манбаси мавжуд:

- датчик билан боғлиқ бўлиб уни ўлчанадиган катталикни нотўғри сезиши. Масалан, тензокаршилик эластик элементга ёмон елимланган ва унинг тўри (решеткаси) деформацияси эластик элемент деформациясига мос келмайди;


- ўлчаш қурилмасида, унинг механик ва электрик элементларининг нотўғри фаолият кўрсатиши (ишлаши) натижасида юзага келган ноаниқлик;

- тадқикотчининг тажрибасизлиги ёки чарчаганлиги туфайли ўлчов асбобларни кўрсаткичини нотўғри ўқиши ёки осцилограммани ишлашида хатога йўл қўйиши сабабли юзага келган ноаниқлик.

Хатоликларнинг ушбу уч манбаи икки турдаги хатоликларни келиб чиқишига олиб келади:

- систематик, яъни ўлчаш қурилмасидаги юзага келган айрим камчиликлар билан боғлиқ бўлган аниқ сабабга кўра (масалан: қўзғалувчи қисмларни корпусига тегиб харакатланиши, люфт пайдо бўлиши яъни салт қўзғалиш юзага келганда ва ҳакозолар) пайдо бўладиган хатолар. Улар одатда ўлчанилаётган катталикни хақиқий қийматидан бир томонда пайдо бўлади ва кетма-кет олинган ҳисоботлар ҳисоб сони билан боғлик эмас. Систематик хатога мисол сифатида 5.18.а—расмдаги тахометрли ўлчаш қурилмасидан олинган натижага кўрсатишилари графиги келтирилган. Систематик хато бўлганида ўлчаш асбобининг кўрсатишига (ўлчаш натижасига) мос ўзгартириш киритилади.

- тасоддифий хатони содир бўлиш сабаби ноъмалум бўлиб унинг оқибатида кетма-кет олинган натижаларда доимий ўзгармас катталикни ўлчаганда натижалар хар-хил чиқади. Ўлчашнинг хатосини айнан тасоддифий хатолар характерлайди. Ўлчашдаги тасоддифий хатони тўлиқ бартараф этиб бўлмайди, аммо тажрибада юзага келиши мумкин бўлган хатосини билиб бериш бажарилган. Ўлчашнинг аниқлигини аниқлаш барча холларда зарурдир.



5.18-расм. Тахометрли ўлчаш қурилмасидан олинган хатоликларнинг кўриниши

Тасаддий хатолар қиймати ва характеристи бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- абсолют хато “ Δ ” ўлчангандан a_i катталик билан унинг ҳақиқий қиймати “ x ” ўртасидаги фарқи, яъни $\Delta=a_i-x$. Абсолют хато ҳамиша ўлчанадиган катталик ўлчам бирлигига эга, агар “ y ” чизиқли бўлса, Δ ҳам чизиқли бўлади.

- нисбий хато Δ_0 абсолют хатонинг катталиктининг хақиқий қийматига нисбатидир, яъни, $\Delta_0 = \pm (\Delta/x)$. Нисбий хатонинг ўлчамсиз, улушли ёки фоизли ифодаси қуидагича бўлади: $\Delta_0 = \pm (\Delta \cdot 100/x)\%$ да ўлчаш аниқлиги баҳоланади.

- чегаравий хато Δ_t -энг катта тасоддифий абсолют хато бўлиб у ўлчаш курилмани тўғри эксплуатацияланган холларда ва систематик хатоларни йўқотилгандан кейин ёки тузатиш киритилгач пайдо бўладиган хатодир.

Баъзи бир ўлчаш асбобларнинг ва усуllibарнинг ўлчаш чегаравий хатолари қуидаги жадвалда келтирилган. (5.1.-жадвал) ва улар тахминий чўтлаб кўришида қўлланилиши мумкин.

Автомашинанинг жойидан қўзғалишидан маълум бир тезликка эришгунича босиб ўтган йўлни аниқлаш керак бўлсин. Буни аниқлашни турли хил усулда амалга ошириш мумкин.

Биринчи усул - автомашинанинг ғилдирагига контактли ўзгартиргичли датчик ўрнатиб, ундан чиқиш сигналини ўзи ёзар ёки осцилограф лентасига узатиб ёзиб олиш орқали. Ғилдиракнинг ишчи радиуси чизгич (линейка) билан ўлчанади.

Иккинчи усул шундан иборатки, ўлчаш учун лента олиб унда, машинани ўрнидан силжиганидаги ва берилган тезликка эришган вақтидаги белгилар оралиғи масофаси аниқланади. Иккинчи усул оддий бўлиб қўринсада аникроқдир, чунки масофани метал ўлчаш лента билан ўлчашда 0,3 % гина чегаравий хато бўлади, осцилографдаги ёзиб олиш эса беш марта кўп хатолик бериши мумкин.

Айрим ўлчаш қурилмаларнинг чегаравий хатолари

5.1.-жадвал

Т/б №	Улчаш қурулмалари ва улчаш усуllibари	Улчашнинг энг куп кийматига нисбатан чегаравий хато, %
1.	Металл улчов лентаси (20м)	0,20-0,30
2.	Оптик бурчак улчагич	0,50-2,00
3.	Марказдан кочма тахометр	0,40-2,50
4.	Тахогенератор	2,50-4,00
5.	Техник тарози	0,80-1,20
6.	Пружинали динамометр	1,00-3,50
7.	Стандарт секундомер	0,40-0,70
8.	Ютувчи газоанализатор	0,50-5,00

Тажриба жараёнида, ўзаро у ёки бу функционал боғлиқдаги бор бир неча катталикларни ўлчанишлигини тақазо этади.

Катталикларнинг хар бирини ўлчаниши маълум бир хатоларсиз амалга оширишнинг иложи йўқ, агар бу катталикларни бир эмас бир неча бор ўлчангандан бўлса, унда бир неча бор ўлчашларнинг статистик деб аталувчи хатоси аниқланади. Бундай холда тасоддифий хато ўлчашлар натижаларининг ўртacha арифметик кўрсаткичи ва ўртачадан ўртача квадрат

офиши билан баҳоланади.

Хатолар назариясида, тасоддифий хатолар биринчидан нормал тақсимланиш қонунига бўйсуниши (тақсимланиши) ва иккинчидан бирон катталик қанча кўп маротаба қайта ўлчанилса тасоддифий катталикларнинг умумий ўртачаси шунчалик кичик бўлади.

Ўртача квадрат оғиш (стандарт)- ўлчанилаётган катталиктининг ўртача арифметик қиймати аниқлик кўрсаткичи (даражаси) ўлчашнинг энг кўп ўртача арифметик хатоси “ a ” тасоддифий хато ҳақидаги Гаусс қонунидан келиб чиқсан ҳолда “ $\pm 3\sigma$ ” га teng деб қабул қилинади. Юзага келиши мумкин бўлган энг катта (чегаравий) статистик нисбий хато (Δ) қуидагича ифодаланади:

$$\frac{\Delta \varphi(\bar{a})}{\bar{a}} = \pm \frac{3\sigma}{\bar{a}} \quad (5.1)$$

Шундай қилиб, ўлчаш аниқлиги: бир карралик ўлчаш учун – чегаравий хато бўйича, кўп карралик ўлчаш учун – юзага келиши мумкин бўлган энг катта статистик хато (нисбий) бўйича баҳоланади.

Бир бири билан функционал боғланган бир неча хар хил катталикларнинг кўп маротаба такроран ўлчовлар натижалари тасадифий хатолари 5.2.-жадвалда кўрсатилган.

Натижаларининг статистик хатолари формуласи нафақат тажриба натижаларини ишлаш учун хизмат қиласди, балки тадқиқотнинг хар хил усуслари натижаларини таққослашда ҳам ишлатилади ва мақулроқ шароитини аниқлаш учун ҳам ишлатилади.

Натижалар хатоларини аниқлаш формулалари

5.2.-жадвал

Катталикларни ўлчаш	Функционал боғлиқлик	Натижалар хатолари	
		Ўрта квадрат	Нисбий
Машина харакатининг йигинди вақти	$T = t_{\text{иши}} + t_{\text{соят}}$	$\delta_T = \pm \sqrt{\delta_{t_{\text{иши}}}^2 + \delta_{t_{\text{соят}}}^2}$	$\delta_T = \pm \frac{1}{T} \sqrt{\sigma_{T_{\text{иши}}}^2 + \sigma_{t_{\text{соят}}}^2}$
Машинанинг ўртача техник тезлиги	$\vartheta_T = \frac{\ell}{T}$	$\delta_{\vartheta} = \pm \sqrt{\frac{1}{T^2} \cdot \sigma_{\ell}^2 + \left(\frac{\ell}{T^2}\right)^2 \sigma_t^2}$	$\sigma_{\vartheta} = \pm \frac{1}{\vartheta} \sqrt{\frac{1}{T^2} \cdot \sigma_{\ell}^2 + \left(\frac{\ell}{T^2}\right)^2 \sigma_t^2}$
Иш бажариб ўтган йўли	$\ell = 2\pi r_K n_K$	$\sigma = \pm q \cdot \pi \sqrt{n^2 \sigma_r^2 + r^2 \sigma_n^2}$	$\delta = \pm \frac{2\pi}{\ell} \sqrt{n^2 \sigma_r^2 + r \cdot \sigma_n^2}$
Харалакарни	Ҳавонинг	$P_{\omega} = K_{\omega} F_a \frac{\vartheta^2}{13}$	$\sigma_{\omega} = \pm \frac{K_{\omega}}{13} \sqrt{\vartheta^2 \sigma_F^2 + 4F^2 \sigma_{\vartheta}^2}$
	Қияликнинг	$P_i = G_m \cdot \sin \alpha$	$\sigma_{P_i} = \pm \sqrt{\sigma_G^2 \sin^2 \alpha + \sigma_{\alpha}^2 G^2 \cos^2 \alpha}$

Хатолар назарияси ва юқорида келтирилган баъзи формулалар агар охирги натижаларнинг зарурый аниқлиги берилган бўлса, тажриба жараёнида айрим катталикларни қандай аниқлик билан ўтказиш лозимлигини аниқлайди.

6. Назарий тадқиқотлар олиб бориши методологияси

Назарий тадқиқотлар илмий муаммони (вазифани) ечиш бўйича илгари сурилган гипотезани мавжуд қонунлар, назариялардан фойдаланиб аналитик ечимиға эришишни кўзда тутади. Ўрганилаётган воқеийлик, ходиса ёки жараённи ифодаловчи катталикларни тадқиқот обьектига таъсир кўрсатувчи бошқарилувчи ва бошқарилмайдиган факторлар таъсирида ўзгариш қонунларини, параметрларини аналитик усулда аниқлаш орқали эришилади. Техник обьектларда олиб борилаётган назарий тадқиқотларда тадқиқотдан кўзланган мақсад ва ўрганилаётган воқеийлик, ходиса ёки жараённи хусусиятларига кўра турли моделлардан фойдаланилади.

Ушбу бобда тадқиқот обьектларини ўрганишда қўллаш мумкин бўлган математик моделлар турлари хамда тадқиқот обьектини система кўринишда тадқиқ этиш усуллари хақида умумий маълумотлар келтирилган.

6.1. Тадқиқот обьектлари математик моделлари

Топологик математик моделлар - техникавий обьект унсурларининг таркиби ва ўзаро алоқасини графалар, турли матрицалар, рўйхатлар ва бошқалар ёрдамида ифодалайди.

Бундай моделлар технологик жиҳозлар компоновкасини, йиғилиш тархини, деталлар жойлашишини, кўшилмалар трассировкасини, технологик жараёнлар тузилишини ва ҳ.кларни ифодалайди. Графалар тарзидағи математик моделлар АЛСда конструкторлик ва технологик лойиҳалашдаги синтез топшириғини бажаришда программавий таъминотни, маълумотлар базасини лойиҳалашда макромиқёсда таҳлил масаласини ечишда кенг фойдаланилади.

Матрица кўринишидаги топологик моделлар - конструкторлик ва технологик лойиҳалашни автоматлаштиришда бинар муносабатлар, аралашлик, мувофиқлик ва бошқалар инцидентлиги матрица кўринишидаги топологик моделлар кенг қўлланади. Улардан обьектлар тузилиш хоссаларини, обьектлараро кўплаб алоқаларни тавсифлаш учун, информация таъминотини формалаштириш ва ҳ. к. учун фойдаланилади.

Динамик системалар имитациявий математик модели - мазкур классдаги моделлар муайян вақт мобайнида турлича берилган кириш таъсиrlари бўлган обьектда физик ёки информацион жараёнлар имитацияси учун мўлжалланган, яъни улар тадқиқ қилинаётган обьектни вақт мобайнида хусусиятини акс эттиради.

Оддий дифференциал тенгламалар системаси тарзидағи динамик системалар модели, электр ва электрон тархлар, шунингдек система орқали талабномалар ўтиш жараёни имитацияси учун мўлжалланган оммавий хизмат кўрсатиш системасининг модели имитациявий математик моделларга мисол бўла олади.

Имитациявий математик моделлардан мураккаб обьектлар ҳаётий цикли турли босқичларида, айниқса, уларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва

эксплуатация қилишда кенг фойдаланилади. Лойиҳалашда улар параметрик ва тузилмавий синтез, кўп талқинли таҳлил ўтказиш учун; тайёрлашда объектнинг оптимал миқдорий ва сифат-кўрсаткичларини таъминлаш; эксплуатация қилишда – аввал ҳаракатга туширишда «тор» жойни излаш, сўнг таъминланган миқдорий ва сифат кўрсаткичларни сақлаш учун кўлланади.

АЛСда имитациявий математик моделлар АЛС функционал кичик система таркибида, шунингдек унинг ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш учун фойдаланиши мумкин.

Оммавий хизмат кўрсатиш системасининг имитациявий математик модели-оммавий хизмат кўрсатиш назарияси эҳтимоллар назариясининг бўлими сифатида телефон тармоқлари ривожи билан боғлиқ тарзда юзага келди. Шунинг учун бу назарияда телефония терминларидан кенг фойдаланилади: талабнома, чақириқ, буортма, алоқа каналлари, сўзлашишнинг узунлиги ва ш.к. Бироқ, ҳозирги вақтда оммавий хизмат кўрсатиш назарияси усул ва натижалари мураккаб системалар функциясини таҳлил қилишда, турли соҳа (транспорт, ишлаб чиқариш, алоқа тизими, тиббий хизмат кўрсатиш, таъминот тизими ва ҳ.к.)да, ишончлилик назарияси муаммоларини ҳал этишда муваффакиятли фойдаланилмоқда.

Оммавий хизмат кўрсатиш назарияси амалга оширилишига тасодифий омиллар таъсир этувчи кўплаб бир жинсли элементар операция (талабнома)лардан иборат исталган операцияни тадқиқи билан боғлиқ кенг миқёсдаги амалий вазифаларни ҳал этади.

Система моделлари - тузилма - ниманингдир, масалан системанинг таркибий қисмлари ўзаро жойлашуви ва боғлиқлиги.


Ҳар қандай система яхлитлиги ва ўзига хос - айримлиги билан тавсифланади, булар ташқи хусусият сифатида намоён бўлади. Ички жиҳати эса бир жинсли бўлмайди ва турли таркибий қисмларга эга бўлади. Системанинг ажралмас қисмлари унсурлар дейилади, бирдан ортиқ унсурдан ташкил топган қисм эса кичик система (подсистема) деб аталади.

Иерархия маъносида турли даражадаги кичик системалар фарқланади.

Система ташкил топган унсурлар ва кичик системалар система таркиби модели сифатида тасвирланади. Шундай моделга мисол 6.1 – расмда келтирилган.

Мазкур система уч унсур ва биринчи даражадаги икки кичик система 1^1 ва 2^1 дан ташкил топган. Ўз навбатида 1^1 кичик система уч унсур ва икки унсурли иккинчи даражадаги 1^{11} кичик системадан иборат, 2^1 кичик система эса тўрт унсурли.

Система таркиби модели система қандай қисмлар (кичик система ва унсурлар)дан иборатлигини белгилайди.



6.1 – расм. Система таркибининг модели

6.2. Системавий тадқиқ этиш усуллари.

Системани тадқиқ этишда — билимнинг аналитик ва синтетик усулларидан кенг фойдаланилади: таҳлил ва синтез. Таҳлил усулиниң моҳияти тадқиқ объектини фикран ёки амалда таркибий қисмларга ажратишдан иборатдир. Мазкур ҳолда объект айрим унсурларининг моҳияти, уларнинг алоқаси ва ўзаро таъсири ўрганилади. Таҳлилдан фарқли ўлароқ синтез усулиниң моҳияти эса билиш, яхлит бир бутунни тадқиқ этиш, унинг қисмлари ўзаро алоқаси ўзаро бирликда деб қарашдадир.

Таҳлил ва синтез усуллари ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдиради.

Таҳлилда система қисмларга ажратилади, бунда фақат унинг хоссасигина йўқолмай (бўлакларга ажратилган автобус юрмайди), балки системаниң қисми ўзига хос хусусиятни ҳам йўқотади (автомобилдан ажратилган рул бошқармайди). Таҳлил фақат система тузилишинигина белгилайди ва у қандай ишлашини аниқлайди, лекин у нимага ва нима учун шундай қиласида деган масалани ойдинлаштирмайди. Бу масалани билишнинг синтез усули ҳал этади. У система функциясини белгилайди, тузилишини эмас.

Аналитик усул яхши натижага олиб келади, қачонки, системани бир-бирига боғлиқ бўлмаган қисмларга ажратишга муваффақ бўлинса, яъни суперпозиция тамойилига амал қилинса. Бу ҳолда система қисмларини алоҳида кўриб чиқиб, улар умумий самарага қўшадиган улуш ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бироқ, бундай ҳоллар камдан-кам учрайди. Кўпинча ҳар бир қисмнинг умумсистема самарасидаги улуши бошқа қисмлар улушкига боғлиқ бўлади. Шунинг учун система қисмлари энг яхши ишлаганида ҳам умумий самара юқори бўлмайди.

Системани тадқиқ этишда аналитик усул синтез билан тұлатилади, синтетик усул эса таҳлил билан.

Таҳлил ва синтез анча содда операцияни ўз ичига олади: мувофиқ тарзда композиция ва агрегатлаш. Декомпозицияда яхлит қисмларга ажратилади, агрегатлашда қисмлар бир бутунга бирлаштириледи. Бу операциялар алгоритмлаштирилиши мүмкін, буни қуйида күриб ўтамиз.

Бутунни қисмга ажратып декомпозициялашда система кичик системаларга, мақсадлар мақсадчаларга, вазифалар кичик вазифаларга ажратилади. Бу жараён яхлитнинг мураккаблигига боғлиқ ҳолда яна давом этиши мүмкін, бу дараҳтсимон (иерархия) тузилмага олиб келиши мүмкін.

Декомпозиция алгоритми системанинг ҳар қандай декомпозицияси асоси бўлиб, унинг модели ҳисобланади.

Тадқиқот обьекти ҳамон, қоидага кўра, мураккаб, кучсиз тузилган ва ёмон формаллаштирилган экан, демак декомпозицияни эксперт бажаради. Натижада у тузган дараҳтсимон тузилма унинг ваколати ва қўлланаётган декомпозиция усулига боғлиқ бўлади.

Эксперт яхлитни одатда осон қисмларга ажратади, лекин қоидага кўра таклиф этилаётган қисмлар жамланмаси тўлақонлиги ва керагидан ортиқчалигини исботлашда қийинчиликка дуч келади. Яхлитни декомпозициялашда қисмлар микдори асос сифатида олинган моделда қанча бўлса, шунча бўлади. Декомпозиция тўлиқлигига келсак, бунда у моделнинг мукаммаллигига боғлиқ.

Декомпозиция - яхлитни қисмларга бўйсунганлик, тааллуклилик белгилари сакланган ҳолда ажратиш

Юқорида таъкидланганидек, тадқиқ этилаётган ёки яратилаётган системалар формал тур: таркиб модели, тузилмавий модел ва тузилмавий тарх тарзидаги моделларда тасвирланади.

Шундай қилиб, декомпозиция мураккаб яхлитни анча майда ва оддий қисмларга ажратишдан иборат. Декомпозиция учун системанинг моҳиятли модели асос бўлади. Декомпозиция тўлақонлиги ва оддийлигига моҳиятлилик, элементарлик тушунчаси ёрдамида, шунингдек моделларни мунтазам равишда янада деталлаштириш ва декомпозиция алгоритми интеративлиги ёрдамида эришилади.

Агрегатлаш ва система эмержентлиги. Агрегатлаш - кўплаб унсурларн бир бутун яхлит қилиб бирлаштириш ва мазкур кўплаб унсурлар муносабатини ўрнатиш.

Кўплаб унсурлар қандай ҳосил бўлиши ва ана шу кўплаб унсурлараро қандай муносабат ўрнатилиши (яъни аниқланиши ёки мажбур этилиши)га боғлиқ суратда агрегатлашнинг ҳаддан зиёд кўплаб масалалари ҳосил бўлади. Натижада агрегатлар деб аталувчи унсурлар турлари мажмуи юзага келади. Қуйидагилар системавий тадқиқотларда одатдаги агрегатлар ҳисобланади: конфигуратор, агрегатлар – операторлар ва агрегатлар – тузилмалар.

Конфигуратор – муайян муаммо бўйича системавий тадқиқотлар ўтказиш учун етарли бўлган ўрнатилаётган системани тавсифловчи турли тиллар йиғиндиси.

Конфигураторга турли мисолларни кўриб чиқамиз. Радиотехникада айни битта приборда қўйидаги конфигураторлардан фойдаланилади: блок-

тарх, тамойилли (функцияли) тарх, йиғув тархи. Блок – тарх приборни таркиби бўйича ўзига конструктив блок кирувчи система тавсифлайди. Тамойилли (функционал) тарх приборни бошқача қисмларга ажратишни назарда тутади, яъни: айрим функцияни бажарувчи қисмларга, унинг иши учун зарур бўлганларга; бу қисмларни бирлаштирувчи алоқа каналлари ва мазкур каналлар бўйича информация бериладиган йўналишга (ишоратлар билан кўрсатилади). Шу билан бирга приборлар бир хил тамойилли тархларга, аммо турлича блок – тархларга эга бўлиши мумкин ва аксинча. Ниҳоят, йиғиш тархи йиғиши ўтказиладиган ҳажм қўламига боғлиқ ҳолда приборни қисмларга ажратиш натижаси ҳисобланади.

Таъкидлаш зарурки, конфигураторда асосийси тадқиқот обьектини таҳлил қилиш конфигуратор ҳар бир тилида айрим ўтказилиши зарурлигига эмас (бу ўз – ўзидан аён), балки, синтез, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва обьектни эксплуатация қилиш барча (конфигуратор) тилларида тавсифлар мавжуд бўлганидагина мумкинлигига боғлиқдир.

Уч ўлчамли жинс сиртини “сиртки” тилларда тавсифлашда конфигуратор бўлиб, техникавий чизмачиликда қабул қилинган уч ортогонал проекциянинг мажмуи ҳисобланади.

Барча агрегатлар учун битта умумий хусусият — эмержентлик хос. Системаларнинг бу ўзига хослига шундан иборатки, яхлитнинг хоссаси, унинг қисмлари хоссаси, мажмуига тўғри келмайди. Қисмларни яхлитга бирлаштиришда, қандайдир янги сифатли ҳосил бўлади, яъни янги сифат юзага келади.

Бу янги сифат системанинг ички бир бутунлиги (яхлитлиги)нинг намоён бўлиши ҳисобланади. У мавжуд бўлади, токи яхлитлик мавжуд экан. Эмержентлик хоссаси расмий тарзда тан олинган. Масалан, ихтиро талабномаларига давлат экспертизасида патентга лойик деб, аввал маълум бўлмаган унсурларнинг бирлашмаси ҳисобланади, агар у янги фойдали хоссанинг юзага келишига сабаб бўлса.

Шундай қилиб, агрегатлашнинг турли шакллари мавжуд, яъни кўплаб унсурларни бир бутун яхлитликка бирлаштириш ва мазкур кўплаб унсурларнинг муносабатини ўрнатиши. Агрегатлашнинг энг кўп тарқалган тури куйидагилардир: конфигуратор (таснифлаш, тартиблаштириш ва ҳ. к.) ва агрегат тузилмалар (алоқаларни конфигуратор барча тилларида тавсифлаш). Барча агрегатлар учун битта умумий хусусият – эмержентлик хос, у системанинг икки яхлитлиги ва агрегатлаш натижаси ҳисобланади. Қисмларни яхлит қилиб бирлаштиришда янги хосса юзага келади.

6.3 Назарий тадқиқотлар олиб бориша қўлланиладиган қонунлар ва назариялар тўғрисида умумий маълумотлар

Илмий муаммони ечими бўйича илгари сурилган гипотезани текширишда мавжуд қонунлар ва назарияларга асосланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида электротехнологик ва энергетик жараёнларда энергиядан самарали фойдаланишга оид назарий тадқиқотларда энергияни сақланиш қонуни, энергияни мухитда харакатланиш қонуни, термодинамика қонунлари, электростатика, электродинамика қонунлари, электро-

техниканинг назарий асослари қонунлари, биофизика қонунлари ва бошқа қонунларидан фойдаланилади. Электротехник ускуналар электротехнологик қурилмаларни энергетик характеристикаларини, қўрсаткичларини яхшилашга оид тадқиқотларда электр ва магнит занжирлари қонунлари электромагнит майдон назарияси ва тенгламалар системаси (Умов – Пойтинг, Максвел, Фарадей тенгламалари) ва хоказо электр ва магнит жараёнларини ифодаловчи бошқа тенгламалар, тенгламалар системаларидан фойдаланилади.

Илмий тадқиқот олиб борилаётган электротермик жараёнларда, масалан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қутиши энергия тежамкор электротехнологиясиға оид тадқиқотларда энергетик баланс тенгламаси, Жоул – Ленц қонуни, иссиқлик ва массаси алмашувини ифодаловчи иссиқлик баланс ва материал баланс тенгламалари орқали ифодаланади ва улар асосида ўрганилаётган воқейлик, жараён ва уларни ифодаловчи катталикларни аналитик (математик боғлиқликлар, график тасвирлар) ифодалари олинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энергиядан фойдаланиш самарадорлигига оид фундаментал ва амалий тадқиқотларда энергияни мухитда харакатланиш қонуни, термодинамика қонунлари ва энергетик баланс тенгламаларидан фойдаланиб назарий ечимлар ишлаб чиқилади.

Биологик обьектларга электрофизик таъсиrlар ва улардан технологик мақсадларда фойдаланишда биофизика қонунлари ва электромагнит майдон қонунлари тахлили асосида назарий тадқиқотлар олиб борилади.

Информациялар (маълумотлар) назарияси асослари

Информация назарияси табиатда ва техникада юзага келган, юзага келиши эҳтимоли бўлган инфомацияни алоқа тармоқлари орқали узатишни максимал тезлигини топиш ва уни ноаниқлик эҳтимолллигини энг кичик миқдоригача камайтиришни таъминловчи маълумотни кодлаш ва ўқишини раскадировкасини оптимол усусларини англаб чиқиш масалаларини ечишга багишланган назариядир.

Информация назарияси кибернетиканинг бўлимларидан бири сифатида инфомацияларни узатиш, сақлаш, ажратиб олиш ва классификациялаш усусларини баҳолаш ва математик ифодалаш имконини беради ва у эҳтимолликлар назарияси математик статистика, гурӯхлар назарияси, ўйинлар назарияси усуслари ва математикани бошқа бўлимларига таянади.

Қишлоқ хўжалигига оид тадқиқотлар олиб боришда инфомациялар назарияси у ёки бошқа қурилмани ёки системани холати ёки иш режими ҳақидаги тўла бўлмаган ёки етарли ишончлиликга эга бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш билан билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин:

- чорвачилик биносини шамоллатиш системаси холати ва созлиги ҳақидаги маълумотлар;

- қишлоқ хўжалиги обьектлари электр таъминоти подстанцияси шинасидаги кучланишни номиналдан (белгиланганидан) оғиши ҳақидаги маълумот;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш омборхонасини иситиш тизимини холати ва созлиги ҳақидаги маълумот юқоридаги мисоллардан системаларнинг иш фаолиятидамаълум тасоддифийлик элементлари содир бўлиши мумкин экан, демак система ёки унинг қурилмаларининг холати ноаниқ эканлиги ҳақида гапириш табиийдир.

Хар қандай физик системани холати у ҳақидаги жамланган маълумотлар орқали ифодаланади. Система ёки қурилманинг холати аниқ бўлса унда хар қандай маълумот янгиликга эга эмас маълумот сифатида ўз кучини йўқотади.

Мисол: иккита электр ускунанинг биринчисини ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,02, иккинчисиники 0,35, бинобарин қурилманинг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги биринчисиники $1-0,02=0,98$, иккинчисиники $1-0,35=0,65$ га тенг.

Биринчи қурилманинг холатида ноаниқлик кичкина, иккинчисида эса унинг ишдан чиқиш эҳтимоли катта бўлгани учун (0,35) ноаниқлик катта.

Системанинг ноаниқлиги унинг турли холатлари эҳтимоллиги қийматига боғлиқ, бошқача айтганда ушбу эҳтимолликлар функциялари ҳисобланади ва уларнинг текис тақсимланишига боғлиқ.

Системанинг бирон бир холати ишончли бўлса (ушбу холат эҳтимоллиги 1га тенг бўлса) бошқа холатлар бўлиши мумкин эмас ва бундай холда ноаниқлик даражаси (кўрсаткичи) нольга тенг.

Системанинг ноаниқлиги обстрик ўлчаш (баҳоси) этиб ушбу система холатлари эҳтимоллигига боғлиқ эптропия деб номланувчи маҳсус характеристикиси қабул қилинган. Иккита тенг эҳтимоллик холатига эга оддий системани ноаниқлик холати бирга тенг.

Масалан: электр манбаига узиб-ўчиргич орқали кетма-кет уланган чўғланма лампани узиб-ўчиргич занжирни улаш ёки узишига қараб иккита холат эҳтимоллиги ёниб турган ёки ўчик холати бўлиши мумкин.

Тенг эҳтимоллик холатлар сонини (n) ошиши системанинг ноаниқлиги ортишига олиб келади, яъни тажрибанинг у ёки бу натижаси юзага келишини олдиндан айта олиш эҳтимоллиги камаяди. Шундай экан ноаниқликни миқдорий ўлчами система холатлар сони функцияси орқали ифодаланади.

Бир вақтда ўтказилган иккита тажрибада мос равища n ва m тенг эҳтимолликга эга натижалар қайд этилса тенг эҳтимол натижалар сони $n \cdot m$ ни ташкил қиласи ва бундай тажрибани ноаниқлигини хар бир тажриба ноаниқларни йиғиндиси деб қабул қилиш мумкин.

$$f(\Phi \cdot m) = f(\Phi) + f(m)$$

Юқорида шакиллантирилган шартларга, ушбу функцияни логорифимик боғлиқлиги ноаниқлик ўлчови тўғри келади. Ушбу функция $\log(\Phi \cdot m)$ - тенг эҳтимолликларга эга натижаларга боғлиқ бўлиб n ни ошиши $\log n$ ни ошишига олиб келади.

Агар системани холати олдиндан ишончли маълум бўлса унинг энтропияси “0” га тенг бўлади. Системани энтропияси деб системани турли холатлари эҳтимолликларини Φ_i ушбу эҳтимолликларни тескари ишора

билингтан логорифлари ($\log_2 p_i$) билан кўпайтмалари йиғиндисига айтилади.

$$M \text{ (энтропия)} = -p_1 \log p_1 - p_2 \log p_2 - \dots - p_n \log p_n = -\sum_{i=1}^n p_i \log p_i$$

Оддий иккита тенг эҳтимоллик холатига эга система учун юқоридаги тенглама қўйидагича ифодаланади.

$$H \text{ (энтропия)} = -\frac{1}{2} \log \frac{1}{2} - \frac{1}{2} \log \frac{1}{2} = \log 2 = 1$$

Энтропияни ушбу ўлчов бирлиги “бит” деб аталади.

Бинобарин тенг имкониятли системанинг энтропияси, холатлар сони логорифимига тенг бўлади.

Агар системани холати олдиндан ишончли маълум бўлса унинг энтропияси “0” тенг бўлади.

Системани энтропияси деб системани турли холатлари эҳтимолликларини (P_i) ушбу эҳтимолликларни тескари ишора билан олинган логорифмлари ($\log_2 P_i$) билан кўпайтмалари йиғиндисига айтилади.

Бирон бир тенг эҳтимолли n холатли (хар бир холатни эҳтимоллиги $P_i = \frac{1}{n}$) X системани энтропияси қўйидагича ифодаланади.

$$H \text{ (энтропия)} = -n \cdot \frac{1}{n} \log \frac{1}{n} = -\log 1 + \log n = \log n$$

Мисол 1. Ишлаш эҳтимоли бир хил бўлган (0,7) икки прибордан ташкил топган системани энтропиясини аниқланг. Биринчи ва иккинчи приборларни ишламай қолиши (бузилиши) башорати (гипотезаси) бир хил эҳтимолли. Иккала приборни бир вақтни ўзида ишламай қолиши (бузилиш) эҳтимоли 0,05.

Ечиш. Система холатларини белгилаб оламиз:

Биринчи холат: X_1 - иккала прибор ишчи холатда ($P_1 = 0,7$); X_2 - иккала прибор бир вақтда бузук холатда ($P = 0,05$); X_3 - приборлардан биттаси ишламай қолиши холати (P_3).

Система юқоридаги 3 та холатлардан биттасида мавжуд (ишлаши) бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб учинчи холатда бўлиш эҳтимоллигини P_3 топамиз

$$P_3 = 1 - P_1 - P_2 = 1 - 0,7 - 0,05 = 0,25$$

Системани энтропиясини топамиз.

2-иловани 2.7-жадвалида келтирилган $f \text{ (энтропия)} = -p \log_2 P$ функция қийматлари жадвалидан фойдаланиб қўйидагича топамиз.

$$H \text{ (энтропия)} = -\sum_{i=1}^3 P_i \log_2 P_i = 0,360 + 0,216 + 0,500 = 1,076$$

Мисол 2. Товуқхонада хаво ҳароратини керакли кўрсаткичи иккита мустақил системадан (X ва Y) иборат мураккаб система ёрдамида таъминланилади.

X – иссиқ хаво етказиб берувчи система учта холатда бўлиши мумкин:

1. система ишчи холатда (ишончлилиги $P_{\text{X}_1} = 0,7$); 2. автоматика қурилмаси бузук холатда (ишончлилиги $P_{\text{X}_2} = 0,2$); 3. хавони қизитиб бериш элементи бузук холатда ($P_{\text{X}_3} = 0,1$).

Y – хавони сўриб олиш система иккита холатда бўлиши мумкин:

1. система ишчи холатда ($P_{\text{Y}_1} = 0,85$); 2. ($P_{\text{Y}_2} = 0,15$.

Системани ташкил этувчилари (X ва Y) мустақил бўлса мураккаб системани энтропиясини топинг?

Ечиш: X системани энтропиясини топамиз

$$H(X) = - \sum_{i=1}^3 P_i \log P_i = -P_{\text{X}_1} \log P_{\text{X}_1} - P_{\text{X}_2} \log P_{\text{X}_2} - P_{\text{X}_3} \log P_{\text{X}_3} = \\ = -0,7 \log 0,7 - 0,2 \log 0,2 + 0,1 \log 0,1 = 1,156$$

Y – системани энтропиясини топамиз.

$$H(Y) = - \sum_{j=1}^2 P_j \log P_j = -P_{\text{Y}_1} \log P_{\text{Y}_1} - P_{\text{Y}_2} \log P_{\text{Y}_2} = \\ = -0,85 \log 0,85 - 0,15 \log 0,15 = 0,610$$

X ва Y системалардан ташкил топган мураккаб системани энтропиясини $H(XY)$ топамиз:

$$H(XY) = H(X) + H(Y) = 1,156 + 0,610 = 1,766$$

Ишончлилик назарияси асослари

Электротехник ускуналар ва электротехнологик қурилмалар ишлаш жараёнида нафақат доимий балки турли тасоддифий таъсирларга ҳам учрайди. Бундай таъсирлар: юкламалар ўзгариши, ташқи мухит ва иқлимни ўзгариши, электр таъминот тизимида энергиянинг сифат кўрсаткичларини номиналдан оғиши ва ҳоказолар, ўз навбатида электротехник ускуналар ва электротехнологик қурилмаларнинг тез эскиришига, энергетик кўрсаткичларини пасайишига ва нихоят уларни бутунлай ишдан чиқишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги электр энергия таъминоти тизими ва элементлари, технологик машиналарнинг электротехник ускуналари ва электротехнологик қурилмаларнинг ишончли ишлашларига кўплаб объектив (иш давомида изоляцияларни эскириши, контактларни емирилиши, электр ва магнит занжирларининг электр ва магнит хусусиятларини ўзгариши) ва субъектив (ложихалаш жараёнида схемаларни ва энергетик қурилмаларни параметрларини танлашда йўл қўйилган камчиликлар, ноаниқликлар, эксплуатацион режимларни бузилиши ва ҳоказолар) факторлар таъсир кўрсатади ва кўпчилик холларда ушбу факторлар мураккаб боғлиқликларда бўлади.

Электр ускуналар ва электротехнологик қурилмаларнинг ишлаш ишончлилигини пасайиши уларни эксплуатациялашдаги харажатларни ошишига, авария холатларни юзага келишига ва махсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини пасайишига олиб келади. Якуний махсулот ишлаб чиқариш поток линияларда, қишлоқ хўжалиги объектларини энергия таъминоти тизимида элементлар сони қанча кўп бўлса тизимнинг ишлаш ишончлилигини пасайиши эҳтимоллиги шунча ошади. Шу боисдан қишлоқ

хўжалиги электр ускуналари уларни электр таъминот тизими элементларини яратишида (ишлаб чиқишида), лойихалашда уларни юқори ишончлилигига эришиш мухим ахамиятга эга ва уни ишончлилик назариясига асосланган холда амалга оширилади. **Ишончлилик назарияси** объектлардан (материаллар, техник ва электр ускуналардан) фойдаланишин максимал самарадорлигига эришиш учун лойихалаш, ишлаб чиқиш (яратиш) ва эксплуатациялаш усулларини ўрганувчи комплекс илмий мустақил фан соҳасидир.

Объект деганда – лойихалаш, ишлаб чиқиш, эксплуатациялаш, тадқиқотлар олиб бориш ва синаш даврида (жараёнларида) ишончлилиги кўриб чиқилаётган, маълум бир мақсадда фойдаланиладиган предметни тушунамиз. Объектлар электр энергиясини узатиш тизими, уларни элементлари, электр ускуналар ҳимоя воситалари, аппаратлар, ўлчов асбоблари ва хоказолар бўлиши мумкин.

Объектларнинг ишончлилигини баҳолашда ишончлилик кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Объект ишончлилиги унинг қуидаги хоссалари билан характерланади:

Ишончлилик – ўрнатилган шарт шароитлар тўла бажарилганда унга юқлатилган (унинг учун белгиланган) функционал вазифасини бажариш хоссаси (хусусияти);

Ишлаш (иш) қобилияти – белгиланган вазифани ўрнатилган кўрсаткичларни таъминлаб бажаришдаги холати;

Носозлик холати (носозлиги) – унга қўйилган талаб ва норматив кўрсаткичлардан бирон биттасини таъминлай ололмаслик холати (ишлаб турган объект хам носоз бўлиши мумкин).

Объект ишончлилиги унинг қуидаги хусусиятлари билан боғланган:

Бузилмасдан ишлашлиги – маълум вақт давомида ишчанлик холатини узлуксиз сақлаш хусусияти. Бирон бир вақт давомида бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги билан баҳоланади.

Чидамлилиги – белгиланган хизмат кўрсатиш таъмирлаш шартлари бажарилганда объектнинг ишлаш қобилиятини сақлаб туриш хусусияти.

Таъмирлашга яроқлилиги – таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш орқали қайта тикланишга мослаша олишлик хусусияти.

Сақланишлиги – сақланиб туриш ва сақланишдан кейин ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтилгандан кейин ишлаш қобилияти ва соз холатини узлуксиз асраб қолиш хусусияти.

Объект ишончлилигини ташкил этувчи битта ёки бир нечта хоссаларини сон характеристикаси **ишончлилик кўрсаткичи** дейилади.

Ишончлиликни қуидаги асосий сон кўрсаткичлари энергетикага ва механикага оид тадқиқотларда кенг қўлланилади:

Бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги: ишончлиликни ушбу кўрсаткичи объектни бузилмасдан ишлаш хақидаги статистик маълумотлар бўйича қуидаги формула орқали хисобланади

$$\bar{P} \leftarrow \frac{N_0 - n}{N_0} \quad (6.1)$$

бу ерда: N_0 - тадқиқот ўтказилаётган объектлар сони;

$n\bar{C}$ - таңдаулаштыруда бузилган (ишламай қолған) обьектлар сони.

Катта сонлар қонунига биноан обьектлар сони (N_0) ёки күзатувлар сони катта бўлганда бузилмасдан ишлашни статистик баҳоланиши $\bar{P}\bar{C}$ обьектни бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги $P\bar{C}$ га жуда хам яқинлашади (амалда бир бирига тенг бўлади). Масалан: б 6 ой давомида барчаси бир хил мақсадда фойдаланилаётган, бир хил шароитда эксплуатация тадқиқот обьекти борилаётган 50 та 5A серияли асинхрон электр моторлардан 10 таси ишламай қолган. Уларни бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги $\bar{P}\bar{C}_{бий} = \frac{50-10}{50} = \frac{40}{50} = 0,8$.

Ишдан чиқишилар (бузилиш) сони оқими (λ) ни қиймати берилган вақт оралиғида (Δt), ишдан чиқсан (бузилган) обьектлар сонини Δn обьектларни умумий сонига нисбати бўйича хисобланиб топилади.

$$\lambda = \frac{\Delta n}{N \Delta t} \quad (6.2)$$

Объектни бузилиши (ишдан чиқиши) эҳтимоллиги - $Q\bar{C}$ берилган ишлаш давомийлиги доирасида аниқ эксплуатациялаш шартларида хеч бўлмагандан обьектни битта бузилиши содир бўлиши эҳтимоллиги:

$$Q\bar{C} = P\bar{C} \cdot e^{-\lambda t} = 1 - P\bar{C} \quad (6.3)$$

$$Q\bar{C} = \frac{n\bar{C}}{N_0} \quad (6.4)$$

Объект бузилишигача уни ишлаши ўртача давомийлиги (T_{yp})

$$T_{yp} = \frac{8760}{\lambda} \text{ (соат)} \text{ ёки } T_{yp} = \frac{1}{\lambda} \text{ (йил).} \quad (6.5)$$

Юқоридаги миқдорий кўрсаткичлардан ташқари ишончлиликни комплекс кўрсаткичлари тайёрлик коэффициенти ва техник фойдаланиш коэффициентлари билан хам баҳоланади.

Объектни ишламай қолиш (ишдан чиқиш) интенсивлиги:

$$K_T = \frac{T_{uu} + T_{pez}}{T_{uu} + T_{pez} + T_{av}} \quad (6.6)$$

бу ерда: T_{uu} - обьектни ишлаш вақти;

T_{av} - авария холатдаги вақти;

T_{pez} - резервда турган вақти.

Агар соҳа энергетикасига оид тадқиқотлар олиб боришда ишончлилик назарияси оид кенг ва батафсил маълумотлар зарур бўлган холларда математик статистикага оид адабиётлардан фойдаланилади.

Оммавий хизмат кўрсатиш назарияси (ОХКН) хақида.

Оммавий хизмат кўрсатиш назарияси истеъмолчиларни энергия билан таъминлаш мураккаб энергетик тизимларида, қишлоқ хўжалиги электр ускуналари ва электротехнологик қурилмаларига сервис хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ масалаларни ечишда фойдаланилади. Ҳар қандай оммавий хизмат кўрсатиш тизимини хизмат кўрсатувчи қурилмалар (хизмат кўрсатиш каналлари) мажмуаси деб қараш

мумкин. Оммавий хизмат кўрсатиш тизими бир ва кўп каналли бўлиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш каналлари – алоқа тармоқлари, прибор ва мосламалар, бирон техник ёки ташкилий ишларни амалга оширувчи одамлар (масалан юқори кучланишли хаво электр тармоқда юзага келган носозликни бартараф этишга сафарбар қилинган электриклардан ташкил топган тезкор бригада) ва бошқалар бўлишлари мумкин.

Оммавий хизмат кўрсатиш тизимининг иши каналлар сони ва хизмат кўрсатиш унумига боғлиқ, бирон бир вақт давомида қанча хизмат кўрсатиши билан характерланади.

Оммавий хизмат кўрсатиш назариясининг вазифасига буюртмалар оқими интенсивлиги ва характеристи, каналлар сони, каналларни унумдорлик кўрсаткичи (унумдорлиги) ва кирувчи оқим характеристи орасидаги боғлиқликларни ўрнатиш киради. Масалан. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш обьектлари (паррандачилик фабрикаси, насос станцияси электр ускуналари, энергия таъминот тизими электротехник ускуналари) электр ускуна ва жихозларини таъмирлашни ташкил этишда уларни ўз вақтида (қисқа вақт давомида) таъмирлаш учун таъмирлаш заводлари ёки цехлар сонини тўғри аниқлаш мухим ахамиятга эга, акс холда таъмирланиши керак бўлган электр ускуналар таъмирлаш корхоналарида (цехларда) узоқ туриб қолиши ва бунинг оқибатида ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши иктиносидай зарарга олиб келади.

Таъмирлаш корхоналари сонини асоссиз оширилиши ишдан чиқсан электротехник ускуналарнинг қайта тикланишини тезлатсада, уларни қуриш ва жихозлаш билан боғлиқ харажатларини ошишига олиб келади. Шундай экан таъмирланиши керак бўлган электр ускуналарни узоқ вақт таъмирлаш корхоналарида туриб қолмаслигини таъминловчи ва шу билан бирга катта харажатлар талаб қилмайдиган таъмирлаш корхоналари сонини оптималлигини таъминловчи ечимини топиш керак бўлади. Ушбу ечимни топишда оммавий хизмат кўрсатиш назариясидан фойдаланиш юқори самара беради.

Шунингдек автоматлаштирилган поток линияларни лойихалашда хар хил қувватли ускуналари ўзаро боғлиқликда ишлашини таъминлашда электр энергияси истеъмолчиларига энергияни тақсимлаш ва етказиб бериш тизимини лойихалашда ушбу назария катта ахамиятга эгадир. Турли тизимларда ишончлилик назариясини қўллашда хам оммавий хизмат кўрсатиш назарияси мухим рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги электр ускуналарининг эксплуатацион ишончлилигини таъминлаш (oshiishi) борасида юқори самарадорликка эга техник сервис тизимини ишлаб чиқишида хам оммавий хизмат кўрсатиш назарияси юқори самара беради.

Оммавий хизмат кўрсатиш назариясидан фойдаланишда қўлланиладиган асосий тушунча ва сўзлар хақида тўхталиб ўтамиз.

Воқейликлар кетма-кетлиги – оқим деб номланади.

Хизмат кўрсатишга талаблар оқимини талабномалар оқими дейилади.

Хизмат кўрсатиш тизимига келиб тушган хизмат кўрсатилиш зарур бўлган талабномалар оқими кириш оқими дейилади.

Бир бирлик вақт ичида келиб тушган талабномалар сонини математик кутилиши кириш оқимининг **ўртача интенсивлиги** дейилади.

Хизмат кўрсатиш тизимдан чиқиб кетувчи талабномалар оқими **чиқувчи оқим** деб юритилади.

Хизмат кўрсатиш – заруриятни қондириш хисобланади.

Хизмат кўрсатиш воситалари (курилма, инсон улардан ташкил топган бригада ва хоказолар) – **хизмат кўрсатувчи аппаратлар** ёки **курилмалар** деб аталади.

Бир жинсли (бир хил талабни қаноатлантирувчи) хизмат кўрсатувчи аппаратлар мажмуи **хизмат кўрсатувчи тизим** дейилади.

Хизмат кўрсатиш интенсивлиги ёки тезлиги бир бирлик вақт давомида хизмат кўрсатилган талабномалар ўртача сони (μ) билан характерланади ва унинг миқдорий қиймати хизмат кўрсатилишининг ўртача давомийлигига ($t_{x,k}$) тескари катталик билан аниқланади.

$$\mu = \frac{1}{t_{x,k}} \quad (6.7)$$

Талабномалар оқими характерига, интенсивлиги, каналлар сони, канални ўtkазувчанлик қобилияти (унумдорлиги) ва кириш оқими характерларидан келиб чиқсан холда тадқиқотлар олиб боришда турли математик аппаратлардан фойдаланилади.

Воқеъликлар, талабномалар оқими ва уларнинг хусусиятларига кўра оддий ёки стационар: Пуассон оқими, Пальма оқими, Эрланг тизими оқими турлари учрайди. Оммавий хизмат кўрсатиш тизими очиқ ва ёпиқ шаклда мавжуд бўлиши мумкин.

Оптимал бошқарув назарияси асослари.

Илмий тадқиқотлардан кўзланган мақсадга эришишда тадқиқот натижаси мумкин бўлган юқори техник, технологик, иқтисодий самарага эришиш бош меъзон этиб белгиланади ва уни амалга оширишнинг асосида оптимал бошқариш назарияси ётади.

Агар соҳа энергетик муаммоларини ечишда оптимал бошқариш назариясидан фойдаланиб қўйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- Электр ва иссиқлик юкламаларни башорат қилишда;
- Икки томонлама энергия билан таъминланган электр узатиш линияларни тармоқланиш нуқтасини танлашда;
- Техник сервис кўрсатиш корхонанинг кўчма бригадасини юқори кучланишли хаво электр линиясини текшириб чиқиш бўйича харакат траекториясини (маршрутини) аниқлашда
- Электр таъминоти тизимини ишончлилиги даражасини ошириш бўйича варианtlар танлашда ва хакозаларда.

Ечилаётган масала ва кўзланган мақсаддан келиб чиқсан холда илмий тадқиқотларда оптимал бошқаришни турли усуллари қўлланилади.

Дифференциал хамда вариацион хисоблар ўзгарувчи параметрлар орасидаги аналитик боғлиқликларни тадқиқ этиб функция ва функционал боғланишларни экстремумини аниқлашда қўлланилади. Бу усул ўзгарувчи дифференцияланадиган функционал ифода билан ўзаро боғлиқ бўлганда ёки

узлуксизликда узилишлар бўлганда хақиқий функционал ифодаларни кетма-кет яқинлаштириш йўли билан дифференцияланадиган функцияларга алмаштирилганда кўпроқ қўлланилади. Ушбу усул кўп экстремал масаларни (тадқиқот этишда) ечишда хам қўлланилади.

Оптималлаштириши сонли (микдорий) усули эркин ўзгарувчиларни ва турли қийматлари комбинацияларини ажратиб олиш мақсадли функцияси уларга мос қийматларини хисоблашни кўзда тутади. Хисоблаш техникаларини жадал ривожланиши илмий тадқиқотларда математик программалаш усулларини хам қўлланилишига асос яратди.

Бир экспериментли тадқиқотларда чизиқли программалаш усули кенг фойдаланилади ва ундан фойдаланиб чизиқли чегараланиш мавжуд бўлганда мақсадли функцияни чизиқли шаклга эга бўлганда оптимал режимни аниқ чизиқли программалаш усули ночизиқли масалаларни кўплаб ечиш жараёнлари учун мос бўлиб хизмат қиласди.

Динамик программалаш усули кўп экстремал масалаларни ечишда хисоблаш ишлари хажмини кескин қисқартириш ва мақсадли функцияни глобал минимумини топиш имконини беради.

Динамик программалашни бош ғояси оптимал бошқариш масалаларини кўп босқичли (кўп қадамли) жараёнлар кўринишида унинг хар бир босқичини кетма-кет оптималлашдан иборат.

Бир нечта ташкилотлар иштирокида амалга оширилаётган мураккаб иншоатлар, юқори кучланишли электр узатиш тармоғини лойиҳалаш ва қурилиши бўйича ишларни тўрли режалаштириш (сетевой планировка) ва бошқариш усулидан фойдаланиб бажариш яхши натижалар беради. Икки ва ундан кўп томонлар манфаати қарама-қарши (ёки биргаликда бўлмаган) бўлган кўпчилик конфликт холатларда оптималлаштириш масаласини ечишда ўйинлар назарияси усулидан фойдаланилади.


Оптимал бошқарувни хар қандай усулларини қўллашни асосий ғояси мазмуни системани барча қисмларини битта комплексда ва уларни гармоник мослигига (мувофиқлигига) қарашдан иборат системали ёндашувдан фойдаланишдир. Бундай ёндашувда хусусий манфаатлар умумийга бўйсунади.

Ушбу ёндашув қишлоқ хўжалиги обьектларини энергия таъминоти тизимини лойиҳалашда оптимал ечимини топишда, бир томондан уларни энергия билан таъминловчи энергетика тизими манфаатини, иккинчидан электр энергияси истеъмолчилар манфаатини (энергия сарфи, таъминот ишончлилиги) хисобига олишни кўзда тутади. Бундан ташқари обьектларни қуришда иштирок этувчи ташкилот ва корхоналар, электр тармоғи трассасида жойлашган хўжаликлар ва бошқа обьектлар манфаатлари инобатга олиниши керак.

Оптимал бошқаришни аналитик усули ўзгарувчилар орасидаги аналитик боғлиқликларни тадқиқ этиш асосида функциялар ва функционаларнинг экстремумини (максимум ва минимумларни) топишни кўзда тутади.

6.2-расмда ўрганилаётган воқейлик, катталик ёки жараённи кўрсаткичи ифодаланган тасоддифий катталикларнинг математик кутилиши $f(\mathbf{c})$ ни

бирон бир D оралиқдаги тасоддифий катталиклар ($x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6$) билан болиқлик функцияси келтирилган.



6.2-расм. Тадқиқот үтказилаётган объектнинг математик кутилишини ($f(x)$) тақсимланиш функцияси.

Ушбу графикдаги “D” оралиқнинг бирон бир қисмидаги x_0 нүктасида $f(x_0)$ функцияни қиймати унга қўшни бўлган барча нүкталарида катта (кичик) бўлса ушбу нүкта локал максимумни (минимумни) нүкта деб аталади. Функцияни ўзи $f(x_0)$ локал максимум (минимум) деб аталади.

6.2-рамда $f(x_3)$, $f(x_5)$ лар локал минимум, $f(x_2)$, $f(x_4)$ лар локал максимум нүкталар дейилади.

Битта функционал боғлиқлик графигида локал минимумлар (максимумлар) бир нечта бўлиши мумкин, бу холда улар орасидаги энг кичик қийматга эга $f(x_i)$ ни глобал минимум, энг катта қийматга эга $f(x_i)$ ни глобал максимум деб аталади.

6.2-расмда $f(x_3)$ глобал минимум, $f(x_4)$ глобал максимум ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларини (чорвачилик комплекслари, сугориш тизими йирик насос станциялари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарини иссиқлик энергияси билан таъминловчи энергетик қурилмаларини (йирик иссиқлик станцияси) энг муқобил режимини танлашда **Логранж усулини** қўллаш мумкин.

Лойиҳаси ишлаб чиқилаётган электр таъминоти тармоқлари шаклини (конфигурациясини) танлашда, подстанцияларни ўрнатилиш жойини ва уларга ўрнатиладиган трансформатор қувватини танлашда, икки томонлама энергия билан таъминланадиган линияларни ажралиш нүктасини топишда энг мақбул вариантини топишда экстремумни тўғридан тўғри излаш усули кўп қўлланилади.

Экстремумни тўғридан тўғри излаш усули мустақил ўзгарувчиларни қийматларини хар хил комбинацияларида (сочитаниясида) мақсадли функция қийматларини таққослашга асосланган бўлиб, унинг ечилишида интерацион жараён асос қилиб олинади. У қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилада.


Мақсадли функция ифодаси ва эркин ўзгарувчилар танланади. Мустақил ўзгарувчиларни маълум бир кетма-кетликда манфий ва мусбат томонга

орттириб беріб хар бир қиймат учун мақсад функцияси қийматлари ҳисобландаи ва уни экстремумга яқынлашишига әришилади.

Бир экстремал масалаларда мақсад функциясини минималлаштиришда экстремумни түгридан-түгри излашни: күр-күрона таваккал ва градиент усули, тезкорона ва координата бўйича пасайиш ҳамда реликсацион усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мақсадли функцияни оптималлаш шартини топишда икки ва ундан кўп критериялар бўйича танлашга тўғри келганда кўп критерияли оптималлаштиришдан фойдаланилади.

Ушбу усул 6.3-расмда кўрсатилган икки томонлама энергия манбасига уланган электр тармоқни қайси нуқтасида ажратиш энг мақбуллиигини аниқлаш мисолида қўллаш керак.



6.3-расм. Икки томонлама энергия манбаига уланган электр тармоғи схемаси.

Ажратиш нуқтасини тармоқни қаерида деб белгилашимизга (қабул қилишимизга) қараб нафақат тармоқ қисмларида актив қувват исрофини ўзгариши, балки электр энергияси истеъмолчиларини энергия билан таъминлаш ишончлилиги ҳам ўзгаради. Бундан келиб чиқадики оптималга әришишга иккита шарт: қувват исрофини минималлиги ва электр таъминотини ишончлилигини максималлиги.

7. Экспериментал тадқиқотларни режалаштириш, ўтказиш ва натижалари тахлили

7.1. Экспериментал тадқиқотлар турлари ва уларни босқичлари

Илмий – техник ва амалий тадқиқотлардан қўзланган мақсадга эришишда илгари сурилган илмий гипотезани тўғри ёки нотўғрилигини исботлашда ёки технологик режим, эксплуатацион қўрсаткичлар ва бошқа қўрсаткичларни оптималлаштириш, аниқлаш ва белгилашда албатта экспериментал тадқиқотлар олиб борилиши зарурияти туғилади.

Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш катта миқдорда меҳнат ва моддий харажатлар ва шунингдек кўп вақт сарфлаш билан боғлиқдир. Ундан ташқари ишлаб турган энергетик тизим, электротехник ускуналар, энерготехнологик қурилмалар, электрлаштирилган технологик поток линияларга таалукли экспериментал тадқиқотлар ўтказишида уларнинг нормал эксплуатацион режимларини бузилишига олиб келади.

Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ юқоридаги катта моддий харажатларни, вақт сарфланишини ва ишлаб турган энергетик обьектларни эксплуатацион режимларини бузилишини камайтиришга эксперимент режалаштириш ва унинг тахлили усулларини қўллаш орқали эришиш мумкин. Математик статистика аппаратини қўллаш орқали эксперимент жараёнини формаллаштириш қўйидагиларга имкон беради:

- тажрибалар сонини камайтириш, юқори аниқликдаги ўлчов натижаларига эришиш каби баъзи бир хусусиятларга эга экспериментнинг математик моделини олишга;

- эксперимент натижаларига энг замонавий усуллардан фойдаланиб ишлов бериш ва ишлов берилган натижалар бўйича аниқ формаллаштирилган қоидалар асосида ечимлар қабул қилиш;

Экспериментал тадқиқот - янги илмий билимлар олишнинг асосий усулларидан бири.

Экспериментдан бош мақсад назарий қоидаларни текшириш (ишчи гипотезани тасдиқлаш), шунингдек илмий тадқиқот мавзуини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишдир.

Экспериментал тадқиқотлар **идентификациялаш** – назарий тадқиқот натижалари ва эксперимент давомида олинган функционал ва аналитик боғлиқликларни текшириш ва тасдиқлаш ёки **оптималлаш** -экспериментал йўли билан ўрганилаётган жараён параметрини энг мақбул қийматини ёки мақсад функциясини аниқлаш **мақсадида олиб борилади**.

Мақсад функцияси – мустақил вариацияланувчи ўзгарувчиларни (факторларни) тадқиқ этилаётган боғлиқ бўлган ўзгарувчи билан ўзаро боғловчи функциядир, яъни - $y = f(x_1, x_2, x_3, \dots, x_n)$. Бу ерда y - тадқиқ этилаётган мақсад функция; x_1, x_2, \dots, x_n - ўзаро боғлиқ бўлмагани ўзгарувчилар факторлар.

Эксперимент мақсади идентификациялаш бўлса **мақсад функцияси формуулалар орқали ифодаланади**.

Эксперимент мақсади оптималлаштириш бўлса **мақсад функцияси** регрессия коэффициентлари ноъмалум полиноминал тенглама билан математик моделлаштирилади ва **регрессия тенгламаси олинади**.

$$y = \beta_0 + \beta_1 x_1 + \beta_2 x_2 + \dots + \beta_n x_n$$

бу ерда: β_i - регрессия коэффициенти.

Экспериментлар **табиий** ва **сунъий** бўлиши мумкин.

Табиий экспериментлар ишлаб чиқариш, турмуш ва ҳ.к. ларда ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда муҳимdir.

Сунъий экспериментлар эса техника ва бошқа фанларда кенг қўлланади.

Объект ёки жараён модели хусусиятига, экспериментларни танлаш ва ўтказишга боғлиқ ҳолда улар **лаборатория ва ишлаб чиқариш турига бўлинади**.

Лаборатория экспериментлари махсус моделлаштирувчи қурилма, стендларда намунавий приборлар ва тегишли аппаратларни қўллаб ўтказилади. Булар кам харажат қилган ҳолда кимматли илмий информация олиш имконини беради. Лекин, экспериментал тадқиқотнинг бундай натижалари ҳамма вақт ҳам жараён ёки объект ишининг боришини тўлиқ акс эттира бермайди.

Ишлаб чиқариш экспериментлари атроф муҳит турли тасодифий омилларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд шароитларда ўтказилади. Бундай экспериментлар лабораториядагидан мураккаб, тажриба натураси (мавжуд жараён ёки объект) хажмдорлиги оқибатида пухта фикрлаш ва режалаштиришни талаб этади.

Эксплуатация қилинадиган объектнинг турли дала синовлари ҳам ишлаб чиқариш тадқиқотларига киради.

Тегишли методика ва шакл бўйича ташкилотлар ёки муассасалардан, корхоналардан у ёки бу тадқиқ этилаётган масала бўйича материаллар тўплаш ишлаб чиқариш экспериментларининг бир тури ҳисобланади.

Экспериментал тадқиқотларни самарали ўтказиш учун эксперимент методологияси ишлаб чиқилади. У қўйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- экспериментни режа – программасини ишлаб чиқиш;
- ўлчамларни баҳолаш ва эксперимент ўтказиш воситаларини танлаш;
- экспериментни ўтказиш;
- эксперимент натижасида олинган маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш.


7.2. Экспериментни режалаштириш ва факторлар тенгламаси

7.2.1. Техникавий объектнинг кибернетик модели

Яхши ташкил этилмаган системаларга таалтуқли мураккаб техникавий объектлар учун кибернетик модел $k+n+l$ киришли (факторларли) ва m чиқишли

(системалар ишлаш сифатининг кўрсаткичили) «қора қути» тарзида намоён бўлади.

Чиқиш параметларидан ҳар бир $-y_m$, k — ўлчов вектори $X = (x_1, x_2, \dots, x_k)$ билан белгиланувчи киришларнинг назорат остидаги бошқарилувчи қисми, n - ўлчовли вектор $Z = (z_1, z_2, \dots, z_n)$ билан белгиланувчи киришларнинг назорат остидаги бошқарилмайдиган қисми ва l - ўлчовли вектор $W = (w_1, w_2, \dots, w_l)$ билан белгиланувчи назорат қилинмайдиган қисм ҳолатига боғлиқ. (7.1 – расм)



7.1 – расм. “Кора қути”: x_1, x_2, \dots, x_k - назорат остидаги бошқариладин кириш параметрлари; z_1, z_2, \dots, z_n - назорат остидаги бошқарилмайдиган кириш параметрлари; w_1, w_2, \dots, w_l – назорат қилинмайдиган кириш параметрлари.

Ҳаракати назорат этилмайдиган қўзғатувчи кириш параметрлари шунда намоён бўладики, қачонки система (техникавий объект)нинг чиқиш параметри маълум назорат остидаги бошқариладиган ва бошқарилмайдиган кириш параметрларида бирдек тавсифланмайди. Тасодифий қўзғатувчи параметрлар катта бўлган техникавий объект стохастик объект ҳисобланади. Уни ўрганиш учун эҳтимоллик назарияси математик аппаратидан фойдаланилади.

Техникавий объектни экспериментал-статистик тадқиқ этишда кириш ва чиқиш параметрлари ўртасидаги алоқа одатда полином тарзида математик моделда тасвирланади. Унинг коэффициентини баҳолаш учун ишлаш жараёнида техникавий объектнинг ҳолатини тавсифловчи статистика материалига эга бўлиш зарур. Мазкур информация ёки пассив эксперимент йўли билан, яъни техникавий объектнинг ишлашини оддий кузатиш йўли билан, яъни техникавий объект ишлашига фаол аралashiш ва тажрибаларни бошқариладиган кириш параметрлар йўл қўйилган соҳа миқёси муайян нуқталарида ўтказиб олиниши мумкин.

Яхши ташкил этилмаган системаларга тааллуқли мураккаб техникавий обьектлар учун пассив эксперимент кенг тадбиқини топмади. Экспериментни режалаштириш эса кучли экспериментал-статистик тадқиқот ва мураккаб яхши ташкил этилмаган системаларни

оптималлаштириш ҳисобланади. Экспериментни режалаштириш кўр-кўёна излашни истисно қилади, тажрибалар сонини сезиларли даражада қисқартиради ва оқибатда эксперимент муддати ва унга кетадиган сарфлар ҳам камаяди, шунингдек математик модел олиш имконини беради.

Экспериментни режалаштириш усулларининг асосий афзаллиги унинг универсаллигидир, яъни тадқиқотларнинг кўплаб соҳаларида яроқлилигидир: энергетика, металшунослик ва металургия, машинасозлик ва материалларга ишлов бериш, кимё ва кимёвий технология, тиббиёт ва биология, электроника ва ҳисоблаш техникаси ва бошқаларда.

Экспериментни режалаштиришнинг замонавий статистик усуллари [2, 8, 9, 10] ва бошқа адабиётларда батафсил келтирилган.

Шундай қилиб, яхши ташкил этилмаган системаларга тааллуқли мураккаб техникавий обьектларни тадқиқ қилиш учун кўплаб кириш (факторлар) ва кўплаб чиқиши (система ишлашининг сифат кўрсаткичлари)га эга «қора яшик» кўринишидаги кибернетик модел энг маъқул деб ҳисобланади. Экспериментал статистик тадқиқотларда алоқанинг бундай модели кириш ва чиқиши параметрларига эга бўлиб полиномлар кўринишидаги математик моделда ифодаланади.

7.2.2. Экспериментни режалаштириш, режа-программасини ишлаб чиқиши

Экспериментни режалаштиришда асосий тушунча ва моделлар.

Экспериментни режалаштириш математик модели «қора қути» тарзидағи кибернетик моделга асосланган (7.1 – расмга қаранг). Шундай кибернетик системаларни кўриб чиқишида назорат остидаги бошқариладиган кириш параметрлари x_1, x_2, \dots, x_k – факторлар дейилади, чиқиши параметрлари y_1, y_2, \dots, y_m — оптималлаштириш параметри (мезони) дейилади.


Факторлар миқдорий ва сифатли бўлиши мумкин. Биринчисига кириш параметрлари тааллуқли бўлиб, уларни миқдорий баҳолаш — ўлчаш, тортиш ва х. к. мумкин. Сифат факторлари, миқдорийлардан фарқли ўлароқ, уларга рақамли шкала мос келмайди. Бироқ, улар учун ҳам шартли тартибли шкала куриш мумкин, у сифат фактори тенгламалари ва натурал сонлар қатори ўртасидаги мутаносиблигини ўрнатади.

Факторлар бошқариладиган бўлиши ва техникавий обьектга бевосита таъсир этиш талабига жавоб бериши керак. Факторнинг бошқарилувчанлиги дейилганда бутун тажриба давомида фактор танланган керакли даражасини доимий ёки белгаланган программа бўйича унинг ўзгаришини таъминлаш ва сақлаб туриш имкони тушунилади. Бевосита таъсир талаби дейилганда факторнинг бошқа факторларга функционал боғлиқлиги истисно эканлиги тушунилади, чунки бундай боғлиқлик мавжуд бўлса, уларни бошқариш қийин.

Тажриба ўтказишда ҳар бир фактор бир неча қийматлардан бирини, тенглама деб аталувчини қабул қилиш мумкин. Факторларнинг қайд этилган тенгламалар тўплами кибернетик система эҳтимолий ҳолатларидан бирини

аниқлайди. Бу қайд этилган тенгламалар тўпламига фактор фазоси аталмиш факторлар фазосидаги кўп ўлчамли муайян нуқта мос келади.

Тажриба фактор фазосидаги барча нуқталарда амалга оширилмайди, фақат фактор фазоси соҳасидаги рухсат этиладиганига тааллуқли нуқгалардагина амалга оширилади. 7.2 – расмда мисол тариқасида икки фактор - x_1 ва x_2 учун рухсат этилган соҳа G кўрсатилган.



7.2 – расм. Фактор фазоси (а) рухсат этилган соҳаси ва акс садо сирти (б)

Кибернетик система факторлар қайд этилган ҳар бир даражада тўпламига турлича муносабат кўрсатади. Бироқ факторлар тенгламалари ва акс муносабат (жавоб) ўртасида муайян алоқа мавжуд. Бу акс муносабат жавоб функцияси, унинг геометрик образи — жавоб юзаси деб аталади.

Жавоб функцияси қўйидаги кўринишга эга:

$$y_l = \psi_l(x_1, x_2, \dots, x_k) \quad (l = 1, 2, \dots, m).$$

Табиийки, тадқиқотчига боғлиқлик тури ψ олдиндан маълум эмас. У режалаштирилаётган эксперимент маълумотлари бўйича қўйидагига яқин тенглама ҳосил бўлади.

$$y_e = \psi_e [x_1, x_2, \dots, x_e]$$

Бу экспериментни шундай амалга ошириш керакки, тажрибаларнинг энг кам сонида, маҳсус ифодаланган қоидалар бўйича факторлар даражасини турлича қўринишларида математик модел олиш мумкин бўлсин ва кибернетик система кириш параметрлари оптимал қийматини топиш мумкин бўлсин.

Жавоб функциясини етарлича аниқлиқда к ўзгарувчандан d даражадаги полином қўринишида тасаввур этиш мумкин.

$$\begin{aligned} M \{y\} \eta = & \beta_0 + \sum_{1 \leq i \leq k} \beta_i x_i + \sum_{1 \leq i \leq j \leq k} \beta_{ij} x_i x_j + \dots \\ & \dots + \sum_{i_1, i_2, \dots, i_k} \beta_{i_1 i_2 \dots i_k} x_1^{i_1} x_2^{i_2} \dots x_k^{i_k}, \sum ij = d, \end{aligned} \quad (7.1)$$

бунда: $M\{y\}$ ёки η = жавобнинг математик кутилгани.

Мазкур полином кибернетика системасининг у ёки бу жараёнини тавсифлаш аниқлиги қатор тажриба (даражаси)га, яъни қатор сўнгги аъзолари даражанинг қандай қўриниши билан қатнашишига боғлик.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида тажрибалар сонини камайтириш учун, қўпинча фақат чизиқли аъзолардан иборат ва биринчи тартибли биргалиқдаги ҳаракатларга эга моделлар чекланади.

$$M \int \eta = \beta_0 + \sum_{1 \leq i \leq k} \beta_i x_i + \sum_{1 \leq i \leq j \leq k} \beta_{ij} x_i x_j + \dots + \beta_{i_1 i_2 \dots i_k} x_1 x_2 \dots x_k \quad (7.2)$$

Деярли муқим (оптималь) моделдаги соҳани тавсифлаш учун фақат иккинчи, баъзан учинчи тартибдаги аъзолар ҳисобга олинади.

Режалаштирилаётган эксперимент натижалари бўйича регрессия танланма коэффициентлари b_0 , b_i , b_{ij} белгиланади, булар регрессиялар назарий коэффициентлари β_0 , β_i , β_{ij} лар учун баҳо ҳисобланади, яъни

$$b_i \rightarrow \beta_i, b_{ij} \rightarrow \beta_{ij},$$

$$b_0 \rightarrow \beta_0 + \sum \beta_{ii} + \sum \beta_{iii} + \dots$$

Натижада модел (регрессия тенгламаси) эксперимент маълумотлар асосида олинган, моделдан фарқли ўлароқ қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M \int \eta = b_0 + \sum_{1 \leq i \leq k} b_i x_i + \sum_{1 \leq i \leq j \leq k} b_{ij} x_i x_j + \dots + b_{i_1 i_2 \dots i_k} x_1 x_2 \dots x_k \quad (7.3)$$

бунда $M \int \eta$ жавоб математик кутилган баҳоси.

Регрессия тенгламаси ўрганилаётган факторлар кибернетика системаси жараёнига таъсири, факторлар биргалиқдаги ҳаракати ва оптималь соҳага ҳаракат йўналиши ҳақида тасаввур беради. Гиперплоскостли жавоб сирти унча катта бўлмаган қисмининг шундай аппроксимацияси деярли муқим (оптималь) соҳага тушиш учун зарур. Кўрсатилган соҳага тушгандан сўнг модел ёрдамида масала ечилган ҳисобланади. Агар оптимум соҳасини айни тавсифи зарур бўлса, унда полиномалар анча юқори даражаси - иккинчи, баъзан учинчисига ўтилади.

Шундай қилиб, кибернетик системада система факторлари ва акс таъсир қийматлари ўртасида муайян алоқа мавжуддир. Бу акс таъсир акс-садо функцияси дейилади, унинг геометрик тарзи эса акс-садо сирти деб аталади. Акс-садо функциясини етарлича аниқлик билан к ўзгарувчандан д даражадаги полином кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Мазкур полином тавсифланаётган аниқликдаги кибернетик системадаги у ёки бу жараён қаторлар даражасига боғлиқдир.

Эксперимент режа-программаси ишлаб чиқиши

Эксперимент режа-программаси - экспериментал тадқиқотларнинг методологик асоси.

Режа-программа қўйидагиларни ўз ичига олади:

- тадқиқот мавзулари рўйхати ва ишчи гипотеза мазмуни;
- эксперимент методикаси ва уни бажариш учун зарур материаллар, приборлар, курилмалар ва х. к.лар рўйхати;
- бажарувчилар рўйхати ва улар календар иш режаси;

— экспериментни бажариш учун харажатлар рўйхати.

Эксперимент методикаси - методлар, экспериментал тадқиқотларни мақсадга мувофиқ усуллари мажмуи. Умумий тарзда у ўз ичига олади:

- эксперимент мақсад ва вазифасини;
- факторлар танлаш ва улар ўзгариш даражасини;
- воситалар ва ўлчашлар зарур микдорини асослашни;
- эксперимент моҳияти ва тартибининг баёнини;
- эксперимент натижаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш усулларини асослашни.

Экспериментнинг мақсад ва вазифаси ишчи гипотеза ва тегишли назарий ишланмани таҳлил қилиш асосида аниқланади. Вазифа аниқ бўлиши, уларнинг сони — унча қўп бўлмаслиги лозим: оддий эксперимент учун - 3... 4, мажмуя эксперимент учун эса - 8... 10 та.

Жараён ёки обьектга таъсир этувчи факторларни танлаш қабул қилинган ишчи гипотезага мувофиқ назарий ишланмаларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Барча факторлар мазкур эксперимент учун аввал мухимлик даражасига кўра сараланади, сўнгра улардан асосийлари ва ёрдамчилари ажратилади.

Факторлар сони унча қўп бўлмаганда (Згача бўлганда) уларнинг мухимлик даражаси бир факторли эксперимент бўйича аниқланади. Агар факторлар сони катта бўлса, юқорида қўриб ўтилганидек қўп факторлик таҳлил қўлланилади.

Ўлчаш воситалари экспериментнинг мақсад ва вазифасидан, ўлчанадиган параметрлар тавсифи ва талаб этилаётган аниқликдан келиб чиқиб танланади.

Қоидага кўра, стандарт, ялпи ишлаб чиқиладиган ўлчаш воситалари (мамлакатда, чет элда ишланган)дан фойдаланилади. Айрим ҳолларда камёб ўлчовлар прибор ва аппаратлари бунёд этилади.

Ўлчаш техникасининг назарий ва физик асоси, физик катталикларни ўлчаш усуллари[17, 18, 19] ишларда муфассал қўриб ўтилган.

Эксперимент ўтказишнинг мазмун ва тартиби - методиканинг марказий қисми. Унда эксперимент ўтказиш жараёни тўла лойихаланади:

- кузатиш ва ўлчаш операцияларини ўтказиш кетма кетлика тузилади;
- эксперимент ўтказишнинг танланган воситаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир операция айрим-айрим муфассал тавсифланади;
- операциялар сифатини назорат қилишда қўлланадиган усуллар тасвириланади;
- кузатиш ва ўлчаш натижаларини ёзиш учун дафтар тутилади.

Экспериментал маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш усулларини асослаш методикани мухим бўлими ҳисобланади.

Экспериментларнинг натижалари намойиш этишининг кўргазма шаклига келтирилиши лозим (жадваллар, график, номограммалар ва х. к.) тики уларни қиёслаш ва таҳлил қилиш мумкин бўлсин. Алоҳида эътибор ишлаб чиқиш математик усуллари — эмпирик боғлиқлик, факторлар ва чиқиш параметрлари ўртасидаги алоқа аппроксимацияси, мезонлар,

ишончли интерваллар ўрнатиш ва бошқага қаратилади. Бу ишлаб чиқиши сууллари муфассал ишларда кўриб чиқилган.

Эксперимент методикаси ишлаб чиқилгандан сўнг экспериментал тадқиқот ҳажми ва меҳнат талаблиги аниқланади. Улар назарий ишланмалар чукурлиги ва қабул қилинган ўлчаш воситалари тавсифи (аниқлик, ишончлик, тез ҳаракатланиш ва х. к.)га боғлиқ. Тадқиқотнинг назарий қисми қанчалик аниқ ифодаланган бўлса, эксперимент ҳажми ва меҳнат талаблиги шунча кам бўлади.

Табиийки, ҳажм ва меҳнат талаблик эксперимент турига боғлиқ. Дала синовлари, қоидага кўра, кўп меҳнат талабдир.

7.2.3. Экспериментни режалаштиришда факторлар тенгламалари

Кибернетик системанинг ҳар бир фактори ўз катталигини ўзгартириш муайян чегарасига эга, бунинг ичида у исталган қийматни ёки қатор дискрет қийматларни қабул қилиш мумкин. Барча бу қийматлар мажмӯи факторни белгалаш соҳасини ташкил этади.

Экспериментни лойиҳалашда ҳар бир факторни аниқлаш соҳасида унинг локал кичик соҳаси мавжуддир, яъни оралиғида тадқиқот ўтказиладиган ўша фактор ўзгариши интервали бор.

Кўрсатилган локал кичик соҳаларни танлаш ҳар бир фактор x_i ($i=1, 2, \dots, k$) учун x_{i0} асосий (нол) даражага ва ўзгариш интервали Δx_i $y\!b$ танлашга олиб келади. Бунинг учун априор информация асосида факторлар тахминий қиймати белгиланади, улар комбинацияси кибернетик система энг яхши чиқиши натижасини беради. Факторлар қиймати бу комбинациясига фактор фазоси бошланғич нуқтаси мос келади, ундан эксперимент режасини тузишда фойдаланилади. Бошланғич нуқта координаталари факторлар асосий (нол) даражаси дейилади.

Δx_i x_i факторлар ўзгариш интерваллари ҳам априор информация асосида танланади, масалан, жавоб сиртининг ўрганилаётган эгриси тўғрисидаги. Демак, сирт эгрилиги қанча кам бўлса, Δx_i , ўзгариш интервали шунча катта бўлиши мумкин. Мазкур априор информация дастлабки бир факторли экспериментлардан ёки назарий тахминлардан олиниши мумкин. Бундан ташқари ўзгариш интервали баъзи бир улуш сифатида, тегишли факторни аниқлаш соҳаси ўлчамидан аниқланиши мумкин. Ўзгариш тор интервали белгилаш соҳасининг 10% гачасини ташкил этади, ўртачаси – 10% дан 30% гача, кенги — 30% дан ошиқ.

Маълум асосий даражага ва фактор ўзгариш интервалида унинг юқори ва қуий даражаси тенг:

$$X_{iB} = x_{i0} + \Delta x_i, \quad x_{iH} = x_{i0} - \Delta x_i, \quad (7.4)$$

Шартларни ёзиш соддалаштириш ва эксперимент натижаларини ишлаб чиқиши учун натурал ўзгарувчанлар x_i дан, чексиз $- x_i$ (меъёрланган)ларига ўтилади, булар қўйидагича аниқланади:

$$x_i = \frac{x_i - x_{i0}}{\Delta x_i} \quad (7.5)$$

Бу ҳолда $x_{i0} = 0, x_{i\beta} = +1, x_{iH} = -1$, яъни ҳар бир фактор асосий даражасига 0 мос келади, юқори даражага — «+1», қуий даражага «-1».

Икки даражада экспериментни режалаштириш турли кибернетик системалар математик моделини олишда кенг қўлланилади. Барча факторлар икки даражада ўзгарувчи шундай режалар 2^k тур режа деб номланади, бунда k - факторлар сони.

Шундай қилиб, кибернетик системалар («қора яшик»)ни тадқиқ этишда ҳар бир фактор ўз катталигини ўзгартириш муайян чегарасига эга. Мазкур чегара (ўзгариш интерваллари)да у исталган қийматга ёки бир қатор дискет қийматларга эга бўлиши мумкин. Ўзгариш интерваллари оприор информация асосида аниқланади. Кибернетик система математик моделларини олиш учун факторлар кўпинча икки даражада ўзгаради.

Тўлиқ факторли эксперимент.

Икки даражада ўзгарувчи мустақил факторларнинг барча эҳтимолий тақрорланмас комбинациялари амалга ошириладиган эксперимент тўлиқ факторли эксперимент (ТФЭ) деб аталади. Бу комбинациялар миқдори $N = 2^k$.

ТФЭни уч факторли кибернетика системасида ($N = 2^3$) режалаштиришни кўриб ўтамиз. Унинг учун математик модел регрессия тенгламасига (7.3) кўра қўйидаги қўринишга эга:

$$M \approx b_0 + \sum_{i=1}^3 b_i x_i + \sum_{1 \leq i \leq j}^3 b_{ij} x_i x_j + b_{123} x_1 x_2 x_3. \quad (7.6)$$

кўрсатилган математик моделни ТФЭ усулида топиш қўйидаги босқичлардан иборат:

- экспериментни режалаштириш;
- эксперимент ўтказиш;
- регрессия танлама коэффициентлари статистик моҳиятини текшириб кибернетик система математик моделини олиш;
- тикланиш (танлама) дисперсия бир жипслилигини текшириш;
- математик тавсиф айниийлигини текшириш.

Уч фактор учун ТФЭ режалаштириш матрицаси 7.1 - жадвалда келтирилди. Бунда x_0, x_1, x_2, x_3 устунчалари режа матрицасини ташкил этади. Шулар бўйича бевосита тажриба шарти аниқланади. $x_1x_2, x_1x_3, x_2x_3, x_1x_2x_3$ устунчалар факторлар ҳосилалари эҳтимолий комбинациясини кўрсатади, булар факторлар биргаликдаги ҳаракати самарасини баҳолашга имкон беради. x_0 (фиктив ўзгарувчан) устунчаси эркин рақам β_0 ни баҳолаш учун жадвалга киритилган. x_0 қиймат барча тажрибаларда бир хил ва +1 га teng

ТФЭ режалаштириш матрицаси бир қатор хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларни режалаштирилаётган эксперимент натижалари бўйича математик модел олишнинг оптималь воситасига айлантиради.

Биринчи хосса - эксперимент марказига нисбатан мутаносиблиқ. Бу хосса қўйидагича ифодаланади: ҳар бир вектор-устунга унсурларининг алгебраик йиғиндиси, x_0 фиктив ўзгарувчан устунчасидан бошка, нулга teng.

$$\sum_{v=1}^n x_{iv} = 0; i = 1, 2, \dots, 2^k - 1, \quad (7.7)$$

бунда n - режадаги турли нүқгалар сони, v - режа нүқгасининг тартиб рақами.

7.1- жадвал

РЕЖА

2 - тур режалаштириш матрицаси ва тажрибаларнинг натижалари

Режа нүқта рақами									Оптимал-лаштириш Параметри
	x_0	x_1	x_2	x_3	x_1x_2	x_1x_3	x_2x_3	$x_1x_2x_3$	
1	+1	-1	-1	-1	+1	+1	+1	-1	Y_1
2	+1	+1	-1	-1	-1	-1	+1	+1	Y_2
3	+1	-1	+1	-1	-1	+1	-1	+1	Y_3
4	+1	+1	+1	-1	+1	-1	-1	-1	Y_4
5	+1	-1	-1	+1	+1	-1	-1	+1	Y_5
6	+1	+1	-1	+1	-1	+1	-1	-1	Y_6
7	+1	-1	+1	+1	-1	-1	+1	-1	Y_7
8	+1	+1	+1	+1	+1	+1	+1	+1	Y_8

Иккинчи хосса шундай ифодаланади: ҳар бир вектор-устунча унсурларининг квадрати йиғиндиси режа нүқталарининг сонига teng.

$$\sum_{v=1}^n x_{iv}^2 = n; i = 0, 1, 2, \dots, 2^k - 1. \quad (7.8)$$

Учинчи хосса - режалаштириш матрицасининг ортогонал вектор-устунчалар. Мазкур хосса қўйидаги ифодага эга: *режалаштириши матрицаларининг исталган икки вектор-устунчаси унсурлари ҳосила ийгиндиси нулга teng.*

$$\sum_{v=1}^n x_{iv} x_{jv} = 0; i, j = 0, 1, 2, \dots, 2^k - 1 \quad (7.9)$$

Ортогоналлик хоссасидан тенгламалар меъёрий системаси матрицасининг диагоналиги ва регрессия тенгламаси коэффициентлари ўзаро мустақил баҳоси, шунингдек, бу коэффициентларни ҳисоблаш соддалиги келиб чиқади.

2 - тур режалаштириш матрицаси регрессия саккиз коэффициентини баҳолашга имкон беради: $b_0, b_1, b_2, b_3, b_{12}, b_{13}, b_{23}, b_{123}$. Бироқ, ундан регрессия (b_{11}, b_{22}, \dots) квадратли коэффициентларини баҳолашда фойдаланиб бўлмайди, чунки вектор-устунча x_1^2, x_2^2, x_3^2 бир-бирига ва x_0 устунча билан мос тушади.

Экспериментни режалаштиришда экспериментни қунт билан ўтказишликка жиддий талаб қўйилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, эксперимент режасини амалга ошириш натижаларини статистик баҳолаш экспериментдаги камчиликларни албатта қўрсатади. Ваҳоланки,

тадқиқотнинг анъанавий усуллари (бир факторли эксперимент) эксперимент хатосини топиш ва олинган боғлиқликларнинг ишончлилигини (айнийлигини) текширишни кўзда тутмайди. Бундан ташқари факторлар ўзгариш интервалини танлашга эътибор (ҳаддан зиёд диққат) билан ёндошиши лозим.

Экспериментни режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан кўйидагиларни таъкидлаш мумкин. Агар факторлар бир жинслилигини таъминлаш мумкин бўлмаса, масалан, синов бутун ҳажми учун ишланаётган материал бир жинслилигига эришиш мумкин бўлмаса, унда материаллар турли партияси миқдорини аниқлаш лозим ва режалаштириш матрицасини тегишли тарзда ортогонал блокларга тақсимлаш зарур. Шундан сўнг вақт мобайнида эксперимент шароити ўзгарувчанлиги таъсирини истисно қилиш учун ҳар бир блок чегарасида тажрибаларнинг тасодифий тадрижийликда бўлиши тавсия этилади, яъни тажрибаларни тасодифий рақамлар жадвали ёрдамида вақт мобайнида рандомилаш зарур.

ТФЭ ўтказишдан мақсад кибернетик системанинг регрессия тенгламаси кўринишидаги тавсифини олиш ҳисобланади. $N = 2^3$ турдаги режалаштириш матрицаси учун регрессия тенгламаси 7.8 – тенглама кўринишида келтирилди.

Юқорида таъкидланганидек, режалаштириш матрицаси ортогоналлиги регрессия тенгламаси коэффициентларини ҳисоблашни сезиларли тарзда соддалаштиради. Демак, b_i коэффициентлар факторлари исталган миқдори кўйидаги тенгламага кўра ҳисобланади:

$$b_i = \frac{\sum_{v=1}^n x_{iv} y_v}{n} \quad (7.10)$$

бунда: $i = 0, 1, 2, \dots, k$ – фактор тартиб рақамли (x_0 фиктив ўзгарувчани ҳам қўшганда; y_v ўртача жавоб (яъни чиқиш параметрининг ўртача қиймати), v тартиб рақамли нуқтадаги r тажриба бўйича

$$y_v = \frac{\sum_{j=1}^r y_{vj}}{r} \quad (7.11)$$

Биринчи тартибли ўзаро харажатда b_{ij} коэффициентларидаги тенгламага ўхшаш тенгламада ҳисобланади.

$$b_{ij} = \frac{\sum_{v=1}^n x_{iv} x_{jv} y_v}{n}; i, \dots, j; i, j = 1, 2, \dots, k. \quad (7.12)$$

Шундай қилиб, ТФЭни режалашшириш матрицаси бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, режалаштирилаётган эксперимент натижалари бўйича математик модел олишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Кўйидагилар шундай хусусиятга киради: эксперимент марказига нисбатан мутаносиблиқ; вектор-устунчалар ортогонал-лиги; матрикалар диагоналлиги ва ҳ. к.

Каср, фактор эксперимент жавоб сирти бўйлаб бурама юқорилаш.

Тўлиқ факторли эксперимент (ТФЭ) фақат чизиқли эфектгагина эмас, балки улар ўзаро ҳаракати барча эфектларига таалукли регрессия коэффициентларини айрим-айрим белгилаш имконини беради. Бирок, ТФЭдан фойдаланиш ҳамма вақт ҳам самарали эмас, айниқса, факторлар сони кўп бўлганда. Чунки ТФЭ $N = 2^k$ тажрибалар сонини чизиқли эфектлар к баҳоловчи сонидан анча кўпроқ қўйишни талаб этади, ТФЭ $\Delta = 2^k - k$ тажрибалар кўплаб ортиқчалигига эга.

Касрли фактор экспериментлар (КФЭ) анча кам ортиқчаликка эга, булар ТФЭнинг муайян қисмини акс эттиради. Мазкур ҳолда тажрибалар гиперкубнинг барча 2^k чўққиларида эмас, балки улардан баъзиларидағина амалга оширилади. Табийки, бунда баъзи информациялар йўқотилади. Бирок, гиперкуб чўққисини оқилона танлаш йўли билан чизиқли биринчи босқичи учун етарлича ўзаро ҳаракат эфекти қисмини олиш мумкин.

Мустақил факторлар $k + p$ учун КФЭ режасини олиш учун k факторлар учун ТФЭ тузиш зарур ва энг юқори тартибдаги ўзаро ҳаракати эфектларини қолган мустақил факторлар p чизиқли эфектига тенглаштириш лозим. Бунда қолган p факторлар даражаси ўзаро ҳаракатга мос устунчалар қиммат комбинацияларида мувофиқ ўзгариши лозим. Шундай йўл билан олинган КФЭ 2^{k+p} тур ТФЭдан касрли реплика ҳисобланади. Факторлар чегаравий сонидаги режа мазкур миқдор тажрибалар ва берилган модел учун тифиз деб аталади. 2^k тур режа тифиз эмас дейилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, КФЭ режалаштириш матрицаси ўзининг оптималь – ортогонал, ротатабел хусусиятларини йўқотмайди. КФЭ тўлиқ тавсифи [11, 14, 20] ишларда келтирилади.

Режалаштирилаётган ТФЭ ва КФЭ натижалари асосида олинган регрессия тенгламалари фақат кибернетика системалари жараёнига ва улар ўзаро ҳаракатига факторлар таъсири тўғрисидагина тасаввур бериб қолмайди, балки унинг хоссасини оптимальлаштиришга ҳам имкон беради, яъни система чизиқли параметрлари экстремал қийматларини таъминловчи фактор даражаларини топишга ҳам имкон беради.

Бундай оптимальлаштириш турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Булардан жавоб сирти бўйлаб буралиб юқорилаш усули амалда энг кўп қўлланиладиган бўлди. Бу усул 1951 йилда Бокс ва Уилсонлар томонидан таклиф этилади. Буралиб юқорилаш - жавоб сирти бўйлаб градиент усулини факторли эксперимент билан қўшиб фойдаланиш йўли билан мақсадли қадамлаб "силжиш".

Буралиб юқорилаш усули билан чиқиш параметри экстремал қийматини (экстремум нуқтасини) излаш қўйидагича амалга оширилади.

– ТФЭ ёки КФЭ экспериментни режалаштиришнинг тегишли матрицаси бўйича амалга оширилади.

– экспериментнинг олинган натижаларини статистик таҳлил қилиш йўли билан регрессия коэффициенти ҳисоблаб чиқилади ((7.12) ва (7.14) тенгламага қаранг) ва улар аҳамиятлигини ва ((7.19) тенгламага қаранг)

дисперсиялар бир жинслиги ((7.17) ва (7.18) тенгламаларга қаранг) ҳамда математик модел айниийлиги ((7.22) тенгламага қаранг) аниқланади. Регрессия коэффициентлари вектор-градиентни ташкил этувчилик ҳисобланади.

- параметрнинг танланган қиймати асосида факторлар ўзгариши, t_i қадам (асосий дарражага нисбатан) ва буралиб юқорилаш чизигидаги уларнинг координати x_i аниқланади.

$$t_i = \lambda b_i \Delta x_i, \quad (7.13)$$

$$\xi_l = \xi_{l0} + \eta \lambda \beta_l \Delta \xi_l; l = 1, 2, \dots, k; \eta = 1, 2, \dots,$$

бунда h – буралиб юқорилаш йўналишидаги қадам тартиб рақами.

λ параметр турлича танланади. Танлашнинг энг кўп тарқалган усули қўйидагичадир:

- $|b_i| \Delta x_i$ ҳосила абсолют қиймати энг катта ҳисобланган фактор топилади. Бу фактор таянч ҳисобланади.

$$|\beta_\delta| \Delta \xi_\delta = \mu \alpha \xi |b_i| \Delta \xi_i; i = 1, 2, \dots, k; \quad (7.14)$$

буралиб юқорилаш йўналишига биринчи қадам учун $\lambda = \lambda_1$ қиймат шундай танланадики, таянч фактор бўйича қадам Δx_δ ёки унинг қисми ўзгариш интервалига тенг бўлсин, яъни

$$\lambda |b_\delta| \Delta x_\delta = \mu \Delta x_\delta, \\ 0 < \mu \leq 1.$$

бунда: $0 < \mu \leq 1$.

$$\text{ундан } \lambda_1 = \frac{\mu}{b_\delta}$$

- тенглама бўйича танланган қиймат λ_1 ни ҳисобга олиб, факторлар ўзгариш қадами ва буралиб юқорилаш чизигидаги кейинги нуқталар координати аниқланади.

- буралиб юқорилаш нуқталарида эксперимент амалга оширилади, булардан кейин чиқиш параметри бўйича энг яхши эксперимент танланади. Бу фактор экспериментлари қиймати кейинги экспериментлар туркумida асос қилиб олинади.

- экстремум нуқтасини излаш кибернетик система чизиқли моделининг барча коэффициентлари b_i ($i = 1, 2, \dots, k$) аҳамиятсиз бўлмагунча давом этади. Бу экстремум соҳаси чиқишидан далолат беради.

Шундай қилиб, тўлиқ факторли эксперимент (ТФЭ) тпажрибалар ҳаддан зиёд кўплигига эга. Шунинг учун қатор ҳолларда касри факторли эксперимент (КФЭ)дан фойдаланилади, бу ТФЭнинг бир қисми ҳисобланади. КФЭ камроқ оршиқчаликка эга, аммо уни амалга оширишда инфомациянинг бир қисми йўқотилади.

ТФЭ ёки КФЭ натижалари асосида олинган регрессия тенгламаси факторларнинг кибернетик система жараёнига таъсири ҳақида тасаввур берибина қолмай, балки унинг хоссасини оптималлаштириш имконини ҳам беради. Бундай оптималлаштиришнинг усулларидан бири бўлиб **акс-садо сирти бўйлаб кескин** кўтарилиш ҳисобланади.

7.3 Экспериментни ўтказиш

Эксперимент - илмий тадқиқотнинг энг муҳим ва анча меҳнат талаб босқичи.

Эксперимент ишлари тасдиқланган режа-программа ва эксперимент методикасига мувофиқ ўтказилади. Экспериментга киришилар экан синовларни ўтказиш методикаси ва кетма-кетлиги тугал аниқланади.

Экспериментал тадқиқотлар ўтказиш жараёнида қўйидаги қатор асосий қоидаларга риоя қилиш лозим;

- экспериментчи ўлчаш натижаларига субъектив таъсирга йўл қўймай тадқиқ этилаётган жараён ёки обьект параметрининг барча тавсифини вижданан қайд этиши лозим;

- экспериментчи эҳтиёtsизлигига йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳол кўпинча катта хатолик ва сохталаштиришга, оқибатда, экспериментларни такрорлашга олиб келади;

- экспериментчи кузатиш ва ўлчаш дафтарини албатта юритиши керак, уни тартибли ва ҳеч қандай тузатишларсиз тўлдириб бориш лозим;

- эксперимент жараёнида бажарувчи ўлчаш воситалари ишини, улар тўғри кўрсатаётганлигини ва қурилма, жиҳоз, стенд ва ҳ. к.лар иши барқарорлигини, атроф мухит ҳолатини мунтазам кузатиши, иш зонасига бегоналарни киритмаслиги шарт;

- экспериментчи ўлчов воситаларини, улар тўғрилигини назорат қилган ҳолда ишчи текширувани мунтазам ўтказиши керак;

- ўлчашлар ўтказиш билан бир вақтда бажарувчи натижаларни дастлабки ишлаб чиқиши ва таҳлил қилишни ўтказиши лозим. Бу тадқиқ этилаётган жараённи назорат қилиш, экспериментни тўғрилаш, методикани яхшилаш ва эксперимент самарадорлигини оширишга имкон беради;

- экспериментчи техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ва ёнғинни олдини олиш бўйича йўриқномалар талабига амал қилиши лозим.

Юқорида қайд этилган барча қоидаларга айниқса ишлаб чиқариш экспериментини ўтказаётганда амал қилиш керак.


Шундай қилиб, илмий маълумотлар олишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, экспериментал тадқиқотлар ҳисобланади. Экспериментлар табиий ва сунъий, лабораториядаги ва ишлаб чиқаришдагига бўлинади. Ҳар қандай экспериментал тадқиқотлар методологиясининг асоси бўлиб, режа-программа, методика ва эксперимент ўтказиш қоидаси ҳисобланади.

7.4 Эксперимент натижаларига ишлов бериш усуллари

7.4.1 Ўлчашлар натижаларини график тасвирлаш усуллари

График тасвир эксперимент натижалари ҳақида күргазмали тасаввур беради, тадқиқ этилаётган жараён физик мөхиятини яхшироқ тушунишга имкон яратади, функционал боғлиқлик тавсифини аниқлады ва унга нисбатан минимум ёки максимум белгилайди.

Ўлчаш (ёки кузатиш) натижаларини график тасвирлаш учун кўпинча координаталар тўғри бурчакли системасидан фойдаланилади. X ўқи бўйлаб фактор қийматлари x_1, x_2, \dots, x_n , Y ўқ бўйлаб эса унга мос жараён чиқиши параметри чиқиши қийматлари y_1, y_2, \dots, y_n (7.3 – расм) қўйилади.



7.3 – расм. Боғлиқлик график тасвир $y=f(x)$: 1 – бевосита ўлчамлар натижаси бўйича чизилган эгри чизик; 2 – аппроксиляровчи бир маромдаги эгри чизик

Агар $x_1, y_1, x_2, y_2, \dots; x_n, y_n$ нуқталар кесмалар билан бирлаштирилса, бунда синиқ эгри чизик 1 ҳосил бўлади, у эксперимент маълумотлари бўйича $y=f(x)$ функция ўзгаришини тавсифлайди. Бу синиқ эгри чизиқни барча эксперимент нуқталари яқинидан ўтувчи бир текисдаги эгри чизиқча аппроксимациялади.

Баъзан 1 ... 2 графада нуқталар эгридан кескин узоқлашади. Бу ҳолда аввал ҳодисанинг физик мөхияти таҳлил қилинади. Агар $y=f(x)$ функциясининг бундай кескин сакраши учун асос бўлмаса, бунда четга чиқиши қўпол хато ёки адашиш дейиш мумкин.


$y= f(x)$ экспериментал функцияси график тасвирига координата тўрини танлаш жиддий таъсир этади. Улар бир текис ёки бир текисмас бўлиши мумкин. Бир текис координата тўрлари ордината ва абсциссалари бир текис шкалага эга.

Бир текисмас координат тўрларидан энг кўп тарқалгани ярим логарифмик (7.4. – расм, а), логарифмик (7.4 – расм, б), эҳтимолийлардир. Улардан турли сабабларга кўра фойдаланилади. Хусусан, ярим логарифмик, логарифмик координата тўрларидан, одатда, факторлар ва (ёки) чиқиши

параметрлари ўзгариш интервали катта бўлганда фойдаланилади. Бундан ташқари улар кўплаб эгри чизиқли функцияларни тўғрилайди.

Графикларни чизишда қўйидаги амалий мулоҳазаларга амал қилиш лозим:

- координата тўри ва график масштабни тўғри танлаш керак. Масштаб қанча катта бўлса, графикдан олинадиган қиймат аниқлиги шунча юқори бўлади. Бироқ, графиклар, қоидага кўра, 200x150 мм ҳажмдан ошиб кетмаслиги керак;
- координата ўқлари бўйича масштабни график тор ёки кенг бўлиб қолмайдиган қилиб танлаш керак;
- графикни миллиметрли қоюзга чизиш мақсадга мувофиқ.



7.4 – расм. Яримлогорифимик (а) ва логорифимик (б) координата тўрлари

7.4.2 Эмпирик формулаларни танлаш усули

Эмпирик формулалар аналитик формулаларга яқин ифодалар хисобланади.

Эксперимент маълумотлари асосида олинган алгебраик ифодалар, эмпирик формулалар дейилади. Улар фактор берилган қиймати (x_1 , дан x_n гача) ва чизиш параметри (y_1 дан y_n гача) ўлчангандан қийматлар чегарасида танланади.

Бу формулалар, имкон борича, оддий ва факторнинг кўрсатилган чегарасида эксперимент маълумотларига юқори аниқликда мос бўлиши керак.

Эмпирик формулаларни танлаш жараёни **икки босқичда амалга оширилади**. **Биринчи босқичда** координата системаси түғри түртбурчак турича нұқталар күринишида ўлчаш натижалари қуыилади, улар орасидан аппроксловчи әгри ўтказилади (7.3 – расмга қаранг). Сүнг формула тури мүлжаллаб танланади. **Иккінчи босқичда** қайд қилинган формулага әнг мувофиқ тарзда параметрлар ҳисобланади.

Эмпирик формулани танлаш әнг содда ифодалардан бошланади. Шундай ифода бўлиб, чизиқли тенглама ҳисобланади.

$$y=a+bx$$

бунда: a ва b — доимий параметрлар, улар қиймати қўйидаги тенгламалар системасидан аниқланади:

$$y_1 = a + bx_1$$

$$y_n = a + bx_n$$

бунда x_1 , y_1 ва x_n , y_n - аппроксловчи түғри чизиқнинг чекка нұқталари координати.

Әгри чизиқли эксперимент графикларда $y=ax^b$, $y=ax^b+c$, $y=ae^{bx}+c$, тур аппроксимацияловчи формула танланади. Бу формулаларга мос келувчи эгрилар тенгламаси ва параметрларни аниқлаш усули ишда берилган.

7.4.3. Назарий-экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, хулоса ва таклифларни формулалаштириш

Назарий ва экспериментлар тадқиқотларни биргаликда таҳлил қилишдан асосий мақсад — эксперимент натижалари билан ишчи гипотеза илгари сурган фикрларни қиёслаш.

Назарий (ишчи гипотезага мувофиқ) ва экспериментал маълумотларни қиёслашда турли мезонлардан фойдаланилади. Масалан, экспериментал маълумотларни берилганлардан, назарий боғлиқлик асосидаги ҳисоблашлар туфайли олинган минимал, ўртача ва максимал четга чиқиши.

Аммо, әнг ишончли деб, эксперименталга назарий боғлиқ айний (мувофиқ) мезонлар ҳисобланади.

Ишчи гипотезани эксперимент маълумотлари билан қиёслаш натижасида қўйидаги ҳоллар кузатилиши мумкин:

- ишчи гипотеза тўлиқ ёки деярли тўлиқ экспериментда тасдиқланади. Бундай вазиятда ишчи гипотеза назарий қоида, назарияга кўра исботланган бўлади.

- ишчи гипотеза экспериментда қисман тасдиқланади, қолган ҳолларда унга зид бўлади. Мазкур ҳолда ишчи гипотеза эксперимент натижасига тўлиқ ёки деярли тўлиқ мосланиши учун модификацияланади. Ишчи гипотеза ўзгаришини тасдиқлаш мақсадида тўғриловчи эксперимент ўтказилади. Шундан сўнг гипотеза, биринчи галдаги каби, назарияга айланади.

- ишчи гипотеза экспериментда тасдиқланмайди. Бундай ҳолда аввал қабул қилинган гипотеза тўлиқ кўриб чиқилади, яъни янгиси ишлаб чиқилади. Салбий илмий натижалар эса янги гипотеза излаш доирасини торайтириш имконини беради.

Гипотеза назарий қоида деб тан олингач, хулосалар ва (ёки) таклифлар ифода топади, яъни тадқиқот натижасида олинган янги, моҳиятлиги илгари сурилади. Асосий хулосалар миқдори 5... 10 тадан ошмаслиги керак. Асосий хулосалар билан бир қаторда айрим ҳолда бошқа хулосалар ҳам қилиш мумкин (мисоли 2- даражали).

Барча хулосалар икки гурухга бўлинади: илмий ва ишлаб чиқариш. Илмий хулосаларда янгилик ҳиссаси кўрсатилади, булар бажарилган тадқиқотлар туфайли фанга киритилган бўлади. Ишлаб чиқариш хулосалари, фойда билан боғлиқ бўлади, буларни иқтисодиёт соҳасида ўтказилган экспериментлар беради (ёки бериши мумкин).

Резюме. Эксперимент натижалари график таъсири тадқиқ жараёни физик моҳиятини яхши тушунишга имкон беради. Назарий ва эксперимент натижалар қиёслашиб экспериментни тасдиқловчи бир неча ишчи гипотеза белгиланади.

7.5. Ҳисоблаш эксперименти

Ҳисоблаш экспериментининг асосини математик моделлаштириш, амалий математика (назарий асоси), электрон ҳисоблаш машиналари (техникавий асоси) ташкил этади.

Ҳисоблаш экспериментидан фан ва техниканинг турли соҳаларида, мураккаб амалий масалаларни ечишда, восита сифатида фойдаланилади. Фойдаланиб ҳал этиладиган масалаларни хилма-хил бўлишилигига қарамамасдан ҳисоблаш экспериментларига, шартли равишда қўйидаги босқичларга бўлинган, умумий *технологик туркум* хосдир.,

Биринчи босқичда тадқиқ этилаётган объектнинг *математик модели* яратилади, у қоидага кўра дифференциал ёки интегродифференциал тенгламалар кўринишида бўлади. Математик моделни тузиш кўпинча у ёки бу фан (физика, кимё, биология, тиббиёт, иқтисодиёт ва ҳ.к.) соҳаларининг мутахассислари томонидан бажарилади. Математиклар юзага келган математик вазифаларни ечиш имконини баҳолайдилар ва моделни бошланғич тадқиқотини ўтказадилар: масала тўғри қўйилганми, у ечимга эгами, у биргинами ва ҳ.к.ларни аниқлайдилар.

Иккинчи босқичда шакллантирилган математик масала ёки айтиш мумкинки, ҳисоблаш алгоритмини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилади. У алгебраик тенгламалар халқалари мажмўидан иборат бўлади, шулар бўйича ҳисоблаш олиб борилади ва бу формулаларни қўллаш мунтазамлигини белгиловчи мантиқий шароит юзага келтирилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, айни бир математик масалани ҳал қилиш учун кўплаб ҳисоблаш алгоритмлари — яхши ва ёмонлари ишлаб чиқилади. Шунинг учун алгоритмни самарали ҳисоблашни ишлаб чиқиш зарурати юзага келади, бунинг учун рақамли ҳисоблаш назариясидан фойдаланилади.

Учинчи босқичда ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритмини ЭҲМда бажариш *программаси* тузилади.

Тўртинчи босқич ҳисоблаш экспериментини бажариш билан боғлиқ. ЭҲМ ҳисоблаш жараёнида тадқиқотчини қизиқтирган қар қандай информацияни бериш мумкин. Табиийки, мазкур информацияни аниқлиги математик моделни ишончлилиги билан белгиланади. Шунга кўра жиддий


амалий тадқиқотларда баъзан ҳозиргина тузилган программа бўйича тўлақонли ҳисоблашни ўтказиш дарҳол бошланмайди. Бундан аввал программани «созлаш» учун зарур бўлган *тест ҳисоб* – китоблари ўтказилади.

Дастлабки ҳисоб – китобларни ўтказишида математик модел тестланади: ўрганилаётган объект, жараён ёки ҳодисани у қанчалик яхши тавсифлайди, қай даражада ҳақиқатга яқинлиги аниқланади. Бунинг учун етарлича ишончли ўлчашлар бўлган баъзи назорат экспериментларини «тафтишлаш» ўтказилади. Бунда эксперимент ва ҳисоблаш натижалари таққосланади, математик модел аниқланади.

Бешинчи босқичда ҳисоб – китоб натижаларини ишлаб чиқиши ЭҲМда амалга оширилади, улар атрофлича *таҳлил ўтказилади ва хулоса қилинади*. Бунда хулосаларнинг икки тури бўлиши мумкин: ёки математик моделни, ёки олинган натижаларни турли мезонлар бўйича текширувдан ўтказиб аниқлаш зарурлиги белгиланади, булар илмий ютуқقا айланади ҳамда буюртмачига берилади. Амалда эса ҳар икки хулосалар кўпинча учраб туради.

Ҳисоблаш эксперименти технологик туркумининг кўриб ўтилган тархи 7.5 – расмда келтирилди.

1. Математик модел тузиш. 2. Ҳисоб-китоблар натижасини ишлаб чиқиш, таҳлил ва хулосалар. 3. Ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш. 4. ЭҲМда ҳисоблаш. 5. Программалаштириш.



7.5 – расм. ҳисоблаш эксперименти технологик туркумининг тархи

ЭҲМда амалий масалаларни ечиш - мураккаб илмий ишлаб чиқариш жараёни, уларнинг эгаллаш ва бошқариш учун уни ўрганиш зарур.

Ҳисоблаш экспериментидан фан ва техниканинг кўпгина соҳаларида турли амалий масалаларни ҳал этишда фойдаланилади.

Ядро энергетикасида физик жараёнларда содир бўладиган ҳодисаларни муфассал моделлаштириш асосида реакторларнинг ишлари башоратланади.

Бунда ҳисоблаш эксперименти табийсига жуда яқин ўтади, бу бутун тадқиқот туркумини тезлаштиради ва харажатларни камайтиради.

Космик техникада учувчи аппаратлар траекторияси, оғиш масаласи ҳисобланади, радиолокация маълумотлари, йўлдошдан олинган тасвиirlар ва ҳ.к.лар ишлаб чиқилади.

Экологияда башоратлаш ва экологик тизимларни бошқариш масаласи ҳал этилади.

Кимёда кимёвий реакциялар ҳисобланади, улар константаси аниқланади, жадаллаштириш мақсадида макро ва микро даражада кимёвий жараёнлар тадқиқ этилади ва ҳ.к.

Техникада билурлар ва плёнкалар олиш жараёни, белгиланган хоссали материалларни яратиш технологик жараёнлари ва ҳ.к.лар ҳисоб – китоб қилинади.

Ҳисоблаш экспериментини қўллаш энг муҳим соҳаси физикадир. Масалан, микродунёдаги чизиқсиз жараёнларни ўрганишда бу қўл келади.

Юқорида келтирилган ва ҳисоблаш экспериментини қўллашнинг бошқа мисоллари амалий муаммоларга назарий таҳлил қилиш асосида янги замонавий методологиясининг самаралилигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ҳисоблаш эксперименти мураккаб амалий масалаларни ҳал қилишда фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланади. Ҳисоблаш экспериментини асоси бўлиб математик моделлаштириш, назарий асоси бўлиб амалий математика, техникавий асоси бўлиб ЭҲМ ҳисобланади. Ҳал қилинадиган масалаларнинг турли – туманлигидан қатъи назар ҳисоблаш эксперименти учун умумий технологик туркум хосдир. У ўз ичига беш босқични олади: математик модел тузиш; ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш, программалаштириш, ЭҲМда ҳисоблаш; ҳисоб – китоблар натижасини ишлаб чиқиш, таҳлил ва хулосалар.

8. Илмий техник ва патент материаларидан фойдаланиш, ихтиро ва фойдали моделга буюртма расмийлаштириш

Хар қандай илмий техник изланиш маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади, бирор ишчи, илмий фаразни амалга ошириш, текшириб кўриш учун ўтказилади. Илмий фараз назарий ва амалий масалаларни ечиб амалга оширилади. У изланишлар давомида текширилади, тўғриланади ёки хато қўйилган бўлса, умуман бекор қилиниши ҳам мумкин. Шунинг учун йўналиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилиши, бирламчи маълумотлар тўпланиши, ўрганилиши зарур. Маълумотларни ўрганиб йўналиш бўйича қўйилган масалаларни илмий янгилиги аниқланади. Илмий техник ва патент маълумотларига қуидагилар киради: монографиялар, ўкув қўлланма ва дарсликлар, турли маълумотлар тўпланган адабиётлар, диссертациялар ва уларнинг авторефератлари, илмий мақолалар тўпламлари, илмий техник ва рефератив журналлар, илмий анжуманлардаги маърузаларнинг тезислари, патентлар журналлари, самарали таклифлар тўпламлари тармоқлар бўйича.

Маълумотларни ўрганишда охирги 15 - 20 йил маълумотлари тўла олиниши керак. Илмий маълумот матни билан танишишда аввало унинг номланишига, мавзусига, мундарижасига эътибор берилади. Агар зарур маълумотлар бўлса, муаллифи, номланиши нашр қилинган жойи ва вақти, хажми ёзиб олинади. Асосий материал реферат қилинади. Бу маълумотлар маҳсус картага ёзиб борилса ва улар ўз тартиб рақамига эга бўлса яхши бўлади, кейинчалик фойдаланишга қулай бўлади.

Карталар системалаштирилиши ёки алфавит бўйича жойлаштирилиши мумкин. Маълумотлар маҳсус дафтарга ёзиб борилиши ҳам мумкин.

Патентлар дунё миқёсида 1990 йил холати бўйича 30 млн.га яқин қайд қилинган. Шундан АҚШда - 5 млн, Англияда - 3,5 млн, Францияда - 2,3 млн, Германияда - 2,2 млн, Россияда - 2 млн, Японияда - 1,85 млн патент олинган. 1985 йил 1 январдан ихтиrolарнинг ҳалкаро классификаторининг (ИХК) 4 редакцияси кучга кирди ва ҳозиргacha фойдаланилмокда.

Бу классификаторда 60 000 бўлимлар бор. Улар 8 қисмдан, 18 классдан, 618 нимклассдан, 6701 гуруҳдан, 51395 нимгуруҳдан ташкил топган. Қисмлар лотин ҳарфлари билан белгиланади А.....Н, бошқа бўлимлари рақамлар билан белгиланади.

Ихтиrogага ариза берилганда шу йўналиш бўйича патент изланиш маълумотномаси ҳам берилади. У ташкилот томонидан тасдиқланиши зарур.

Самара берувчи бирор восита бўлиб ҳизмат қилувчи ҳар қандай таклиф ихтиро деб тан олиниши мумкин.

Ихтиро бўлиши мумкин, янги қурилма, янги услуб, моддалар (кимёвий, физикавий, аралаш, қотишма) қўлланилиши янги мақсадда бўлса.

Тан олинган янгилик, ихтиrogага муаллифлик гувохномаси берилади. Муаллифлик гувохномасини олиш учун тегишли жойга қуидаги хужжатлар берилади: *муаллифнинг аризаси, ихтирони ёритувчи*

маълумотнома, чизмалар, реферат, янгилик ҳақида хулоса, янгилик ихтиро формуласи, лаборатория синовлари якунлари, экспертиза акти (янгилик тўғрисида).

Ихтиро ёзуви, ихтиро формуласи ва чизмалари билан асосий хужжат бўлиб, объектни тўла ифодалаши, ихтирони техник мазмунини ёритиши, барча маълумотларни ўз ичига олиши зарур.

Маълумотномада қуйидагилар бўлиши зарур: ихтиронинг номланиши, халқаро классификатор бўйича шифри, ихтиродан фойдаланиш йўналиши, техника соҳалари, ихтиронинг ўхшаш нусхаси ҳақида маълумотлар, ихтиро прототипи, жуда яқин ечими ҳақида маълумотлар, прототипнинг аввалги ишланманинг камчиликлари, ихтиронинг мақсади, ихтиро мазмуни ва янгиликнинг ҳусусиятлари, аввалги ишланмадан фарқлари, чизмалар, график материаллар, чажарилиш йўллари, услублари, техник - иқтисодий ва бошқа турдаги самарадорлиги, ихтиро формуласи, маълумотлар манбаалари, патент ҳизмати раҳбари имзоси, муаллифлар имзоси. Ихтиро очиқ нашр қилиниши учун эксперт кенгашида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Тегишли ташкилотларда кўриб чиқилган ихтиро тан олинса, унга муаллифлик гувоҳномаси берилади.

8.1. Ихтиронинг патентбоплик шартлари, обьекти ва талабнома

Ихтиро янги бўлиб, ихтириолик даражаси бўлсаю, саноатда қўлланиладиган бўлса уни хуқуқий қўриқланиши таъминланади. Техника соҳасида маълум бўлмаса у янги ҳисобланади. Агар у мутахассис учун техникадан аниқ келиб чиқадиган бўлмаса ихтировий даражага эга бўлмайди.

Ихтиро саноатда, қишлоқ хўжалигига, соғликни сақлашда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилиши белгиланган бўлса саноатда қўлланиладиган ҳисобланади.

Ихтиро қилинди деб эълон қилинган кунгача дунёда ҳаммага баровор маълум бўлган хар қандай маълумот холати техника даражаси дейилади. Маълумот агар (барча танишадиган) манбаларда бўлса у ҳаммага маълум ҳисобланади.

Ихтирога патент берилиши сўралган талабнома битта ёки ўзаро бир мақсадни ташкил қиласидиган даражада ихтиронинг борлик талаби боғланган бирон бир гурухга тааллукли бўлиши мумкин. Ихтиронинг яхлитлиги қуйидаги холларда риоя қилинган ҳисобланади: талабнома ихтиронинг бир обьектига мос бўлса, яъни биргина қурилмага, усулга, моддага ёки илгари маълум қурилманинг, усулнинг ва модданинг янгича қўлланилиши;

Йўриқномага кўра ихтиро қилиш биринчилиги патент бошқармасига ёзуви, формуласи ва чизмалари (агар уларнинг ёзувида чизмаларга илова бўлса) бўлган патент бериш учун талабнома тушиб руйхатдан ўтказилган кундан бошланади. Талабномада келтирилган меъёрий маълумотлардан баъзилари мавжуд бўлмаса, у холда етишмайдиган маълумот билан тўлдирилган топширилган кунидан бошлаб ҳисобланади.

Таклиф қуйидаги холларда ихтиро деб тан олинмайди: илмий назарий

ва математик усуллар; хўжаликни уюштириш ва бошқариш усуллари; шартли белгилар, жадвал, қоида, ақлий операцияларни бажариш, қоида ва усуллари; ЭХМ учун алгоритм ва дастурлар; лойиха ва қурилишнинг, иморатнинг, худуднинг режаланиш схемалари; эстетик талабни қондиришгагина йўналтирилган буюмнинг ташқи кўринишига тааллуқли хulosа; интеграл микросхема топологияси; ўсимлик навлари ва хайвонлар насллари; жамоатга гумонийлик ва морал принципларига қарши хulosалар.

Ихтиро обьекти. Қурилма, усул, модда, микроорганизм штампи; ўсимлик ва жонивор клеткаси, хамда илгари маълум қурилма, усул, модда штампларнинг янгича мақсадда қўлланилиши кабилар ихтиро обьектлари бўлишлари мумкин.

Ихтиро обьекти қурилма бўлган холда қурилмаларга ихтиро обьекти сифатида қуйидагилар киради: қўрилишни тавсифлайдиган белгилар, қурилмани тавсифланиш учун хусусан қуйидаги белгилар фойдаланилади: конструктив элементи борлиги, элементлари орасида боғлиқлик борлиги, элементларининг ўзаро жойлашишлари, элементларини ёки бутун қурилманинг бажарилиш шакллари, хусусан геометрик шакли, элементлари ораларидаги алоқанинг бажарилиш шакли; элементлари параметрлари ва бошқа тавсифлари ва уларнинг алоқалари; элемент ёки бутун қурилма тайёрланган материал; элемент функциясини бажарувчи мухит.

Ихтиро обьекти усул бўлган холда усулларга ихтиро обьекти сифатида материал обьектнинг устида бажарадиган таъсир жараёни. Усулнинг тавсифи учун, хусусан қуйидагилар фойдаланилади: таъсир ёки таъсирлар йиғиндиси борлиги; таъсирларнинг вақтда бажарилиш тартиби; таъсир, режим моддани фойдаланиш. Микроорганизм штампини фойдаланиш, ўсимлик ва жониворлар модданинг клеткаларга таъсир этиш шароитлари.

Ихтиро обьекти илгари маълум бўлган қурилма. Усул, модда, штампларни янгича қўллаш бўлганида янгича қўлланишга маълум модданинг жамоат талабини қондириш учун биринчи қўлланиши тенг кучли дейилади.

Илгари маълум қурилма усул модда штампларнинг тавсифи учун янгича қўлланишида бунинг кўрсатмаси фойдаланилади. Хар қандай ихтирога талабнома беришдан олдин ўрганилган материални қуйидаги алгоритмга солиб кўриш лозим ва унинг натижаси билангина иш кўриш маъқул .

Ихтирога патент олишга талабнома йўриқномага асосан патент бошқармасига берилади. Ихтиро муаллифидан, жумладан патентни Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат эгалик мулклигига сўралаётганида хам, шарти бор холларда иш берувчидан; муаллиф томонидан кўрсатилган физик ва юридик шахслар ёки уларнинг меросхўрларидан; талабнома патент бошқармасида рўйхатдан ўтган патентга ишонарлилар орқали берилиши хам мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги шахслар ёки чет эллик юридик шахслар ёки чет элларда муқим бўлиш жойли ёки уларнинг патент ишонарлилари Патент бошқармаларида қайд этилган патент ишонарлилари орқали талабномалар берилади.

Ихтирога талабнома ўзида қуйидагиларни қамраши лозим: патент

беришларини сўралган ариза; ихтиронинг уни бажаришга етарли бўлган тўлиқ очиб берадиган ёзма баёни; тўлиқ унинг баёнига асосланган, унинг мохияти билдирадиган ихтиро формуласи; агар ихтиро мохиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизма ва бошқа материаллар; реферат; кенг маълум (тарқалган) справочник, энциклопедия ва шу кабилардагидан бўлак, ўхшаш ва прототиплар ёзилган манбалардан нусхалар.

Агар муаллиф патентни Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат мулки фондига сўрамаса, ёки солик тўлашдан озодлиги, хамда унинг миқдорини камайтиришга асослари бўлмаган ҳолда ихтирога талабнома белгиланган ҳолда солик тўланганлигини тасдиқловчи хужжат қўшиб юборилиши лозим.

Патент ишонарли орқали бериладиган талабномага унинг (хуқуқини) ваколатини тасдиқловчи хужжат қўшиб юборилади.

Патент ишонарлилигининг ваколатини тасдиқловчи хужжатлари у тузиладиган мамлакатнинг қонунчилигига кўзда тутилган тартибда расмийлашган бўлиши лозим.

Чет эллик ариза берувчининг яшовчи мамлакатида тузилган бўлса у Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консулида легаллашган бўлиши керак, ўзаролик шартида легаллаштириш талаб этилмайдиган холлардан ташқари.

Келишилган, битимли (конвенцион) талабномага биринчи талабнома нусхаси қўшилади. Агар биринчи талабномалар бир неча бўлса, хаммасининг нусхаси қўшилади.

Янги микроорганизм штаммига ўсимлик ва жонивор клеткаларига, уларнинг олинишига ёки фойдаланишига бериладиган талабномага маҳсус ваколатли коллекция – депозиторнинг депонироват қилгани хақидаги хужжат қўшилади. Депонировать қилиш санаси ихтиронинг эгалик санасидан олдин бўлиши керак.

Патент беришни сўраган ариза ўзбек ёки рус тилларида берилади. Бошқа хужжатлари ўзбек, рус ва бошқа тилларда берилиши мумкин. Агар талабнома хужжатлари бошқа тилда бўлса, унга ўзбек ёки рус тилида таржимаси қўшилади.

Патент олиш учун ариза, ихтиронинг мохиятини тушуниш учун зарур бўлган унинг ёзма баёни, ихтиро формуласи, чизма ва бошқа материаллар ҳамда реферат уч нусхада юборилади. Қолган хужжатлар бир нусхада юборилади.

Патент ишонарлиликнинг ваколатини тасдиқловчи хужжат талабнома билан бир вақтда юборилади.

Конвенцион эгаликка сўралаетган бўлса биринчи талабнома нусхаси 3 ойдан кеч бўлмаган муддатда берилади.

Депонировка хақидаги хужжат талабнома билан бир вақтда берилади.

Хужжатлар таржимаси 2 ой мобайнида берилиши мумкин.

Патент беришларини сўраган ариза маҳсус шакл кўринишида берилади.

Ариза муаллиф ва талаб қилувчилар ёки улар ваколот берган шахслар томонидан измоланади. Агар ваколат берилган шахс томонидан имзоланган бўлса унга хужжат ҳам қўшилади.

8.2. Ихтиронинг баёни ва ихтирони бажаришни таъминлайдиган маълумотлар

Ихтиронинг баёни, унинг формуласи аниқлайдиган хуқуқий кўриқланадиган хажмини тасдиқлаб моҳиятини уни бажара олиш учун етарли даражада тўлиқ очиши керак.

Илгари номаълум бўлган, моддий дунёнинг хосса ва кўринишларини билиш даражасига мутлок ўзгариш киритадиган мавжуд конунийликнинг аниқланиши кашфиёт дейилади ва бунга диплом берилади.

Ихтиронинг баёни унинг номидан бошланиб, сўралаётган ихтиро тааллуқли бўлган халқаро квалификацияланган индекснинг (ХКИ) таъсирдаги редакцияси рубрикасининг индекси кўрсатилади ва унга қуидагилар киради. Ихтиро тааллуқли техника соҳаси, техниканинг поғонаси (узговни), ихтиронинг моҳияти, ихтирони бажариш имконини берадиган маълумотлар.

Ихтиро баёнининг зарур маълумоти бор манба қисмларига ёки уларга бутунлайига имо (илова) билан алмаштиришга йўл қўйилмайди (адабиёт манбалари, илгарига ихтиро баёнлари ва иш кабилар).

Ихтиронинг номи унинг мақсадини тавсифлайди, ихтиро мазмунига мос келади, қоида сифатида ХКИнинг рубрикасини аниқлайди.

Ихтиро номи муаллиф номи ёки маҳсус ном билан тўлдирилиши мумкин ва бирликда келтирилади.

Ихтиро баёнининг мазмуни. Техника соҳасига тааллуқли ихтиро баёни бўлими унинг кўлланилиш соҳаси кўрсаатилади. Агар улар кўп бўлса муҳимроғи кўрсатилади.

«Техника даражаси» баёни бўлимида ўхшаш ва прототиплар хақида маълумотлар келтирилади.

Ихтиро аналоги – бу эгалик (приоритет) санасигача маълум бўлган шу мақсадли восита, унда белгиларининг жамлиги ихтиронинг белгилари жамлигига ўхшаш бўлади.

Прототип – ихтирога ўз белгилари бўйича энг яқинроқ ўхшашидир.

Хар бир аналог хақида келтириладиган маълумотга, жумладан прототип хақида хам информация манбайнинг библиографик маълумоти киради, унда таклиф этилаётган ихтиронинг муҳим белгилари билан мос келадиган ҳамда талаб килинган техник ечимни олишга қаршилик кўрсатадиган сабабларини ҳам кўрсатиб аналог белгилари келтирилган бўлади.

Агар аналоглар бир неча бўлса, охиригиси прототип қилиб ёзилади.

Агар ихтиро илгари маълум бўлган қурилма усул, модда ва шу кабиларга тааллуқли бўлиб уларни янгича қўллашга йўналтирилган бўлса, унинг аналоги ўша маълум нарсалар бўлади.

Ихтиронинг моҳияти. Ихтиронинг моҳияти у таъминлайдиган техник ечимга эришишга етарлича бўлган муҳим белгилари йиғиндисида ифодаланади.

Белгилари эришиладиган техник натижага таъсир этадиган бўлсагина муҳимлари қаторига киради, яъни кўрсатилган натижа билан сабаб – оқибат алоқасида бўлса.

Ихтиро мохиятини очувчи маълумотлар ихтиронинг мохияти бўлимида ечилишга талаб қилинаётган ихтиро йўналган масала батафсил очилади, уни амалга оширганда олиниши мумкин бўлган техник натижа кўрсатилади. Шу жумладан прототипдан фарқлайдиган белгиларини ажратган ҳолда ихтирони тавсифлайдиган ҳамма мухим белгилари келтирилади. Айни ҳолда уларни ихтиронинг сўралайтган хуқуқий қўриқлаш хажми тарқалган ҳамма холларда етарлича бўлган ва ихтирони хусусий холдагина тавсифлайдиган бажаришининг конкретт шаклида ёки уни олишдаги шароитда фойдаланишини тамиnlайдиган сабабларга бўлиб келтирилади.

Талаб қилинаётган ихтиронинг мухим белгилари билан эришиладиган техник натижалар орасидаги сабаб – оқибат алоқаси мавжудлигини кўрсатиш лозим.

Ихтиронинг мохиятини очища муаллифга маълум бўлган бошқа техник натижаларни хам келтириш тавсия этилади. Техник натижа айлантириш моментини камайтириш, ишқаланиш коэффициентини пасайтириш, тиқилиб қолишни бартараф қилиш, силкинишни пасайтириш, шишга қарши активлигини ошириш, дорининг тасирини локализация қилиши, қўйма дефектини бартараф қилиш, ишчи қисмнинг мухит билан контактни яхшилаш кабилар кўринишида бўлишлари мумкин.

Маълум қурилма ва усулли ихтирони баён этишда (уни янгича қўллаш учун) маълум обьектнинг унинг маълум вазифаси ва очилган хоссаларини янгича қўллашга ундейдиган тавсифи келтирилади.

Фигуралар рўйхати бўлимида уларнинг ўзларидан ташқари, уларнинг хар бирида нима кўрсатилганлиги қисқача келтириш лозим.

Ихтирони бажаришни таъминлайдиган маълумотлар: умумий холатлар. «ихтирони бажариш мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар» бўлимида «ихтиронинг мохияти бўлимида кўрсатилган техник натижанинг олиниш имконини кўрсатилади.

Мохияти, хусусий функционал даражасида умумлаштирилган умумий тушунчалар билан ифодаланган бажарилиши имкони талабноманинг умумий тушунчаларида келтирилган белгини бажарадиган материаллари баёнида тўғридан тўғри ёки буни олиш учун қўлланилиши мумкин бўлган восита ёки усулга кўрсатилиб такидланади.

Ихтирони тавсифлашда қийматнинг оралиғи (интервали) кўринишида ифодаланган миқдорий белгилардан фойдаланилганда бу оралиқда техник натижани олиш имкони кўрсатилади. Қийматлар интервали хуқуқларининг максимал таъминланиши учун унинг ташқарисида кўрсатилган техник натижани олиш имкони шароити йўқлик шартини танлаш мақсадга мувофиқ.

Курилмали ихтирони бажариш. Имконини тасдиқловчи маълумотлар, қурилмага тааллуқли ихтирони бажариш имконини тасдиқлайдиган маълумотлар қурилманинг конструкциясини оловчи статик холатидаги баённи қамрайди. Конструктив элементларни ёзганда чизма фигуруларига ишора қилинади. Конструктив элементларининг сонли белгиланиши уларни матнда эслаш тартибида бир рақамидан бошлаб ўсиб борувчи рақамлар билан келтирилади.

Статик холатидаги ишланиши ёзиш тугаганидан кейин ишлашида (таъсирида) ёки уни фойдаланиш усули ёзилади. Бунда хам чизмада кўрсатилган конструкциянинг сонли белгиланишига, зарурат бўлса бошқа (эрпюра, кесма, график в.ш.к-р.) материалларга хам ишора қилинади.

Усулли ихтирони бажариш имконини тасдиқловчи маълумотлар. Усулга тааллуқли ихтирони бажариш имконини тақидловчи маълумотлар моддий обьекти қаторига моддий обьект устидан таъсирнинг бирин кетилганлигига (операция принциплари) ҳамда таъсир ўтказишнинг шароити бунда қўлланиладиган қурилманинг конкрет режими (харорат, босим в.ш.к.)ларни камрайди. Маълум воситадан (курилма, модда в.ш.к.) фойдаланилганлиги билан характерланадиган усулни ёзишда номаълум воситадан фойдаланилганда уларнинг тавсифлари келтирилади ва зарурати бўлса график кўриниши илова қилинади.

Янги мақсадда фойдаланишга тааллуқли ихтирони қўллаш имконини тасдиқловчи маълумотлар. Қурилма усул, модда, штамм ва шу кабиларни янги мақсадда қўлланилишга доир ихтиrolарда уларнинг шу мақсадда қўлланилиш имконини тасдиқловчи маълумотлар келтирилади.

Баённома талаб қилувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

8.3. Ихтиро формуласи, унинг мақсади ва график қисми

Ихтиро формуласида патент бериладиган унинг мақсадини билдирадиган ва хуқуқий қўриқланишнинг хажмини аниқлашда хизмат қиласидиган тавсифи келтирилади.

Ихтиро формуласи структураси умумий холат, бир звеноли, кўп звеноли, мустақил пунктли, боғлиқли пунктлilarдан иборат.

Бир звеноли формула биргина ихтирони характерлайди холос.

Кўп звеноли формула ривожланган бир ихтирони характерлайди ёки хусусий томонларини хам қамрайди. Ушбу мулохаза группа ихтиrolарга хам тааллуқлидир.

Бир ихтирони тавсифлайдиган кўп звеноли бир мустақил пунктига эга ва унинг ортидан келадиган боғлик пункти бўлади.

Ихтиrolар гурухини тавсифлайдиган кўп звеноли формула гурухнинг барини тавсифлайди. Бунда уларнинг ҳар бири боғлиқлик пунктини қўшган холда тавсифланиши мумкин. Улар боғлиқ бўлмаслик шартига бўйсунган бўлишади.

Ихтиrolар гурухини тавсифлайдиган формуласи баён қилишда қуйидаги қоидага риоя қилинади – алоҳида ихтирони тавсифлайдиган боғлиқмас пункти formulанинг бошқа пунктлariiga имо қилинади; - боғлик пунктлар бўйсунган боғлиқмас пункти билан бирга гурухланади.

Ихтиро формуласи боғлиқмас пункти етарли бўлган муҳим белгилар ийфиндисини қамрайди. Сўралаётган хуқуқий хажмининг хамма холларда намоён бўладиган техник натижани олишга етарли бўлиши таъминланади.

Боғлиқмас пункт одатда муҳим белгиларини қамрайдиган прототип белгилари билан мос келадиган, ихтиronинг мақсадини билдирадиган, чекланган қисмдан тузилади ва фарқли қисми ихтирони прототипдан фарқлайдиган муҳим белгиларини қамрайди.

Чеклавчи қисми фарқланувчисидан шунинг билан фарқланадики («отличающийся тем, что...») деган сўз бирлашмаси билан бўлинади.

Формуланинг боғлиқмас пунктига ихтиронинг бажарилишини ёки фойдаланишни хусусий холда тавсифлайдиган қўйидаги белгилари кўшилади. Боғлиқ пункт ўзидан олдинги пунктлар билан боғлиқда чиқиши мумкин.

Ихтиро формуласини тузиш. Формула ихтиронинг хамма муҳим белгилари йиғиндиси билан мантиқий аниқловчиси кўринишида тушунтирилади. У битта гап (жумла) кўринишида ёзилади. Формулада белгилар шундай ифодаланадики, токи унда уларнинг бир хиллиги таминланиш имкони бўлсин.

Курилма формуласида статик холатда тавсифланади. Формулада элементнинг аниқ бир функцияни бажариш учун харакатчан қилиб кўрсатилиши мумкин.

Харакатни тавсифлаш учун фелни (глаголни) усул белгиси сифатида фойдаланилади учинчи шахс кўпчиликда уларни тасир холида ёзилади. Ихтиро обьекти маълум қурилма, усул, моддаларни янги моҳиятда кўлланилса қўйидаги структурадаги формуладан фойдаланилади; «кўлланилиши (маълумки қурилманинг, усулнинг ва шу кабиларнинг номи ёки тавсифи келтирилади) сифатида (кўрсатилган қурилма ва усулнинг янги мақсади келтирилади)».

Ихтиро формуласи талабгор ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ихтиро баённининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган холларда чизма ва бошқа материаллар келтирилади. Улар матн билан мослаштирилади. Улар график материали, фотосурат, жадвал, диаграмма кўринишларида бўлишлари мумкин. График материаларининг номи келтирилади, унинг паст бурчагида муаллифлар исми шарифлари келтирилади.

Реферат ихтиро баённинг қисқартирилгани. Зарур бўлса унга чизма ёки химик формула киритилади ва унда қўшимча материал хам келтириш мумкин. Реферат хажми 1000 босма белгигача бўлиши мумкин. Хар бир вароқ фақатгина бир томондан фойдаланилади, унда қатор кам томонига параллел жойлаштирилади. Талабноманинг хар бир хужжати алоҳида вароқдан бошланади.

Талабноманинг хужжатлари 210 x 297 мм ўлчамли бўлган оқ қоғоз форматида бажарилади, ихтиро хужжатлари келтирилган қоғоз четларида (гардишларида) фойдаланилмай қолган жойлар ўлчамлари чап, юқори ва куий томонларидан 20 мм дан, ўнг томонидан – 10 мм.

Талабноманинг иккинчи ва хар қайси навбатдаги вароги араб сони билан номерланади. Қора рангдаги шрифт билан икки оралиқдан (интервалдан) бош харфи энг ками 2,1 мм қилиб босилади.

График символлар, лотинча номлар, лотин ва грек харфлари, математик ва химик формулалар қора рангдаги сиёҳ, паста ёки тушъ билан ёзилган бўлиши мумкин. Формулалар машинкада печатланган ёки қўл билан ёзилган бўлиши мумкин лекин уларни аралаш холда бажарилишига рухсат этилмайди.

Ихтиронинг график материаллари чидамли силлиқ оқ қоғозга қора ўчирилмайдиган чизиқлар билан рангламасдан бажарилади. Хажми уни 2/3

гача кичрайтирилганида хам етарли аниқликни таъминлайдиган бўлиши керак. Сон ва харфларни қавсга айланага олинмайди ва уларнинг баландлиги 3,2 мм дан кам бўлмаслиги керак.

Чизма ёзувсиз бажарилади («сув», «пар», «очик», «епик», «АВ буйича кесма» кабилар бундан истисно). Тўғри бурчакли проекцияда чизилгани керакли (мақул), аксанаметрия хам берилиши мумкин. Чизмада ўлчамлар кўрсатилмайди. Чизманинг хар бир элементи ўзаро пропорционал бажарилади. Бир вақтда бир неча шакл жойлашиши мумкин. График қисми элементлари араб саноқ сони билан белгиланиши ва матн билан мос бўлиши керак.

Графиклар матнда ва формулада келтирилмайди.

Талабнома хужжатларида ахборот, манбалари библиографияси кўринарли қилиб келтирилиши лозим. Хужжатларни имзолайдиганларнинг исми шарифлари келтирилади. Вазифадор шахс имзоласа вазифаси кўрсатилиб муҳранади.

Талабнома муаллиф, унинг меросхўри ёки патент бошқармасида қайд қилинган патент ишонарли орқали патент бошқармасига берилади.

9. Илмий тадқиқот натижаларини расмийлаштириш

9.1. Илмий тадқиқот натижаси хақида маълумотлар турлар

Хар қандай илмий тадқиқот натижаси – умумий бойлик ва мулқидир. Улар хар хил йўллар билан бутун жамоа эътиборига етказилиши керак, албатта энг аввал шу соҳада ишловчи мутахассисларнинг .

Мутахассисларга информация беришнинг ўта хар хил шакллари мавжуд. Кўпсирли амалиёт қўйидаги асосий шаклларини ишлаб чиқсан.

-илмий тадқиқот ишлари хақида хисобот, у 19600-74 ГОСТ талабларига асосан тузилади ва депонировка қилиниши мумкин:

-ихтирога талабнома:

-ойномаларда, институтлар илмий тўпламларида ёки маҳсус илмий ишлар тўпламларида ва шу кабиларда мақолалар:

-хар хил илмий анжуманларда маърузалар

-хабарнома, одатда 5, 10 минут давомида қисқа хабарлар берилади.

-обзор иш бошлидан олдинги ва шу кунгача тадқиқот олиб борилаётган ёки унга турдош мавзулар бўйича бажарилган илмий тадқиқот натижаларини одилона танқидий йиғилмаси.

-реферат-илмий тадқиқот ишлар натижалари хақида келтирилган қисқа маълумот.

-автореферат-диссертациянинг қисқартирилган мазмуни.

-монография, китоб, брошюра кўринишидаги илмий ишлар тўплами бўлиб унда муайян бир илмий масала ёки муаммо ёритилиб унинг ечимлари ва ечилиш усуллари келтирилади.

-диссертация – мустақил ёки илмий раҳбар раҳбарлигига ёки маслаҳатчилигига бажариладиган илмий тадқиқот иши бўлиб унда у актуал илмий масала ёки муаммонинг янги ечимлари хал қилиниш усуллари келтирилади ва илмий унвон олиш учун уни илмий жамоа олдида химоя қилинади.

Илмий тадқиқот натижалари бўйича маълумотларнинг юқорида келтирилганлардан бошқа хам кўпгина шакллари хам мавжуд.

Илмий маълумотларнинг кенг кўламда оммалаштирилиш мақсадида турли доирада (илмий муассаса, республика, халқаро ва бошқа) симпозиумлардан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Бугунги кунда илмий тадқиқотлар натижалари, илмий янгиликлар ва бошқа турдаги маълумотларни кенг оммага жаҳон хамжамиятига етказишида интернет тизимидан фойдаланиш жорий қилинган.

9.2. Илмий реферат ва хисоботларнинг структураси, мазмунлари ва тили

Илмий тадқиқот ишининг хар қандай информацион материалы аниқ талабга жавоб бериши керак:

- композицияси (кўрилиши) аниқ бўлиши;
- тушунтирилиши мантиқий кетма-кетликни таъминлаши;

- муаллифнинг илгари суроётган фаразининг химоясини асословчи далиллар ишонарли бўлиши;
- янги холатларни ифодаланиши аниқ қисқа қайтаришларсиз бўлиши;
- ишининг умумий натижалари хамда ундаги янгиликлар аниқ ва бир-биридан ажратилган холда тушунарли даражада келтирилиши;
- хulosалар ўз тасдиғига эга, қисқа ва аниқ қайд қилинган, шу билан бирга умумий ва бугунги кунда маълум бўлган материаллар хамда хulosалардан холи бўлиши;
- илмий ва амалий характердаги ишланмалар таклифлар асосланган ва реал бўлиши керак.

Реферат мустақил илмий хужжат сифатида унинг титул (юза) вароги бўлади, қисқа кириши, (аналитик обзор) асосий қисми, хотима, фойдаланилган материаллар руйхати бўлади. Зарурат бўлса реферат, қўшимча маълумотлар илова қилиниши мумкин.

Рефератнинг кириш қисмida мавзунинг долзарблиги, юзага келган муаммо қисқача ёритилади, муаммони, вазифани ечиш борасидаги умумий ёндашув ёритилади.

Асосий қисмда (ёки аналитик обзорда) тадқиқот олиб борилаётган мавзу доирасида ва унга турдош соҳа бўйича бугунгача мавжуд илмий ечимлар тадқиқот натижалари қисқача тахлили келтирилади.

Тахлил қилинаётган материал маълум бир хронологик кетма-кетлик принципи асосида кўриб чиқилиши тадқиқот олиб борилаётган мавзу ва соҳа илмининг ривожланиши характеристерини тўла очилишини таъминлайди.

Дастлабки манбалар тахлили қуйидагича бажарилиши зарур:

- бирламчи манба муаллифи тамонидан илгари сурилган ишчи гипотезани ютуғи ва камчилиги очилади;
- муаллиф қабул қилган математик модели, шартли қабул қилганлари (допущения)си ва чекланишлари, назарий натижалари баҳоланади;
- тажриба ўтказиш усулуви ўтказилиш шароити, режалатирилиши, тажриба ускуналари ва уларнинг замонавийлиги, тажрибанинг аниқлиги баҳоланади;
- манба муаллифи тамонидан қабул қилинган хотима ва таклифлари тахлил қилинади.

Маълумотлар ўрганиб чиқилгандан кейин тадқиқот мавзусига ёки унга турдош илмий тадқиқотларга оид илмий ишлари ўрганилиб чиқилган дастлабки холатни, услублари, олинган натижалари, хulosаларини солиширилади, тадқиқот қилинаётган масала холатига умумий баҳо берилади, ўз нуқтаи назари ифодаланади ва шу масалада ноаниқ бўлиб қолган, охиригача ишланмаган техник технологик услубий муаммолар хақида хulosавий хотима қилинади. Бугунгача олиб борилган (мавзу бўйича ёки унга яқин йўналишларда) тадқиқотларни муаллифлари қайси томонлари бўйича қўшимча тадқиқотлар олиб борилиши ва қайси йўналишда ўз тадқиқотларини олиб бориш кераклиги аниқ келтирилади.

Хотима (заключение) масалани тахлили ва кейинги тадқиги ифодасидан келиб чиқиб хulosанинг қисқа тушунтирилишини қамрайди.

Адабиётлар рўйхати рефератни тузишда фойдаланилган хамма манбаларни қамраши керак, у алфавит тартибида номерланган холда жойлашади. Реферат матнида хар қайси манбага ишора қилинади, у квадрат қавс ичида номер кўринишида бўлади.

Хамма ёрдамчи материал рефератнинг иловасига киритилади. Рефератда илова шарт эмас, усиз бўлгани маъқул.

Рефератнинг умумий хажми 15 варак қўлёзмадан ошмаслиги керак.

Илмий тадқиқот хақида хисобот ўзига қуидаги бўлим ва элементларни қамрайди: бет (титул) вароғи, бажарувчилар рўйхати, реферат, мундарижа, қисқартиришлар, символлар ва маҳсус атамалар рўйхати ва уларнинг аниқловчилари (зарурати бўлса), асосий адабиётлар қисқа рўйхати ва илова. Хисобот 19600-74 ГОСТга риоя қилинган холда тузилади.

Хисоботдаги рефератни мустақил шундай хужжатдан фарқи, унда тадқиқот ишининг асосий мазмунини, хақида қисқа маълумот (мақсадни тушунтиришга етарли) келтирилади.

Рефератда келтириладиган материаллар таркиби:

- машинкада ёзилган матн, схема, чизма, графиклар, фотосуратлар ва хисобот иловалари микдори кўрсатилади;
- кетма-кет қаторда вергул билан ажратиб ёзилган таянч иборалар (5-15 сўздан иборат) рўйхати;
- рефератнинг асосий матни (хажми бир бетдан ошмаслиги керак).

Масалан. Илмий хисобот 105 бет машинада босилган матндан 8 та схема, 5 та чизма, 15 та графикдан, 10 та расмдан ва 15 бет хажмда хисоботга иловалардан иборат.

Калит сўзлар – хисобот матнини очиб берувчи таянч иборалар жамлиги. Калит сўзлар жамлиги хисобот мазмуни хақида етарлича тушунча берадиган бўлиши керак.

Калит сўзлар хисоботларни маҳсус система бўйича кодлашда хам фойдаланилади.

Хисоботда қуидаги бўлимлар ўрин олган: кириш, аналитик обзор (масала холати); танланган тадқиқот йўналишини асослашга оид материаллар тадқиқот олиб бориш услуби; тадқиқот мазмуни ва натижалари; хотима (хulosса ва таклифлар).

Хисоботнинг кириш қисмида ишнинг мақсади қисқа баёни унинг янгилигига ва ўтказилиши зарурлигини асослаш бўйича материаллар келтирилади. Унда шунингдек муаммонинг хозирги холати тавсифи хам берилиши хам мумкин.

Аналитик обзорда иш йўналишини асослаш, бошқа йўналишлар билан таққосланганда унинг афзаллик ва мақсадга мувофиқлиги асосида очиб берилган бўлиши керак.

Тадқиқот услуби, мазмуни ва натижалари тадқиқот характеридан келиб чиқсан холда кетма-кет келтирилади. Услуб асосланган ва батафсил ёзилган бўлиши керак. Назарий бўлимида математик хulosаларни барча оралиқ амаллар билан келтириш шарт эмас. Зарур бўлган холларда уларни иловада келтирилади.

Экспримент натижалари келтирилганда унинг аниқлиги ва ишончлиги

хам келтирилиши керак.

Натижалар тахлили қисми назарий ва эксприментал тадқиқотлар натижалари таққосланади.

Хисоботда тажриба натижалари жадвал ёки график кўринишда келтирилган бўлса, улардаги миқдорий кўрсаткичларни такроран тушунтириш шарт эмас. Уларни ўзгариш қонуниятлари сабабларини очиб берилади.

Хотима ва таклифлар. Хисоботнинг бу бўлими чуқур ўйлаб пухта асосланган натижаларга кўра ёзилади. Хотима нафақат жами, балки бутун ишнинг кўзгуси. Хотима ички мантиқ ва кетма-кетликка эга бўлиши керак. Хотимада тадқиқот қандай бажарилганлиги эмас, балки қандай натижа ва нима янгилик бергани акс эттирилиши керак.

Хисоботга киритилган намойиш материаллари унинг маъноси билан аниқланади, уларнинг сони матнга аниқлик ва конкретлик бериш учун етарли бўлиши керак. Хамма намойиш материаллар (чизмалар, графикилар) унинг характеристига қарамасдан расм деб номланади.

Илмий тил. Илмий ишнинг тилига асосий талаб – у докладми, хисоботми ёки мақолами қатъий назар мантиқ қоидалари асосида тугалланган фикр бўлиши керак. Хақиқатдан хам, хар қандай илмий кўлёзма ёки босма матн муаллифнинг мантиқий фикрлашини ифодалайди. Шунинг учун илмий иш энг аввал етарлича тушунарли ва аник бўлиши керак.

Стилистик хатоларнинг сабабларидан бири – бу муаллифнинг асосланмаган илмийлаштиришга интилишидир. Муаллифга илмийдек туюладиган жумлаларни юқори талаффуз этиш учун нотабиий фразалар тузиш, амалда унинг хисобот ёзишни билмаслигини кўрсатади.

Илмий сўз стили – бу шахси кўрсатилмасдан олиб бориладиган монолог бўлиб у учинчи шахс томонидан келтирилади. Ўқувчи ёки эшитувчининг хамма эътибори муаллиф шахсига эмас унинг мазмунига ва логик тушунтирилишига қаратилган бўлиши керак.

Илмий нашрларда, хисоботларда, маколаларда, китобларда “менинг” фикримча эмас “бизнинг” фикримизча деган жумлалардан фойдаланиш, эълон қилинаётган (чоп этилаётган) илмий хулосаларда (натижалар) ижодий жамоани хам хиссаси борлигини эътироф этади.

Илмий нашарларда (хисобот, мақола ва бошқаларда) атамалардан тўғри фойдаланиш ўта муҳим. Атама деганда сўз ёки сўзлар бирлиги тушунилади ва улар илм-фанда қўлланиладиган аниқ тушунча ёки кўринишларни белгилайди. Масалан, хронометрож сўзи (атама) – ишлаб чиқариш жараёнини унинг қисмларини давомийлигини вақт бўйича ўлчаш йўли билан ўрганиш дегани. Бу битта сўз бутун бир жумлани алмаштиради.

Умуман атамаларни бутун хисобот ёки мақола давомида бир хиллигини бузмаслик лозим. Бир нарсани хар хил атамаслик керак. Масалан, бир жумлада электр мотор бошқасида эса электр двигател деб аташ нашрий ёки бошқа илмий материални тушунишни қийинлаштиради.

9.3. Илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботларни расмийлаштириш

Илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) туғрисидаги ҳисоботларни расмийлаштириш умумий талаблари, шакли ва қоидалари умумқабул қилинган мезонларда белгиланган.

ИТИ ҳисоботларига қўйидаги талаблар қўйилади:

- тузилишнинг аниқлиги;
- материалларни баён қилишнинг мантиқий кетма – кетлиги;
- далиллашнинг ишончлилиги;
- ифодалашнинг қисқа ва аниқлиги;
- иш натижалари баёнининг аниқлиги;
- холосаларнинг исботланиши ва тавсияларнинг асослилиги.

Ҳисоботларни расмийлаштириш умумий талаблари ва қоидалари "илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисобот" бўйича Давлат стандарти 7.32-91 да берилган.

ИТИ ҳақидаги ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- бош варак;
- бажарувчилар рўйхати;
- реферат;
- мундарижа (сарлавҳа);
- қисқартмалар, белгилар ва маҳсус терминлар рўйхати, зарур ҳолда уларга тушунтириш берилади;
- асосий қисм;
- адабиётлар рўйхати;
- илова.

Реферат ўтказилган ИТИ асосий мазмунини ифодалаш керак, унда ҳисоботнинг ҳажми, тасвирлар миқдори ва тавсифи, жадваллар миқдори, ҳисобот ёзилган тил, асосий сўзлар рўхати ва реферат матни ҳақидаги маълумот бўлиши лозим.

Реферат матни қўйидагиларни ўз ичига олади:

- бажарилган иш моҳиятни ва тадқиқот усулини ифодаловчи асосий қисм;
- реферат асосий қисми мазмунини очиб берувчи аниқ маълумотлар;
- олинган натижаларнинг ўзига хослиги, самарадорлиги, қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларга тааллуқли қисқача холосалар.

Рефератнинг энг мақбул ҳажми 1100-1200 босма белги.

Ҳисоботнинг асосий қисми қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- кириш;
- аналитик шарх (масаланинг қўйилиши);
- ишнинг танланган йўналишини асослаш;
- бажарилган иш методикаси, мазмуни ва натижаларини ифодаловчи ҳисобот бўлимлари;
- холоса (холоса ва таклифлар).

Кириш иш бағишлиланган илмий – техникавий муаммо (масала)нинг замонавий аҳволини, шунингдек ишни мақсадини қисқача тавсифлаш керак. Кириш қисмида тавсифланаётган ишдаги янгилик ва долзарблик

нимадан иборатлигини баён этиш ва уни ўтказиш зарурлигини асослаш зарур.

Аналитик шархда тадқиқотни методикаси ва ҳал этиш воситалари бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар, ИТИ олдида турган масалани янгича ҳал этиш йўллари баён қилиниши лозим. Ишнинг танланган йўлини асослаш бошқа мумкин бўлган йўналишларга таққослаш бўйича афзалликларига асосланади. ИТИ танланган йўналиши ва ишчи гипотеза ИТИ ўтказиш аниқ шартларини ҳисобга олган ҳолда аналитик шархда мавжуд бўлган тавсияларга асосланиши керак. ИТИ-нинг танланган йўлини асослаш ишнинг мақсадга мувофиқлиги (ёки зарурлиги)ни асослаш билан алмаштирмаслиги керак. ИТИ танланган йўналиши тегишли топшириқлар билан асосланмаслиги лозим.

Бажарилган иш методикаси, мазмуни ва натижаларни ифодаловчи ҳисботнинг қисмлари барча оралиқ ва якуний натижалар, шу жумладан салбийлари билан биргаликда тўла ва тадрижий тарзда баён этилиши керак.

Тадқиқот методикаси тадқиқот ўтказиш методологиясини танлашни асосланишини, бунда фойдаланилаётган ёхуд ишлаб чиқилаётган техникавий воситалар, математик ёхуд тадқиқот натижаларини ишлаб чиқишининг бошқа методини асосланган информацияning тегишли манбаига ҳавола қилинган ҳолда ўз ичига олиши керак.

Мазмун ва бажарилган иш натижалари қисмида қўйидагилар кўрсатилиши лозим: мақсад, муайян экспериментлар программасининг, улар моҳиятининг тавсифи; олинган маълумотлар аниқлиги ва ишончлиги баҳоланиши ҳамда назарий маълумотлар билан таққосланиши. Бундай таққослаш бўлмаганда у ҳол асосланиши керак. Олинган натижалар таъкидланиши ва уларни қўлланилиш имконияти тавсифланиши зарур.

Иловада асосий матнга қўшилганда кўп жойни эгаллайдиган қўшимча материаллар берилади. Қўйидагилар ана шундай материаллар ҳисобланади:

- оралиқ математик қистирмалар ва ҳисоб – китоблар;
- ёрдамчи рақамли маълумотлар жадвали;
- синов баёни ва хужжатлари;
- эксперимент ўтказишида қўлланилган аппаратлар ва приборлар тавсифи, ўлчашлар ва синашлар;
- жорий техникавий ечимлар йўриқномаси, методикаси, тавсифи, қўшимча тарздаги тасвирлар ва ш. к.

Матн қисми, тасвирлар, жадвал ва формулалар илмий тадқиқот иши ҳақидаги ҳисботни расмийлаштириш қоидаларига бўлган меъёрий талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Ҳисботда бериладиган тасвирлар миқдори мазмунига кўра белгиланади ва баён этилаётган материал равshan ва аниқ бўлиши учун етарли миқдорда берилиши лозим. Тасвирлар шундай тайёрланиши керакки, қисмлари ва ёзувлар сифатли репродукция ёки компьютерда акс эттириш имконини таъминлайдиган бўлиши лозим. Микрофильми тайёрланиши зарур бўлган ҳисботлар учун штрихли тасвирлар ва фотосуратларни асл нусхаси қўшимча қилиниши керак. Нусха ва рангли расмлар қўшилмайди.

Барча тасвиirlар (фотография, тархлар, чизмалар ва б.) расмлар деб аталади. Расмлар ҳар бир қисм ичиде араб рақамлари билан тадрижий равишда рақамланади. Расм рақами боб тартиб рақами ва расм тартиб рақамидан иборат, бир-бири билан нуқта ёрдамида ажратилган бўлиши керак. Масалан, «2.1 – расм» (иккинчи боб, биринчи расм).

Ҳисобот матнида расмга ҳавола қилинганда унинг аниқ тартиб рақамини кўrsatiш керак, масалан «2.1 – расм», «2.2 – расм». Айни бир расмга такрор ҳаволага йўл қўйилади. Бунда ҳавола қисқартма сўз «қрнг» билан берилади, масалан, «қаранг. 2.1 – расм», «қаранг.7.2 – расм».

Расмлар уларга матнда ҳавола қилингандан сўнг ҳисобот текстида кетма-кет жойлаштирилади. Расмларни шундай жойлаштириш керакки уларни ҳисоботни варакламай кўриш мумкин бўлсин. Агар расмларни бундай жойлаштириш имкони бўлмаса, уларни шундай жойлаштириш лозимки, токи ҳисоботни соат стрелкаси бўйлаб айлантириш мумкин бўлсин. Ҳисоботда A₄ формати ҳажмидан катта бўлган расмларни бериш тавсия этилмайди.

Ҳар бир расм батафсил тавсифий ёзувга эга бўлиши лозим. Остёзув расм тартиб рақами билан бир қаторга қўшиб жойлаштирилади. Расмдаги ёзувлар ҳисоботдаги барча расмлар ҳажми бўйича бир хил шрифтда бажарилади. Ҳисоботлардаги илмий тадқиқотнинг рақамли материаллари жадвал тарзида жойлаштирилади. Ҳар бир жадвал тавсифий сарлавҳага эга бўлиши керак. Жадвал юқорисида «жадвал» ва унинг тартиб рақам жойлашади. Жадвал тартиб рақами худди расмдаги каби бўлади. Сарлавҳа «жадвал» сўзидан юқорида жойлашади. «Жадвал» сўзи ва сарлавҳа ёзма ҳарфларда ёзилади. Жадвал графалари сарлавҳаси катта ҳарфларда ёзилади, сарлавҳачалар эса кичик ҳарфларда.

Ҳисобот матнида зарур ҳолларда формуулалар жойлаштирилади. Формулалардан сўнг символлар, коэффициентлар ва бошқа экспликацияларга тушунтириш берилади. Эксгашкацияларда символлар ва рақамли коэффи-циентлар қиймати формула тагидан улар формулада қандай тартибда берилган бўлса худди шундай тартибда келтирилади. Ҳар бир символ ва рақамли коэффициентни қиймати янги қатордан берилгани маъқул. Экспликациянинг биринчи сатри «бунда» сўзи билан бошланади. Бу сўздан кейин икки нуқта қўйилмайди.

Формула охирида ёки нуқта, ёки вергул қўйилади. Экспликация келтирилаётган ҳолдагина вергул қўйилади.

Формулалар боб ичиде араб рақамлари билан тартибланади. Формуланинг тартиб рақами боб тартиб рақами ва формуланинг тартиб рақамидан иборат бўлиши керак. Ҳар иккала тартиб рақами нуқта билан ажратилади ва қавс ичиде берилади. Масалан, «(1.02)» (биринчи боб иккинчи формула). Формула тартиб рақами саҳифанинг ўнг томонида формуланинг қўйидаги қатори билан бир хил сатрда берилади. Матнда формулага ҳавола қилинганда унинг аниқ тартиб рақами қавс ичиде берилиши зарур, масалан: «(1.02) формулада».

Ҳисоботга адабиётлар рўйхати илова қилинади. Рўйхатга барча фойдаланиладиган манбалар киритилади.

Монографиялар, мақолалар, стандартлар, кашфиётлар, маъруза тезислари, газетадаги мақолалар, ИТИ ҳисботлари, депонентланган материаллар, каталоглар ва бошқа материаллар ҳақидаги маълумот ОАКнинг 1985 йил 5 – сонида эълон қилинган талабларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Резюме. ИТИ тўғрисидаги ҳисботларни расмийлаштириш умумқабул қилинган мезонларга мувофиқ амалга оширилади. Ҳисботлар ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: бош варақ, бажарувчиларнинг улар бажарган ишлар қисқача мазмуни берилган рўйхат, реферат, сарлавҳа, қисқартмалар рўйхати, символлар ва маҳсус терминлар, асосий қисм, адабиётлар рўйхати ва илова. Методикани ифодаловчи, бажарилган ишнинг мазмуни ва натижалари ҳақидаги ҳисботнинг қисмлари тўлиқ ва тадрижий тарзда барча оралиқ ва якуний натижалар, шу жумладан салбийлари билан бирга баён этилиши керак.

9.4 Илмий материалларни нашрга тайёрлаш

Илмий материалларни нашр қилиш — илмий ходим, илмий муассаса ёки корхона жамоаси бажарадиган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижаларига муаллифлик ҳуқуқини ошкора ҳимоя қилиш шаклларидан бири.

Илмий материалларни нашр қилиш ёки ошкора ёки ёпик тарзда амалга оширилиши мумкин. Очик матбуотда муайян талабларга зид бўлмаган ишлар эълон қилинади.

Илмий материаллар қўйидаги кўринишда эълон қилиниши мумкин:

- монография;
- даврий журналлардаги мақола;
- ОЎЮ, ИТИ асарлари тўпламидаги, халқаро, соҳа ва бошқа хил конференциялар тўпламидаги мақола;
- расмий кенгаш ва конференцияларнинг докладлари тезиси;
- реформатив журналлардаги мақола;
- давлат қайдномасига эга ИТИ бўйича ҳисботлар;
- кашфиёт ва очилган янгиликка потентлар;
- республика илмий – техникавий кутубхоналарда депонентланган ишлар;
- газетадаги мақолалар.

Илмий материалларни нашрга тайёрлаш ўз ичига қўйидаги босқичларни олади:

- илмий материални нашр қилувчи ношир қўйган талабларни ўрганиш;
- танланган илмий иш бўлими мазмунини ёзма баён қилиш;
- соф патентликка кўра мақола мазмунини текшириш;
- очик матбуотда эълон қилиш учун мақолани экспертизадан ўтказиш, кашф этиш, янгилик яратиш унсурларини йўқлиги;
- мақолани ички ва ташқи такризга бериш;
- мақолани ноширга топшириш.

Илмий материалларни расмийлаштириш талаби материал турига боғлиқ ва у қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қоғоз ва унинг ҳажмига бўлган талаб;
- чап, ўнг томондан, юқори қуидан қолдириладиган очик жой ҳажми;
- саҳифаларга тартиб рақамларини қўйиш;
- расмийлаштириш муҳаррири;
- жадвал ва расмларни берилишига талаблар;
- босиши шрифти ва интервали;
- баён этилиш тили;
- бошқа тилдаги аннотацияларга бўлган талаб.

Нашр этилаётган илмий материал кириш қисмидан амалда баён этилаётган илмий материал мазмуни ва баён қилинаётган мавзу бўйича хulosадан иборат бўлиши керак. Агар муаллиф маълум илмий ишларга ҳавола қилса ёки улардан фойдаланса улар адабиётлар рўйхатида кўрсатилиши керак.

Муаллиф патент софлигига илмий мақола мустақил текширувани амалга ошириши, буни мақолани нашрга тайёрлаш жараёнида бажариш керак. Патент софлигига кўра текширув ўз ичига прототиплар ва аналогларни топиш, фарқли томонларни белгилашни олади.

Ҳар бир нашрга экспертиза далолатномаси тузилади. Буни мазкур иш бажарилган ташкилот тузади, очиқ матбуотда эълон қилиш имкони ва мазмуни тегишли хулоса беради.

Эълон қилишга тақдим этилаётган илмий материалга айрим ҳолларда тақриз талаб қилинади. Тақриз ички ёки ташки бўлиши мумкин. Ички тақриз иш бажарилган ташкилот мутахассис томонидан берилади. Ташки тақриз эса бошқа ташкилот мутахассис томонидан ёзилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш босқичида бўлган илмий тадқиқот ишларининг материаллари, агар тугалланмаган ва муайян аниқ хulosалар ёки якунга етмаган бўлса эълон этиш учун тавсия қилинмайди.

Шундай қилиб, илмий материалларни нашр қилиш — илмий ходим, илмий муассаса ёхуд корхона жамоаси бажарган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижасига муаллифлик хуқуқини ошкора ҳимоя қилиш шаклларидан бири. Муаллиф (ёки муаллифлар) илмий тадқиқотларни уларни эълон қилишга тайёрлаш босқичида патент софлигига мустақил текширишни амалга оширишлари шарт.

10. Илмий тадқиқотларнинг жорий этилиши ва самараси

10.1. Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш, улар самарадорлик мезонлари

Жорий этиш - техникавий-иктисодий самарани бевосита ёки билвосита таъминловчи илмий маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки истеъмол соҳасига бериш.

Илмий маҳсулот буюртмачи ёки истеъмолчига ҳисоботлар, йўриқномалар, методика, муваққат кўрсатмалар, техникавий шартлар, техникавий лойиҳа ва ҳ.к.лар тарзида берилади. Иктисодиётнинг кўпгина соҳаларида ундан мавжуд маҳсулотни рақобатбардошлигини таъминлаш учун такомиллаштириш ёки янгисини яратишда фойдаланилади. Бундай ҳолда жорий этиш жараёни икки босқичда жорий этилади: биринчи босқич - тажрибавий-ишлаб чиқаришга жорий этиш, иккинчиси - серияли.

Биринчи босқичда конструкциялар, машиналар, материаллар ва ҳ.к.ларнинг тайёрланган тажриба намуналари режалаштирилган турлича ишлаб чиқариш шароитларида, шунингдек, тасодифий табиий омиллар таъсирида қунт билан ўрганилади. Эксплуатация кўрсаткичлари ва харажатлар, ишончлилик ва узок муддатлилик, тайёрлаш ва эксплуатация қилишнинг технологияйлиги, экологик ва антропотехник кўрсаткичлар ва ҳ.к.ларга алоҳида эътибор қаратилади.

Тажриба – ишлаб чиқариш натижалари бўйича турли ҳужжатлар билан тушунтириш хати тайёрланади. Буларда тажриба – намуналарга конструкцияйи, технологик, эксплуатацияйи, иктисодий, экологик, эргономик, тиббий – гигиеник, ёнғинга қарши ва бошқа хусусиятлари бўйича баҳо берилади. Ҳужжатлар буюртмачининг ва ИТИни бажарган илмий-тадқиқот ташкилотининг вакиллари томонидан имзоланади.

Жорий этишнинг биринчи босқичи катта молиявий харажатларни талаб этади. Чунки тажриба намунасини тайёрлаш кўп меҳнат талаб қиласи ва кўпинча тўғрилаш қайта ўзгартиришлар қилишга мажбур бўлинади.

Янги маҳсулот намунаси тажриба – ишлаб – чиқариш синовидан сўнг иккинчи босқичда серияни ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бунда жорий этиш ҳажми буюртмачи томонидан харидор бозори талабидан келиб чиқилган ҳолда белгиланади.

Илмий маҳсулотни жорий этишни тезлаштириш учун илмий – тадқиқот ташкилоти лойиҳалаш ташкилоти билан бирлашади. Бундай вазиятда барча ишларга битта марказ раҳбарлик қиласи. Натижада жорий этиш муддати қисқаради, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги ошади. Ривожланган мамлакатларда мазкур муаммо технопарклар ёрдамида ҳал этилади. Технопарк бир ёки бир неча ИТИ билан яқин алоқага эга, илмий ва инфомация мухитини ривожлантириш билан шуғулланувчи, илмий маҳсулот янги технологиялар бозорига жадал кириб бориши учун илмий маҳсулот ишлаб чиқариш базасини ўзлаштиришга база яратувчи ташкилот (юридик шахс)дир. 90 – йилларнинг бошларида жаҳонда 340 га яқин технопарк тузилган эди.

Фан ижтимоий ишлаб чиқариш турларидан биридир.

Илмий тадқиқотлар самараси турлича бўлди:

- иқтисодий самарадорлик (миллий даромаднинг ошиши, иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатининг ошиши, илмий тадқиқотларга бўлган харажатнинг камайиши);

- ижтимоий - иқтисодий самарадорлик (оғир меҳнат шароитини бартараф этиш, атроф муҳитни тозалаш, тиббий - гигиена шароитини яхшилаш ва х. к.);

- мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш;

- мамлакат илмий салоҳиятининг обрўси.

Илмий тадқиқотлар самарадорлигини баҳолаш учун улар натижаси қай даражадалигини тасвирловчи турли мезонлар қўлланади.

Фундаментал назарий тадқиқотларни самарадорликнинг миқдорий кўрсаткичлари билан баҳолаш қийин. Улар, одатда, ишламалар бошлангандан сўнг анча кейин самара бера бошлайди. Бундан ташқари, улар натижасидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида фойдаланилади. Шунинг учун кутилаётган самарани баҳолаш қийин. Бундай татқиқотлар учун, қоидага кўра, сифат мезонлари белгиланади: ҳодисанинг янгилиги, мамлакат фанининг обрўси, иш халқаро миқёсда кенг тан олиниши, мамлакат мудофаа имкониётига қўшилган хисса: монографиялар ва улар олимларининг ишларидан турли мамлакатларда фойдаланилиши ва б.

Амалий илмий тадқиқотлар ва тажриба – конструкторлик ишланмалар турли миқдорий мезонлар[32] билан баҳоланади, шулардан асосийси - иқтисодий самарадорлик. Бу жорий этишга бўлган харажат, жорий этиш қўллами, муддати ва х.к. омилларга боғлиқ.

Илмий ходимнинг иш самарадорлиги ишланманинг янгилиги, эълон қилинган мақолалар сони, ишдан кўчирмалар олиш ва х.к. билан баҳоланади.

Янгилик мезони – бу, авторлик гувоҳномаси ва патентлар миқдори, кўчирма(иштибоҳ)лар олиш — илмий ходим ишларига ҳаволалар сони. Иқтисодий баҳолаш эса камдан – кам қўлланади.

Илмий – тадқиқот гуруҳи (ёки ташкилот) меҳнат самарадорлига қўйидаги мезонлар бўйича баҳоланади: меҳнат самарадорлиги, жорий этилган мавзулар миқдори, илмий маҳсулотни тадбиқ этишдан келган иқтисодий самара, олинган авторлик гувоҳномаси ва патентлар сони, сотилган лицензиялар сони ва б.

10.2. Илмий тадқиқотлар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Илмий тадқиқотлар самарадорлиги - илмий ижод билан шуғулланиш ва кишилик жамияти фаровонлигини оширишга йўналтирилган илмий - техникавий маҳсулот (ИТМ) яратиш стратегияси ва тактикасининг асоси.

Илмий тадқиқотлар иқтисодий самарасини ҳисоблаш уларни амалга ошириш босқичларига мувофиқ амалга оширилади. Шу муносабат билан мўлжал, кутилаётган ва ҳақиқий иқтисодий самарадорлик бир - биридан фарқланади. Мўлжал иқтисодий самара илмий тадқиқот ишини асослашда ва уни иш режасига киритишда белгиланади. Мазкур ҳолда ҳисоб-китоблар

тахминан, башоратланаётган жорий этиш қўламини ҳисобга олган ҳолда иириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича олиб борилади.

Кутилаётган иқтисодий самарадорлик илмий тадқиқотлар бажарилиш жараёнида ҳисоб – китоб қилинади. У илмий маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий этиладиган муайян йилга башорат қилинади. Кутилаётган самарадорлик мўлжалдагидан кўра анча аниқ мезон ҳисобланади.

Ҳақиқий иқтисодиёт самарадорлик илмий маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий этилгандан сўнг белгиланади, ҳисоб – китоб илмий тадқиқотлар ва жорий этиш учун амалда кетган харажатлар бўйича олиб борилади. Бунда ҳақиқий самара кўпинча кутилаётгандан кам бўлади. У иқтисодий самарадорликнинг энг ишончли мезони ҳисобланади.

Кутилаётган ёки ҳақиқий иқтисодий самарадорлик қўйидаги тенглама бўйича анақланади

$$C = X_{kx2} - X_{kx1} \quad (10.1)$$

бунда: X_{kx1} ва X_{kx2} - олдинги (таянч вариант)га ва янги вариант (илмий тадқиқотлар натижалари асоси)га мувофиқ қилинган харажатлар қўйидагича ҳисобланади:

$$X_{kx} = T + E_M K \quad (10.2)$$

бунда: T -маҳсулот бирлиги таннархи, сўм: k - ИГМ яратишга қўйилган капитал маблағ, сўм: E_M - иқтисодий самарадорлик меъёрий коэффиценти ($E_H = 0,15$).

Илмий-тадқиқот иқтисодий самарадорлигини ҳисолаш методикаси ишларда[32] келтирилган.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришга якунланган илмий тадқиқотларни жорий эшиш ИТИ нинг якуний босқичи ҳисобланади. Жорий этиш жараёнини жадаллаштириш учун илмий – тадқиқот ташкилотлари лойиҳаловчилар билан бирлашиб технопарклар, технополислар ташкил этади. Илмии тадқиқотларнинг натижаларини жорий этиш баҳолашнинг асосий мезони бўлиб, ҳақиқатдаги иқтисодий самарадорлик ҳисобланади.

11. Амалий машғулотлар бўйича мисол ва масалалар

Эҳтимоллик назариясига оид масалалар

Мисол - 1. $T=1000$ соат оралиғидаги хар қандай дақиқада электр моторнинг ишдан чиқиш эҳтимоллиги (воқейлик A) бир хил имкониятга эга.

Ушбу вақт оралиғида A воқейликни содир бўлиш эҳтимоллиги $p=0,1$ га тенг. Ундан ташқари $T=600$ соат вақт давомида электр моторнинг бузилиши содир бўлмаган. Қолган 400 соат давомида A воқейликни яъни электр моторни ишдан чиқиш эҳтимоллигини аниқланг.

Ечиш: Т вақт оралиғида A воқейлик содир бўлиш эҳтимоллиги ушбу воқейликни, t вақт давомида юзага келиш эҳтимоллиги $\frac{t}{T} \cdot p$ билан, t вақт давомида ушбу воқейлик юзага келмаслик эҳтимоллигини $(1 - \frac{t}{T} \cdot p)$ аввал юзага келмаган бўлса қолган вақт мобайнида A воқейликни юзага келиши нисбий эҳтимоллигига (P) кўпайтмасини йифиндисига тенг бўлади.

$$p = \frac{t}{T} p + (1 - \frac{t}{T} p)P. \text{ бундан } P = \frac{p(1 - \frac{t}{T})}{1 - \frac{t}{T} p} = 0,1 \frac{0,1 - 0,6}{1 - 0,6 \cdot 0,1} = 0,043;$$

Мисол - 2. Электр занжири элементларидан 3 тасини ишдан чиқиши эҳтимоллилиги 0,1; 0,2; 0,3. Ушбу элементларни кетма – кет ва параллел уланганда электр занжирда узилишни содир бўлиш эҳтимоллигини аниқланг;

Ечиш. Элементларни ишдан чиқиш эҳтимоллигини бир – бирига боғлиқ бўлмаган воқейлик ва уларни $A_1=0,1$, $A_2=0,2$, $A_3=0,3$ деб занжирни узилиши юзага келишини В воқейлик деб қабул қиласиз.

Элементлар параллел уланганда занжирни узилиши воқейлиги $P_1(B)$ учала воқейлик (элементларни ишдан чиқиши) содир бўлганда юзага келади.

$$P_1(B)=P(\bar{A}_1 \bar{A}_2 \bar{A}_3)=P(\bar{A}_1)P(\bar{A}_2)P(\bar{A}_3)=0,1 \cdot 0,2 \cdot 0,3=0,006.$$

Элементлар кетма – кет уланганда электр занжирни узилиш воқейлиги $P_2(B)$ элементларни учтасидан биронтасини узилиши воқейлиги содир бўлса юзага келади.

В воқейликни юзага келмаслик эҳтимоллилиги яъни, занжир узилмаслик эҳтимоллиги $P_2(B)$ эса учта кетма – кет уланган элементларни ишдан чиқиши содир бўлмаганда, яъни $\bar{A}_1, \bar{A}_2, \bar{A}_3$ юзага келади.

$$P_2(B)=P(\bar{A}_1 \bar{A}_2 \bar{A}_3)=P(\bar{A}_1)P(\bar{A}_2)P(\bar{A}_3)=(1-0,1)(1-0,2)(1-0,3)=0,504$$

Учта элемент кетма - кет уланган занжирда узилиш юзага келиш эҳтимоллиги $P_2(B)$ ни унга қарама – қарши воқейлик эҳтимоллиги $P_2(B)$ орқали қўйидагича топилади:

$$P_2(B)=1-P_1(B)=1-0,504=0,496$$

Мисол - 3. Электр моторларни таъмирлаш корхонасининг йиғув бўлимида турган биринчи цехда таъмирланган 14 та, иккинчи цехда таъмирланган 6 та двигател статорларидан 2 таси синовдан ўтказиш учун

олиб кетилди. Уларнинг биронтасини биринчи цехда тайёрланганлиги эхтимоллигини аниқланг.

Ечиш: статорларни биринчи цехда тайёрланганлигини A_i воқейлик деб белгилаймиз ($i=1,2$). A_1 ва A_2 воқейликлар биргаликда содир бўлишини ҳисобга олиб қуидаги формула билан ифодалаймиз: $P(A_1+A_2)=P(A_1)+P(A_2)-P(A_1A_2)$. A_1+A_2 воқейликлар бир бирига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда $P(A_1+A_2)=P(A_1)+P(A_2)-P(A_1)P(A_2|A_1)$ ни топамиз.

A_1 воқейлик содир бўлса яъни, биринчи статор биринчи цехда таъмирланган бўлса унда йиғув цехида қолган 19 та таъмирдан чиқкан статордан 13 таси биринчи цехда таъмирланган. Демак $P(A_2|A_1)=13/19$

$P(A_1)$ билан $P(A_2)$ ўзаро тенглигини ҳисобга олган ҳолда яъни $P(A_1)=P(A_2)=14/20$ бўлганлиги учун $P(A_1+A_2)=14/20+14/20-14/20\cdot13/19=35/38$ натижани оламиз;

Мисол - 4. Электр двигател статорида носозлик изоляцияни бузилиши ёки кучланишни номиналдан ошиши натижасида содир бўлиши мукин.

t - вақт давомийлигига электр мотор ишдан чиқди:

$q_1=0,1$ - кучланишни номиналдан ошиш эхтимоллиги;

$q_2=0,2$ - изоляцияни бузилиш эхтимоллиги;

Электр моторни ишдан чиқишига бирдан бир сабаб статор изоляциясини бузилиши эканлигини эхтимоллигини аниқланг.

Кузатилаётган ҳолат учун қуидаги гипотезаларни шакллантириш мумкин:

H_1 – кучланишни ошиши ва изоляцияни бузилиши содир бўлмаган;

H_2 – изоляция бузилган, кучланиш номиналдан ошмаган;

H_3 – кучланиш номиналдан ошган, изоляция бузилмаган;

H_4 – кучланиш номиналдан ошган, изоляция бузилган;

Гипотезалар эхтимоллиги:

$$P(H_1)=(1-q_1)(1-q_2)=(1-0,1)(1-0,2)=0,9\cdot0,8=0,72;$$

$$P(H_2)=q_2(1-q_1)=0,2(1-0,1)=0,2\cdot0,9=0,18;$$

$$P(H_3)=q_1(1-q_2)=0,1(1-0,2)=0,1\cdot0,8=0,08;$$

$$P(H_4)=q_1q_2=0,1\cdot0,2=0,02;$$

А воқейликни ушбу гипотезаларга эхтимоллиги:

$$P(A|H_1)=P(A|H_2)=P(A|H_3)=P(A|H_4)=1;$$

Бейса формуласи бўйича $P(H_2/A)$ ни ҳисоблаймиз:

$$P(H_2 / A) = \frac{P(H_2)P(A / H_2)}{\sum_{i=1}^n P(H_i)P(A / H_i)} = \frac{0,18 \cdot 1}{0,72 \cdot 0 + 0,08 \cdot 1 + 0,18 \cdot 1 + 0,02 \cdot 1} = 0,643$$

Мисол - 5. Функцияни тақсимланиши бўйича тақсимланиш зичлигини топинг.

$$F(x) = \begin{cases} 0 & \text{при } x < 0, \\ 1 - e^{-ax} & \text{при } x \geq 0. \end{cases}$$

Ечиш: Тақсимланиш зичлигини қуидаги формула бўйича топамиз:

$$f(x) = \begin{cases} 0 & \text{при } x < 0, \\ (1 - e^{-ax})' = ae^{-ax} & \text{при } x \geq 0. \end{cases}$$

Мисол - 6. Функцияни тақсимланиш зичлиги бўйича тақсимланиш функциясини топинг.

$$f(x) = \begin{cases} 0 & \text{при } x < 0, \\ \frac{1}{2} \cos x & \text{при } -\frac{\pi}{2} \leq x < \frac{\pi}{2}. \end{cases}$$

Ечиш: Тақсимланиш функциясини қўйидаги формула орқали топамиз.

$$F(x) = \begin{cases} 0 & \text{при } x < -\frac{\pi}{2} \\ \int_{-\infty}^x f(t) dt = \int_{-\frac{\pi}{2}}^x \frac{1}{2} \cos t dt = \frac{1}{2} [\sin t]_{-\frac{\pi}{2}}^x & \text{при } -\frac{\pi}{2} \leq x < \frac{\pi}{2}, \\ 1 & \text{при } x \geq \frac{\pi}{2}. \end{cases}$$

Мисол - 7. Подстанцияни ҳаво разряди чақмоғининг тўғридаан тўғри зааралантиришидан химояланишни моделда аниқлашда импульсли кучланиш генераторидан учта разряд (суний разряд) бериш орқали омалга оширилган. Хар бир тажрибада ҳосил қилинган суний разрядни (суний чақмоқни) хар бир тажрибада подстанцияга тушиш эҳтимоллиги (А-воқейлик) 0,4 га тенг бўлгандан разрядни подстанцияга тушиш сони (X) тасоддифий катталик миқдор деб қараб уни сон характеристикасини аниқланг.

Ечиш: учта тажриба (учта разряд ҳосил қилинганда) разрядни подстанцияга тўғридаан тўғри тушиш эҳтимоллиги яъни А воқейликни содир бўлишини қўйидаги формула орқали топамиз:

$$P_{i3} = C_3^i p^i (1-p)^{3-i} = \frac{3!}{i!(3-i)!} \cdot 0,4^i \cdot 0,6^{3-i},$$

$$i = 0, 1, 2, 3,$$

11.1 – жадвалда келтирилган тақсимланиш қатори бўйича катталикларни сон кўрсаткичларини аниқлаймиз:

11.1-жадвал

x_i	0	1	2	3
p_i	0,216	0,432	0,288	0,064

$$M(X) = \sum_{i=0}^3 x_i p_i = 0 \cdot 0,216 + 1 \cdot 0,432 + 2 \cdot 0,288 + 3 \cdot 0,064 = 1,2;$$

$$\begin{aligned} D(X) &= \sum_{i=1}^3 [x_i - M(X)]^2 p_i = (-1,2)^2 \cdot 0,216 + (-1,2)^2 \cdot 0,432 + \\ &+ (-1,2)^2 \cdot 0,288 + (-1,2)^2 \cdot 0,064 = 0,72 \\ \sigma_X &= \sqrt{D(X)} = \sqrt{0,72} \approx 0,84. \end{aligned}$$

Тажриба натижаларига статистик ишлов бнеришга оид масалалар

1 - масала. 11.1 - жадвалда тармоқдаги юклама миқдори ҳақида маълумотлар берилган. Натижалар 10 кун давомида соат 16.00 да олинган.

Ўртача арифметик қиймат ва ўртача квадрат оғишини аниқланг.

Ечиш:

1. Ўртача арифметик қийматни аниқлаймиз:

$$m \approx \bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n} = \frac{1}{10} (2 + 13 + 8 + 6 + 13 + 14 + 13 + 11 + 13 + 8) = \frac{115}{10} = 11,5$$

11.1 - жадвал

T.р.	Кузатув натижалари x_i	$x_i - \bar{x}$	$(x_i - \bar{x})^2$	T.р.	Кузатув натижалари x_i	$x_i - \bar{x}$	$(x_i - \bar{x})^2$
1	12	0,9	0,81	6	14	2,9	8,41
2	13	1,9	3,67	7	13	1,9	3,67
3	8	-3,1	9,61	8	11	-0,1	0,01
4	6	-5,1	26,01	9	13	1,9	3,87
5	13	1,9	3,01	10	8	-3,1	9,61
				Σ	115	17,7	69,07

2. Дисперсиясини аниқлаймиз:

$$\delta_x^2 = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1} = \frac{69,07}{9} = 7,67$$

3. Ўртача квадратик оғиши:

$$\delta_x = \delta_x^* = \sqrt{\delta_x^*} = \sqrt{7,67} = 2,77$$

4. Саралаб олинган ўртача учун ўртача квадратик оғишини топамиз:

$$\delta_{\bar{x}}^* = \frac{\delta_x^*}{\sqrt{n}} = \frac{2,77}{\sqrt{10}} = 0,277$$

2 - масала. 11.2-жадвалда келтирилган 25 кун давомида соат 16 да тармоқдаги қувватни ўлчаш натижалари бўйича ўртача қиймат (\bar{x}), дисперсия (σ_x^2) бош танламани ўртача квадратик оғиши ($\sigma_{\bar{x}}^2$) учун танлама баҳолари аниқлансин.

Ечиш: 1) Ўртача қиймат (\bar{x}) ни ўртача арифметик қиймат (m) га teng деб қабул қилиб қуидагича топамиз.

$$m \approx \bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{n} = \frac{250}{25} = 10$$

2) Бош мажмуа дисперсиясини (σ_x^*) қуидагича топамиз.

$$\sigma_x^2 \approx \bar{D} = \frac{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}{n-1} = \frac{152}{24} = 6,33$$

Баъзи арифметик хисоблар натижалари $(x_i - \bar{x})$, $(x_i - \bar{x})^2$ 11.2-жадвалда келтирилган.

3) Баш танлама ўртача квадратик оғишини қуидаги топамиз:

$$\sigma_x \approx \sigma_x^* = \sqrt{6,33} = 2,52$$

4) Танлама ўртача учун ўртача квадратик оғишини қуидаги топамиз:

$$\sigma_{\bar{x}}^* = \frac{\sigma_x^*}{\sqrt{n}} = \frac{2,52}{\sqrt{25}} = 0,5$$

11.2-жадвал.

№ т/р	Кузатув натижалари x_i	$(x_i - \bar{x})$	$(x_i - \bar{x})^2$	№ т/р	Кузатув натижалари x_i	$(x_i - \bar{x})$	$(x_i - \bar{x})^2$
1	12	2	4	14	10	0	0
2	13	3	9	15	14	4	16
3	8	-2	4	16	9	-1	1
4	6	-4	16	17	8	-2	4
5	13	3	9	28	6	-4	16
6	14	4	16	19	11	1	1
7	13	3	9	20	12	2	4
8	11	1	1	21	9	-1	1
9	13	3	9	22	10	0	0
10	8	-2	4	23	8	-2	4
11	7	-3	9	24	8	-2	4
12	11	1	1	25	7	-3	9
13	9	-1	1	Σ	250		152

3 - масала. 11.3-жадвалда электр моторларни қувватига қараб (гурухларга бўлинган) таъмирлаш баҳолари келтирилган. Жадвалда келтирилган катталиклар асосида чизиқли регресси тенгламасини ($Y = kx + b$) корреляция коэффициентини (r_{man}^*) топинг ва частоталар гистограммасини кулинг, (y_i, n_i) хамда танлама ўртача баҳо (\bar{y}) ва танлама ўртача квадратик оғиш (σ_y^*) ларни топинг.

11.3-жадвал

“y” бўйича баҳолар интервали, сўмда	Ўртача баҳолар интервали, y_i	Электр мотор қуввати x_i , кВт							Таъмирланишлар сони n_j	Тамиъмирлаш нархи частоталар зичлиги ω_i
		Таъмирланишлар сони n_{ij}								
0-10	5	3	4	2	1				10	0,020
10-20	15	2	2	5	3	1			13	0,026
20-30	25	2	2	5	1	2	1		13	0,026
30-40	35		1	1	3	4	2		11	0,022
40-50	45			1	1	1			3	0,006
Таъмирлашлар сони n_i		5	8	10	10	6	7	4	50	

Ечиш. 1) 11.3-жадвалда келтирилган маълум қувватли (x_i) моторни таъмирланиш сони (n_{ij}) корреляция қатори жадвал диагонали бўйича жойлашганлиги, тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар X ва Y мусбат корреляция коэффициентли чизикли регрессия қаторига мослигини кўрсатади, яъни $Y = kx + b$ тенглама билан ифодалаш мумкин.

2) Ўртача танлама қийматларни (\bar{x} ва \bar{y}) хисоблаймиз.

Ўртача танлама қиймат (\bar{x} , \bar{y}) танлама тўплам белгисининг арифметик ўртача қийматига айтилади. Агар n хажмли танлама белгисининг барча $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ қийматлари турлича бўлса \bar{x} қуидагича топилади.

$$\bar{x} = \frac{x_1 + x_2 + x_3 + \dots + x_n}{n}$$

Агар n хажмли белгининг $x_1, x_2, x_3, \dots, x_n$ қийматлари мос равища $n_1, n_2, n_3, \dots, n_k$ частоталарга эга бўлса \bar{x} қуидагича хисобланади:

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n n_i x_i}{n}$$

Бизнинг мисол учун ушбу формуладан фойдаланамиз.

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^7 n_i x_i}{n} = \frac{5 \cdot 0,6 + 8 \cdot 1,1 + 10 \cdot 2,2 + 10 \cdot 4,0 + 6 \cdot 7,5 + 7 \cdot 13 + 4 \cdot 22}{50} = 5,96$$

$$\bar{y} = \frac{\sum_{i=1}^5 n_i y_i}{n} = \frac{10 \cdot 5 + 13 \cdot 15 + 13 \cdot 25 + 11 \cdot 35 + 3 \cdot 45}{50} = 21,8$$

Йифиндиларни топамиз: $\sum_{i=1}^7 n_i (x_i - \bar{x})^2$, $\sum_{i=1}^5 n_i (y_i - \bar{y})^2$, $\sum_{i=1}^7 \sum_{j=1}^5 n_{ij} (x_i - \bar{x})(y_j - \bar{y})$:

$$\begin{aligned} \sum_{i=1}^7 n_i (x_i - \bar{x})^2 &= \sum_{i=1}^7 n_i x_i^2 - 50 \bar{x}^2 = 5 \cdot 0,6^2 + 8 \cdot 1,1^2 + 10 \cdot 2,2^2 + 10 \cdot 4^2 + 6 \cdot 7,5^2 + \\ &+ 7 \cdot 13^2 + 4 \cdot 22^2 - 50 \cdot 5,96^2 = 1900; \end{aligned}$$

$$\sum_{i=1}^5 n_i (y_i - \bar{y})^2 = \sum_{i=1}^5 n_i y_i^2 - 50 \bar{y}^2 = 10 \cdot 5^2 + 13 \cdot 15^2 + 13 \cdot 25^2 + 11 \cdot 35^2 + 3 \cdot 45^2 - 50 \cdot 21,8^2 = 7090$$

$$\begin{aligned} \sum_{i=1}^7 \sum_{j=1}^5 n_{ij} (x_i - \bar{x})(y_j - \bar{y}) &= \sum_{i=1}^7 \sum_{j=1}^5 n_{ij} x_i y_j - 50 \bar{x} \bar{y} = 3 \cdot 0,6 \cdot 5 + 4 \cdot 1,1 \cdot 5 + 2 \cdot 2,2 \cdot 5 + 1 \cdot 4 \cdot 5 + \\ &+ 2 \cdot 0,6 \cdot 15 + 2 \cdot 1,1 \cdot 15 + 5 \cdot 2,2 \cdot 15 + \dots + 1 \cdot 22 \cdot 45 - 50 \cdot 5,96 \cdot 21,8 = 2415. \end{aligned}$$

Танлама тўплам корреляция коэффициентини (r_{man}^*) топамиз:

$$(r_{man}^* = \frac{\sum_{i=1}^7 \sum_{j=1}^5 n_{ij} (x_i - \bar{x})(y_j - \bar{y})}{\sqrt{\sum_{i=1}^7 n_i (x_i - \bar{x})^2 \sum_{j=1}^5 n_j (y_j - \bar{y})^2}} = \frac{2415}{\sqrt{1900 \cdot 7090}} \approx 0,66.$$

Танлама регрессия коэффициентни (k_{yx}) қуидагича топилади.

$$k_{yx} = \frac{\sum_{i=1}^7 \sum_{j=1}^5 n_{ij} (x_i - \bar{x})(y_j - \bar{y})}{\sum_{i=1}^7 n_i (x_i - \bar{x})^2} = \frac{2415}{1900} = 1,27;$$

Регрессия тенгламаси ўнг томонидаги ўзгармас ташкил этувчиси “ b ” ни топамиз:

$$b = \bar{y} - k_{yx} \bar{x} = 21,8 - 1,27 \cdot 5,96 = 14,23.$$

Регрессия тенгламага хисобланган k_{yx} ва b кэффициентларни қўйиб уни қуидагича ифодалаймиз:

$$Y = 1,27 \bar{x} - 14,23.$$

x_i қувватли хар бир электр моторни таъмирлаш ўртача баҳосини \bar{y}_{xi} қуидагича формулада хисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\bar{y}_{x_1} &= \frac{\sum x_i y_i}{n_i}; \\ \bar{y}_{x_6} &= \frac{3 \cdot 5 + 2 \cdot 15}{5} = 9; \\ \bar{y}_{x_1} &= \frac{4 \cdot 5 + 2 \cdot 15 + 2 \cdot 25}{8} = 12,5; \\ \bar{y}_{x_2} &= \frac{2 \cdot 5 + 5 \cdot 15 + 2 \cdot 25 + 1 \cdot 35}{10} = 17; \\ \bar{y}_4 &= \frac{1 \cdot 5 + 3 \cdot 15 + 5 \cdot 25 + 1 \cdot 35}{10} = 20,5; \\ \bar{y}_{x_5} &= \frac{1 \cdot 15 + 1 \cdot 25 + 3 \cdot 35 + 1 \cdot 45}{6} = 31,7; \\ \bar{y}_{x_3} &= \frac{2 \cdot 25 + 4 \cdot 35 + 1 \cdot 45}{7} = 33,6; \\ \bar{y}_{x_2} &= \frac{1 \cdot 25 + 2 \cdot 35 + 1 \cdot 45}{4} = 35.\end{aligned}$$

11.3-жадвалда келтирилган электр мотор қувватлари (x_i) учун хисобланган таъмирлаш ўртача баҳолари (\bar{y}_{xi}) функционал боғлиқлиги графигини олиш учун (x_i, \bar{y}_{xi}) нуқталарни координаталари бўйича графигини чизамиз 11.2-расм.

Частоталар гистограммасини қуриш учун (y_i, n_i) таъмирлаш баҳоси частотаси зичлигини (ω_j) топамиз

$$\omega_j = \frac{P_j^*}{h} = \frac{n_j}{\sum n_i h}$$

Барча нархлар интервали $h=10$ сүм га тенглигини хисобга олиб ω_j ни хисоблаймиз:

$$\text{Биринчи интервал учун: } \omega_1 = \frac{10}{50 \cdot 10} = 0,02;$$


$$\text{Иккинчи интервал учун: } \omega_2 = \frac{13}{50 \cdot 10} = 0,026;$$

$$\text{Учинчи интервал учун: } \omega_3 = \frac{13}{50 \cdot 10} = 0,026;$$


$$\text{Тўртинчи интервал учун: } \omega_4 = \frac{11}{50 \cdot 10} = 0,022;$$

$$\text{Бешинчи интервал учун: } \omega_5 = \frac{3}{50 \cdot 10} = 0,006.$$

Таъмирлаш нархлари интерваллари ва хисобланган ω_j бўйича частоталар гистограммасини қурамиз (11.3-расм).



11.2-расм. Чизиқли регрессия графиги ва электр мотор кувватларига x_i мос келувчи уларни таъмирлаш



11.3-расм. Частоталар гистограммаси

Бош танламанинг ўртача квадратик оғиши (σ_Y^*) ни қуйидаги формула билан хисоблаймиз:

$$\sigma_Y^* = \sqrt{\frac{\sum_{j=1}^5 n_j \left(y_j - \bar{y} \right)^2}{50-1}} = \sqrt{\frac{7090}{49}} \approx 12.$$

4 - масала. 11.4-жадвалда келтирилган 35/10 кВ пасайтирувчи подстанциянинг 10 кВ шинасида кучланиш қийматини 24 маротаба ўлчаш натижалари бўйича кучланишни (U) математик кутилиши (m) учун ўртача қийматни \bar{U} топинг ва ишончлилик эҳтимоли $\beta = 0,9$ га мос келувчи ишончлилик интервалини қуинг.

11.4-жадвал

i	U_i , кВ						
1	10,9	7	10,7	13	10,3	19	10,0
2	10,8	8	10,6	14	10,2	20	9,9
3	10,9	9	10,5	15	10,2	21	9,8
4	10,9	10	10,5	16	10,1	22	9,9
5	10,8	И	10,5	17	10,1	23	10,2
6	10,8	12	10,4	18	10,0	24	10,6

Ечиш: 11.4 – жадвал бўйича кучланишни ўртача қийматини \bar{U} топамиз:

$$\bar{U} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n U_i = \frac{1}{24} \sum_{i=1}^{24} U_i = 10,4 \text{кВ}.$$

Куйидаги формуладан фойдаланиб бош мажмуа дисперциясини силжимаган баҳоланишини ҳисоблаймиз. Силжимаган баҳоланиш \bar{D} статистик дисперциядан D^* фарқли ўлароқ танлама баҳо ξ_β ни математик кутилиши $M\xi_\beta$ уни изланилаётган қиймати ξ_0 га тенг бўлган ҳолда баҳолаш қуйидагига эга бўлади.

$$\bar{D} = \frac{\sum_{i=1}^n (U_i - \bar{U})^2}{n-1} = 0,122 \text{кВ}^2,$$

Кучланишни ўртача квадратик оғишини қуйидагича топамиз:

$$\sigma^* = \sqrt{\bar{D}} = \sqrt{0,122} = 0,349 \text{кВ}.$$

$2\Phi(t)=0,9$ бўлганда Лаплас функцияси жадвалдан (1-илова 2.2-жадвал) аргументни қиймати t_β ни қабул қиласиз ($t_\beta = 1,645$). Классик баҳолаш аниқлиги ε_β ни топамиз:

$$\varepsilon_\beta = t_\beta \frac{\sigma^*}{\sqrt{n}} = 1,645 \cdot \frac{0,349}{\sqrt{24}} = 0,117 \text{кВ}.$$

Ишончли интервал қуйидаги чегараларга эга:

$$\bar{U} \pm \varepsilon_\beta = 10,4 \pm 0,117 \text{кВ}.$$

Шуни таъкидлаш лозимки, бирон бир ξ_0 катталикни тасоддифий катталик сифатида ишончлилик интервалини аниқлашда ξ_0 ни координатаси эмас, ишончлилик интервали чегаралари орқали баҳолаш керак. Шундай қилиб ишончлилик чегараларини аниқлаб $\xi_0 \pm \varepsilon$ берилган β ишончлилик эхтимоллилигига эга берилган ξ_0 нуқтани ишончлилик интервалини ёпадими (қоплаб оладими) йўқми деган саволга жавоб оламиз.

Тажрибалар натижаси бўйича регрессия тенгламаларни тузишга oid мисоллар

1 - масала. Тажриба режаси жадвали (матрицаси) ва регрессия тенгламасини тузиш.

Уч факторли икки погонали тажриба матрицаси ва регрессия тенгламасини тузиш.

Тажриба режаси жадвалини (матрицаси) тузиш учун тажрибалар сонини (N) аниқтаймиз. Тажрибалар сони (N) ўрганилаётган жараёнга таъсир кўрсатувчи факторлар сони (m) ва погоналар сони (n) орқали қўйидаги формула билан топилади:

$$N = n^m$$

Тажриба матрицасини 11.4 – жадвалга киритамиз.

Регрессия тенгламасини қўйидаги қўринишида қабул қиласиз: $y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_{12}x_1x_2 + a_{23}x_2x_3 + a_{13}x_1x_3 + a_{123}x_1x_2x_3$

11.4 - жадвал

T.p.	X ₀	X ₁	X ₂	X ₃	X ₁ X ₂	X ₁ X ₃	X ₂ X ₃	X ₁ X ₂ X ₃	Қайта ўлчаш			Y _{ўрт}
									Y ₁	Y ₂	Y ₃	
1	+	-	-	-	+	+	+	-	Y ₁₁	Y ₁₂	Y ₁₃	Y _{ўрт}
2	+	+	-	-	-	-	+	+	Y ₂₁	Y ₂₂	Y ₂₃	Y _{ўрт}
3	+	-	+	-	-	+	-	+	Y ₃₁	Y ₃₂	Y ₃₃	Y _{ўрт}
4	+	+	+	-	+	-	-	-	Y ₄₁	Y ₄₂	Y ₄₃	Y _{ўрт}
5	+	-	-	+	+	+	-	+	Y ₅₁	Y ₅₂	Y ₅₃	Y _{ўрт}
6	+	+	-	+	-	-	-	-	Y ₆₁	Y ₆₂	Y ₆₃	Y _{ўрт}
7	+	-	+	+	-	+	+	-	Y ₇₁	Y ₇₂	Y ₇₃	Y _{ўрт}
8	+	+	+	+	+	-	+	+	Y ₈₁	Y ₈₂	Y ₈₃	Y _{ўрт}

2 - масала. Сув кўтариб берувчи насос қурилмасида ўтказилган эксперимент натижалари 11.5-жадвалда келтирилган. Бу ерда W_i – насоснинг сув кўтариб бериш уними, P_i - агрегат қуввати. P_i ни W_i бўйича чизиқли регрессия тенгламасини тузинг.

11.5 - жадвал

№	i	W _{i,М³/с}	P _{i, кВт}	W _i P _i 10 ⁻³ кВт м ³ /с	W _i ² 10 ⁻³ м ⁶ /с ²
1	1	140	18,5	2,59	19,6
2	2	150	18,5	2,78	22,5
3	3	160	20,5	3,28	25,8
4	4	170	22,0	3,74	21,9
5	5	180	21,5	3,84	32,4
6	6	190	23,5	4,46	36,1
7	7	200	26,0	5,2	40
8	8	1190	150,5	25,92	205,2
Ўрт. қий.		170	21,5	-	-


Ечиш: 11.5 – жадвалнинг пастки қаторларида $\sum_{i=1}^7 W_i$ ва $\sum_{i=1}^7 P_i$ ҳамда \bar{W} ва \bar{P} ларнинг ўртача қийматлари келтирилган.

$\sum_{i=1}^7 W_i \cdot P_i$ ва $\sum_{i=1}^7 W_i^2$ формулалар орқали 11.5 – жадвалнинг 3 ва 4 - устунларини тўлдирамиз.

Олинган натижалар бўйича чизиқли регрессия тенгламасини қабул қилиб, тенглама коэффициентларини аниқлаймиз.

$$k \frac{\sum_{i=1}^7 W_i \cdot P_i - \bar{P} \cdot \bar{W} \cdot n}{\sum_{i=1}^7 W_i^2 - \bar{W}^2 \cdot n} = 0,1196 \text{ кВтсоат}/\text{м}^3;$$

$$\sigma = \bar{P} - k\bar{W} = 21,5 - 0,1196 \cdot 170 = 1,17 \text{ кВт}; \quad P = 0,1196W + 1,17;$$



11.4-расм. Сув кўтариб берувчи насос унумдорлиги (W) ва электромотор қуввати (P) орасидаги боғлиқлик графиги. 1-эксперимент натижалари бўйича, 2-регрессия тенгламаси бўйича.

3 - масала. Мева сақлаш омборхонада олма маваси сақланади. Маҳсулот сақланиш даражаси асосий параметр бўлади - (y), уни бирламчи маҳсулотларга нисбатан фоизларда олинган миқдори кўринишда ифодалаймиз. Меъёрий хужжатларга кўра маҳсулотни сақлниши давомида (мева 4-6 ой сақланганда) рухсат этилган намликни йўқотиш даражаси 6 % гача, чиқиндига чиқиши (чириши) 10% гача рухсат этиилади. Бу миқдор йўқотишлар мева 4-6 ой сақланганда бўлади.

Маҳсулотнинг яхши сақланишига таъсир кўрсатувчи факторлар танлаймиз. Улар бошқарилувчи, бир - бирига боғлик бўлмаслиги керак:

X_1 – ҳавонинг ҳарорати. Ҳарорат ошса маҳсулот тез қуриб, чириш жараёни тезлашади, пасайса музлайди. Ҳарорат ўртача 0°C атрофида ушлаб турилиши керак. Ҳароратни 5°C дан - 1°C гача пасайтириб кузатиш мумкин.

X_2 - ҳавонинг нисбий намлиги. Намлик нормадан кичик бўлса, мевани намликни йўқотиши тезлашади, чирийди, юкори бўлса: (100%) маҳсулотда касалланиш кўпаяди. Оптималь қийматини (85 дан 95)%

гача оралиғида қидирамиз. Мева маҳсулоти сақланиш жараённан да нафас олиб туради, яни кислород (O_2) истеъмол қилиб, карбонат ангидрид (CO_2) чиқаради. Бу жараёнга хавони ионланиш даражаси ҳам таъсир қилади. Чунки O_2^- ва CO_2^+ манфий ва мусбат күтбга эга бўлган ионлар бўлиб, атмосфера потенциалига боғлик равишда модда алмашиниш жараёни кетади. Бирламчи маълумотларни хозиргача ўтказнлган тажриба ва амалий сақланиш даражаларига қараб оламиз.

11.6 - жадвал

Омиллар номи	Белгиланиши		Ўлчов бирлиги	Ўзгариш оралиғи	Ўртача қиймати	Қадами
	Абсолют	Шартли				
Харорат	t, с	X_3	°C	+5....-1	+2	2 °C
Нисбий намлиқ	W	X_2	%	85....95	90	5%
Ионлар миқдори	n	X_1	Ион/см ²	$10^5....10^7$	10^6	10

Жараённи оптималлаштириш учун сақланиш натижаларини оламиз. (11.6 - жадвал) ва қўйидаги моделни ўрганамиз.

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_{12}x_1x_2 + a_{23}x_2x_3 + a_{13}x_1x_3 + a_{123}x_1x_2x_3$$

Бу ерда Y билан маҳсулотни сақланиш даражаси олинди. Натижалар шу ерда институт хужалигига олинган. Ҳар бир натижа 5 марта қайта ўлчаб олинган ва 5% хатоликда аниқланган. Моделнинг коэффи-

циентларини $a_i = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^n N_{ij} \bar{Y}_n$ ифодадан фойдаланиб топамиз.

бу ерда: N – тажрибалар сони.

X_{ij} – факторлар кодли қиймати.

\bar{Y}_n – тажриба якунининг ўртача қиймати, маҳсулот сақланиши миқдори, %.

Маълумотларни ишлаб чиқиб қўйидаги якуний ифодага эга бўламиз:

$$Y = 79 + 2,44x_1 + 2,34x_2 - 6,4x_3 + 0,2x_1x_2 + 0,68x_2x_3 + 0,3x_1x_2x_3;$$

Бу модел сақланиш жараёнидаги омилларнинг алоҳида ва биргаликдаги таъсирларини кўрсатади.

Энг кучли таъсир ҳарорат бўлади. $a_3 = -6,4$ манфий, чунки ҳарорат ортганда маҳсулот сақланиш даражаси пасаяди. Ҳавонинг нисбий намлиғи ва ионлари миқдори деярли бир хил таъсир кўрсатган:

$$a_1 = 2,44; \quad a_2 = 2,34.$$

Бу моделни ўрганиб, ҳавонинг ҳароратини сақлаш қурилмаси ёки ионлаштириш қурилмаси ёки сақлаш усулини таклиф қилиниши ва муаллифлик гувохномасини олиш учун ҳужжатлар тайёрланиши мумкин.

Ихтиро учун маълумот тайёрлаш ва расмийлаштиришга оид мисоллар.

4 - масала. Қишлоқ хұжалик маҳсулотлари (узум, мевалар) ни қуритиш технологиясини ўрганиш ва жараёнини регрессия тенгламасини тузиш.

1. Мева маҳсулотларини узок муддатта сақлаш учун уни қуритиш мүмкін. Мевада унинг турига қараб 15 — 35% қуруқ моддалари бор. Сув эса мевада боғланган ва боғланмаган бўлади. Қуритиш жараёнида боғланмаган сув тез чиқиб кетсада боғланган сувнинг мевадан чиқиши қийин бўлади. Бунинг учун қушимча усувлар қўлланилади, қайноқ сувга ботириб олина-ди, касалланишини камайтириш учун олтингугурт тутунида дудланади. Электр майдонида юқори кучланишли импульс билан ишлов берилади, ёки уларнинг комбинацияси амалга оширилади.

2. Узум электрокалорифер ёрдамида қуритилади ва қуритишдан олдин юқори кучланиш импульсида ишлов берилади. Бу ерда оптималлаштириш кўрсаткичи маҳсулот сифати, миқдор жихатидан олинган намлиги бўлади. Унга таъсир этувчи омиллар бўлиши мүмкін.

X_1 - қуритиш агенти (хаво) ҳарорати, °C ;

X_2 - электр майдон қучланиши, кВ;

X_3 - қуритиш вақти, мин;

X_4 - хаво оқимининг тезлиги, V м/с;

X_5 - маҳсулотни қуритиш камерасидаги жойлашиш зичлиги, кг/м²;

Бу омилларининг ичидан энг муҳимларини ажратиб олишимиз керак. Энг муҳим омил ҳарорат – X_1 ҳавонинг ҳарорати маҳсулотни қуриш тезлигини таъминлаши керак, лекин уни куйдирмаслик ҳам керақ, демак: 80 °C — 90 °C атрофида бўлиши керак. Қуритилган маҳсулот сифатини яхшилаш учун қуритиш камераси бир неча зонали қилиб ишланади. Бу ерда чиқиб кетаётган ҳаво билан кираётган ҳаво аралаштирилиб қурилманииг Ф.И.К оширилади. Чунки қуритиш камерасидан чиқётган ҳаво 60 — 70 °C ҳароратга эга бўлади ва юза қисми қобиғида ёриқлар ҳосил қилиш ва боғланган сувдаги боғланышларини бузиш учун унга электр разряд билан ишлов берилади. Бунда кучланиш импульси 5 - 10 кВ атрофида бўлади. Кучланиш импульс генератордан олинади.

Қуритиш вакти мевани стандарт намликка етилиши билан назорат қилинади ва 4 - 5 соатни ташкил қиласи. Ҳаво оқимининг тезлиги мевани физиологик холати билан белгиланади, яни намлик оқимини тезлиги (ин-тевсивлиги) билан белгиланади. Ҳаво оқими тезлиги доимий бўлади. У электрокалорифер унумдорлиги билан белгиланади.

Малсулотни қуритиш камерасидаги сўриларга жойлаштириб қуритилади, у ердан сақлаш камерасига олинади. Маҳсулот зичлиги барча меваларга иссиқ, ҳаво билан контакт бўлишини таъминлаш керак. Одатда сўриларга бир қават қилиб мева жойлаштирилади.

Демак омиллар жадвали қуйидагича бўлади.

11.7 – жадвал

Омил номи	Белгиланиши		Ўлчов бирлиги	Ўзгариш оғирлиги	Ўртача қиймати	Қадами
	Хақ.	Шартли				
Ҳарорат	t °C	X_1	C	80 - 100	90	10
Кучланиш	V	X_2	кВ	5 – 10	7,5	2,5

Жараённи қуйидаги ифода билан модел күринишида тасвирлаймиз:

$$y = a_o + a_1x_1 + a_2x_2 + a_{1,2}x_1x_2;$$

Маълумотларга таяниб маҳсулот сифатини оптималлаштириш учун модел коэффициентларини аниқлаймиз. (КХЭЭК каф. ИТИ ҳисоботлари, 81-90й)

Коэффициентлар мусбат бўлса, омил тўғри пропорционал, манфий бўлса, тескари пропорционал бўлади. Коэффициентнинг абсолют қиймати эса унинг жараён ўзгаришига таъсир даражасини кўрсатади.

Статистик маълумотларга ишлов бериб, моделни аниқлаймиз:

$$y = 50 + 15x_1 + 6,5x_2 - 0,9x_1x_2;$$

бу ерда - y - мевадан олинган намлик миқдорини кўрсатади.

Демак, иккала омил ҳам пропорционал таъсирга эга бўлиб, ҳаво харорати муҳимроқ экан.

5 - масала. 10/0,38 кВ кучланишли подстанциядан энергия билан таъминланаёттган паррандачилик корхонада максимал қувватдан фойдаланиш соатлари сонини хар хил қийматларида йиллик энергия истеъмоли кўрсаткичи A_i максимал қуввати (S_i) 11.8-жадвални иккинчи ва учинчи устунларида келтирилган подстанцияни хисобий юкламаси ва паррандачилик корхонасида электр энергия истеъмоли кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқлансин.

Ечиш: 1) Иккита тасодифий қатталиклар (корхонанинг йиллик энергия истеъмоли (A_i) ва максимал қувват S_i) орасидаги боғлиқликлар корреляция коэффициенти билан ифодаланади.

11.8-жадвал.

№ т/р	S_i , кВ А	A_i кВ·А· $\cdot 10^3$	$S_i - \bar{S}$ кВ·А	$(S_i - \bar{S})^2 \cdot 10^{-2}$ (кВА) ²	$A_i - \bar{A}$ кВ·А·с· 10^3	$(A_i - \bar{A})^2 \cdot 10^{-2}$ (кВ·А·с) ² · 10^6	$\left(S_i - \bar{S} \right) \left(A_i - \bar{A} \right) \cdot 10^{-2}$ (кВА) ² ·с· 10^3	
							6	7
1	2	3	4	5	6	7		8
1	40	40	-180	324	-680	4624		1224
2	70	280	-150	225	-440	1936		660
3	100	250	-120	144	-470	2209		564
4	120	150	-100	100	-570	3249		570
5	150	450	-70	49	-270	729		189
6	220	600	0	0	-120	144		0
7	230	1070	10	1	350	1225		35
8	260	1000	40	16	280	784		112
9	320	800	100	100	80	64		80
10	340	700	120	144	-20	4		-24
11	370	1500	150	225	780	6084		1170
12	420	1800	200	400	1080	11664		2160
	2640	8640		1728		32716		6740
Ўртача қиймат	220	720						

2) Корреляцион коэффициентни топиш учун йил мобайнида истеъмол қилинган энергия миқдори (A_i) ва максимал қувватлар (S_i) қайд этилган иккинчи ва учинчи устунда келтирилган вариацион қатордан фойдаланиб жадвални 4-8 устунларини тўлғазамиз. Бунинг учун энергия истеъмоли ва максимал қувват катталиклари келтирилган вариацион қаторни ўртача қиймати \bar{A} ва \bar{S} ларни хисоблаймиз.

$$\bar{S} = \frac{\sum_{i=1}^{12} S_i}{n} = \frac{40 + 70 + 100 + 120 + 150 + 220 + 230 + 260 + 320 + 340 + 370 + 420}{12} = \frac{2640}{12} = 220 \text{ кВА}$$

$$\bar{A} = \frac{\sum_{i=1}^{12} A_i}{n} = \frac{40 + 280 + 250 + 150 + 600 + 1070 + 1000 + 800 + 700 + 1500 + 1800}{12} = 720 \text{ кВА.}$$

11.8 - жадвални 4, 5, 6, 7, 8 устунларини жадвални юқори қисмидаги формулалардан фойдаланиб тўлдирамиз.

$$S_1 - \bar{S} = 40 - 220 = -180 \text{ (4-устун биринчи қаторига);}$$

$$(S_1 - \bar{S})^2 \cdot 10^{-2} = (-180)^2 \cdot 10^{-2} = 324 \text{ (5-устун биринчи қаторига)}$$

$$A_1 - \bar{A} = 40 - 720 = -680 \text{ (6-устун биринчи қаторига);}$$

$$(A_1 - \bar{A})^2 \cdot 10^{-2} = (-680)^2 \cdot 10^{-2} = 4624 \text{ (7-устун биринчи қаторига);}$$

$$(S_1 - \bar{S})(A_1 - \bar{A}) \cdot 10^{-2} \cdot 10^3 = (-180)(-680) \cdot 10^{-2} \cdot 10^3 = 1224 \quad (8\text{-устун биринчи қаторига}).$$

Қолган 2, 3...12 қаторлар юқоридаги формулалар ёрдамида хисобланган қийматлар билан тўлдирилади.

3) Танланма тўплам корреляция коэффициентини топамиз:

$$r^* = \frac{\sum_{i=1}^{12} (S_i - \bar{S})(A_i - \bar{A})}{\sqrt{\sum_{i=1}^{12} (S_i - \bar{S})^2 \sum_{i=1}^{12} (A_i - \bar{A})^2}} = \frac{6740}{\sqrt{1728 \cdot 32716}} = 0,897.$$

Корреляция коэффициентининг ушбу қиймати электр энергия истеъмоли билан подстанциянинг хисобий қуввати орасида боғлиқлик борлигини кўрсатади.

4) Чизиқли регрессия тенгламанинг параметрларини топамиз:

$$k = \frac{\sum_{i=1}^{12} (S_i - \bar{S})(A_i - \bar{A})}{\sum_{i=1}^{12} (S_i - \bar{S})^2} = \frac{6740}{1728} = 3,9;$$

$$b = 720 - 3,9 \cdot 220 = -138.$$

5) Топилган параметрлар орқали чизиқли регрессия тенгламасини оламиз:

$$A = kS - b = 3,9S - 138.$$

Гипотезани текшириш бўйича мисоллар

1 - масала. Ўзгармас юкламали кетма-кет электр занжирнинг турли нуқталарида ток кучини (I) уч хил приборда қайд этилган: ўлчагич клешида I_1 , шитга ўрнатилган приборда (амперметрда) I_2 ва лаборатория приборида I_3 . Ўлчаш натижалари $I_1=2,5\text{A}$, $I_2=4\text{A}$, $I_3=3\text{A}$ ни қайд этди. Танламанинг муаллоқ ўртачасини топинг.

Ечиш: Учала ўлчов усулида ҳам математик кутилиш (МК) бир бирига мос келади ва уларни ҳақиқий қийматлари $M_I_1=2I_2=M_I_3=m$. Хар бир ўлчаш дисперцияси $DI_1=5$, $DI_2=2$, $DI_3=1$ деб ҳисоблаб қуйидаги формуладан фойдаланиб танламани муаллоқ ўртачасини ($I_{муал}$) топамиш:

$$\bar{x}_{муал} = \frac{\sum_{i=1}^n \frac{x_i}{\sigma_i^2}}{\sum_{i=1}^n \frac{1}{\sigma_i^2}} ; \quad \bar{I}_{муал} = \frac{\sum_{i=1}^3 \frac{I_i}{DI_i}}{\sum_{i=1}^3 \frac{1}{DI_i}} = \frac{\frac{2,5}{5} + \frac{4}{2} + \frac{3}{1}}{\frac{1}{5} + \frac{1}{2} + \frac{1}{1}} = 3,23$$

2 - масала. Иккита ўлчов приборларни ўлчаш аниқликларини топиш учун бирон бир катталик ўлчаб кўрилган. Ўнта ўлчов бўйича ($n_1=10$) биринчи прибор учун тузатилган танлама дисперсия (σ_1^2) ҳисобланган ($\sigma_1^2 = 1,11$), $n_2=15$ та ўлчов бўйича иккита прибор учун тузатилган дисперсия (σ_2^2) ҳисобланган ($\sigma_2^2 = 0,52$). Қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ га тенг бўлганда иккала приборнинг ўлчаш аниқлигини бир хил деб ёки иккинчи прибор кўпроқ аниқликни таъминлайди деб бўладими?.

Ечиш: Берилган қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ конкурентлик қилаётган гипотеза $H_1: D(X) > D(Y)$ бўлганда нольинчи гипотезани $H_0: D(X) > D(Y)$ такширамиз. Ушбу хол учун ўнг томонлама критик соҳасини қурамиз.

Қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ ва эркинлик даражалари ($k_1=10-1=9$; $k_2=15-1=14$) бўйича иккинчи илованинг 5 жадвалидан критик нуқтани F_{kp} топомиз ($0,05; 9; 14) = 2,65 = F_{kp}$;

Кузатиладиган қийматни топамиш: $F_{куз} = \frac{1}{\sigma_2^2} = \frac{1,11}{0,52} \approx 2,1$.

$F_{куз}=2,1 < F_{kp}=2,65$ шартга кўра нольинчи гипотезани рад этишга асос йўқ, демак иккинчи прибор каттароқ аниқлик беради дейишга ҳам асос йўқ.

3 - масала. Приборлар классини аниқлашда приборнинг кўрсатишини рухсат этилган сочилишини (σ_0) 1,02 деб олинади $\sigma_0 = 1,02$. Ўрганилаётган приборда бирон бир катталикни (ток кучи - I , кучланиш - U , электр қувват - P ва хакозолар) 11 маротаба ўлчаш ўтказилган ва тузатилган танлама дисперсия ($\sigma^2 = 2,54$) ҳисобланган. Юкоридагиларни ҳисобга олиб ушбу приборни стандарт талабига жавоб беради деб бўладими?.

Ечиш: Қийматдорлик даражаси α ни 0,01 деб қабул қилиб ($\alpha = 0,01$) конкурент гипотезага ($H_1: M(\sigma^2) > \sigma_0^2$) қарши нольинчи гипотезани $H_0: M(\sigma_0^2) > \sigma^2$ текшириб кўрамиз.

Ўнг томонлама критик соҳа қурамиз. Қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,01$ ва озодлик даражаси сони $k=n-1=10$ учун 2-илова 6-жадвалдан критик нуқтани

(x_{kyz}^2) қабул қиласиз - $x_{kyz}^2(0,01; 10) = 23,2$. Критерияни кузатилаётган қийматини кузатилаётган критик нүктани (x_{kyz}^2) хисоблаймиз:

$$x_{kyz}^2 = \frac{(\bar{x} - \bar{\sigma})^2}{\sigma_0^2} = \frac{10 \cdot 2,54}{1,02} = 24,9 > x_{kp}^2 = 23,2$$

Юқоридаги шартни бажарилиши нольинчи гипотезан рад этади яъни тузатилган ва гипотентик дисперциялар орасидаги фарқ анча катта ва бу фарқ тасоддифий ҳодиса ёки факторлардан деб ҳисоблаб бўлмайди. Бинобарин синалётган прибор стандарт талабига жавоб бермайди.

4 - масала. 502 кун давомида ўрмончилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасидаги ёғоч арралаш қурлманинг электр моторларининг ортиқча юкламани юзага келиши туфайли электр тармоқдан автоматик узиб қўйилиш сони 11.9-жадвалданинг 1,2-устунларида келтирилган.

11.9-жадвал.

	m_i	p_i	np_i	$m_i - np_i$	$(m_i - np_i)^2$	$\frac{(m_i - np_i)^2}{np_i}$
0	120	0,252	126	-6	36	0,29
1	148	0,319	159,5	-11,5	132,25	0,85
2	133	0,227	113,5	19,5	380,25	3,35
3	66	0,121	60,5	5,5	30,25	0,49
4	28	0,053	26,5	1,5	2,25	0,08
5	4	0,019	9,5	-5,5	30,25	3,18
6	1	0,006	3	-2	4	1,33
Σ	502					9,57

Жадвални 1-устунида m_i – i маротаба узилиш содир бўлган кунлар сони, 2 – устунда p_i - узилиш содир бўлиши назорат эҳтимоллиги. $p_i = p_i^* = \frac{m_i}{n}$; бу ерда n-танлама хажми ($\sum m_i = 5,02$).

Пирсоннинг муваффиклик критериясидан (x^2) фойдаланиб кузатувлар натижаларини Пуассон тақсимот қонунига мослиги тўғрисидаги гипотезани, қийматдорлик даражаси (α) 0,05 га teng деб қабул қилиб $\alpha = 0,05$ текширинг. **Ечиш:** кузатув натижалари асосида Пуассон қонуни тақсимланиш параметри λ ни баҳоси $\bar{\lambda}$ ни қуидаги формуладан ҳисоблаб топамиз:

$$\bar{\lambda} = \frac{\sum_{i=0}^6 im_i}{n} = \frac{750}{502} = 1,47; \quad \left(n = \sum_{i=0}^6 m_i = 502 \right);$$

Бир кунда истеъмолчини (электр моторни) электр тармоғидан i-маротаба узилиб қолиши содир бўлганда Пуассон тақсимланиш қонуни билан ифодаланишиниadolatli ҳисоблаб $p_i = P(\bar{\lambda})$ деб белгилаб назарий эҳтимолликни (p_i) топамиз. (2-илова 3-жадвал).

Ушбу эҳтимолликларни топиш учун $\lambda = 1$ ва $\lambda = 2$ орасида λ бўйича интерполяциялаймиз ва жадвални 3- ва 4- устунида келтирилган p_i ҳамда np_i ларни қийматларини оламиз.

11.9-жадвалда келтирилган материаллардан фойдаланиб критерияни кузатилган қийматни (x_{kyz}^2) топамиз:

$$x_{kyz}^2 = \sum_{i=0}^6 \frac{(n_i - np_i)^2}{np_i} = 9,57;$$

Озодлик даражаси сонини топамиз: $r=k-2$; бу ерда k -тандамада қаторлар сони 11.12-жадвалда $k=7$; демек $r=7-2=5$.

$p(x^2 > x_{kp}^2(\alpha, r)) = \alpha$ формула бўйича қийматдорлик даражаси $\alpha = 0,05$ га тўғри келувчи критик соҳсини қурамиз. 2-илованинг 6-жадвалидан критерияни критик қийматини - $x_{kp}^2(0,05;5) = 11,1$ қабул қиласиз.

$x_{kyz}^2 = 9,57 < x_{kp}^2 = 11,1$ тенгсизлик кузатувлар натижаси Пуассон тақсимланишига тўғри келиши тўғрисидаги гипотезани инкор қилувчи асос йўқлигини кўрсатади. (Пуассон қонуни тақсимланишидан четлашиш жуда кичкина).

Ахборот назариясига оид масалалар

1-масала. Иккита приборлардан ташкил топган ва иккаласини ишлаш эҳтимоллиги $P_1=0,7$ бўлганда системани энтропиясини аниқланг. Биринчи ва иккинчи приборни ишдан чиқиши бўйича тахмин гипотеза тенг эҳтимолликка эга иккала приборни бир вақтда ишламай қолиш (ишдан чиқиш) эҳтимоллиги $P_2=0,05$.

Ечиш. Системани холатини белгилаб оламиз:

Иккала прибор ишлаб турган холатни - x_1 ($p_1 = 0,7$);

Иккала прибор ишдан чиқсан холатни - x_2 ($p_2 = 0,05$);

Иккита прибордан биттаси ишдан чиқсан холат - x_3 (p_3).

Система юқоридаги 3 та холатдан биттасини ифодалай олишини хисобга олиб x_3 ни қўйидагича топамиз: $p_3 = 1 - p_1 - p_2 = 1 - 0,7 - 0,05 = 0,25$.

Иккинчи илова 2.7 жадвалдан фойдаланиб системани энтропиясини аниқлаймиз:

$$H(X) = -\sum_{i=1}^3 p_i \log p_i = 0,360 + 0,216 + 0,500 = 1,076 \text{ бита}$$

Демак ушбу системани энтропияси тенг эҳтимолликка эга иккита холат система энтропиясига яқин экан.

2-масала. Чорвачилик биноси ичида харорат иккита бир-бири билан боғлиқ бўлмаган система таъсирига боғлиқ. Иссиқ хаво бериш система X (биринчи система) 3 хил холатда мавжуд бўлиши мумкин: система ишчи холатда $p(x_1) = 0,7$; автоматика қурилмаси носоз холатда $p(x_2) = 0,2$; қизитиш ускуна носоз холатда $p(x_3) = 0,1$.

Шамоллатиш системаси Y (иккинчи система) иккита холатда бўлиши мумкин: система ишчи холатда (соз) $p(y_1) = 0,85$; система носоз холатда $p(y_2) = 0,15$. холати маълум бўлмаган X ва Y системалардан ташкил топган муракқаб система энтропиясини топинг.

Ечиш: Иккинчи илова 2.2 жадвалдан фойдаланиб X система холатини аниқлаймиз

$$H(X) = -\sum_{i=1}^3 p_i \log p_i = 1,156 \text{ бита.}$$

Ү система энтропиясини аниқлаймиз:

$$H(Y) = \sum_{i=1}^2 p_i \log p_i = 0,610 \text{ бита};$$

Х, Y системалардан ташкил топган мураккаб система энтропиясини топамиз:

$$H(X,Y) = 1,156 + 0,610 = 1,766 \text{ бита.}$$

Системани ушбу энтропияси учта ва тўртта тенг эҳтимолли холатли системалар энтропия оралиғида жойлашган.

Ишончлилиқ назариясига оид масалалар

1 – масала. Заводда ишлаб чиқарилган $N_0 = 1000$ дона автоматик узгични синовдан ўтказиш керак. Синов вақтида қуидагилар қайд этилди: $t = 3000$ соат давомида 1000 та автоматик узгичдан 80 таси ишдан чиқди, $\Delta t = 3500 - 3000 = 500$ соат вақт оралиғида яна $\Delta n = 100$ та автоматик узгич ишдан чиқди.

3000 – 3500 соат ишлаш вақтидаги автоматик узгичларнинг ишдан чиқиши интенсивлиги (λ) ва бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини (P) топинг?

Ечиш: 1. Автоматик узгичларнинг 3000 – 3500 соат вақт оралиғида ишдан чиқиши интенсивлигини қуидаги формула билан хисоблаймиз.

$$\lambda = \frac{\Delta n}{N_{\text{жpm}} \cdot \Delta t};$$

Бу ерда: $N_{\text{жpm}}$ – Δt интервал давомида ишлаб турган автоматик узгичлар сони.

$$\lambda = \frac{100}{(20 - 820) / 0,5 \cdot 500} = 2,3 \cdot 10^{-4} \text{ соат}^{-1}$$

2. Бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини топамиз.

$$P_{\text{ж250}} = \frac{N_0 - n}{N_0} = \frac{1000 - 180}{1000} = 0,82$$

Бу ерда: n – 3500 соат иш вақти давомида ишдан чиқкан автоматик узгичлар сони.

$$80 + 100 = 180 \text{ та}$$

2 – масала. Паррандачилик фермасида захира электр таъминлаш манбай этиб дизель электр станциясидан фойдаланилади. Дизель электр станциянинг бузилиши интенсивлиги $\lambda = 0,0002 \text{ соат}^{-1}$, қайта тикланиш ўртача вақти $T_{\text{к.и.уп}} = 200$ соат, қайта ишлашга тайёрлик коэффициентини ($T_{\text{к.и.м.}}$) топинг?

Ечиш: 1) Дизель станциянинг бузилишидан олдин бузилмасдан ишлаб бериш ўртача вақти:

$$T_{\text{б.и.б.}} = \frac{1}{\lambda} = \frac{1}{0,0002} = 5000 \text{ соат.}$$

2) Станцияни қайта ишлашга тайёрлик коэффициентини топамиз:

$$T_{\text{к.и.м.}} = \frac{T_{\text{б.и.б.}}}{T_{\text{б.и.б.}} + T_{\text{к.и.уп}}} = \frac{5000}{5000 + 200} = 0,962$$

3 – масала. 35 кВ кучланиш манбаига кетма-кет уланган номинал кучланиши 6 кВ 6 та конденсаторлардан ташкил топган батареяни ишончлилигини аниқланг. Конденсаторларнинг интенсивлиги $\lambda = 0,01 \text{ сил}^{-1}$.

Ечиш. Батарея интенсивлигини топамиз.

$$\lambda_{\sigma} = \sum_{i=1}^6 0,01 + 0,01 + 0,01 + 0,01 + 0,01 + 0,01 = 0,06.$$

Йил давомида бузилмасдан (ишдан чиқмасдан) ишлаш эхтимоли $P\text{C}$ ни топамиз.

$$P\text{C} = e^{-\lambda} = e^{-0,06} = 0,942$$

Ишдан чиқиш (бузилиш) эхтимоли

$$Q\text{C} = 1 - e^{-\lambda} = 1 - e^{-0,06} = 0,058.$$

Конденсаторлар батареясига, ишдан чиқиш бузилиш интенсивлиги $\lambda_{x,c} = 0,024$ га тенг, эрувчан сақлагич уланган ушбу комплексни (мажмуани) ишдан чиқиш (бузилиш) интенсивлиги λ_{maj} қуидагича аниқланад.

$$\lambda_{maj} = \lambda_{\sigma} + \lambda_{x,c} = 0,06 + 0,024 = 0,084.$$

Мажмуани 1 йил мобайнида бузилишсиз (ишдан чиқмасдан) ишлаш эхтимоллигини топамиз.

$$P_{maj} \text{C} = e^{-\lambda_{maj}} = e^{-0,084} = 0,919$$

Мажмуани ишдан чиқиш (бузилиш) эхтимоллигини топамиз.

$$Q\text{C} = 1 - e^{-\lambda_{maj}} = 1 - e^{-0,084} = 0,081.$$

4 – масала. Чорвачилик ферма уланган узунлиги 10 км 35 кВ юқори кучланишли хаво линияси, линия бошидаги мойли узгич ва истеъмолчи томонда жойлашган ажраткич сақлагич ва троансформаторлардан ташкил топган. Электр таъминот тизими мажмуани бир ой ва 1 йил давомида бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини топинг.

Ечиш: 1. Ишончлилик нұқтаи назаридан барча кетма-кет уланган электротехник ускуналар ўзаро кетма-кет уланган элементлардан ташкил топган схемани ташкил этади.

Электр ускуналар ишончлилик күрсаткічлари жадвалидан ишдан чиқиш интенсивлигини қабул қиласыз.

Мойли ўчиргич $\lambda_{m,y} = 0,002$; ажраткич $\lambda_{a,jc} = 0,015$; трансформатор $\lambda_{mp} = 0,02$; хаво линияси - $\lambda_{x,l} = 0,26$; эрувчан сақлагич - $\lambda_{x,c} = 0,01$.

2. Юқоридаги кетма-кет элементлардан ташкил топган тизимни (системани) ишдан чиқиш интенсивлигини топамиз

$$\lambda_c = \lambda_{m,y} + \lambda_{a,jc} + \lambda_{mp} + \lambda_{x,l} + \lambda_{x,c} = 0,002 + 0,015 + 0,02 + 0,26 + 0,01 = 0,307$$

3. Системани 1 йил давомида бузтлмасдан (ишдан чиқмасдан) ишлаши эхтимоллигини ($P\text{C}0$) топамиз:

$$P\text{C}0 = e^{-\lambda_c t} = e^{-0,307 \cdot 1,0} = 0,75$$

4. Системани бир ой мобайнида бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини хисоблаймыз:

$$P\left(\frac{1}{12}\right) = e^{-\lambda_c t} = e^{-0,307 \cdot \frac{1}{12}} = 0,779$$

5 – масала. Насос станцияси ишдан чиқиш оқими параметри $\lambda = 0,05 \frac{1}{ийл}$ бүлгап иккита параллел уланган трансформатор орқали энергия билан таъминланади. Параллел уланган иккита трансформатор орқали энергия таъминоти битта трансформатор орқали энергия таъминоти

схемасиникина керагида ишончлилиги қанчага юқори бўлади. (Иккала трансформатор ҳам якка ўзи насос станцияни энергия билан таъминлай олади).

Ечиш: 1. Ҳар бир трансформатори 1 йил давомида бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини аниқлаймиз:

$$P \cdot e^{-\lambda} = e^{-0,05} = 0,951$$

2. Иккала трансформаторни ҳам 1 йил давомида ишдан чиқиш (ишламай қолиш) эхтимоллигини топамиз:

$$Q \cdot e^{-\lambda} = q^2 \cdot e^{-\lambda} = (-0,951)^2 = 0,0024$$

3. Битта трансформаторни ишдан чиқиш эхтимоллигини топамиз:

$$P \cdot e^{-\lambda} - Q \cdot e^{-\lambda} = 1 - 0,0024 = 0,9976$$

Демак икки трансформаторли энергия таъминоти ишончлилиги тизим битта трансформаторли тизим ишончлилигига нисбатан 0,046 га ошди

$$0,046 = 0,9976 - 0,951$$

4. Иккита параллел уланган трансформатордан ташкил топган гурухни бузилишгача ишлаб қўйган ўртacha вақтини $T_{yp1,2}$ топамиз

$$T_{yp1,2} = \frac{3}{2\lambda} = \frac{3}{2 \cdot 0,05} = 30 \text{ йил}$$

5. Ҳар бир трансформаторни бузилишигача ишлаб қўйган ўртacha вақти

$$T_{yp1} = T_{yp2} = \frac{1}{\lambda} = \frac{1}{0,05} = 20 \text{ йил.}$$

6 – масала. Паррандачилик фабрикаси иккита подстанциядан икки занжирли 10 кВ ли линия орқали энергия билан таъминланади. Биринчи линияни ўтказиш қобилияти - $S_1 = 0,7$, бузилмасдан ишлаш эхтимоллиги - $P_1 = 0,8$, иккинчи линияни ўтказиш қобилияти $S_2 = 0,3$ бузилмасдан ишлаш эхтимоллиги - $P_2 = 0,9$.

Линияни ишга тушишга тайёрлик коэффициентини ($K_{u.m}$) топинг.

Ечиш: Техник объектни ишга тушишга тайёрлик коэффициентини топамиз:

$$K_{u.m} = P_1 q_1 S_1 + P_2 q_2 S_2 = 0,7 \cdot 0,8 + 0,8 \cdot 0,3 = 0,7 + 0,9 \cdot 0,3 = 0,72 + 0,056 + 0,054 = 0,83$$

Агарда ушбу линияларнинг ишончлилиги юқори бўлганида ($P_1 = 0,9$ ва $P_2 = 0,8$) ишга тушишга тайёрлик коэффициенти 0,87 бўлар эди.

7 – масала. Биринчи категория электр энергияси истеъмолчилари 1000 соат ишлаш даврида бузилмасдан ишлаш эхтимоллиги 0,95 га яъни $P \cdot e^{-\lambda} = 0,95$ га тенг трансформатор подстанциясидан энергия билан таъминланиши керак. Захира электр таъминоти учун подстанциянинг ишончлилигига тенг ишончликдаги яъни $P \cdot e^{-\lambda} = 0,95$ ишончлиликдаги дизель электр станцияси ўрнатилган. Ушбу дизель станция асосий подстанцияда носозлик юзага келиб ўчирилганида ишга тушади. Электр таъминот тизимининг бузилмасдан ишлаш эхтимоллиги ва тизимни биринчи бор ишдан чиқишигача (бузилишигача) ўртacha ишлаш давомийлигини аниқланг.

Ечиш. 1. Ушбу масалани ечишни системани бир каррали (маротабали) захиралаш шарти мисолида яъни $m=1$ хил учун кўриб чиқамиз.

Бунинг учун $P_c = e^{-\lambda_0 t} (1 + \lambda_0 t)$ формуладан фойдаланамиз.

Бу ерда $\lambda_0 t = 1 - e^{-\lambda_0 t} = 0,05$

$$P_c = 0,95 (1 + 0,05) = 0,9975$$

2. Системада биринчи ишдан чиқиш содир бўлгунча ўртача ишлаш давомийлигини қўйидаги формуладан топамиз.

$$T_c = T_0 (n+1) = 2T_0$$

Системани $t=1000$ соат ишлаш вақти давомида $\lambda_0 t = 0,05$ га тенг бўлгани учун $\lambda_0 = 0,5 \cdot 10^{-4} \text{coam}^{-1}$ га, системани битта элементни биринчи бор бузилишигача ўртача ишлаш давомийлиги

$$T_0 = \frac{1}{\lambda_0} = \frac{1}{0,5 \cdot 10^{-4} \cdot \text{coam}^{-1}} = 20000 \text{coam}$$

Захира таъминот тизим учун эса

$$T_c = 2T_0 = 40000 \text{coam}$$

8 – масала. Ахоли яшаш пункти хар бирининг ишдан чиқиш бузилиш интенсивлиги $\lambda = 0,1 \frac{1}{\text{йил}}$ бўлган иккита манбадан электр энергияси билан таъминланади. Истеъмолчилар иккала энергия манбай орқали энергия билан таъминланадиганда (манбалар параллел ишлатадиганда) ва иккинчи манба биринчиси бузилгандан кейин ишга тушганда 1 йил давомида ($t=1$ йил) узлуксиз электр таъминоти эҳтимоллиги (P_t) ва бузилгунча ишлаб бериш ўртача вақтини топинг.

Ечиш. 1. Истеъмолчи иккита параллел электр манбаидан (электр тармоқдан) энергия олаётган бўлса узлуксиз энергия таъминоти эҳтимоллигини P_t топамиз.

$$P_t = 2e^{-\lambda t} - e^{-2\lambda t} = 2e^{-0,1 \cdot 1} - e^{-2 \cdot 0,1 \cdot 1} = 1,8096 - 0,8187 = 0,9909$$

2. Бузилгунча ишлаб бериш ўртача вақтини топамиз

$$T_{yp} = \frac{3}{2\lambda} = \frac{3}{2 \cdot 0,1} = 15 \text{ йил}$$

3. Биринчи энергия манбай ишдан чиққандан (бузилгандан) кейин захирадаги иккинчи энергия манбай уланганда таъминот тизимини узлуксиз энергия таъминоти эҳтимоллиги P_m ва бузилишигача ишлаб бериш ўртача вақтини (T_{yp}) топамиз:

$$P_m = e^{-\lambda_0 t} (1 + \lambda_0 t) = e^{-0,1 \cdot 1} (1 + 0,1 \cdot 1) = 0,9955$$

$$T_{yp} = T_0 (n+1) = \frac{1}{\lambda} (n+1) = 20 \text{ йил}$$

Оммавий хизмат кўрсатиш назариясига оид мисоллар

1 – масала. Агрозерго сервис корхона кўчма тезкор бригадасининг 7 соат иш мобайнида ($t=7$) 4 та талабнома ($i=4$) келиб тушган. Саккизинчи соат давомида яна битта талабнома тушиш эҳтимоллигини аниқланг (f_j).

Ечиш. 1. Талабнома оқими параметри λ ни топамиз.

λ - бир бирлик вақт давомида системага киритилган талабномалар сонининг математик кутилишидир.

$$\lambda = \frac{1}{m_m} = \frac{1}{\frac{t}{j}} = \frac{1}{\frac{7}{4}} = \frac{4}{7} = 0,57$$

2. саккизинчи соат давомида яна битта талабнома тушиш эхтимоллигини қыйидаги биринчи тартибли Эрланг қонуни тенгламаси бўйича топамиз.

$$f_j = \frac{\lambda^j t^j}{j!} \cdot e^{-\lambda} = 0,57 \cdot 0,57 \cdot 7^j \cdot e^{0,547} = 0,12$$

2 – масала. АгроЭнергосервис корхонасига тушаётган талабномаларни кузатиш натижасида корхонага тушаётган талабномалар оқими талабномалар оралиғи вақти интервали математик кутилиши $m_t = 4$ мин ва дисперцияси $D_t = 3,2 \text{мин}^2$ эканлиги аниқланган. Ушбу талабномалар оқимини характеристикаси айнан бир хил бўлган нормаллаштирилган Эрланг оқимига алмаштиринг.

Ечиш. 1. Қыйидаги формулалардан фойдаланиб талабномалар сони математик кутилиши нормаллаштирилган Эрланг оқими тартибини топамиз.

$$\lambda = \frac{1}{m_t} = \frac{1}{4} = 0,2; \quad j+1 = \frac{1}{D_t \cdot \lambda^2} = \frac{1}{3,2 \cdot 0,063} = 4,9$$

Бинобарин нормаллаштирилган Эрланг оқими тартиби $j = 4$ яъни талабномалар хақиқий оқими тўртинчи тартибли Эрланч оқими билан алмаштиrsa бўлади.

Тўртинчи тартибли Эрланч оқими зичлигини қыйидагича ифодалаймиз:

$$f_4 = \frac{\lambda^4 t^4}{4!} \cdot e^{-\lambda} = \frac{0,25^4 \cdot 4^4}{4!} \cdot e^{-0,25 \cdot 4} = 0,21$$

Зичликни максимал қиймати $t = \frac{j}{\lambda} = \frac{4}{0,25} = 16$ мин тўғри келади ва 0,21 га

тўғри келади.

3 – масала. Паррандачилик фермасида учта технологик линияга оператор хизмат кўрсатади. Хар бир линия бир суткада 2 марта тўхтайди. Созлаш учун оператор 60 минут вакт сарфлайди ($t_{x,k} = 60 \text{мин}$). Оммавий хизмат кўрсатиш тизим (ОХКТ) характеристикаларини топинг. Операторни бандлик эхтимоллиги ($P_{\text{банд}}$), (смена давомида носозликлар сони) тузатиб улгурадиган иш унуми (A) таъмир талаб носоз линиялар ўртача сони.

Ечиш: 1. Қыйдагиларни аниқлаймиз: Носоз бўлган (объект) $n=3$ – (учта технологик линия);

воқеийлик хизмат кўрсатиш оқими интенсивлиги $\mu = \frac{1}{t_{x,k}} = \frac{1}{60 \text{мин}} = \frac{24}{1} = 24$;

Хар бир элементни носозлик оқими интенсивлиги $\lambda = 2$;

юклама интенсивлиги $\rho = \frac{\lambda}{\mu} = \frac{2}{24} = \frac{1}{12}$.

2. Носозлик йўқлиги эхтимоллигини ($P_{n,i}$) топамиз:

$$p_{n,\bar{n}} = \left[+ n\rho + n\cancel{(-1)}\rho^2 + n\cancel{(-1)}\cancel{(-2)}\rho^3 + \dots + 1\rho^{n-1} \right] =$$

$$= \frac{1}{1 + 3 \cdot \frac{1}{12} + 3\cancel{(-1)}\left(\frac{1}{12}\right)^2 + 3\cdot\cancel{(-1)}\cancel{(-2)}\left(\frac{1}{12}\right)^3} \approx 0,77$$

x_1, x_2, x_3 холатлар эхтимоллиги p_1, p_2, p_3 ларни топамиз:

$$p_1 = n \cdot \rho \cdot p_{n,\bar{n}} = 3 \cdot \frac{1}{12} \cdot 0,77 = 0,192$$

$$p_2 = n\cancel{(-1)}\rho^2 \cdot p_{n,\bar{n}} = 3\cdot\cancel{(-1)}\left(\frac{1}{12}\right)^2 \cdot 0,77 = 0,030$$

$$p_3 = n\cancel{(-1)}\cancel{(-2)}\rho^3 \cdot p_{n,\bar{n}} = 3\cancel{(-1)}\cancel{(-2)}\left(\frac{1}{12}\right)^3 \cdot 0,77 = 0,0026$$

3. Операторни бандлик эхтимолини топамиз:

$$P_{o,\bar{o}} = 1 - p_{n,\bar{n}} = 1 - 0,77 = 0,23$$

4. Операторни смена давомида тузатиб улгурадиган носозликлар сонини топамиз:

$$A = \cancel{(-p_{n,\bar{n}})} = \cancel{(-0,77)} 24 = 5,5$$

Оптимал бошқарув назариясига оид мисоллар

1 – масала. 11.5-расмда келтирилган қишлоқ подстанциясини 10 кВ шинаси 30 км масофада жойлашган район подстанциясининг 35 кВ шинасидан АС-50 маркали сим орқали энергия билан таъминланади. Ушбу электр узатиш линиясини қуидаги вариантларда амалга ошириш мумкин:

- а) Энергия етказиб берувчи битта линия ва битта трансформатор (11.5-расм (а));
- б) Энергия етказиб берувчи битта линия ва иккита трансформатор (11.5-расм (б));
- в) Энергия етказиб берувчи иккита линия ва битта трансформатор (11.5-расм (в));
- г) Энергия етказиб берувчи иккита линия ва иккита тарнсформатор (11.5 расм (г)).

Электр таъминоти схемаси элементлари ишончлилиги кўрсаткичи λ 11.13-жадвалда келтирилган. 11.5-расмда келтирилган электр таъминот схемаларни узлуксиз энергия билан таъминлаш эхтимолликларини аниqlанг.


Ечиш: Электр таъминот тизимини 1 йилда бузилган холатда бўлиши нисбий вақтини аниqlаймиз:

$$q = \sum_{i=1}^n \frac{\lambda_i \tau_{a\bar{v}i}}{8760} + \frac{\tau_{n.l.i}}{8760}$$

λ_i - схема элементлари ишончлилиги кўрсаткичларидан бири ишдан чиқиши частотаси (частота етказув) 11.10-жадвалда келтирилган;

$\tau_{a\bar{v}i}$ - схема элементлари носозлигини авариядан кейин тузатишга кетган вақти;

$\tau_{n.i}$ - схема элементларини таъмирлаш ва синаш мақсадида планли ўчирилиш вақти давомийлиги.



11.5-расм. 35 кВ район подстанциядан 10 кВ қишлоқ подстанциясига энергия узатиш линиясини электр схемаси вариантылари (а,б,в,г,).

11.10-жадвал

Ишончлилик кўрсаткичлари	Схема элементлари номлари						
	Мойли узгич 35 кВ	35 кВ Хаво линияси сим AC-50	Ажраткич	Кисқа туташтаргич	Трансформатор 35/10 кВ	Мойли узгич 10 кВ	Шина 10 кВ
λ_i , 1/йил. (1/100 км.йил)	0,02	0,8-1,0	0,03	0,03	0,01	0,005	0,03
τ_{aer} (соат/бит та бузи)	10	8	15	15	90	10	4
τ_{planli} (соат/100км йил)	10	90	10	10	20	18	4

Линия резервланганда режали таъмирлаш ва синаш билан боғлиқ вақт юқоридаги формулада хисобга олинмайди. Линияда резервланганида авария натижасида схемадаги узилиш содир бўлиш эҳтимоллиги формуладаги $\frac{\lambda_i \tau_{aer}}{8760}$

- нисбатни квадрати билан хисобланади.

λ_i , τ_{aer} , τ_{planli} ларни 11.10-жадвалда келтирилган қийматларини формулага қўйиб схемани хар бир варианти учун уни носозликлар (ишдан чиқиш, бузилиш) эҳтимолини q_i топамиз:

а схема учун:

$$\begin{aligned}
q_a &= \frac{\lambda_{m.y} \tau_{a.m.y} + \lambda_{x.l} \tau_{a.x.l} + \lambda_{a.jc} \tau_{a.a.jc} + \lambda_{k.m} \tau_{a.k.m} + \lambda_{mp} \tau_{a.mp} + \lambda_{m.y} \tau_{m.y} + \lambda_{u.uh} \tau_{a.u.h}}{8760} + \\
&+ \frac{\tau_{n.l.m.y} + \tau_{x.l} + \tau_{a.jc} + \tau_{k.m} + \tau_{mp} + \tau_{m.y} + \tau_{u.uh}}{8760} = \\
&= \frac{0,02 \cdot 10 + 0,9 \cdot 8 + 0,03 \cdot 15 + 0,03 \cdot 15 + 0,001 \cdot 90 + 0,005 \cdot 10 + 0,03 \cdot 4}{8760} + \\
&+ \frac{10 + 90 + 10 + 10 + 20 + 18 + 4}{8760} = 18,8 \cdot 10^{-3}
\end{aligned}$$

б-схема учун:

$$\begin{aligned}
q_b &= \frac{\lambda_{m.y} \tau_{a.m.y} + \lambda_{x.l} \tau_{a.x.l} + \lambda_{a.jc} \tau_{a.a.jc} + \lambda_{k.m} \tau_{a.k.m} + \lambda_{mp} \tau_{a.mp} + \lambda_{m.y} \tau_{m.y} + \lambda_{u.uh} \tau_{a.u.h}}{8760} + \\
&+ \frac{\tau_{n.l.m.y} + \tau_{x.l}}{8760} = \frac{4,08}{8760} + \frac{10 + 90}{8760} = \frac{104,8}{8760} = 11,4 \cdot 10^{-3}
\end{aligned}$$

в-схема учун:

$$q_c = \frac{4,08}{8760} + \frac{\tau_{a.jc} + \tau_{k.m} + \tau_{mp} + \tau_{m.y} + \tau_{u.uh}}{8760} = \frac{4,08}{8760} + \frac{10 + 10 + 20 + 18 + 4}{8760} = \frac{4,08}{8760} + \frac{62}{8760} = 7,3 \cdot 10^{-3}$$

г-схема учун: $q_e = \frac{4,08}{8760} = 0,48 \cdot 10^{-6}$.

11.5- расмдаги а, б, в, г системаларни бузилмасдан ишлаш эхтимоллигини Р топамиз: $P = 1 - q$

$$\begin{aligned}
P_a &= 1 - q_a = 0,9812; & P_b &= 1 - q_b = 0,9886; & P_c &= 1 - q_c = 0,9927; \\
P_e &= 1 - q_e = 0,99999947 \approx 1,0.
\end{aligned}$$

2 - масала. 110 – 35/10 кВ район электр станцияга уланган истеъмолчиларни истеъмол қилган энергияси 2003 йилда – 100 млн. кВт•с, 2005 йилда – 120 млн. кВт•с, 2008 йилда – 157,5 млн. кВт•с ташкил қилган бўлса 2013 йилда тахминан қанча энергия истеъмол қилишини аниқланг.

Ечиш. $A_t = mt + nt^2 + lt^3$ кўринишдаги квадратик кўринишдаги полиномдан фойдаланиб кўрилаётган давр оралиғидаги хар қандай йил учун A_0 , м ва н ларни параметрини топамиз.

$$2003 \text{ йил учун } A_0 = 100;$$

$$2005 \text{ йил учун } A_2 = A_0 + 2m + 4n = 120;$$

$$2008 \text{ йил учун } A_5 = A_0 + 5m + 25n = 157,5.$$

Ушбу тенгламаларни ечиб A_t ни топамиз

$$A_t = 100 + 9t + 0,5t^2.$$

Топилган тенгламани янаги 5 йилга экстрополяциялаб яъни унга $t = 10$ ни қўйиб 2013 йилда кутилаётган энергия истеъмолини топамиз.

$$A_{10} = 100 + 9 \cdot 10 + 0,5 \cdot 10^2 = 240 \text{ млн. кВт • с.}$$

Биринчи беш йилда энергия истеъмоли ошиши ($157,5 - 100$): $5 = 11,5$ млн. кВт • с ни яъни олдинги беш йилликдаги энергияни 11,5 % га тўғри келади. кейинги беш йилликдаги ўсишни абсолют қиймати 16,5 млн. кВт•соатгача ортади ва олдинги беш йилликдаги энергия истеъмоли 10,5 % ни ташкил этади. Олинган кўрсаткичларни 1 хонадон ва 1 гектар ер майдонни энергия билан таъминлаш бўйича текшириб кўрилиши керак.

Ихтиро ва патент олишга оид мисоллар

1 - масала. Мева махсулотларини сақлаш усули. Усулга муаллифлик талабномаси бериш учун патент изланиш олиб боришингиз керак. Республикаизда ва халқаро илмий нашрларда чиқарилган муаллифлик гувохномалари ва патентларини ўрганиб чиқамиз ва маълумотнома тайёрлаймиз. Энг яқни патент маълумотларни оламиз. Шу услугни хеч қаерда қайд қилинмаганлигига ишонч ҳосил қилиб, кейин муаллифликка талабнома берилади. Талабномага шу услугда бажарилган тажриба якунларини далолатнома қилиб, хужжатлаштириб илова берилади. Қуйидаги хужжатлар берилади:

1. Муаллифлик хужжати беришга талабнома, ариза.
 2. Янги услубнинг таснифи ва услубнинг формуласи.
 3. График маълумотлар, схемалар, курилма синов натижалари, актлар.
 4. Кискача реферат, фойдаланиш йўналишлари ва қўлланиши имкониятларини кўрсатадиган ҳужжатлар.
 5. Хулоса. Мавжуд услублардан фарқи, янгилиги ҳақида маълумот, кутилаётгая иқтисодий самара.
 6. Экспертиза қилиган услуг ёки техник ускуна янги деб топилса, унга муаллифлик гувохномаси берилади.

Объект— услуга
ИHDP9800104.1.PDF
МКИСА23В7102F

Мева маҳсулотини (олма) сақлаш услуги. Патент қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлашга (олма) киритилса бўлади, бу ерда ҳароратни 0°C гача пасайтириш кўзда тутилган.

Мевани подвал, ярим подвалларда сақлаш усули мавжуд. Лекин у ерда ҳарорат $+5^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади ва бу ҳарорат ҳам ўзгариб туради. Натижада олма тез эскиради. Чириб яроқсиз холга келади. Унинг сақланиш муддатини ошириш учун ҳароратни 0°C гача пасайтириш ва шу даражада ушлаб туриш тавсия қилинади.

Патент мақсади мева махсулотларини сақланиш муддатини узайтириб, унинг сифатини оширишdir.

Мақсадга эришиш учун ҳаво ҳарорати пасайтирилиб (0°C гача) ҳаво ионлаштирилади ва бир хил ушлаб туриш тавсия қилинади. Бунинг учун саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган ХМФ — 16 (-32) совутиш машиналаридан фойдаланилса бўлади. Натижада:

Xapopat I = 0 °C

Намлик W = -90%

Ионлар сони $\pi = 10^6$ ион/ см^3 миқдорида ушлаб турғилиши мүмкін.

Ёритиш лампалари фақат маҳсулотни кўздан кечириш учун ишлатилади. Эшиклар зич ёпиб қуилади. Атмосфера параметрлари датчиклардан фойдаланиб назорат қилинади.

2 - масала. Мевани қуритиш жараёнини ўрганиб, унга қўшимча юкори кучланиш билан ишлов берилгандага тезроқ қуриши кузатилди.

Шунинг учун мевани, жумладан узумни қуритиш усулини таклиф қиласиз:

Мева маҳсулотларини қуритиш усули учун патент
Объект—услуб
ИHDP 554428-DF
МКИГА 28В

Патент мақсади мевани қуритиш жараёнини тезлаштириш, мевада кўпроқ озуқа моддаларини сақлаган ҳолда унинг сифатини ошириш. Патент қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш ва сақлаш бўлимига киритилиши мумкин. Мева маҳсулотини қуёшда, сояда юқори частотали, инфракизил ва электрокалориферли қуритиш усуллари мавжуд. Бу усуллар кўп вақт ва жой талаб қиласи ёки маҳсулот таннархи юқори бўлади. Кам харажат билан кўп ва сифатли қуритиш учун электрокалориферли қуритиш услубида мевани қуритишдан олдии юқори кучланиш импульслари билан ишлов берилса у тезрок намлик йўқотади, тезроқ қурийди. Шу билан бирга озуқа моддаларини ўзида ушлаб колади. Бу усул бошқа қуритиш усулларида ҳам қўлланилиши мумкнин. Бу ҳолда мева (узум) банди билан юқори кучланиш камераси орқали қуритиш камерасига ўтади. Узум доналари 0,01—0,1 сек вақт ичидаги 10—15 кВ кучланиш импульси остида бўлади ва унинг ташқи қобиғи тешилади. Узум доналари юзасида майда тешикчалар пайдо бўлади яна узумнинг боғланган сув молекулаларининг боғланишлари бузилади, сув боғланмаган ҳолатга ўтади. Иссик ҳаво оқими таъсирида мева тез намлигини йўқотади у суткалаб эмас бир неча соатда қуриб, майиз холатига ўтади.

Қуритиш камераси харорати $t_{onm} = 90^{\circ}\text{C}$

Кучланиш амплитудаси $U_{onm} = 12\text{kV}$

Ишлов бериш вакти $t = 0,05\text{сек}$

Бир текис ишлов бериш ва қуритиш учун узум сўриларда бир текис жойлаштирилиши керак.

ИЛОВАЛАР

1-илова. ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШДА КЎП УЧРАЙДИГАН ТЕРМИНЛАР ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

Абстракция — 1) нарсалар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор хоссаларини фикран ажратиш; 2) унинг моҳиятини очиб берувчи хоссаларни ажратиш мақсадида кўриб чиқилаётган ҳодисанинг жиддий бўлмаган томонларида уларнинг идроклаш жараёнида ажратиш натижасида ҳосил бўладиган айрим тушунча.

Агностицизм — фалсафий таълимот, объектив борлиқ ва ҳақиқатнинг объектив моҳиятини билишни рад этади, фаннинг вазифасини ҳодисаларнинг билиш билан чегаралайди, нарсалар моҳияти ва табиий ҳамда ижтимоий жараёнлар ривожланиш қонуниятларини билиш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Адекватный — тенг, айнийлик, тўла мувофиқлик.

Академизм — илмий ва таълим фаолиятидаги соф назарий йўналиш.

Аксиома — 1) бирор назариянинг шу назария бошқа қоидаларини исботлаш асосида ётувчи илқ, бошланғич қоида, бунинг миқёсида у (бошланғич ҳолат) исботларсиз қабул қилинади; 2) исботлаш талаб этилмайдиган соф ҳақиқат.

Актуальный — долзарб, ҳозирги вақт учун аҳамиятли.

Алгоритм — 1) қатъи белгиланган қоида бўйича татбиқ этиладиган операциялар тизими, у тадрижий равишда бажарилгандан сўнг қўйилган масалани ечимга олиб келади; 2) бошланғич берилганларни изланаётган натижага келтирувчи моҳиятни белгиловчи ва операциялар кетма – кетлигининг ифодаси.

Альтернатива — муқобиллик; бир – бирини инкор этувчи икки имкониятдан бирини танлаш зарурати.

Анализ — таҳлил: 1) яхлитни таркибий қисмларга фикран ёки физик ажратишдан иборат илмий тадқиқот усули; 2) бўлакларга ажратиш, ниманидир кўриб чиқиш.

Аналог — ўхшаш; бошқа нарса, ҳодиса ёки тушунчага мувофиқ бирор нарса, ҳодиса ёки тушунча.

Аналогичний — ўхшовчи; тенглик, мувофиқлик.

Априори — тажрибага боғлиқ бўлмаган, тажрибагача.

Апробация — текшириш, синашга асосланган қўллаб – қувватлаш, тасдиқлаш.

Аргумекг — 1) исботлашнинг асоси бўлиб хизмат қилувчи мантиқий далил; 2) мустақил ўзгарувчан қиймат, функция деб аталувчи бошқа қийматнинг ўзгариши унинг ўзгаришига боғлиқ.

Артефакт — 1) харакат белгилари билан биргаликдаги сунъий – моддий мужассама (масалан: техникавий восита); 2) тадқиқот шароитларининг таъсири остида биологик объектни тадқиқот этишлик вақгидаги юзага келадиган биологик ҳосил бўлиш ёки жараён.

Бакалавр — олий таълимдаги биринчи илмий даражা.

Библиография — 1) вазифаси нашр ва қўлёзма маҳсулотларини ҳисобга олиш ва у ҳақдаги маълумотлардан иборат илмий ва амалий фаолият тармоғи; 2) мавзу бўйича адабиётларнинг тўлиқ ёки сараланган рўйхат.

Биосфера — бу муҳит; ердаги ҳаёт мавжуд бўлган худуд. Унинг таркиби, тузилиши ва энергетикаси тирик организмларнинг ўтмишдаги ёки замонавий фаолияти асосида белгиланади.

Верификация — назарий қоидалар чинлигини текшириш, ишончлилигини тажриба йўли билан аниқлаш.

Гипотеза — фараз; бирор ҳодисани тушунтириш учун илгари сурилаётган ва ишончли илмий назария бўлиши учун тажрибада текширишни ҳамда назарий жиҳатдан асослашни талаб этувчи илмий фикр.

Гносеология — назарий билиш, илмий билиш манбалари, шакллари ва усулларини, унинг ҳақиқат эканлик шартларини, инсоннинг ҳаётни ўрганиш иқтидорини ўрганувчи фалсафа бўлими.

Дедукция — умумий мулоҳазалардан хусусийга ёки бошқа умумий фикрларга олиб келувчи мантиқий хулоса.

Дисертация — Илмий даражада олиш учун тақдим этиладиган ва илмий тадқиқотчи томонидан ошкора ҳимоя этиладиган илмий иш, тадқиқот.

Идея — гоя: 1) нарса ёки ҳодиса ҳақидаги умумий тушунча; моддий дунёни инъикоси бўлган инсон тафаккурининг маҳсулоти; 2) назарий система, мантиқий қурилмалар асосида турадиган белгиловчи тушунча; 3) фикр, тафаккур.

Иерархия — қисмларнинг ёки бутун унсурларининг олийдан қўйига томон жойлашуви.

Имитация — кимгадир, нимагадир тақлид қилиш, қайта тиклаш.

Индукция — хусусий айрим ҳолларда умумий хулосага, айрим фактлардан умумлашмаларга олиб келувчи мантиқий хулоса.

Информация — 1) нима ҳақидадир хабар; 2) сақлаш, қайта ишлаш ва кузатиш обьекти ҳисобланувчи маълумот.

Категория — даражада: 1) нарсалар, обьектив дунё (модда, вақт, фазо, алоқадорлик, ҳаракат, микдор, сифат ва ҳ.к.) ҳодисаларининг дикқатга сазовор хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунча, 2) бирон-бир белгиларининг умумийлиги асосида бирлаштирилган нарсалар, ҳодисалар, шахслар даражаси, гурухи.

Кибернетика — бошқарув жараёни ва информацияни машиналарда, тирик мавжудотларда, жамиятда узатишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан.

Кинематика — жисмлар ҳаракатини геометрик жиҳатдан, шу ҳаракатни юзага келтирувчи уларнинг массаси ва физик сабабларини ҳисобга олмаган ҳолда кўриб чиқувчи механика бўлими.

Класс — синф: умумий белгиларга эга бўлган нарсалар ва ҳодисаларнинг мажмёи, даражаси, гурухи.

Классификатор — бирор обьектнинг мунтазам рўйхати, бу уларнинг ҳар бирига ўз ўрни ва муайян белгисини топишга имкон беради.

Классификация — синфлаш: муайян билим тармоғи ягона тизимида обьектлар синвлари ўртасидаги қонуний алоқани акс

эттирувчи умумий белгиларга боғлиқ ҳолда у ёки бу объектларни синфлар бўйича тақсимлаш.

Ключевое слово — асосий термин: илмий ҳужжат ёки унинг қисми мазмунини энг тўлиқ ўзига хос тарзда тавсифловчи сўз ёки сўз бирикмаси.

Комплекс — мужассама: яхлит бир бутунликни ташкил этувчи нарса, воқеа, ҳодиса ёки хосса уларнинг жамланмаси, бирикмаси.

Конструкция — 1) қандайдир нарса, машина, прибор, иншоот ва ҳоказоларнинг қандай мақсадга мўлжалланганлигини белгиловчи қурилиш, қурилма ва қисмларнинг ўзаро жойлашуви.

Концепция — қарааш: 1) қарашлар тизими, ҳодисалар, жараёнларни бирор тарзда тушунилиши.

Конъюнктура — 1) шароитлар мажмӯи ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, юзага келган вазият, бирор соҳадаги нарсаларнинг мақоми; 2) муайян даврдаги иқтисоднинг жорий аҳволини тавсифловчи белгилар мажмӯи.

Критерий — мезон: 1) бирор нарсани баҳолаш, аниқлаш ёки таснифлаш учун асос бўладиган белги.

Магистр — олий таълим иккинчи академик даражаси, университет ёки унга тенглаштирилган олий ўқув юртини тугатган ва бакалавр даражасига эга шахсларга берилади.

Магистрант — магистрлик даражаси олиш учун имтиҳонларни топширилган, лекин ҳали диссертация ёқламаган шахс.

Машина — энергияни ўзгартириш, шаклни, хоссани, ҳолатни ёки меҳнат қуролининг вазиятини, бошқача қилиш, ахборотни тўплаш, узатиш, саклаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун муайян мақсадга мувофиқ ҳаракатни амалга оширувчи механизмлар мутаносиблиги.

Метод — усул: 1) табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётни тадқиқ этиш ва билиш усули; 2) йўл, усул ёки ҳаракат тарзи.

Методика — бирор ишни мақсадга мувофиқ бажариш усуллари, йўлларининг мажмӯи.

Методология — 1) билишнинг илмий усули ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда қўлланиладиган усуллар мажмӯи.

Механика — моддий жисмларнинг куч таъсири остида фазода жойлашишининг ўзгаришини ва мувозанатини ўрганувчи фан.

Модель — намуна: 1) ялпи ишлаб чиқариш учун бирор буюмнинг намунаси; 2) нарсани кичрайтирилган кўринишдаги тарзи; 3) табиатда ва жамиятдаги бирор ҳодиса ёки жараённинг тасвири ёки тавсифи, тархи.

Моделирование — модельлаштириш: билиш объектини уни моделларида тадқиқ этиш; аниқ мавжуд нарсалар ва ҳодисалар моделини тузиш.

Наблюдение — кузатиш: билиш усули бўлиб, бунда объект унга ҳеч бир аралашимаган ҳолда тадқиқ этилади.

Наука — фан: инсон фаолият соҳаси, унинг функцияси турмуш ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқариш ва назарий жиҳатдан системалашдан иборат.

Нормализация — меъёrlаштириш: 1) меъёр, тарзни белгилаш; 2) меъёрга, меъёрий ҳолатга келтириш.

Обзор — тавсиф: бошланғич манбани таҳлил қилиш натижасида олинган бирор мавзу бўйича системалаштирилган илмий маълумотларни ўз ичига олувчи илмий ҳужжат.

Объект — 1) биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ташқи дунё, у идроклаш субъектнинг амалий таъсир ўтказувчи манба ҳисобланади; 2) бирор фаолият йўналтирилган нарса, ҳодиса.

Объективный — объектив: биздан ва онгамиздан ташқарида мавжуд бўлган ташқи нарса, воқеа – ҳодиса.

Оптимальный — оптимал: энг қулай ва яхши.

Оптимизация — оптималлаштириш: бирор функцияning энг кўп ёки энг кам аҳамиятини топиш ёхуд турли имкониятлар ичидан энг яхшисини ажратиш.

Парадокс — 1) умум қабул қилинган, оқилона фикрга зид фикр, мулоҳаза; 2) одатдаги тасаввурларга мос келмайдиган қутилмаган ҳодиса.

Принцип — тамойил: 1) бирор назария, таълимот ва ҳ. қ.нинг асосий бошланғич ҳолати; йўналтирувчи ғоя, фаолиятнинг асосий ҳодисаси; 2) бирор механизм, прибор ўрнатма ҳаракати, қурилма асоси.

Продукт — маҳсулот: инсон меҳнатининг моддий ёки номоддий натижаси.

Проект — лойиҳа: 1) янги бунёд этилаётган бино, иншоот, машина, прибор ва ҳ.к.ларнинг техникавий ҳужжат тизмалари, ҳисоблари, макетлари; 2) режа, ўйланган фикр.

Процесс — жараён: 1) бирор ҳодисанинг бориши, ривожланиш ҳолати, босқичнинг тадрижий суръатда алмасиниши ва ҳ.к.; 2) бирор натижага эришиш учун қаратилган тадрижий ҳаракатлар мажмӯи.

Публикация — 1) бирор ҳодисанинг бориши, ривожланиш ҳолати, босқичининг тадрижий ўзгариши ва ҳ.к.; 2) қандайдир натижага эришиш учун тадрижий ҳаракатлар йиғиндиси.

Публичный — очик, ошкора.

Рациональный — оқилона: асосланган, мақсадга мувофиқ.

Синтез — онгда бир бутунликда, биргалиқда ва ўзаро алоқадаги қисмлар сифатида мавжуд бўлган бирор нарса, ҳодисани илмий тадқиқ этиш усули; қўшилма, умумлашма.

Система — 1) бир – бирлари билан кўплаб қонуний тарзда боғланган унсурлар (нарсалар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва ҳ.к.); 2) ҳаракатлар қатъий кетма – кетлиги муайян алоқада режа асосида, тўғри жойлашган қисмларнинг шартли тартиби.

Системотехника — мураккаб системаларни таҳлил ва синтез қилиш муаммоларини ўрганувчи илмий – техникавий фан.

Совокупность — мажмуа: қўйилган мақсадни ҳисобга олган ҳолда гурухланган кўплаб унсурлар.

Структура — тузилма: бирор нарсанинг ўзаро жойлашуви ва таркибий қисмларининг боғланиши, қурилиш.

Субъект — 1) ташқи дунё (объект)ни идрок этаётган ва ўз амалий фаолияти мобайнида унга таъсир ўтказадиган инсон; 2) хукуқ ва мажбуриятларни зиммасига олувчи (жисмоний ёки юридик шахс).

Субъективный — субъектив: 1) муайян шахс, субъектга хос хусусият, шахсий; 2) бир ёқлама, объективликдан холи; иштиёқий, атайин.

Схема — чизик: 1) система, қурилма ёки ўзаро жойлашув, бирор нарсанинг қисмлари боғлиқлигини ифодаловчи чизма; 2) умумий, асосий тарзда тасвирлаш ёки тавсифлаш; хомаки нусха, режа, белгилаш; 3) бирор нарсанинг мавхум соддалаштирилган тавсифи, умумий тайёр тенглама.

Тавтология — сафсата: айни бир нарсани бошқа сўзлар билан такрорлаш.

Таксономия — одатда иерархик тузилишга эга бўлган мавжудликнинг мураккаб ташкил этилган соҳасини таснифлаш ва системалаштириш назарияси.

Тезис — доклад, маъруза, хабар ва ҳ.к.ларни қисқача ифодаланган асосий қоидалари.

Тема — мавзу: баён, тасвир, тадқиқот, муҳокама предмети.

Тематика — мавзулар мажмӯи, доираси.

Тенденция — 1) қарашлар ёки амалиётдаги йўналиш; 2) бирор ҳодиса ривожи такомиллашадиган йўналиш.

Теория — назария: 1) табиат ва жамият ривожининг объектив қонуниятларини ифодаловчи ижтимоий амалиёт, тажрибани умумлаштириш; 2) бирор фан ёки унинг қисми умумлаштирилган қоидаларининг мажмӯи.

Термин — атама: фан, техника, санъатда қўлланадиган муайян тушунчани аниқ ифодалайдиган сўз ёки сўзлар бирикмаси.

Терминология — атамашунослик: фан, техника, санъат ва ҳ.к.ларнинг бирор соҳасида қўлланадиган атамалар мажмӯи.

Тест — 1) ақлий ривожланиш, қобилият, ирода ва инсоннинг бошқа рухий физиологик табиатини белгилаш синов ўтказиладиган топшириқларнинг стандарт шакли; 2) муайян ижтимоий тадқиқотлар учун фойдаланиладиган сўровнома.

Технология — 1) ишлаб чиқариш жараёнида хом ашё, материал ёки ярим фабрикатлар ҳолати, хоссаси шаклини ўзгартириш, уларга ишлов бериш, тайёрлаш усулларининг мажмӯи; 2) хом ашёлар, материаллар ёки яримфабрикатларга тегишли ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида таъсир этиш усуллари ҳақидаги фан.

Тип — тур: нарсалар гурухи учун намуна, модел, ниманидир шакли.

Типизация — турлаш: қатор буюмлар ёки техник тавсифдаги жараёnlар учун умумийлик асосида намунавий конструкциялар ёки ишлаб чиқариш жараёnlарини танлаш ёки ишлаб чиқиш.

Трактат — нарсага ёндошишликни белгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мулоҳаза шаклидаги илмий иш.

Унификация — уйғуллаштириш: бирор нарсани ягона система, шакл, бир тоифаликка келтириш.

Факт — 1) ҳақиқатда мавжуд, ўйлаб топилмаган воқеа, ҳодиса; бирор таҳминни текширишдан иборат қандайдир ху-лоса, мулоҳаза учун хизмат қилувчи қатъи белгиланган билим, тажрибадаги маълумот; 2) объектив мавжуд бўлган ҳақиқат, аниқлик.

Фактор — омил: ҳаракатлантирувчи куч, бирор жараён, ҳодисанинг сабаби; бирор ҳодиса, жараёндаги ўзига хос вазият.

Формула — барча хусусий ҳоллар учун муайян шароитларда илова қилинувчи бирор қоида, муносабат, қонун ва ҳ.к.ларни аниқ умумий белгилаш.

Формулировать — ифодалаш: бирор фикр, қарорни қисқа ва аниқ баён этиш.

Фундаментальный — негиз: чуқур, асосланган.

Характеристика — тавсиф: кимнингдир, ниманингдир ўзига хос хусусият, сифат, жиҳатларини ифодалаш, белгилаш.

Эвристика — 1) йўналтирувчи саволлар ёрдамида таълим бериш тизими; 2) назарий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва услубий қоидаларининг мажмӯи ва ҳақиқатни излаш.

Экзамен — имтиҳон: билим, ўкув, куч ва ҳ.к.ларни текшириш.

Эксперимент — тажриба: илмий асосдаги тажриба, аниқ белгиланган шароитларда тадқиқ этилаётган ҳодисани кузатиш, ҳодисанинг боришини кузатиш ва уни мазкур шароитларни такрорлаган ҳолда кўп марта қайта ўтказиш имконияти.

Экспертиза — асосланган хulosса берган ҳолда маҳсус билимни талаб этувчи бирор масалани тадқиқ этиш.

Экстраполяция — ҳодисанинг бир қисмида кузатиш туфайли олинган хulosани бошқа қисмига тадбиқ этишдан иборат илмий тадқиқот усули.

Элемент — унсур: бирор нарсанинг таркибий қисми.

Эмпирический — эмпирик: тажрибага асосланган.

Энциклопедия — қомус: барча фанлар ёки фанларнинг айrim тармоқлари бўйича билимлар мажмӯини ўз ичига олувчи илмий маълумотнома тарзидаги нашр.

Эрудиция — иқтидор: бирор фаннинг муайян соҳасидаги ёки кўплаб соҳалардаги чуқур билим; иқтидорлилик.

Эффект — самара: ҳаракат, бирор нарсанинг натижаси.

2-и лова.

$\varphi \in \frac{1}{\sqrt{2\Pi}} \cdot e^{\frac{-t^2}{2}}$ - функция қийматлари жадвали.

2.1 – жадвал

$$\Phi \left(\frac{t}{\sqrt{2\pi}} \right) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_0^t e^{-\frac{t^2}{2}} dt \quad - \text{ функция қийматлари жадвали (Лаплас функцияси).}$$

2.2- жадвал

t	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0,0	0,00000	00399	00798	01197	01595	01994	02392	02790	03188	03586
0,1	03983	04380	04776	05172	05567	05962	06356	06749	07142	07535
0,2	07926	08317	08706	09095	09483	09871	102.57	10642	11026	11409
0,3	11791	12172	12552	12930	13307	13683	14058	14431	14803	15173
0,4	15542	15910	16276	16640	17003	17364	17724	18082	18439	18793
0,5	0,19146	19497	19847	20194	20540	20884	21226	21566	21904	22240
0,6	22575	22907	23237	23865	23891	24215	24537	24857	25175	25490
0,7	25804	26115	26424	26730	27035	27337	27637	27935	28230	28524
0,8	28814	29103	29389	29673	29055	30234	30511	30785	31057	31327
0,9	31594	31859	32121	32381	32639	32894	33147	33398	33646	33891
1,0	0,34134	34375	34614	:34850	35083	35314	35543	35769	35993	36214
1,1	36433	36650	36864	37076	372P6	37493	37698	37800	38100	38298
1,2	38493	38696	38877	39065	39251	39435	39617	39796	39973	40147
1,3	40320	40490	40658	40824	40988	41149	11309	41466	41621	41774
1,4	41927	42073	42220	42364	42507	42647	42786	42922	43056	43189
1,5	0,43319	43448	43574	43699	43822	43943	44062	44179	44295	41108
1,6	44520	44630	44738	44845	44950	45053	45154	45254	45352	45449
1,7	45543	45637	45728	45818	45907	45994	46080	46164	46246	46327
1,8	46407	46485	46562	46638	46712	46784	46856	46926	46995	47062
1,9	47128	47193	47257	47320	47381	47441	47500	47558	47615	47670
2,0	0,47725	47778	47831	47882	47932	47982	48030	48077	48124	48169
2,1	48214	48257	48300	48341	48382	48422	48461	48500	48537	48574
2,2	48610	48645	48679	48713	48745	48778	48809	48840	48870	48899
2,3	48928	48956	48983	49010	49036	49061	49086	49111	49134	49158
2,4	49180	49202	49224	49245	49266	49286	49305	49324	49343	49361
2,5	0,49379	49396	49413	49430	49446	49461	49477	49492	49506	49520
2,6	49534	49547	49560	49573	49585	49598	49609	49621	49632	49643
2,7	49653	49664	49674	49688	49693	49702	49711	49720	49728	49736
2,8	49744	49752	49760	49767	49774	49781	49788	49795	49801	49807
2,9	49813	49819	49825	49831	49837	49841	49846	49851	49856	49861
3,0	0,49865	3,3	0,49952	3,6	0,49984	3,9	0,49995	5,0	0,499999997	
3,1	49903	3,4	49966	3,7	49989	4,0	499968			
3,2	49931	3,5	49977	3,8	49993	4,5	499997	∞	0,500000	

$P_m = \frac{\lambda^m}{m!} e^{-\lambda}$ - қийматлари (Пуассон тақсимланиши).

2.3- жадвал

$\sum_{k=0}^m \frac{\lambda^k e^{-\lambda}}{k!}$ - функция қийматлари жадвали (Пуассон тақсимоти).

2.4- жадвал

Фишер – Снедекор тақсимотининг критик нуқталари жадвали.

2.5- жадвал

№ т/p	k – катта дисперсиялар учун эркинлик даражаси											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	161	200	216	225	230	234	237	239	241	242	243	244
	4052	4999	5403	5625	5764	5889	5928	5981	6022	6056	6082	6106
2	18,51	19,00	19,16	19,25	19,30	19,33	19,36	19,37	19,38	19,39	19,40	19,41
	98,49	99,01	99,17	99,25	99,30	99,33	99,34	99,36	99,38	99,40	99,41	99,42
3	10,13	9,55	9,28	9,12	9,01	8,94	8,88	8,84	8,81	8,78	8,76	8,74
	34,12	30,81	29,46	28,71	28,24	27,91	27,67	27,49	27,34	27,23	27,13	27,05
4	7,71	6,94	6,59	6,39	6,26	6,16	6,09	6,04	6,00	5,96	5,93	5,91
	21,20	18,00	16,69	15,98	15,52	15,21	14,98	14,80	14,66	14,54	14,45	14,37
5	6,61	5,79	5,41	5,19	5,05	4,95	4,88	4,82	4,78	4,74	4,70	4,68
	16,26	13,27	12,06	11,39	10,97	10,67	10,45	10,27	10,15	10,05	9,96	9,89
6	5,99	5,14	4,76	4,53	4,39	4,28	4,21	4,15	4,10	4,06	4,03	4,00
	13,74	10,92	9,78	9,15	8,75	8,47	8,26	8,10	7,98	7,87	7,79	7,72
7	5,59	4,74	4,35	4,12	3,97	3,87	3,79	3,73	3,68	3,63	3,60	3,57
	12,25	9,55	8,45	7,85	7,46	7,19	7,00	6,84	6,71	6,62	6,54	6,47
8	5,32	4,46	4,07	3,84	3,69	3,58	3,50	3,44	3,39	3,34	3,31	3,28
	11,26	8,65	7,59	7,01	6,63	6,37	6,19	6,03	5,91	5,82	5,74	5,67
9	5,12	4,26	3,86	3,63	3,48	3,37	3,29	3,23	3,18	3,13	3,10	3,07
	10,56	8,02	6,99	6,42	6,06	5,80	5,62	5,47	5,35	5,26	5,18	5,11
10	4,96	4,10	3,71	3,48	3,33	3,22	3,14	3,07	3,02	2,97	2,94	2,91
	10,04	7,56	6,55	5,99	5,64	5,39	5,21	5,06	4,95	4,85	4,78	4,71
11	4,84	3,98	3,59	3,36	3,20	3,09	3,01	2,95	2,90	2,86	2,82	2,79
	9,85	7,20	6,22	5,67	5,32	5,07	4,88	4,74	4,63	4,54	4,46	4,40

2.5- жадвал давоми

k _z – кичик дисперсиялар учун	№ t/p	k – катта дисперсиялар учун эркинлик даражаси											
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
12	4,75	3,88	3,49	3,26	3,11	3,00	2,92	2,85	2,80	2,76	2,72	2,69	
	9,33	6,93	5,95	5,41	5,06	4,82	4,65	4,50	4,39	4,30	4,22	4,16	
13	4,67	3,80	3,41	3,18	3,02	2,92	2,84	2,77	2,72	2,67	2,63	2,60	
	9,07	6,70	,1,74	5,20	4,86	4,62	4,44	4,30	4,19	4,10	4,02	3,96	
14	4,60	3,74	3,34	3,11	2,96	2,81	2,77	2,70	2,65	2,60	2,56	2,53	
	8,86	6,51	5,56	5,03	4,69	4,46	4,28	4,14	4,03	3,94	3,86	3,80	
15	4,54	3,68	3,29	3,06	2,90	2,79	2,70	2,64	2,59	2,55	2,51	2,48	
	8,68	6,36	5,4;2	4,89	4,56	4,32	4,14	4,00	3,89	3,80	3,73	3,67	
16	4,49	3,63	3,24	3,01	2,85	2,74	2,66	2,59	2,54	2,49	2,45	2,42	
	8,53	6,23	5,29	4,77	4,44	4,20	4,03	3,89	3,78	3,69	3,61	3,55	
17	4,45	3,59	3,20	2,96	2,81	2,70	2,62	2,55	2,50	2,45	2,41	2,38	
	8,40	6,1 I	5,18	4,67	4,34	4,10	3,93	3,79	3,68	3,59	3,52	3,45	

χ^2 - тақсимотнинг критик нуқталари.

2.6- жадвал

Озодлик даражалар сони	Қийматдорлик даражаси					
	0,01	0,025	0,05	0,95	0,975	0,99
1	6,6	5,0	3,8	0,0039	0,00098	0,00016
2	9,2	7,4	6,0	0,103	0,051	0,020
3	11,3	9,4	7,8	0,352	0,216	0,115
4	13,3	11,1	9,5	0,711	0,484	0,297
5	15,1	12,8	11,1	1,15	0,831	0,554
6	16,8	14,4	12,6	1,64	1,24	0,872
7	18,5	16,0	14,1	2,17	1,69	1,24
8	20,1	17,5	15,5	2,73	2,18	1,65
9	21,7	19,0	16,9	3,33	2,70	2,09
10	23,2	20,5	18,3	3,94	3,25	2,56
11	24,7	21,9	19,7	4,57	3,82	3,05
12	26,2	23,3	21,0	5,23	4,40	3,57
13	27,7	24,7	22,4	5,89	5,01	4,11
14	29,1	26,1	23,7	6,57	5,63	4,66
15	30,6	27,5	25,0	7,26	6,26	5,23
16	32,0	28,8	26,3	7,96	6,91	5,81
17	33,4	30,2	27,6	8,67	7,56	6,41
18	34,8	31,5	28,9	9,39	8,23	7,01
19	36,2	32,9	30,1	10,1	8,91	7,63
20	37,6	34,2	31,4	10,9	9,59	8,26
21	38,9	35,5	32,7	11,6	10,3	8,90
22	40,3	36,8	33,9	12,3	11,0	9,54
23	41,6	38,1	35,2	13,1	11,7	10,2
24	43,0	39,4	36,4	13,8	12,4	10,9
25	44,3	40,6	37,7	14,6	13,1	11,5
26	45,6	41,9	38,9	15,4	13,8	12,2
27	47,0	43,2	40,1	16,2	14,6	12,9
28	48,3	44,5	41,3	16,9	15,3	13,6
29	49,6	45,7	42,6	17,7	16,0	14,3
30	50,9	47,0	43,8	18,5	16,8	15,0

$\eta(p) = -\log_2 p$ - функция қийматлари жадвали.

2.7- жадвал

p	$\eta(p)$	Δ	p	$\eta(p)$	Δ
0,00	0,0000	664	0,25	0,5000	53
0,01	0,0664	464	0,26	0,5053	47
0,02	0,1128	390	0,27	0,5100	42
0,03	0,1518	340	0,28	0,5142	37
0,04	0,1858	303	0,29	0,5179	32
0,05	0,2161	274	0,30	0,5211	27
0,06	0,2435	251	0,31	0,5238	22
0,07	0,2686	229	0,32	0,5260	18
0,08	0,2915	211	0,33	0,5278	14
0,09	0,3126	196	0,34	0,5292	9
0,10	0,3322	181	0,35	0,5301	5
0,11	0,3503	168	0,35	0,5306	1
0,12	0,3671	155	0,37	0,5307	-2
0,13	0,3826	145	0,38	0,5305	-7
0,14	0,3971	134	0,39	0,5298	-10
0,15	0,4105	125	0,40	0,5288	-14
0,16	0,4230	116	0,41	0,5274	-i8
0,17	0,4346	107	0,42	0,5256	-20
0,18	0,4453	99	0,43	0,5236	-24
0,19	0,4552	92	0,44	0,5210	-26
0,20	0,4644	84	0,45	0,5184	-29
0,21	0,4728	78	0,46	0,5153	-33
0,22	0,4806	71	0,47	0,5120	-37
0,23	0,4877	67	0,48	0,5083	-40
0,24	0,4941	59	0,49	0,5043	-43
0,50	0,5000	-46	0,75	0,3113	-104
0,51	0,4954	-48	0,76	0,3009	-106
0,52	0,4906	-52	0,77	0,2903	-107
0,53	0,4854	-54	0,78	0,2796	-109
0,54	0,4800	-56	0,79	0,2687	-112
0,55	0,4744	-59	0,80	0,2575	-113
0,56	0,4685	-62	0,81	0,2462	-114
0,57	0,4623	-65	0,82	0,2348	-117
0,58	0,4558	-67	0,83	0,2231	-119
0,59	0,4491	-69	0,84	0,2112	-120
0,60	0,4422	-72	0,85	0,1992	-121
0,61	0,4350	-74	0,86	0,1871	-123
0,62	0,4276	-77	0,87	0,1748	-125
0,63	0,4199	-78	0,88	0,1623	-127
0,64	0,4121	-81	0,89	0,1496	-128
0,65	0,4040	-83	0,90	0,1368	-130
0,66	0,3957	-86	0,91	0,1238	-131
0,67	0,3871	-87	0,92	0,1107	-133
0,68	0,3784	-90	0,93	0,0974	-135
0,69	0,3694	-92	0,94	0,0839	-136
0,70	0,3602	-94	0,95	0,0703	-138
0,71	0,3508	-96	0,96	0,0565	-139

2.7- жадвал давоми

p	$\eta(p)$	Δ	p	$\eta(p)$	Δ
0,72	0,3412	-98	0,97	0,0426	-140
0,73	0,3314	-99	0,98	0,0286	-142
0,74	0,3215	-102	0,99	0,0144	-144
			1,00	0,0000	

Кишлоқ хұжалиги электр электр таъминоти тизим асосий элементлари ишончлилиги күрсаткичлари (λ -иішдан чиқиши интенсивлиги; $T_{\text{ұр.вақт}}$ – қайта тикланиш ўртаса вақти; $\tau_{\text{р.т.}}$ -ускунани режали таъмирланишда бўлиш ўртаса вақти.

2.8- жадвал

Тармоқ элементлари ва кучланиши	λ , 1/йил	$T_{\text{ұр.вақт}},$ соат	$\tau_{\text{р.т.}}$, соат/йил
Трансформаторлар	0,0015-0,02	60	15
	6-10 кВ	0,001-0,02	20
	35 кВ	0,005-0,03	25
	110 кВ	0,0004-0,005	18
Мойли ўчиригичлар (кичик хажмли)	10 кВ	0,015-0,002	10
	» 35 кВ	0,001-0,02	20
	» 35 кВ	0,0016-0,018	20
	» 110 кВ	$\frac{1 \div 2,5}{8 \div 9}$	80
Хаво линияси 35 кВ 100 км	$\frac{0,5 \div 0,7}{5 \div 7}$	10	120
Хаво линияси 110 кВ »	$\frac{0,5 \div 0,7}{5 \div 7}$	15	10
Ажратгичлар	0,0001-0,015	15	10
Қисқа туташгичлар	0,01-0,04	15	10
Айиргичлар	0,02-0,04	15	10
Шиналар	6-10 кВ	0,01-0,06	4
	» 35 кВ	0,001-0,05	4
	» 110 кВ	0,01-0,1	3
Паст кучланишли электр двигателлар	0,005-0,2	20-100	1-5

Айрим, паст кучланишли электр ускуналарнинг ишдан чиқиш интенсивлиги

2.9- жадвал

Элементларнинг номланиши	Ишдан чиқиш интенсивлиги λ , 1/йил	
	Үзгариш оралиғи	Ўртаса қиймат
Ўзгармас ток электродвигателлари	0,082-0,009	0,046
Эрувчан сақлагачлар	0,007-0,0026	0,004
Чўғланма лампалар	0,08-0,045	0,07
Электр қизитиш элементлари		0,067
Электр ҳисоблагачлар	0,05-0,018	0,012
Электр юритмали насослар	0,24-0,019	0,076
Электр ўлчаш асбоблари	0,05-0,00004	0,0003
Ўзгармас ток генераторлари	0,165-0,096	0,13

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пасечник Н.Н. Патентоведение. Москва 1984.
2. Адлер Ю.П. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. Москва 1976 г.
3. Синьков В.П. Статистические задачи сельской электрификации. Москва 1978 г.
4. Аъзимов Р.К., Хужаев С.С. Техник қурилмаларнинг яратилиш услублари. Тошкент 1994 й.
5. А.Джумахужаев. Патентшунослик. Тошкент. 2001 й. 383.6. Сиденко В. М., Грушко И. М. Основы научных исследований.-Харьков, 1977.
6. Добров Г. М., Коренной А. А. Наука: информация и управление. — М.: «Сов. радио», 1977.
7. Закин Я. Х., Рашидов Н. Р. Основы научного исследования. - Ташкент, «Уқитувчи», 1981.
8. Математическая теория планирования эксперимента. Под ред. С. М. Ермакова. — М.: Наука, 1983.
9. Налимов В. В. Теория эксперимента. — М.: Наука, 1971.
10. Математические методы планирования эксперимента. Под ред. В. В. Пененко.— Новосибирск: Наука, 1981.
11. Маркинт Н. С. Основы теории обработки результатов эксперимента.— М.: Изд. стандартов, 1991.
12. Петров А. В. Вычислительная техника в инженерных и экономических расчетах.— М.: Высшая школа, 1975.
13. Гутер Р. С., Овчинский Б. В. Элементы численного анализа и математической обработки результатов опыта.— М.: Наука, 1970.
14. Пугачев В. С. Теория вероятностей и математическая статистика. — М.: Наука, 1979.
15. Смирнов Н. В., Дунин-Барковский И. В. Курс теории вероятностей и математической статистики для технических приложений.— М.: Наука, 1969.
16. Вентцель Е. С. Теория вероятностей. — М.: Наука, 1964.
17. Электрические измерения неэлектрических величин. Под ред. П. В. Новицкого. — Л.: Энергия, 1975.
18. Попов В. С. Электрические измерения. — М.: Энергая, 1974.
19. Тюрин Н. И. Введение в метрологию. —М.: Изд. стандартов, 1973.
20. Румшинский Л. З. Математическая обработка результатов эксперимента. — М.: Наука, 1971.
21. Швырев В. С. Научное познание как деятельность. —М.: 1984.
22. Рузавин Г. И. Методология научного исследования. —М.: ЮНИТИ, 1999. Компьютеры, модели, вычислительный эксперимент. Под ред. А. А. Самарского. — М.: Наука, 1988.
23. Хеерман Д. В. Методы компьютерного эксперимента в теоретической физике. — М.: Наука, 1990.
24. Самарский А. А. Что такое вычислительный эксперимент? Что такое прикладная математика? — М.: Знание, 1980.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
1. Фан хақида түшүнчөттөрдөн түрган үрни.....	5
2. Илмий тадқиқот турлари ва уни олиб боришни асосий усуллари.....	9
2.1. Илмий тадқиқотларни (класификацияланиши) турлари, структураси ва босқичлари.....	9
2.2. Илмий техник муаммо (масала). Уни аниқлаш, ўрганиш ва ечими бўйича илмий гипотезани шакллантириш.....	14
2.3. Илмий тадқиқотлар олиб боришни асосий усуллари.....	19
2.4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни электрлаштиришга оид илмий тадқиқотларга мисоллар.....	24
3. Илмий тадқиқот ишларидаги моделлаштириш.....	27
3.1. Математик моделлаштириш.....	27
3.1.1. Математик моделлаштириш вазифалари ва унга қўйилган талаблар.....	27
3.1.2. Математик моделлар таснифи, турлари ва шакллари.....	31
3.1.3. Математик моделларни ишлаб чиқиш усуллари.....	33
3.2. Физик моделлар ва асосий қўрсаткичлари.....	34
4. Илмий тадқиқотларда статистик усулар.....	36
4.1 Эҳтимоллар назарияси хақида умумий түшүнчалар.....	37
4.1.1. Умумий маълумотлар.....	37
4.1.2. Тасодифий воқейликлар ва эҳтимоллиги.....	37
4.1.3. Эҳтимолликларни қўйиш ва кўпайтириш теоремаси.....	40
4.2. Илмий тадқиқотларда статистик ёндашув.....	52
4.3 Тасодифий катталиклар, уларни тақсимланиши ва миқдорий характеристикалари.....	54
5. Илмий тадқиқотларда ўлчов техникаси.....	74
5.1. Ўлчаш, ўзгарувчанлар ва ўлчанадиган катталиклар.....	74
5.2. Ноэлектрик катталикларни ўлчаш приборлари ва қурилмалари.....	76
5.2.1. Ўлчаш аппаратларининг умумий характеристикалари.....	76
5.2.2. Датчиклар ва ўзгартиргичлар.....	79
5.2.3. Қайд қилувчи аппаратуралар.....	86
5.3. Ўлчашлар аниқлиги.....	90
6. Назарий тадқиқотлар олиб бориш методологияси.....	94
6.1. Тадқиқот обьектлари математик моделлари.....	94
6.2. Системавий тадқиқ этиш усуллари.....	96
6.3 Назарий тадқиқотлар олиб боришда қўлланиладиган қонунлар ва назариялар тўғрисида умумий маълумотлар.....	98
7. Экспериментал тадқиқотларни режалаштириш, ўтказиш ва натижалари тахлили.....	110
7.1. Экспериментал тадқиқотлар турлари ва уларни босқичлари.....	110
7.2. Экспериментни режалаштириш ва факторлар тенгламаси.....	111
7.2.1. Техникавий обьектнинг кибернетик модели.....	111

7.2.2. Эксприментни режалаштириш, режа-программасини ишлаб чиқиши.....	113
7.2.3. Эксприментни режалаштиришда факторлар тенгламалари.....	117
7.3. Экспериментни ўтказиши.....	123
7.4. Экспримент натижаларига ишлов бериш усуллари.....	123
7.4.1. Натижаларини график тасвирлаш усуллари.....	123
7.4.2. Эмпирик формулаларни танлаш усули.....	125
7.4.3. Назарий-экспериментал тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, хулоса ва таклифларни формулалаштириш.....	126
7.5. Ҳисоблаш эксперименти.....	127
8. Илмий техник ва патент материалларидан фойдаланиш, ихтиро ва фойдали моделга буюртма расмийлаштириш.....	130
8.1. Ихтиронинг патентбоплик шартлари, обьекти ва талабнома.....	131
8.2. Ихтиронинг баёни ва ихтирони бажаришни таъминлайдиган маълумотлар.....	134
8.3. Ихтиро формуласи, унинг мақсади ва график қисми.....	136
9. Илмий тадқиқот натижаларни расмийлаштириш	138
9.1. Илмий тадқиқот натижаси хақида маълумотлар турлар.....	138
9.2. Илмий реферат ва ҳисботларнинг структураси, мазмунлари ва тили.....	139
9.3. Илмий тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисботларни расмийлаштириш.....	142
9.4. Илмий материалларни нашрга тайёрлаш.....	145
10. Илмий тадқиқотларнинг жорий этилиши ва самараси	147
10.1. Илмий – тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш, улар самарадорлик мезонлари.....	147
10.2. Илмий тадқиқотлар иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.....	148
11. Амалий машғулотлар бўйича мисол ва масалалар.....	150
Иловалар:	174
1 илова. Фан ва техника соҳасида фаолият юритишида кўп учрайдиган терминлар қисқача лугати.....	174
2 илова.	180
Фойдаланилган адабиётлар.....	190

АБДУРАХМАН РАДЖАБОВ

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ АСОСЛАРИ”

Мұхаррір
Мусақхих

Босишга рухсат этилди _____ 2010 йил. Қоғоз ўлчами _____
Хажми _____ б.т., _____ нұсха. Буюртма №_____

ТошДАУ таҳририят нашриёт бўлимининг **РИЗОГРАФ** аппаратида чоп этилди.